

**ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР**  
**ТАНЛАНГАН АСАРЛАР**

# ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР

---



ҚИРОЛ ЛИР  
ЮЛИЙ ЦЕЗАРЬ  
ҚИЙИҚ ҚИЗНИНГ ҚУЙИЛИШИ

# ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР

---

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

Беш жилдик

*Иккинчи жилд*

Тошкент

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти  
1981

И(Анг)  
Ш 42

Таҳрир ҳайъати:

САРВАР АЗИМОВ, КОМИЛ ЯШИН, ВОҲИД ЗОҲИДОВ, УЯҒУН,  
ҲАМИД ҒУЛОМ, АСҚАД МУХТОР, ТУРОБ ТҶУЛА

Тўпловчи ЖАМОЛ КАМОЛ

Рассом И. КИРИАКИДИ

Ш  $\frac{70404-160}{M352 (04)-81}$  14-81 4703000000



---

## ҚИРОЛ ЛИР

ҒАФУР ҒУЛОМ  
ТАРЖИМАСИ



## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

- Лир — Британия қироли.  
 Француз қироли.  
 Бургунд герцоги.  
 Корнуэль герцоги.  
 Альбан герцоги.  
 Граф Кент.  
 Граф Глостер.  
 Эдгар — Глостернинг ўғли.  
 Эдмунд — Глостернинг никоҳсиз хотинидан бўлган ўғли.  
 Куран — сарой аъёнларидан бири.  
 Кекса — Глостер хизматидаги ижарачи.  
 Табиб.  
 Сарой масхарабози.  
 Освальд — Гонерильянинг саройида эшик оғаси.  
 Эдмунд қўл остидаги бир офицер.  
 Корделия атрофидаги аъёнлардан бир оқсуяк.  
 Худайчи.  
 Корнуэль герцогининг хизматкорлари..  
 Гонерилья — } Лирнинг қизлари..  
 Регана — }  
 Корделия — }  
 Лир аъёнларидан рицарлар, лашкарбошилар, чопарлар,  
 ҳарбийлар, сарой кишилари, хизматкорлар.

## I ПАРДА

### БИРИНЧИ САХНА

*Қирол Лирнинг саройида тахт заль.*

Кент, Глостер, Эдмунд кириб келади.

Кент

Менга аввал шундай туюлган эдики, қирол герцог Корнуэлга қараганда, герцог Альбанига кўпроқ майл кўрсатмоқда деб.

Глостер

Ҳаммамизга ҳам шундай туюлган эди. Аммо энди, қироллик тақсим қилинар чоғда, қирол бу икки герцогдан қайси бирини ортиқ кўрганини аниқлаш мумкин бўлмай қолди. Уртадаги текисликка шунчалик риоя қилинганки, ҳар иккови ҳам бундан ўбдонроқ бўлакни танлаб ололмас эди.

Кент

Бу сизнинг ўғлингизми, жаноб?

Глостер

Мен бунинг тарбиясини ўз усгимга олганман, жаноб. Менга шу тўғрида гапиравериб кўп қизаришга тўғри келган, аммо энди чиниқиб кетдим.

Кент

Сўзларингизни тушуна олмадим.



## Г л о с т е р

Боки йўқ, аммо бунинг онаси менга жуда яхши тушунар эди: шу тушуниши сабабидан ҳам унинг қорни дўмпайиб қолди. Демак, у ўз ётоғида эрга эга бўлишдан илгари, бешикда ўғилга эга бўлиб қолди. Бу ҳодисада андаккина гуноҳнинг ҳиди бурқсиганин сезгандирсиз?

## К е н т

Модомики ўртада шундай жонон бир мева пайдо бўлган экан, ўша гуноҳ содир бўлгани учун қитти қайғирмайман.

## Г л о с т е р

Аммо менинг бундан бир ёш катта бошқа ўғлим ҳам бор, у тамоман қонуний, лекин унинг қонунийлиги кўз ўнгимда бўлган қадрий бунга нисбатан баландроқ қилмайди. Гарчи бу маккор ёруғ дунёга ҳали чақирилмасдан бурун, бир оз беадаблик билан шошилиб келган бўлса ҳам, онагинаси гўзал нарса эди. Биз бунни каттакон ҳузур-ҳаловатлар билан тайёр қилганмиз: шунинг учун ҳам бу қасангини ўғлим деб иқрор қилишга мажбурман. Эдмунд! Сен бу олижаноб арбобнинг ким эканликларини биласанми?

## Э д м у н д

Йўқ, жаноб.

## Г л о с т е р

Бу киши — лорд Кент, ёдингда тут, бу киши менинг энг қадрли дўстим бўлади.

## Э д м у н д

Мен жаноб олийларнинг хизматларига доим тайёрман.

## К е н т

Мен сизни бора-бора севиб қолишимга ишонаман. Шунинг учун сизни яқинроқ таниб олишни истар эдим.

## Эдмунд

Жаноб, мен муҳаббатингизга сазовор бўлиш учун тиришаман.

## Глостер

Бу чет элларда тўққиз йил юриб келди, яқинда яна жўнайди. Қирол шу томонга келмоқда.

## Фанфарлар

Лир, Корнуэль, Альбани, Гонерилья, Регана, Корделия ва аъёнлар чиқиб келадилар: уларнинг орқасидан Лирнинг тожини келтирмоқдалар.

## Лир

Француз қироли, Бургунд герцоги,  
Марҳамат қилсинлар, чақир, Глостер.

## Глостер

Хўп, подшоҳим.

Глостер билан Эдмунд чиқиб кетадилар.

## Лир

Ҳалигача яширин тутган андишамизни  
Очмоқчимиз. Қани менга картани беринг!  
Билиб қўйинг: уч тақсимга барабар бўлдик  
Биз ҳукмрон бўлиб турган шу қиролликни,  
Шу қариган елкамиздан давлат ташвишин  
Улоқтириб ташламоққа айладик қарор.  
Улим томон оғир юксиз судралиш учун  
Барчасини ёш кучларга топширмоқчимиз.  
Альбани, сен ўғлимизсан, сен ҳам Корнуэль,  
Бизга бўлган муҳаббатинг ундан кам эмас,  
Биз қизларга бермак бўлган меросимизни  
Шу топдаёқ эълон қилиб қўймоқ истаймиз  
Токи сўнгра бошбоштоқлик бўлиб юрмасин.  
Французлар, бургундларнинг иккита шоҳи,

Бизнинг икки ёш қизимиз севгисин топиб,  
 Меҳмон бўлиб яшамоқда саройимизда,  
 Икки ошиқ жавобимиз кутиб мунтазир.  
 Қани энди айтиб беринг менинг қизларим,—  
 Модомики биз сизларга давлат, еру сув  
 Ҳукмронлик иродасин берар эканмиз,  
 Қай бирингиз бизни ортиқ севасиз, айтинг?  
 Шунга қараб, кимда-кимнинг табиий қадри  
 Юксак бўлса, биз беражак мукофотлар ҳам  
 Шу кишига улгуржироқ — кўпроқ бўлади.  
 Гонерилья, бош қизимиз, сен олдин гапир.

### Гонерилья

Отажоним!

Сизга бўлган муҳаббатимни  
 Қандай қалиб айтиш мумкин оддий сўз билан,  
 Кўзда нуру олган нафас, озодлигимдан  
 Ниманки қиймат, ноёб ва гўзал бўлса  
 Хаёт, соғлақ, ҳусну номус барчасидан ҳам  
 Бир қиз киши ўз отасин севолганича,  
 Бир севгики айтмоқ учун сўз етишмайди,  
 Барчасидан юксак қўйиб сизни севаман.

### Корделия

(бир чеккага)

Бундан ортиқ қандай қилиб изҳор қиламан?  
 Сўзлар билан айтиш қийин муҳаббатимни.

### Лир

(Гонерильяга)

Шу ўлкани, бу қирғоқдан у қирғоққача  
 Соя-салқин ўрмонлари, ерлари билан  
 Жўшқин дарё, алвон-алвон қирлари билан  
 Бутунича, бир умрга сенга топширдим.

Бўгин-бўгин авлодларинг яйраб-яшнасин,  
 Қани энди ўртанчи қиз, тантиқ Регана  
 Бизга айтар гапларингни айт-чи, тинглаймиз.

### Регана

Опам билан икковимиз бир металлданмиз,  
 Қимматимиз баб-баравар. Дил сўзин айтсам,  
 Опам айтди сизга бўлган муҳаббатимни.  
 Мен ҳам унинг сўзларига бир оз қўшаман:  
 Менинг ҳиссим орзу қилса эҳтимол бўлган  
 Барча шодлик менинг учун тамом бегона.  
 Сизга бўлган муҳаббатим қалбимга роҳат,  
 Мана сўзим, шаҳаншоҳим!

### Корделия

(бир чеккага)

Вой мен бечора!  
 Йўғ-э, нега мен бечора бўлар эканман;  
 Муҳаббатим айтадиган сўзимдан устин.

### Лир

(Реганага)

Сенга, сенинг авлодинга умрбод мерос  
 Мамлакатнинг учдан бирин тортиқ қиламиз.  
 Сенга теккан бу ҳиссанинг уфқи кенглиги,  
 Гузаллиги ва қиммати зарра кам эмас  
 Гонерильянинг ҳиссасига теккан бўлақдан.

(Корделияга қараб)

Қани сен-чи, қувончимиз, кенжатоғимиз  
 Катталардан кам бўлмаган овунчоғимиз,  
 Бургундларнинг қаймоғи-ю, фаранг шароби  
 Ўртасида ишқ можаро бонси бўлган  
 Қалб эгаси, қани айт-чи, сен нима дейсан?

Опаларинг ҳиссасидан ошиб тушарли,  
Қандай сўзинг бор?

Корделия  
Ҳеч қандай, шоҳим!

Лир  
Ҳеч қандай.

Корделия  
Ҳеч қандай.

Лир  
Ҳеч қандайдан, ҳеч қандайин нарса чиқмайди.  
Яхши ўйлаб, сўнгра гапир.

Корделия  
Афсус кучсизман,  
Юрагимни тил учига қўя олмайман...  
Сизга менинг жуда қаттиқ муҳаббатим бор,  
Бу муҳаббат фарзандлигим бурчидир, холос.  
Ана шундан ё зиёда ва ё кам эмас.

Лир  
Нима?! Нима! Корделия! Жавобинг тузат,  
Йўқса бутун тақдирингни бузиб қўясан.

Корделия  
Шаҳаншоҳим,  
Менга ҳаёт берган ўзингиз,  
Боқиб-кўриб, эркалаган, севган ўзингиз.  
Мен буларнинг барчаси-чун сизга миннатдор,  
Ҳурмат қилиш, жондан севиш менинг вазифам.  
Опаларим нима учун эрга тегади,

Модомики сизни шунча яхши кўраркан?  
 Ахир, мен ҳам бирор эрга тегмақчи бўлсам,  
 Ўз ишқимдан, шафқатимдан анча қисмини  
 Уша ҳаёт йўлдошимга бағишлашим шарт.  
 Мен, ҳойнаҳой опаларим сингарин фақат  
 Сизнигина севиб туриб, эрга чиқмайман.

Л и р

Шу сўзларни чин қалбингдан айтмоқдамисан?

Корделия

Чин қалбимдан, шаҳаншоҳим.

Л и р

Шунчалик ёш-ку,

Қалби шунча қотиб кетган.

Корделия

Ёшликка ёшдир,  
 Аммо қалби ҳаққонийлик билан лиммо-лим.

Л и р

Шундай бўлса бўла қолсин; нима қиларди,  
 Ҳаққонийлик сенга сеп ҳам, бисот ҳам бўлсин.  
 Онг ичаман офтобнинг эзгу нурига,  
 Қасам бўлсин ой шуъласи Гекат Маъбудга  
 Ойдин кеча сирларига ва кўкда кезиб  
 Бизнинг ҳаёт-мамотимиз тақдирин ешган  
 Машъал каби порлаб турган сайёраларга:  
 Оталикнинг бор меҳридан инкор қиламан,  
 Бундан кейин ишқим, сен ҳам менга бегона —  
 Бир умрга бегонасан! Ваҳший скифлар  
 Ё бўлмаса очлигига таскин бериш-чун  
 Ўз боласин ғажиб еган бошқа қабила

Менга қанча меҳрибону ва яқин бўлса,  
 Сен ҳам шундай менга яқин ва меҳрибонсан,  
 Қачонлардир менинг қизим аталгувчи шахс.

### К е н т

Подшоҳим!

### Л и р

Бир оғиз сўз айта кўрма, Кент!  
 Аждар билан газабининг оралиғига  
 Қира кўрма, йўқол ҳозир!

Уни ҳаммадан

Ортиқ кўриб севар эдим, унинг меҳрига  
 Такия қилиш менга ҳордиқ берар деярдим.  
 Жўна, йўқол! Қора гўрда насиб бўлажак  
 Истироҳат ҳурматига қасам ичаман:  
 Мен бу қизни юрагимдан юлқиб ташлайман.  
 Французлар қиролини тездан чақиринг!  
 Хўш, нимага ағрайганча туриб қолдингиз?  
 Бургундларнинг герцогин ҳам чақиринг бунда.  
 Альбани ҳам Корнуэлнинг герцоглари, сиз  
 Бу учинчи ҳиссани ҳам бўлишиб олинг.  
 Ва бу қизнинг куёви-чи, мерос ўрнига  
 Қизнинг ўзи ҳаққоният деб атаб юрган  
 Гурурини топиб олсин, хўжайин бўлсин.  
 Иккингиизга топшираман ҳокимиятни,  
 Барча ҳуқуқ, шаҳаншоҳлик устунлигимни.  
 Менинг билан юзта аъён — рицарь қолади.  
 Ва уларнинг харажатин сизга юклайман.  
 Шу юз киши ўзим бошлиқ бир ой-бир ойлаб  
 Иккингиизда навбат билан яшаб туради.  
 Мен қироллик унвонини, шараф-шонини  
 Ўзим билан қолдираман, аммо бус-бутун  
 Келимларни, мамлакатнинг идорасини  
 Иккингиизга топшираман, ўғилхонларим;

Ва сўзимнинг тасдиқи-чун бошда тожимни  
Бўлиб олинг, мана.

(Уларга тожини топширади.)

К е н т

Улуғ Лир,

Шу ном оша ҳурматлардим доим қиролни,  
Отам каби севар эдим, соҳибқироним,  
Ҳамма амри-фармонига бош билан тайёр,  
Дуо чоғи шу ном эди тилимда такрор.

Л и р

Камон таранг тортилгандир, ўқидан сақлан!

К е н т

Камалакни майли бўшат, ўз ўқинг билан  
Юрагимни илма-тешиқ қилиб қўя қол.  
Лир тентаклик қилаверса, Кент ўжар бўлар.  
Айт-чи ўзинг, не қилгулик қилмоқчисан, чол?  
Ҳокимият мақтовларга талтаяди деб,  
Вазифалар қўрқиб сўзсиз қолар дейсанми?  
Улуғворлик телбаликдан валақлаганда  
Ҳақиқатни сўйламаклик бизнинг бурчимиз.  
Эсингни йиғ! Тожи-тахтни қўлингдан берма,  
Ғазабингни тизгинлаб ол! Шу жоним кафид,  
Кенжа қизинг сени ҳаддан зиёда севар:  
Тид жимлиги, дил бўшлигин белгиси эмас:  
Қайта, ичи бўш ерларда шовқин кўп бўлур.

Л и р

Ҳаётингни қиммат билсанг, тилингни тий, Кент!

К е н т

Ҳаётимми, бу ҳаётни доим сен учун  
Гаров қилиб қўйилган деб ҳисоблаганман,



Евларингга қарши, сени қўриқлаганда  
Ҳаётимни йўқотишдан ҳеч қўрқмаганман.

Л и р

Кўзимдан йўқол!

К е н т

Кўзингни оч, фақат менга ижозат бер, Лир,  
Ғазабингга нишон бўлай умрим борича.

Л и р

Қасам бўлсин Аполлонга, ишқ тангрисига...

К е н т

Аполлонга мен қасам ичаман, қирол  
Бўлар-бўлмас чорлайверма маъбудларингни.

Л и р

Мушрик югурдак!

*(Қиличини суғуради.)*

А л ь б а н и ва К о р н у э л ь

Тўхтаг, шаҳаншоҳ!

К е н т

Майли, чопа қол.

Беомон дард музди учун, табибингни сўй!  
Бундан кейин, танамда жон, товушим борича  
Сенга, ёмон иш қилиб қўйдинг, деб қичқираман!

Л и р

Сен фитначи, сўзларимга яхши қулоқ сол.  
Менинг айтган сўзларимни тинглаш — вазифанг.

Ваъдамизни бузмоқликка чорлайсан бизни;  
 Бундай аҳвол бу даргоҳда рўй берган эмас.  
 Шаҳаншоҳлик, унинг ҳукми оралигига  
 Суйканчиқлик қилиш билан суқулиб кирдинг:  
 Бу қилиққа чидай олмас завқу рутбамиз.  
 Бу ерда мен қирол! Мана сенга мукофот!  
 Тупроққа хос офатлардан сақланиш учун  
 Тайёргарлик кўришингга беш кун ижозат.  
 Олтинчи кун бўлганида ирганч елкангни  
 Менга қарам ўлкаларга ўгиришинг шарт;  
 Учинчи кун мен қироллик қилган ерларда  
 Қадамингдан из топилса, дарҳол ўласан.  
 Қани жўна! Маъбудларга қасам ичаман,  
 Бу қарорим ғоят қатъий, зарра ўзгармас!

#### К е н т

Хайр, қирол; сен шунақа экансан-а, Лир.  
 Бунда қувғин, у ерда-чи, ҳур — эркин олам.

*(Корделияга)*

Емонликдан омон берсин сенга тангрилар,  
 Фикрларинг барчаси ҳақ, сўзинг рост эди.

*(Регана ва Гонерильяга)*

Тантанаю дабдабалик севги сўзларин  
 Ишлар билан тасдиқлашга ҳаракат қилинг.

*(Герцогларга ва сарой ходимларига қараб)*

Ҳаммангизга хайр энди, сизнинг Кентингиз  
 Кекса умрин яшар бўлди ўзга юртларда!

*(Чиқиб кетади)*

Бурги овози

Глостер, у билан бирга француз қиролни,  
 Бургунд герцоги ва аъёнлар кирадилар.

## Г л о с т е р

Шаҳаншоҳим, қирол билан герцог шу ерда.

## Л и р

Айтар сўзим аввал сизга, Бургунд герцоги.  
Икковингиз, сиз француз қироли билан  
Кенжа қизга уйланишга талашардингиз.  
Қани айтинг; раъйингиздан кечмаслик учун  
Сизга қанча сепу бисот берилиши шарт?

## Б у р г у н д г е р ц о г и

Шаҳаншоҳим,  
Ваъдангиздан ортиқчасини  
Сўрамайман, чунки ундан камин бермайсиз.

## Л и р

Аслзод герцог,  
Қизга қиммат баҳо қўйган эканмиз аввал:  
Энди ўша нархи пасайиб кетди.  
Мана ўзи, шу риёкор вужуд ичидан  
Бирор нима тополсангиз, унинг устига  
Менинг бутун газабимни жамбаст қилсангиз  
Шу йиғиндиқ завқингизга мос кела олса,  
Мана ўзи, бутунлайин сизники бўлсин.

## Б у р г у н д г е р ц о г и

Нима жавоб беришни ҳам билолмай қолдим.

## Л и р

Айб иш қилган ва ҳамманинг кўзидан тушган,  
Бизнинг чексиз қарғишларга гирифтор бўлган,  
Унинг сепи отасидан теккан лаънатлар,  
Ҳаммамизнинг меҳримиздан четга қоқилган  
Ушбу қизни олиш-қўйиш ихтиёрингиз.

## Бургунд герцоги

Шаҳаншоҳим, кечирасиз, шунча шарт билан  
Мен бу қизга уйланишдан бўйин товлайман.

## Лир

Майли, қўйинг. Онт нчаман парвардигорга,  
Мен бу қизнинг бойликларин сападим, холос.

## (Француз қиролига)

Сизга эса улуғ қирол, эп тополмайман.  
Ёмон кўрган кишим билан бирга бўлмоқни.  
Ахир, сиз ҳам шу махлуқдан бошқа бирорта  
Муносиброқ қизгинани яхши кўрасиз.  
Табиат ҳам ўкинади яратиб қўйиб.

## Француз қирол

Бу гапларни эшитишим жуда таажжуб!  
Ҳалигача энг севимли бўлиб келган қиз  
Қариликнинг овунчоғи, мақташга лойиқ,  
Ҳаммадан ҳам яқинроғу, ҳаммадан қиммат,  
Бирданига шундай ёмон қилғилик қилиб,  
Бутун меҳру шафқатлардан ажралиб қолса?  
Сизнинг унга қўйганингиз шунча муҳаббат  
Бирваракай йўққа чиқиб кетгандан кейин  
Гуноҳи ҳам жуда мудҳиш, зўр бўлса керак.  
Аммо қизнинг гуноҳига менинг зеҳнимни  
Ишонтириш учун кучли мўъжиза керак

## Қорделия

Аммо сиздан, подшоҳим, сўрар эдимки,  
Менда йўқдир талёглама сўзларни айтиб  
Бировларни ёлғондакам мақташ санъати.  
Охирида қилган ишим мос келадиган

Тил билан дил бирга сўзни айтаман, холос;  
 Бошқаларга айтиб қўйинг: отамни мендан  
 Ранжитгану муҳаббаттин совутган нарса  
 Ахлоқсизлик, пастгарчилик. одам ўлдириш,  
 Беадаблик, бежо қадам каби гуноҳмас;  
 Бир камчилик (шу камчилик менинг давлатим)  
 Ялинчоқ кўз, хушомад сўз менда топилмас.  
 Отам мендан муҳаббатин олса оларки,  
 Шу хислатлар йўқлиги-чун ҳеч ачинмайман.

### Л и р

Менинг раъим ва кўнглимни топмас экансан,  
 Шу дунёда туғилмасанг яхшироқ эди.

### Француз қироли

Шу холосми? Ўз табиий хижолатидан  
 Дил сўзини айтолмаслик бутун айбими?  
 Нима дейсиз, сиз муҳтарам Бургунд герцоги,  
 Маликага айтадиган сўзингиз йўқми?  
 Бирор илинч ё манфаат кўзда тутилган  
 Ҳар қандайин муҳаббат ҳам муҳаббат эмас.  
 Истайсизми, маликага уйланишликни?  
 Ҳеч нимасиз унинг ўзи каттакон давлат.

### Бургунд герцоги

(Лирга қараб)

Шаҳаншоҳим,  
 ўша аввал ваъда қилинган  
 Ҳиссасини берсайдингиз, Қорделия ҳам  
 Бургундларнинг маликаси бўларди шу чоқ.

### Л и р

Йўқ! Ҳеч нарса! Ичган онтим — ғоятда маҳкам.

## Бургунд герцоги

(Корделияга)

Демак, афсус, отангизни йўқотиш билан  
Эр бўлажак йигитдан ҳам ажраб қолдингиз.

Корделия

Майли, герцог бундан буён хотиржам бўлсин.  
Унинг ишқи даромадни кўзда тутаркан,  
Мен албатта унга хотин бўла олмайман.

Француз қироли

(Корделияга)

Қамбағаллик билан бойсан, жононгинасан,  
Ҳамма сени ташлаганда, яна қимматсан,  
Назарлардан тушиш билан дидимга ёқдинг,  
Мен оламан сени бутун борлигинг билан,  
Ҳамма четга улоқтирди, эгаллаш ҳақим.  
Ё тавбайи! Шу умумий ҳазарнинг ўзи  
Унга бўлган ишқим ўтин алангалатди.

(Лирга)

Сен қизингни шундай ожиз, гадо ҳолида  
Улоқтирдинг менинг меҳру шафқатларимга.  
Франция каби кўркам — гўзал ўлкада  
Менинг севган қироличам бўлиб қолади.  
Туман босган Бургунддаги бутун герцоглар  
Энди менинг жононимни сотиб ололмас.  
Сен буларнинг муз қалбига «хайру хўш» деб қўй.  
Гарчанд бунда йўқотибсан, унда мукофот.

Лир

Сен ола қол, бу қиз тамом сеники бўлди.  
Бизнинг бундай қизимиз йўқ ва бўлган эмас,

Унинг билан сўнги дафъа кўришишимиз.  
Вақт ўтказмай йўлга тушинг. Сизларга атаб  
Қиладиган дуон хайр, шафқатимиз йўқ.  
Кетдик, герцог.

Бурги чалинади. Мир билан бирга герцог, Корнуэль,  
Альбани, Глостер ва аъёнлар чиқиб кетадилар

### Француз қироли

Опаларинг билан хайрлаш.

#### Корделия

Сиз отамнинг қиммат баҳо хазиначлари,  
Корделия сизни ташлаб кетар, кўзи ёш.  
Мен сизларни жуда яхши танийман, аммо...  
Бир туғишган опаларим бўлганингиз-чун  
Сизда бўлган нуқсонларни айтиб турмайман.  
Отамизни яхши кўринг, уни сизларнинг  
Маҳмадона қалбингизга топширмоқдаман.  
Аттагинанг, назаридан тушмаган бўлсам  
Унинг учун соз бошпана топган бўлардим.  
Хайр опалар.

#### Регана

Сен бизларни ўргатмаёқ қўй.

#### Гонерилья

Ундан кўра, раҳми келиб ёнига тортган  
Қайлирингнинг кўнглини топ, яхши бўлади.  
Маъқул галга қулоқ солмай, ўжарлик қилиб,  
Ўз-ўзингга жабру жафо ордириб олдинг.

#### Корделия

Вақти келиб барча ёмон ният фош бўлар,  
Охирида уялади яширин фитначи.  
Бахтли бўлинг опаларим!

## Француз қироли

Кетдик, жонгинам.

Корделия билан француз қироли чиқиб кетадилар.

## Гонерилья

Синглим, ҳар иккимизга тегншли бир иш тўғрисида сен билан гаплашиб олишим жуда зарур эди. Отамиз бу куннинг ўзидаёқ кетишга қарор берганга ўхшайди.

## Регана

Шунақа, у сизлар билан бирга кетмоқчи, келаси ой бизларникига келиб турар экан.

## Гонерилья

Ана кўрдингми, у кексайганда айнаб, товланиб турадиган бўлиб қолган. Бу гапни шу топдаёқ ўз кўзимиз билан кўрдик, ишондик. У ҳалигача синглимизни ҳар икковимиздан ҳам ортиқ кўриб севар эди. Тўсатдан айнаб ўнгу терисини ўйлаб кўрмай, уни оқ қилиб қўйдди, ахир, шунга ҳайрон қолмай бўладими.

## Регана

Ҳамма касал қарилигида, мияси ачиб қолган. Ундай деса илгарилар ҳам у ўз-ўзини яхши танимас эди.

## Гонерилья

У тетик, соғ-саломат замонларда ҳам жуда серзарда, ўжар эди, энди бўлса сен билан биз унинг феълига ўрнашиб қолган бу ярамас кулки ахлоқлардан тоза ҳам жабр-жафо тортсамиз керак, унинг устига кекса-лигидан келадиган гап кўтаролмаслиги, асабийлигини, бўлар-бўлмасга бадгумон бўлаверишини айтмайсанми?



## Регана

Рост айтасан, сен билан биз, Кентни ҳайдагандаги-га ўхшаган унинг тутқаноқдай тентаклигини, бемаънигарчиликларини ҳали кўп бошимиздан ўтказамиз.

## Гонерилья

Ё бўлмаса француз қироли билан хайрлашган чоғдаги муомаласига қара. Кел, ҳали ҳам иккаламиз бамаслаҳат гапни бир ерга қўйиб ҳаракат қилайлик: агар у шу аҳволида ҳам ҳокимиятни ўз қўлида тутиб турмоқчи бўлса, тахтдан кечганидан фойда йўқ. Қайтага не-не кунларни бошимизга солади.

## Регана

Иккаламиз қилар ишни яхшилаб ўйлашиб оламиз.

## Гонерилья

Ишқилиб, вақт ўтказмасдан, нима билан бўлса ҳамки, бўлар ишнинг олдини олиш керак.

Чиқиб кетадилар.

## ИККИНЧИ САҲНА

Граф Глостернинг саройида бир зал. Қўлида бир хат билан

Эдмунд чиқади.

## Эдмунд

Яратилиш! Менинг таңрим сенгина холос,  
Сенинг ҳамма қонушингга хизмат қиламан.  
Ўз ақамдан бир йил ёки икки йил кейин  
Тугилган-чун мерослардан маҳрум эмишман.  
Бу одатга, бу хилдаги бидъат зулмига  
Одамларга расм бўлган риёкорликка,  
Нега хўн деб, бўйин эгиб қолар эканман?

Қонунсизмиш? Бу гап ўзи нима дегани?  
 Нега мен паст бўларканман, менинг вужудим,  
 Билак кучим, тетик руҳим, роса қоматим  
 Ор-номусли эр-хотинлар туғдириб қўйган  
 Болалардан заррагина камлиги йўқ-ку.  
 Нега бизга ким кўринган таъна сўз билан  
 «Паст», «қонунсиз» лақабини тамға қилади?  
 Биз, «қонунсиз», «зоти пастлар»— «зоти  
 пастлармиз?»

Аммо бизни яратишда жонига теккан  
 Ухлайвериб ялоқ бўлган кўрпа-тўшакда,  
 Уйқусираб бўйда бўлиб, туғилиб қолган  
 Жинни-санғи каллаларга нисбатан, кўпроқ  
 Ихтиросли яширин ишрат завқи аралаш  
 Катта кучлар, алангали зўрлик сарф бўлган!  
 Сенга мерос тегадиган еру сувларни  
 Мен оламан, билиб қўйгил, қонуний Эдгар:  
 Отамизга сен қонуний ўғлидан кўра  
 Мен қонунсиз кам қимматга эга эмасдир.  
 «Қонуний-а!» Жаранглашин эшитиб қўйинг.  
 Бурунда бил, ҳай қонуний акам, мабодо  
 Хат орқали қилган макрим ўринлай қолса,—  
 Ҳалигача камситилган уканг Эдмунд  
 Қонуний деб танилади. Усиб-унаман.  
 Қонунсизлар иши учун худо мададкор.

Глостер киради.

### Глостер

Кент қувланди. Французлар қироли эса  
 Ғазаб билан бизни ташлаб кетиб ҳам қолди.  
 Лир ҳам тахтдан воз кечдию оқшом жўнади.  
 Бундан буён қизларига боқим яшайди...  
 Бирваракай юз берди-я шунча ҳодиса!  
 Сен ҳам шундаминг, Эдмунд? Қандай хабар  
 бор?

Э д м у н д

Ҳеч қанақа, жаноби олий.

(*Битта хатни яширади*)

Г л о с т е р

Нега мунча эҳтиёт билан бу хатни яширяпсан?

Э д м у н д

Мен ҳеч қандай янги хабар эшитганим йўқ, жаноби олий.

Г л о с т е р

Қандай қоғозни ўқиб турган эдинг?

Э д м у н д

Ҳеч нима ўқиётганим йўқ эди, жаноби олий.

Г л о с т е р

Ҳеч нима дедингми? Шошилиб-пишилиб чўнтагингга суқаетган нарсанг нима эди? Агар у қоғозда ҳеч нима бўлмаса, шошилиб яширишининг ҳам ҳожати йўқ эди. Бу ёққа бер-чи... Қани! Агар қоғозда ҳеч нима ёзилмаган бўлса, кўзойнак ҳам тақиб ўтирмайман.

Э д м у н д

Елвораман, жаноб, мени кечиринг. Бу хат акамдан. Мен ҳали охиригача ўқиб ҳам чиққаним йўқ. Шунчаки устидан бир кўз югуртирдим. Фикримча, сиз ўқимаганингиз маъқул.

Г л о с т е р

Хатни менга беринг деяпман, жаноб.

Э д м у н д

Хатни сизга берсам ҳам, бермасам ҳам барибир, сизни ҳақорат қилган бўламан. Хатнинг мазмуни, менинг фаҳмимча, кишининг нафсини койитади.

## Г л о с т е р

Кўрсат деяпман, қани кўрсат!

## Э д м у н д

Мен ўз акамни оқлаш учун у бу хатни ёзишда менинг кўнгли тозалигимни синамоқчи бўлган бўлса керак, деб айта оламан.

## Г л о с т е р (Уқийди)

«Ана шу қонуни билан ёритилган ҳурматга лойиқ кексалик ҳақи, умримизнинг энг кўркем йилларида ҳаётимизни заҳарламоқда. У бизни ўз бадавлатлигимиздан фойдаланиш имкониятидан маҳрум қилмоқда. Қачонки ўша қариллик бизга халақит беришдан тўхтамагунча, биз ўз бойлигимизнинг ҳузур-ҳаловатини тота олмас эканмиз. Мен, қарилликнинг кишини эзиб юборгувчи ана шу зулми қанчалик мақсадсиз ва аҳмоқгарчиликдан иборат эканлигини фаҳмлаб қолдим. Қарилликнинг бу зулми ҳақиқатан қудратли ва зўр бўлгани учун эмас, балки биз чидаб берганимиз учун устимиздан ҳукмронлик қилмоқда. Бу тўғрида аниқроқ гаплашиб олиш учун менинг олдимга кел. Агар бизнинг отамиз узун уйқу билан ухлаб, то мен уйғотмагунча уйғонмай турган бўлганда эди, отамиз даромадларининг тенг ярми сенга тегар эди ва сен ҳам умринг бориचा Эдгарнинг севган укаси бўлиб қолар эдинг».

Ҳмм... бу суиқасд!.. «Мен уйғотмагунча уйғонмай турган бўлганда эди, даромадларнинг тенг ярми сенга тегар эди...» Менинг ўғлим Эдгар! Наҳотки унинг қўли қалтирамай шуларни ёзолди? Унинг қалби ва фикри шу хаёлларга боролди? Бу хатни сен қачон олдинг? Буни ким олиб келди?

## Э д м у н д

Ҳеч ким олиб келиб бергани йўқ. Қизиги ҳам шунда-да. Хатни хонамнинг дарчасидан ташлаб кетишибди,

## Г л о с т е р

Сен ҳам бу хатни акагнинг ўз қўли деб билдингми?

## Э д м у н д

Агар бу хатда бирор маъқул гап ёзилган бўлса, акамнинг ўз қўли деб қасам ичишим мумкин эди. Аммо бу хилдагини шундай эмасдир, деб ўйлашни истар эдим.

## Г л о с т е р

Бу унинг қўли.

## Э д м у н д

Ҳа, бу унинг қўли, жаноб. Аммо мен ишонмоқчи бўламанки, бу хатни ёзар чоғда қалби билан қўли бир фикрда бўлмаса керак.

## Г л о с т е р.

Илгарилар ҳам бирор гап сен билан шу фитна гапларни гапиришган эдимиз?

## Э д м у н д

Ҳеч қачон, жаноб. Аммо ундан, чунончи, ўғил балогатга етиб, ота деган кексайгандан кейин, ўша ота ўғлининг қарамоғига ўтмоғи керак, ўғил эса бутун даромадларни ўз қўлига олмоғи керак,— деган фикрларини бир неча бор эшитганим бор.

## Г л о с т е р

Аҳ, ярамас, ярамас! Бу ёзган хатида ҳам шу фикрларнинг ўзгинаси. Жирканч, ярамас! Йўлдан тойган, манфур ярамас! Ваҳший ҳайвон! Ваҳший ҳайвондан

ҳам ёмон! Бор, уни топиб кел. Мен уни қамаб қўяман.  
Ирганч, ярамас! Қаерда экан?

Э д м у н д

Билмасам, жаноб. Агар сиз акамнинг ўйлаган ўйларини аниқ билиб олгунча, унга қарши бўлган ўз ғазабларингизни босиб туролсангиз эди, тўғри йўл тутган бўлардингиз: агар сиз унга қарши адолатсизлик қилиб тўсатдан кескин чоралар ишлата бошласангиз, балки бу чоралар сизнинг шахсий ҳурматингизга ҳалал етказиб, акамнинг сизга бўлган ўғиллик итоатини тубдан сўндириб қўйиши мумкин. Мен ўз жонимни кафил қилиб айта оламанки, балки у бу хатни ёзишда ҳеч қандай ёмон ниятни ўйламай, менинг сиз ҳурматлимигизга бўлган садоқатимни текшириб кўрмоқчи бўлгандир.

Г л о с т е р

Сен шундай деб ўйлайсанми?

Э д м у н д

Агар сиз ҳурматлимиз бир маслаҳатни маъқул кўрсангиз, мен у билан бир суҳбат уюштирардим. Ҳамма гапларни ўз қулоғингиз билан эшитиб, тасдиқ қилар эдингиз. Хўп десангиз бу суҳбатни шу кечдан қолдирмай ташкил қилиш мумкин.

Г л о с т е р

У бунчалик ёввойи, ёвуз махлуқ бўлмаса керак,  
токи...

Э д м у н д

Албатта бўлмаса керак.

Г л о с т е р

Ўз отасига қарши-я. Ўз меҳрибон, жондан севган отасига қарши-я? Осмону заминга қасам ичаман!

Эдмунд, уни қаердан бўлмасин топ! Дилидаги гапларни рўёбга чиқар. Зеҳнинг нимани маслаҳат кўрса, шундай ҳаракат қил. Мен ҳақиқий гап нима эканини билиб олиш учунгина дунёдаги ҳамма нарсани ҳады қилишга тайёрман.

### Э д м у н д

Мен уни қаердан бўлмасин излаб топаман, жаноб. Бор ҳаракатимни қилиб кўраман, кейин келиб ҳамма гапни ўзингизга баён қиламан.

### Г л о с т е р

Бу ҳалигача кўрилмаган хусуф-кусуфлар. Қуёшнинг, ойнинг тутилиши бизлар учун ҳеч қандай бир яхшиликдан дарак бермайди. Табиатшунослар бу ҳодисаларни турли-туман йўллар билан тушунтирмақчи бўлсалар ҳам, ҳар ҳолда кулли мавжудот бу ҳодисаларнинг оғир таъсиридан шикаст топмоқда: муҳаббатлар совиб бормоқда, дўстлик емирилмоқда, оға-нилар бир-бирларига қарши қўзғалмоқда, шаҳарларда, қишлоқларда олағовур, сарой доираларида хиёнатлар, отоналар билан фарзандларни бир-бирига боғлаган иплар узилмоқда. Менинг ярамас ўғлим устидаги фол айниқса тўғри чиқмоқда, ўғил отага қарши қўзғалган қиролнинг ўзи табиат қонунларини бузмоқда, ота ўз гўдақларига қарши исён қилмоқда. Яхши замонлар ўтиб кетди; турли-туман макру ҳийлалар, кўнгли қаттиқлик, хиёнат, барбод қилувчи ўзбошимчалик — ана шулар энди бошимиз гўрга киргунча бизга азоб беради. Топ, ўша ярамасни, Эдмунд; топсанг афсус емайсан. Аммо жуда эҳтиёткор бўл. Аслзот ва вафодор Кент эса қувғинда! Унинг бутун гуноҳи — садоқати. Ҳаммаси ҳам таажжуб ҳодисалар! *(Чиқиб кетади).*

## Э д м у н д

Одам болаларининг ҳайрон қоларли аҳмоқликларини қаранг! Қўпинча ўз гуноҳимиз билан бахт биздан юз ўгириб қолса, бу фалокатларга сабаб қилиб қуёшни, ойни, юлдузларни гуноҳкор қила бошлаймиз. Гўёки биз муттаҳам, ярамас бўлган бўлсак, ноилложликдан аҳмоқ бўлиб қолган бўлсак — бу осмон ҳукмидан, алдамчи, ўғри, хиёнаткор бўлган бўлсак, бунга ҳам фалак таъсир қилган, ичувчи, ёлгончи, фоҳиш, бузуқи бўлган бўлсак — кўкдаги юлдузларнинг нури тушган, хуллас, биздаги ҳамма расвогарчиликларда тангри таоллонинг иродаси бор, тақдирга тан беришимиз керак. Зоти бузуқ одамлар учун жажжигина баҳона; ўзингдаги саёқ майлларга жавобгарликни юлдузларнинг гарданига ағдарасан холос. Менинг отам менинг онам билан аждар юлдузлари туркуми қиронида йўлиқишган бўлса, мен Дубби Акбар, яъни Катта Айиқ юлдузлари туркуми қиронида туғилганман: шунинг учун ҳам мен зolim, бузуқи одам бўлишим керак эди! Бўлмаган гап! Осмон гумбазидаги энг ювош қиздай мулойим юлдуз бешигим устида мўлтираб турганда ҳам мен ҳозир қандай бўлсам ўшандай бўлиб қолаверардим.

Эдгар келиб киради.

Ана, ўзи ҳам келиб қолди. Бу эски комедия ҳам ора очиқ бўладиган бўлди. Бедлам жиннихонасидан чиққан жинни, Томга ўхшаш ўзимни анқов, ярамасликка солиб тураман. Аҳ, бу, кун тутилиш, ой тутилишлар бизга бошбошдоқликлардан хабар беради.

Эдгар

Салом, укам, Эдмунд! Нима тўғрида мунча чуқур ўйланиб қолдинг?



Э д м у н д

Шу ой, кун тутилишлари натижасида рўй бериши мумкин бўлган ҳодисаларни олдиндан айтиб ёзилган гапларни яқинда ўқиган эдим, шунни ўйлаяпман.

Э д г а р

Сен шу гапларга қизиқасанми?

Э д м у н д

Сени ишонтиришим мумкинки, бахтсиз ҳодисалар рўй бериши тўғрисида илгари айтилган гаплар тўғри келяпти. Масалан, ота-оналар билан болалар ўртасидаги муомалаларнинг дуруст бўлмаслиги, ўлим-етим кўплиги, қимматчилик, қадим дўстларнинг бир-биридан жудо бўлиши, ҳукумат ишида олағовур, сарой аҳлларининг қиролга қарши дўқ уриши ва лаънатлар ёғдириши, бекорчи гумон ва андишалар, дўстларнинг қувғунлиги, қўшин ичида интизом тушкунлиги, эру хотинлар ўртасида бевафолик ва бошқа ва бошқалар.

Э д г а р

Қачондан буён муважжимлар маслағига кириб олдинг?

Э д м у н д

Ҳа, майли, буни қўйдик. Отам билан энг охириги бил қачон кўришган эдинг?

Э д г а р

Кеча кечқурун.

Э д м у н д

У билан гаплашган эдингми?

Эдгар

Ҳа, икки соат тўла-тўқис.

Эдмунд

Яхшиликча ажрашганмидиларинг? Сен унинг гапидами, юзидаги имою ишорасидами бирор норозилик аломатини сезмаганмидинг?

Эдгар

Ҳеч нима сезганим йўқ.

Эдмунд

Ёдингга тушир, сен бирор бало қилиб қўйиб ранжитган бўлмагин. Ҳам сендан сўрайман, сал жаҳлидан тушиб, тапти босилгунча кўзига кўринмай тур. Шу топда у шунақа ҳам ғазаб билан тўлқинланиб турибдики, кўрина қолсанг сўкиш, койишнинг ўзгинаси билан унинг қўлидан чиқиб кетолмайсан.

Эдгар

Нима бало, биронта ярамас мени унга ёмонлаб чаққанмикин.

Эдмунд

Шунақа бўлган деб кўрқяпман. Сендан сўрайман, унинг ғазаби босилгунча ўзингга эҳтиёт бўл. Юр, менинг хонамга кирамиз. У ерда мен сени бирор ўнғай ерга жойлаштираман, сен у ердан сенинг тўғрингда нималар деяётганини эшитасан. Марҳамат қил, мана менинг калитим. Агар ташқарига чиқмоқчи бўлсанг, ўзинг билан яроғ ола чиқ.

Эдгар

Яроғ ола чиқ?

## Эдмунд

Ака, мен ахир сенинг фойданг учун маслаҳат бер-  
япман. Майли, агар сенинг тўғрингда бирор ёмонлик  
ниятим бўлса, виждонсиз киши бўлай. Мен сенга ўз  
кўрганам ва эшитганимни шипшитиб қўйяпман, холос.  
Бор бутун даҳшатни, чин гапни сенга ҳали айтганимча  
йўқ. Сендан сўрайман, бу ердан кет.

## Эдгар

Мен, ахир, тездан ҳамма гап нима эканини сендан  
билиб оламанми?

## Эдмунд

Менга орқа қилавер.

Эдгар чиқиб кетади.

Отам содда, ҳар нарсага ишонаверар,  
Акам эса асл йигит, унинг вужуди  
Ҳар қандайин ёмонликдан жуда ҳам тоза,  
У, буларга ишонмайди. Тўғрилиқда-чи  
Аҳмоқларча тўғри. Майли, у билан ишни  
Жуда енгил ҳал қиламан. Масала равшан.  
Туғилишим — фарзандлигим бермаган билан  
Ақлим берар менинг ҳақим бўлган меросни,  
Шу мақсадим йўлидаги ҳамма чора хўп!

## УЧИНЧИ САҲНА

Герцог Альбанининг саройида бир хона. Гонерилья,  
Освальд ва бошқарувчи кирадилар.

## Гонерилья

Наҳотки отам ўз масхарабозини сўккани учун  
менинг мулозимларимдан бир аъённи тутиб олиб урган  
бўлса?

## Освальд

Шундай бўлди, маликам.

## Гонерилья

Кеча-кундуз менга озор бергани-берган.  
 Дам ўтмасин бир сўкишга чидаб берамиз.  
 Бундан ортиқ тўзолмайман, тоқатим битди.  
 Шовқин-сурон қилар унинг мулозимлари,  
 Ўзи эса ҳар бўлмағур гапга сўкади.  
 Овдан қелсин, мен у билан сўзлашмайман ҳам,  
 Сен — касал деб қўя қолгил мени сўраса.  
 Аввалгидай сертавозе бўлабермагил.  
 Бир гап бўлса, ўзим унга жавоб бераман.

## Освальд

Товуши келди, маликамиз, келишяпти.

Саҳна орқасидан бурғи овози

## Гонерилья

Сен ҳам, бошқа мулозимлар хизмат қиларкан  
 Истаганча ўзингизни диққатсиз тутиңг.  
 Пала-партиш ишингизни ўзи ҳам сезсин.  
 Ёқтирмаса, кета қолар синглимникига.  
 Биз у билан гаплашганмиз. Жавоб бермаймиз  
 Устимиздан ҳукмронлик қилаверишга.  
 Бу тентак чол, ҳукуматни топшириб қўйиб,  
 Аввалгидай эга бўлиб қолиш истайди.  
 Кексалар ҳам бола феъл бўлиб қолади.  
 Дағдага ҳам қилиш керак эркалаб туриб,  
 Бу давара ўзларига фойда қилади.  
 Буйруғимни ёдингда тут.

## Освальд

Маъқул, маликам.

### Гонерилья

Мулозимлари билан ҳам оддийроқ бўлинг.  
Нима бўлса бўла қолар. Қолганларга айт!  
Мен чол билан бир гаплашиб қўймоқчиман  
Қулай фурсат келишни кутиб турибман.  
Синглимга ҳам хат ёзаман, орқаворатдан  
Бамаслаҳат иш қиламиз.— Овқатланайлик!

Чиқиб кетади.

### ТҮРТИНЧИ САҲНА

Ҳалиги ерда бир зал.  
Ўзга кийим-бош кийган Кент чиқади.

#### Кент

Усти-бошни қойил қилиб ўзгартиргандай,  
Товушимни ҳам ўринлатиб ўзгартиролсам,  
Мўлжал қилган мақсадимга, зарра қийналмай  
Етар эдим, қани, қувғин Кент!  
Айбдорлик вақтингда ҳам хизмат тополсанг,  
Жуда севган хўжайининг, сенинг ҳойнаҳой  
Шунча сидқу ихлосингга қойил қоларди.

Саҳна орқасидан бурғи овози.  
Лир, рицарлар ва мулозимлар чиқади.

#### Лир

Овқатни бир минут ҳам кутишга тоқатим йўқ.  
Дарров дастурхон ёзилсин.

Хизматчи чиқади

Бу нима гап? Қимсан ўзинг?

#### Кент

Бятта одамман!

## Л и р

Сенинг қиладиган ҳунаринг нима, ҳам биздан сенга нима керак?

## К е н т

Менинг ҳунарим ўз-ўзимни эвлаб юриш, кимки менга ишонч билдирса, ўшанга садоқат билан хизмат қилиш. Кимнинг дили тоза бўлса ўшани севиш, кимки доно-ю камгап бўлса, ўшанинг ёнидан ажралмаслик; қиёматдан қўрқиш; керак бўлганда жангга кириш ва балиқ емаслик.

## Л и р

Ахир, ўзинг кимсан?

## К е н т

Мен, дилида кири йўқ, маъқулгина одамман, аммо қиролдай камбағалман.

## Л и р

Уша қирол қироллар ичида камбағали бўлгандай, сен ҳам фуқаролар ичида камбағал бўлсанг, чинданам бадавлат бўлмаганинг бўлади. Қани энди, -сен нима истайсан?

## К е н т

Хизмат қилиш.

## Л и р

Кимга, ахир, хизмат қилишни истар эдинг?

## К е н т

Сизга.

## Л и р

Сен мени танийсанми, ошна?

К е н т

Танишга танийман, чунки чеҳрангизда, сизни хўжайиним аташга арзийдиган қандайдир ёқимлилик бор.

Л и р

Нима? Қанақа нарса бор дединг?

К е н т

Ҳукмронлик.

Л и р

Сен қандай хизматларнинг уддасидан чиқа оласан?

К е н т

Садоқат билан сир сақлашни, отда юришни, чопишни, ўзимнинг айтадиган ҳикояларим билан чигал жанжалли воқеаларни бузиб юборишни ва унча ҳам чигал бўлмаган топшириқларни бажаришнинг уддасидан чиқаман. Росмана одамлар қила оладиган ишларни бажаришга менинг ҳам кучим етади. Менинг яхши фазилатларимдан бири шуки, жуда тиришқоқман.

Л и р

Неча ёшга кирдинг?

К е н т

Хотинларнинг ялласинигина эшитиб ошиқ бўлиб қоладиган даражада ёш ҳам эмасман, жаноб. Аммо ҳеч қандай сабабсиз уларга мафтун бўладиган даражада қари ҳам эмасман: елкамда қирқ саккиз йиллик умрнинг юки бор.

Л и р

Менга эргашавер. Сен менга хизмат қилиб қолсан; агар овқатдан сўнг ҳам ёқтирганимча тураверсам,

сен билан бу яқин орада ажралишадиган кўринмайман.  
Овқат тайёрми? Ҳой, овқат! Менинг масхарабозим  
қаерда қолди! Масхарабозим! Тез боринг, масхарабо-  
зимни чақириб келинг!

Хизматчилардан бири чиқиб кетади. Освальд киради.

Ҳой, йигитча, менинг қизим қаёқда?

Освальд

Сизнинг ижозатингиз билан... (кетади)

Лир

Нима деяпти у? Бу тўнгни қайтариб келинг!

Рицарлардан бири кетади.

Масхарабозим қаерда деяпман? Нима, ҳаммангиз  
ухлаб қолдингизми?

Рицарь қайтиб келади.

Ҳа, қани, ҳалиги мангровни олиб келдингми?

Рицарь

У, айтяптики, подшоҳим, қизингиз касал экан.

Лир

Нега у ярамас мен чақирганимда қайтмабди?

Рицарь

Мен сўрасам, подшоҳим, у менга жуда дағаллик  
билан истамаслигини айтди.

Лир

Истамас эмиш?



## Рицарь

Подшоҳим, мен нима гап эканини билолмадим, аммо менга шундай кўриняптики, сиз ҳазрат олийлари билан, одат бўлиб кетган садоқат; иззату ҳурмат билан муомалада бўлмаяптилар. Битта хизматчиларнинг ўзигина эмас, балки герцог ҳам, ўз қизингиз ҳам илгаригидай хушмуомала эмаслар.

## Лир

А! Сен шундай деб ўйлаяпсанми?

## Рицарь

Утиниб сўрайман, подшоҳим, агар хато қилаётган бўлсам, мени кечиринг, аммо менинг вазифам сиз ҳазрати олийларига беадаблик қилинаётганини кўриб туриб жим қолишга ижозат бермайди.

## Лир

Сен, менга сезилиб юрган нарсани тасдиқ қиляпсан, холос. Сўнгги вақтларда баъзи бир нўноқликларни пайқаб юрибман. Мен бу гапларни ўзимнинг ҳаддан зиёда бадгумонлигимдан кўриб, ярамас андишаларга ишонишни истамаган эдим. Энди бу ҳолатга айрича эътибор беришга тўғри келади. Менинг масхарабозим қани ахир?.. Мен уни икки кундан буён кўрганим йўқ.

## Рицарь

Кенжа маликамиз Францияга жўнаб кетганларидан буён масхарабоз жуда қайғириб, мунгланиб қолган.

## Лир

Бу тўғрида чурқ эта кўрма. Мен ҳам буни пайқанган эдим, бор, қизимга айтки, мен у билан гаплашмоқчиман.

Сен бориб менинг қизиқчимни айтиб кел.

Яна бир хизматчи кетади.

Освальд киради

Қани, ҳе, қани, жаноб! Бери кел-чи! Мен ким бў-  
ламан, жаноб?

Освальд

Маликанинг отаси!

Лир

Маликанинг отаси? Вой падарингга... ярамас жа-  
ноб-эй, тубан, кўппак, қулвачча, ит!

Освальд

Бўлмаган гап, жаноби олий, кечирасиз.

Лир

Ҳали сен кўзимга тик ҳам қарайдиган бўлдингми,  
ирганч. (Уни уради.)

Освальд

Мен, ўзимни уришга ижозат бермайман, жаноб!

Кент

Юзтубан йиқитишга ижозат берасанми, паст одам?  
(Оёғидан олиб йиқитади.)

Лир

Раҳмат, биродар, бу хизматинг менга маъқул  
тушди.

Кент

Қани, муғомбир, бир ўрнингдан туриб жўнаб қол!  
Мен сенга одамларни бир-биридан фарқ қилишни ўрга-  
тиб қўяман! Йўқол! Йўқол деяпман. Агар ўз ифлос

гавданг узунлиги билан ерни қайтадан ўлчаб кўришни орзу қилмаётган бўлсанг жўнаб қол! Яхшиликча кет! Жўна! Тушундингми? (*Освальдни туртиб.*) Мана! Мана, бўлмаса.

### Лир

Балли, менинг яхши хизматчим, ташаккур айтаман. Мана буни хизмат ҳақингга, мукофот учун ол. (*Кентга пул беради.*)

Қизикчи киради.

### Масхара

Бўпти, мен ҳам буни ўз хизматимга ёллайман. Мана, сенга менинг аҳмоқлик қалпоғим. (*Кентга ўз қалпоғини беради.*)

### Лир

Ҳа, салом, азизим! Ҳолу аҳволлари қалай?

### Масхара

Дўстим, сен менинг шу аҳмоқлик қалпоғимни ола қолсанг-чи.

### Кент

Нега энди, масхара?

### Масхара

Нега дедингми? Ҳа, шунинг учунки, бу қалпоқ назардан тушиб қолган одамларга жуда ярашади. Агар сен шамол қай томонга эсаётганини фарқ қилмасанг, жуда тез тумовлаб қоласан. Ол қалпоғимни, ола қол! Ўзинг, ахир, ўйлаб кўр, мана бу азамат ўзининг икки қизини ҳайдаб, учинчисига беихтиёр фотиҳа берганини билмай қолди. Агар сен унга астойдил хизмат қилмоқчи бўлган бўлсанг, аҳмоқлик қалпоғимни киймай иложинг йўқ. Қани, хўш, бунга нима дейсан, амакижон? Эҳ,

қани энди менинг иккита қалпоғиму, иккита қизим  
бўлса!

Л и р

Сенга улар нимага керак эди, масхара?

М а с х а р а

Агар, мен, бор буди-шудимни қизларимга бериб  
юборганимда ҳам, қалпоқларим ўзимда қолар эди. Бит-  
тасига меникини ола тур, иккинчисини қизларингдан  
сўраб оларсан.

Л и р

Эҳтиёт бўл, жонгинам, қамчи бор-а!

М а с х а р а

Тўғри гап — бу ҳовли қўриқлайдиган кўппакка ўх-  
шайди, уни қамчи билан ҳайдайдилар, аммо ҳурматли  
тозиларчи, сасиб кетганларида ҳам, иссиқ уйда, гулхан  
ёнида ётишлари мумкин.

Л и р

Бу гаплар менга аччиқ ништардай ботади.

М а с х а р а

Дўстгинам, мен сенга чўпчак боши ўргатайми?

Л и р

Ургат.

М а с х а р а

Бўлмаса, ёдингда тут, амакижон,

Бори-йўғин гумдон ошир,

Билганинг айтмай яшир.

Мулкинг улашаверма,

Отга мин, яёв юрма.  
 Билмагани билиб тўй.  
 Вино-ю хотинни қўй,  
 Топсанг, елиб-югурма.  
 Икки ўндир бу йигирма.

## К е н т

Бу гапларнинг ҳаммаси ҳам ҳеч нимага арзймайди,  
 масхара.

## М а с х а р а

Бу гапларнинг ҳаммаси, хизматига ҳақ тўланмаган  
 адвокатнинг нутқига ўхшаган гаплар, сиз ҳам, ахир,  
 менга ҳеч нима берганингиз йўқ-ку. Айт-чи, амакижон,  
 сен ҳеч нимадан бирор нима қила оласанми?

## Л и р

Йўқ, дўстим, ҳеч нимадан ҳеч нима чиқмайди.

## М а с х а р а

(Кентга)

Сендан сўрайман, сен унга тушунтириб қўй, у ҳам  
 ўзи шудгор қилган ерларидан худди ҳалигига ўхшаш  
 даромад олади. Шу гапни айтсам у менга — масхара-  
 бозга ишонмаётибди.

## Л и р

Баджаҳл аҳмоқ экансан!

## М а с х а р а

Сен менга айт-чи, азизим, баджаҳл аҳмоқ билан  
 бежаҳл аҳмоқ ўртасидаги фарқни биласанми?

## Л и р

Билмайман, билмайман, менга ўргат, барака Ҳокур!

## М а с х а р а

Барча мулкинг қизларингга улаш деб  
 Маслаҳатни сенга бергувчи кимдир?  
 Шу одамни дарров менга топиб бер  
 Ё ўрнига ўзинг келиб бунда тур.  
 Ким бежаҳл, ким бежаҳл аҳмоқлигин  
 Бу гапдан сўнг тезда топса бўлади,  
 Биттаси бу аҳмоқлик қалпоғида,  
 Ва биттаси — рўпарада туради!

## Л и р

Сен бизни аҳмоқ деб айтяпсанми, дўстгинам?

## М а с х а р а

Сен ўзинг, ахир, бошқа ҳамма отларингни улашиб  
 бўлдинг. Бу от билан эса онадан туғилган эдинг.

## К е н т

Аҳмоқ-ку унчалик аҳмоқ эмас, жаноб.

## М а с х а р а

Йўқ, худо урсин, бу лордлар, аъёнлар битта ўзим  
 аҳмоқ бўлиб қолишимга қўйишмаётибди. Агар мен бу-  
 тун аҳмоқгарчиликларга якка ўзим хўжайин бўламан  
 деганимда эди, улар тўш-тўшдан ёпишиб, унинг бир  
 қисмини юлқиб олар эдилар, хотинларни айтмайсизми,  
 улар ҳам менинг якка ўзим аҳмоқ бўлиб қолишимга  
 қўймаётибдилар. Ҳар биттаси шу аҳмоқликдан бир  
 бўлагини юлиб олмоқчи бўлади. Амакижон, сен менга  
 битта тухум бер, мен унинг бадалига сенга иккита тож  
 бераман.

## Л и р

Бу қанақа тож бўлди?

## М а с х а р а

Жуда ўнгай, мен тухумни баб-баравар икки палла қилиб кесаман, ўртасини ейман, қолган тухум пўчоғидан иккита тож бўлади. Қачонки сен ўз тожингни икки бўлакка ушатиб ҳар икки бўлагини ҳам топшириб юбординг. Бу қилган ишинг ботқоқдан ўз эшагингни ўз елканда олиб ўтиш билан баравар бўлди. Олтин тожингни бошингдан олиб бировга берганингдан кейин, бу кал «тожингда» ақл камроқ эканини кўрсатади. Мен бу гапларни аҳмоқлигимдангина гапирганимни кимки исбот қила олса майли, ўша одамни қамчинлай қолсинлар.

(Куйлайди)

Бу йил аҳмоқларнинг омади кетган,  
Аҳмоққа айланди ақли расолар.  
Тентаклик ҳисоби чувалиб битган,  
Маймунлик қилмоқда бутун донолар.

## Л и р

Сен дайди, қачондан буён ашулачи бўлиб қолдинг?

## М а с х а р а

Ўз қизларингни ўзингга она қилиб олганингдан буён, амакижон. Сен уларнинг қўлига хипчин бериб, ўзинг орқа ўгириб, иштонингни тушириб турадиган бўлганингдан буён.

(Куйлайди)

Қувонгандан йиғлар эдилар,  
Мен қайгириб қўшиқ айтардим,  
Еш ўспирин болалар каби  
Аҳмоқ бўлиб қолгач қиролим.

Сендан илтимос қилардим, амакижон, сен ўз масхаранг учун битта ўқитувчи ёллаб бер. У менга ёлғон

гапиришдан дарс берсин: жуда ҳам ёлгон гапиришни ўргангим келяпти.

### Л и р

Сен саёқ, ёлгон гапирадиган бўлсанг буюрамиз, сени калтаклайдилар.

### М а с х а р а

Мен тушунолмайд қолдим, сенинг ўз қизларинг билан қандай қариндош-уруғчилик алоқанг бор? Улар мени рост гапирганим учун калтакламоқчи бўладилар. Сен эса ёлгон гапирганим учун. Баъзи-баъзида мени индамаганим учун ҳам калтаклайдилар. Майли, мен ким бўлсам ҳам бўлаверар эдим-у, аммо сенинг ўрнингда бўлишни истамас эдим. Сен ўз ақлингни икки баравар тақсим қилиб улашдинг, ўзингга ҳеч бало олиб қолмадинг. Ана ўша яримталардан биттаси келаётибди.

Гонерилья киради.

### Л и р

Нима дейсан, қизим? Қовоқларинг солиқ, қошинг чертилган, бу нима дегани? Нима учундир сўнги вақтларда жуда тез-тез қовоқ соладиган бўлиб қолдинг.

### М а с х а р а

Илгарилар сен жуда маъқул киши эдинг. У қовоқ солганда парво қилмас эдинг, ҳозир-чи, рақамсиз нулнинг ўзисан. Мен сендан дурустман, негаки, масхараман, сен-чи, ҳеч нимасан. (*Гонерильяга.*) Дарвоқе тилимни тияман: сизнинг чеҳрангизга қараганда шундай қилганим маъқулроқ кўринади, гарчан бу тўғрида сиз бирор гап айтганингиз йўқ.

Тўқ эдинг-у, нон бурдага боқмасдинг  
Пушаймонлар қилсанг керак, дўстгинам.



## (Лирга ишорат қилади)

Мана бу эса бўш қиринди, қовузроқ.

## Гонерилья

Биргина бу тийик билмас масхарангизмас,  
 Сизнинг орсиз талайгина мулозимингиз  
 Қуни бўйи тиним билмай жанжаллашади,  
 Шовқин-сурон кўтаради, ҳазрати олий.  
 Мен бу гапни сизга айтиб, сизнинг томондан  
 Бир ҳимоят топарман деб ишонган эдим.  
 Сиз қайтага сўзингизу ишингиз билан  
 Ушаларнинг бу бемаъни қилиқларига  
 Баракалла деяпсиз, деб чўчимақдаман.  
 Агар шундай бўла қолса баҳона тайёр:  
 Бирор жазо чораси ҳам пусиб қолмайди,  
 Яхшиликни кўзда тутган ушбу чоралар  
 Сизга бир оз қаттиқ тегиб ранжитса мумкин.  
 Чин вазифа талаб қилган бу зарурият  
 Уят билан андишага ўрин қўймайди.

## Масхара

Ана шунинг учун-да, кўрмайсанми, амакижон:  
 Чумчуқ шўрлик узоқ муддат ҳаккани боқди  
 Ҳакка ўсиб, шу чумчуқнинг миясин қоқди,—  
 деганлар.

Ана шундай. Шам ёниб бўлди. Бизлар эса қорон-  
 филикда қолдик.

## Лир

Ва шу бизнинг қизимизми?

## Гонерилья

Бу гапни қўйинг!  
 Сиз, саломат фикрларни ёдга туширинг,  
 Мен биламан, улар сизда ҳали мукамал.

Бу бачкана қилиқларни итқитиб ташланг,  
Ажва бўлманг, булар сизга муносиб эмас.

### М а с х а р а

Юкни от тортиб кетаётганини эшак ҳам фаҳмига  
боради. Чух, ҳе азамат! Сенга қойилман.

### Л и р

Мени бунда ким танийди? Йўқ, мен Лир эмас!  
Наҳотки Лир шундай сўзлаб, шунақа юрса?  
Қани унинг аввалгидай кўрар кўзлари?  
Ёки унинг эси ҳуши чарчаб қолдими?  
Унинг ақли рагисакта бўлдими? Қандай?  
Ухлайманми? Ким айтади, менинг ўзим ким?

### М а с х а р а

Лирнинг сояси.

### Л и р

Мен буни аниқлаб олишим керак, мен ҳалигача  
ўзимнинг қироллик иқтидоримга, илмим ва ақлимга  
эътимот қилиб, ёлғон тасаввур билан қизим бор деб  
юрар эканман.

### М а с х а р а

Қайсики у қиз ўзи учун муте ва фармонбардор ота  
қидирарди.

### Л и р

Сизнинг исмингиз нима, гўзал хошим?

### Г о н е р и л ь я

Бу ҳам янги тантиқликка жуда муносиб,  
Менга ахир қулоқ солинг, сиздан сўрайман.  
Сиз ҳурматга лойиқ бўлган бир мўйсафидсиз,  
Ёшингизга донишмандлик кўп ярашади.

Амрингизда бўлган юзта мулозим — рицарь  
 Шундай бебош, дағал, бузуқ кишилардирки,  
 Таъсирлари ўтиб бизнинг хизматчиларга  
 Урда ичи карвонсарой каби тўполон.  
 Бузуқилик, айшу ишрат, тараллабедод,  
 Худди битта қовоқхона, шодлик уйдайд  
 Булғатмоқда пок-покиза саройимизни.  
 Бу гапларга энди барҳам беришлик керак,  
 Сизга битта илтимос шу, ўтинар эдик,  
 Йўқ десангиз ўзимиз ҳам қила оламиз,  
 Шу аъёнлар саногини бир оз қисқартинг,  
 Ўзингизга ёшдош, лойиқ кишилар қолсин.  
 Ўзини ҳам ва сизни ҳам ҳурмат қилолсин.

### Лир

О, зулматларнинг мунгли руҳи, сиз э иблислар!  
 Аъёнларни тездан йиғинг, отни эгарланг!  
 Ҳаромзода! Оғирлигим сенга тушмайди.  
 Сендан бошқа яна битта қизим бор, ахир.

### Гонерилья

Сиз ўзингиз савалайсиз хизматкорларни,  
 Орқангизга эргашган бу галалар эса  
 Ўзларидан яхшиларга кун бермайдилар.

А л ь б а н и киради.

### Лир

Оҳ, сўнгги пушаймон.

(Альбанига)

Сиз бундамисиз?

Бу барчаси сизнинг амру фармонингизми?  
 Жавоб беринг!

Қани, отлар тез эгарлансин.

Яхшиликни билмайдиган ношукур банда,  
 Сен мрамардай совуқ қалбли қора Демонсан!

Сен қайтадан болаликка айланар чоғи  
 Сен қизимнинг кўкрагига тирмашар чоғинг  
 Денгизларнинг махлуқидай яна жирканчсан.

### А л ь б а н и

Тинчланинг!

Л и р

(Гонерильяга)

Елгонлайсан, лаънати калхат!  
 Енимдаги кишиларнинг барчаси тоза,  
 Ўз бурчини биладиган асл одамлар  
 Ва рицарлик ҳурматини муқаддас сақлар.  
 Корделия қилиб қўйган арзимас гуноҳ  
 Кўзларимга жуда катта даҳшат кўриниб,  
 Қалбимдаги унга бўлган муҳаббатимни  
 Сафроларга айлантирган эди.

О, Лир, Лир, Лир!

(Ўз бошига уради)

Ақл кетиб, тентакликлар кирган бу уйнинг  
 Қопқасини қоқавер! Ҳей, қани одамлар!  
 Кетдик.

### А л ь б а н и

Подшоҳим, бу ишларда ҳеч гуноҳим йўқ,  
 Ва билмайман нега бунча ранжиб қолдингиз.

Л и р

Балки шундайдир!

Қулоқ сол эй, менга табиат.

Э, маъбудлар, ўзгартиринг ўз ҳукмингизни,  
 Бу махлуққа фарзанд nasib қилган бўлсангиз,  
 Бефарзандлик ўти билан пуштин қуритинг.  
 Тухми ўчсин, ич-ичидан ўртаниб кетсин,  
 Қувонмасин, бир тирноққа зор бўлиб ўтсин!

Туғар бўлса, болалари зардоб туғилиб,  
 Шодлик бетин кўрсатмасин ўз онасига.  
 Ва уларнинг қийноғидан сўлим бетлари  
 Гижим-гижим ажин бўлсин ва кўз ёшлари  
 Ариқ очиб чехрасини барбод қилсинлар,  
 Оналарин муҳаббати, эркалашига  
 Мазах қилиб, ҳазар билан жавоб берсинлар.  
 Ана шунда болаларнинг ота-онага  
 Қиладиган ҳар беадаб, ношукурлиги,  
 Илонларнинг тишидан ҳам ўткир эканин  
 Пайқаб олар!  
 Йўқол, йўқол, қўзимдан.

*(Чиқиб кетади)*

А л ь б а н и

Э қудратли парвардигор! Ўзи нима гап?

Г о н е р и л ь я

Бу тўғрида диққат бўлма, парво ҳам қилма.  
 Болалиги қўзғаяпти, чол тушмагурнинг.

Л и р яна киради.

Л и р

Ҳа, шундай де! Аъёнларнинг текис ярмига  
 Икки ҳафта ичидаёқ жавоб берайми?

А л ь б а н и

Шаҳаншоҳим, айтсангиз-чи, ўзи нима гап?

Л и р

Нима гап деб сўрайсанми? Ҳозир айтаман.

*(Гонерильяга)*

Қасам ичиб айтаманки, бу менга уят,  
 Сен эркаклик журъатимни суслатиб қўйдинг.

Эҳтиёрсиз қайноқ ёшлар кўзимдан оқар.  
 Вабо, қуюн битмайдиган яра оғриғи  
 Ва оталик қарғишлари сенга ёғилиб,  
 Ништар каби санчиб ўтсин ҳиссиётингни.  
 Сиз ҳам энди йиғлайсизми, аҳмоқ кўзларим!  
 Мен сизларни юлиб олиб ерга ташлайман,  
 Майли тупроқ балчиқ бўлсин!

Бўлар иш бўлди.

Бисотимда ҳали менинг бошқа қизим бор:  
 Меҳрибон қиз, албатта, у мени овутар.  
 Шу ишингни билиб қолса, тирноғи билан  
 Юзларингни тимдалайди, урғочи бўри!  
 Сен бир умр ташлади деб ўйлаб юрганнинг  
 Ҳокимият тизгинини қўлга оламан.  
 Кўриб қоларсан, кўриб қоларсан, биллоҳи қасам!

Лир. Кент ва аъёнлар чиқиб кетади.

### Гонерилья

Гапларини эшитдингми, эрим жонгинам?

### Альбани

Сенга бўлган муҳаббатим ўбдон бўлса ҳам,  
 Бу ишлари унча маъқул деёлмайман...

### Гонерилья

Сўрайман, бас! Освальд, ҳой, Освальд!  
 Сиз-а, ҳали, масхарабоз эмас, ҳийлакор.  
 Эгангизнинг орқасидан жўнаб қолинг-чи!

### Масхара

Амаки Лир, амаки Лир, ҳо, Лир, тўхта, масха-  
 рангни ҳам ўзинг билан ола кет!

Қўлга тушган тулки деган беюзни,  
 Е бўлмаса бунақа беюз қизни  
 Хўш, нима қилмоқ керак?

Бўғиб ўлдирмоқ керак.  
 Бўлган арқони учун  
 Қалпоғим бермак бўлдим.  
 Мен аҳмоқ изинг қувиб  
 Шошиб югурмак бўлдим.

(Чиқиб кетади.)

### Гонерилья

Ростанам-а, чакки ўйланган эмас:  
 Уз тушлари, гумонлари, ифвоси,  
 Тентаклигин ҳимоя қилмоқ учун,  
 Сену бизнинг ҳаётимизни доим  
 Уз раъига қарам қилиб сақлашга  
 Юз рицарнинг дағдағаси керакмиш.  
 Освальд!

### Альбани

Сенинг мунча қўрқувларинг ўринсиз.

### Гонерилья

Ута лақма бўлганликдан шу яхши;  
 Таҳликанинг олдин олиб қўйишлик  
 Хавф ичида яшагандан маъқулроқ  
 Мен отамнинг одатларин биламан.  
 Айтганларин синглимга хатда ёздим,  
 Шу хатимни ўқиб, қани кўрамиз  
 Юз рицарни қандай кутиб оларкан...

Освальд қайтиб киради.

Айт-чи, Освальд,  
 Синглимга ёзган хатни,  
 Ўзинг билан олганмисан?

### Освальд

Балли, маликам.

### Гонерилья

Ўзинг билан одам олиб отга мн!  
 Менинг бутун ташвишимни унга айт.  
 Гапларимни тасдиқлашга, ўзинг ҳам  
 Билганингни бир сидирға айтиб бер.  
 Дарров жўна, тезлик билан қайтгил!

Освальд кетади.

Йўқ, йўқ, жаноб, тортинчоқлик одатингиз бор,  
 Бунинг учун сиздан унча гина қилмайман,  
 Аммо шунча камчиликнинг олдин олишда  
 Керагича ақл ишлатмай, бўшлиқ қилди — деб,  
 Сиздан ўпка қиладилар, мақтамайдилар.

### Альбани

Мен билмадим: сен узоқни ўйлагандирсан,  
 Лекин баъзан холис хизмағ қилмоқчи бўлиб,  
 Яхши ишнинг чатоғини чиқариш мумкин.

### Гонерилья

Ундай бўлса...

### Альбани

Қолганини кейин кўрамыз.

## БЕШИНЧИ САҲНА

Герцог Альбани саройи олдидаги майдон.

Лир, Кент ва Масхара чиқади.

### Лир

Мана шу хатни олиб Глостернинг олдига бор.  
 Қизим хатни ўқиб, ўзи сендан бирор нима сўрамагунча,



Ўзинг ҳеч нима айтма. Агар сен шошмасанг, сендан олдин ўзим етган бўламан.

К е н т

Хатни олиб бориб топширмагунча ухламайманам, подшоҳим. (Кетади.)

М а с х а р а

Агар одамзотнинг ақли товонида бўлганда эди, бунинг ақли аллақачон қадоқ бўлган бўлмасмиди?

Л и р

Ҳа, дўстим.

М а с х а р а

Шундай бўлгандан кейин, ўйнаб-кул, барака топкур. Сенинг ақлингга туфлида юриш тўғри келмайди.

Л и р

Ҳа, ҳа, ҳа!..

М а с х а р а

Ана кўрарсан, бу қизинг сени астойдил туғишганлардай кутиб олади, чунки бу икки қиз бир-бирига ёввойи олма билан пайванд олма қандай ўхшаса, шундай ўхшаб кетади. Мен бир гапни биламан дегандан кейин биламан-да.

Л и р

Қани, сен нималарни биласан, дўстгинам?

М а с х а р а

Мен шуни биламанки, уларнинг иккита ёввойи олмадай маза-матралари бир хил. Сен ўзинг нега бурун юзнинг қоқ ўртасида эканини биласанми?

## Л и р

Иўқ.

## М а с х а р а

Чунки буруннинг ҳар икки ёнбошида биттадан кўз бўлиши учун: Киши бирор нарсани ҳидлар экан, кўриб туриши ҳам керак!

## Л и р

Ёки мен қизимга ножўя муомала қилдиммикан...

## М а с х а р а

Сен шиллиқ қурт қандай қилиб ўз қобигини яса-шини биласанми?

## Л и р

Билмайман.

## М а с х а р а

Мен ҳам айта олмайман. Лекин шиллиқ қуртнинг нима учун уйи бор эканини биламан.

## Л и р

Нима учун?

## М а с х а р а

Бу уй, ўз шоҳини қинсиз қолдириб, қизларига топ-шириш учун эмас, балки ўшанга бошини суқиш учун керак бўлади.

## Л и р

Шунчалик қўли очиқ оталик! Мен ўз табиатимни инкор қиламан! Отлар тайёрми?

## Масхара

Сенинг эшакларинг отларни олиб келишга кетди.  
Шу жумбоқни топ-чи? Нега Катта Айиқ деб аталган  
юлдузлар атиги еттита, холос.

## Лир

Саккизта бўлмагани учунми?

## Масхара

Топдинг. Сендан дуп-дуруст аҳмоқ чиқади.

## Лир

Ё бўлмаса ҳокимиятни зўрлик билан қайтариб ол-  
саммикин? О, даҳшат даражада нонкўрлик, ношукур-  
чилик.

## Масхара

Агар сен менинг аҳмоғим бўлганингда эди, амаки-  
жон, мен сени бемавруд, вақтидан илгари қартайиб  
қолганинг учун дўппослар эдим.

## Лир

Хўш, нега энди?

## Масхара

Ақл тўлиб кирмагунча, қартайишлик бўлмайди-да.

## Лир

Парвардигор, ақлим жўйма, ўзинг бер омон,  
Куч-қувват бер, тентакликдан сақла, осмон.

Мулозим киради.

## Лир

Қани, отлар тайёр бўлдими?

## Мулозим

Тайёр, шаҳаншоҳ!

## Лир

Кетдик, дўстгинам.

## Масхара

Қизлар мени масхаралаб кулишса кулар,  
Қачонгача қиз қолади, бир бало бўлар.

## Парда

## II ПАРДА

### БИРИНЧИ САҲНА

Граф Глостернинг сарой қўраси.  
Икки томондан Э д м у н д билан Ку р а н чиқиб келади.

Э д м у н д

Салом, Куран.

Ку р а н

Сизга ҳам, жаноб. Ҳозиргина мен отангизнинг ҳузурларида бўлган эдим. Бугун кеч герцог Корнуэль билан малика Регана бу ерга ташриф буюрар эканлар; шунинг хабарини олиб келган эдим.

Э д м у н д

Нима муносабат билан келишар экан?

Ку р а н

Билмадим. Сиз янги хабарни эшитдингизми? Ҳозирча бу хабарни шивирлашиб гаплашмоқдалар, шунинг учун ҳам уни қулоққагина айтиш мумкин.

Э д м у н д

Ҳеч нима эшитганим йўқ. Ўзи нима гап?

Ку р а н

Эшитдингизми, ҳойнаҳой герцог Корнуэль билан Альбани ўртасида уруш бўлар эмиш.

Э д м у н д

Бир оғиз сўз эшитганим йўқ.

## К у р а н

Хўп, ҳали эшитиб қоларсиз. Хайр, жаноб.  
(Кетади...)

## Э д м у н д

Герцог бунга келар эмиш? Яхши, жуда соз!  
Ишларимнинг ўринлаши учун шу керак.  
Ўз акангни қамагил — деб отам буюрди:  
Бу машаққат вазифани бажариш керак.  
Эй, тақдиру қудрат, ўзинг менга ёрдам бер!  
Икки оғиз сўзим бор, ҳой, ака пастга туш.  
Тинглайсанми ака?

Э д г а р чикади.

Отам пайингга тушган.  
Вақт ўтказмай, бу ерлардан дарров қочиб қол.  
Унга кимдир қайдалигинг айтиб қўйибди:  
Жўнаб қол, бутун кўча ихтиёрингда.  
Қорнуэлни сўкканмидинг, ростини айт-чи?  
Нима учундир, шошиб оқшом бунда келармиш,  
Ва хотини Регана ҳам у билан бирга.  
Сен уларнинг Альбани билан жанжалларини  
Бирор кимга тасодифан айтмаганмидинг?  
Едингга сол.

## Э д г а р

Едимда бор, чурқ этмаганман.

## Э д м у н д

Отам бунда келяпти. Мени кечиргин,  
Ёлғондакам қиличимни яланғочлайман;  
Сен сақланган бўлиб кўрин, ундан кейин қоч.  
Таслим бўл!.. у сени кўрса ҳам майли!  
Чироқ!  
Қоч ака.  
Ҳой, машъал ёқинглар.  
Хайр!

Акам билан олишганим чин бўлсин учун  
Бир озгина қон чиқарай.

(Ўзини яралайди.)

Битта мастни танир эдим, кулги бўлиш-чун  
Ўз ўзини яралайди.

Ота!

Ота!

Вой ёрдам беринг!

Глостер, хизматчилар қўлларида машъаллар билан  
кирадилар.

Глостер

Эдмунд, у ярамас қани ўзи, қаёққа кетди?

Эдмунд

Шу ердайди, қоронғида, қўлнда қилич.  
Сўкинарди, лаънатларди, ҳаттоки ойни  
Ёрдам бер, деб чақирарди.

Глостер

У ўзи қани?

Эдмунд

Ия, ия, қон-ку!

Глостер

Қани, қани ўша бадбахт, Эдмунд?

Эдмунд

Мени бунга кўндиришга кўзи етмагач  
Қоча қолди.

Глостер

Тезроқ бўлинг, изидан қувинг.

Бир неча хизматчилар қувлайди.

Нима дединг? Нима ишга кўндира олмади?

Э д м у н д

Мени сизни ўлдирришга кўндирмак бўлди,  
Унамадим, чунки ҳар бир ота ўлдирган  
Худойимнинг ғазабига гирифтор бўлиб,  
Бош устига ҳатто тоғлар қўпарилармиш.  
Чунки ота-ўғилларнинг орасидаги  
Боғланишлар жуда маҳкам ва муқаддасдир.  
Унинг бундай жиноятли суиқасдига  
Менинг ғоят зид ғазабим ошкор эди.  
Шуни дарров тушунди-ю, эпчиллик билан  
Ҳалигача тайёр турган қиличчи олиб,  
Мен қуролсиз бўлган ҳолда, қўлимга чопди.  
Қарасаки, мен ҳам ортиқ чидаб туролмай  
Ҳақ иш учун курашишга ҳужум бошлайман,  
Еки менинг қичқиришим уни қўрқитиб,  
Бирданига қочиб қолди.

Г л о с т е р

Қайга қочса ҳам,  
Барибир у бу ерларда биқина олмайди,  
Қўлга тушди — иши тамом. Бу оқшом бизнинг  
Аслзода герцогимиз, пушти-паноҳим  
Бу ерларга келмакчидир. Унинг номидан  
Эълон қилиб айтаманки: агар қимда-қим  
У бадкорни топиб, тутиб ҳукмга берса,  
Бизнинг чексиз ташаккурга сазовор бўлур.  
Қим яширса, ўша одам ўлимга маҳкум.

Э д м у н д

Аввал уни ўз қасдидан қайтармоқ бўлдим,  
Заррача ҳам ён бермади, кейин қўрқитдим.  
Ҳамма гапни отамизга айтаман, десам,  
Менга жавоб бериб «эҳ-ҳе ҳаром!»— деди.  
«Ҳали шундай ўйлайсанми, ҳуқуқсиз инсон,



Сенинг билан ади-бади айтишмак бўлсам,  
 Сенинг бутун ихлосингга, тўғрилигингга,  
 Сўзларингга бирор киши ишонардим?  
 Йўқ, барчасин рад қиламан, ҳатто хатимни  
 Ҳужжат қилиб кўрсатсанг ҳам, инкор қиламан.  
 Булар бари сенинг менга қилган бўҳтонинг  
 Ва макрингдир, деб уқтираман. Сен ўйлайсанки:  
 Ҳамма одам — аҳмоқ бўлган, тушунмайди — деб,  
 Ахир менинг йўқолишим, ўлиб кетишим  
 Сенинг учун қанча зарур, қанчалик фойда  
 Сен бу гапни ич-ичингдан истамайсанми?»

### Г л о с т е р

Вой, ашаддий муттаҳам-эй, шундай дедими,  
 Ҳатто инкор қилармишими? У ўғлим эмас!

Саҳна орқасидан бурги овози.

Ҳап, герцогнинг бурғиси бу! Нега келдийкан?  
 Қочолмайди; бекитамиз қалъа қопқасин.  
 Бунинг учун герцог менга ижозат берар  
 Ҳамма ерга суратини тарқатдираман,  
 Қироликда ҳамма кўриб уни танисин.  
 Ер-сувимни, содиқ ўғлим, ишонган ўғлим,  
 Сенгагина мерос қилиб берганим бўлсин!

Корнуэль, Регана ва уларнинг аъёнлари кирадилар.

### К о р н у э л ь

Салом бўлсин, аслзода қадрдонимиз.  
 Келар-келмас таажжуб бир хабар эшитдик.

### Р е г а н а

Чиндан бўлса, қанча жазо берилса ҳам кам.  
 Ярамасга жазо керак! Соғмисиз, граф?

### Г л о с т е р

Кекса қалбим парчаланган,

Дабдала бўлган.

Регана

Ўз ўғлингиз ўлдирмакчи бўлдими, қандай?  
Уша ахир, Эдгарингиз менинг отамнинг  
Чўқинтирган ва тутинган ўғилчасими?

Глостер

Уялгандан яширмақчи эдим, маликам.

Регана

У, отамнинг хизматида бўлган бир тўда  
Бебошбоқлар билан таниш-билишмасмиди?

Глостер

Билолмадим, маликамиз, машаққат, қайғу.

Эдмунд

Улар билан яқин таниш эди, маликам.

Регана

Демак, унинг ёмон хулқи таажжуб эмас,  
Эдгарга ўз отангни ўлдир деб қистаб  
Бойликларни баҳамжиҳат совуришмоқчи.  
Ва опам ҳам шу тўғрида менга ёзибди.  
Ушаларнинг хатаридан сақлангил, дебди.  
Агар улар биз томонга келишмоқчи бўлса  
Уйни ташлаб кетаману.

Корнуэль

Мен ҳам сен билан.  
Эдмунд, сенинг бу кўрсатган қаҳрамонлигинг  
Ўғилларнинг оталарга чин садоқати.

Эдмунд

Бу иш менинг бурчим эди, муҳтарам жаноб.

## Г л о с т е р

Акасининг суиқасдин фош қиламан, деб  
Олишаркан, яхшигина яраланди ҳам.

## К о р н у э л ь

Орқасидан қувдиларми?

## Г л о с т е р

Юбордик, жаноб!

## К о р н у э л ь

Уни топиб келсинлар-чи, у ортиқ сизга  
Зиён-захмат етказа олмас ва бундан буён  
Унга қандай жазо бериш ихтиёрингизда,  
Мен бу ишда сизга тўла ҳуқуқ бераман.  
Сен, Эдмунд, шу жасорат, итоат билан  
Мақтовларга сазоворсан, шунинг учун ҳам  
Бизга хизмат қилмоғинг шарт. Бизда айниқса  
Сендай содиқ кишиларга эҳтиёж катта.  
Ва биз сени биринчи деб ишга оламиз.

## Э д м у н д

Ҳар аҳволда, садоқатли бўла оларман.

## Г л о с т е р

Ўғлим учун сизга чуқур ташаккурим бор.

## К о р н у э л ь

Сабабини биласизми, биз нега келдик?

## Р е г а н а

Дабдурустан, тим қоронғи шундай кечада!  
Ғоят муҳим битта сабаб бизни қўзғатди.  
Биз маслаҳат сўраб келдик, азиз Глостер.  
Отамдан ҳам, опамдан ҳам икки хат олдик,

Икковларин ўртасида жанжал чиқибди.  
 Уйдан четда, бундан жавоб берганим яхши.  
 Икки чопар жавоб хатин кутиб турибди.  
 Бир озгина тинчланинг-да, кекса қадрдон;  
 Мана шу иш юзасидан маслаҳат беринг.  
 Бундай ишни кечиктириш ҳеч ярамайди.

Г л о с т е р

Бошим усти, маликамиз,  
 Қани марҳамат.

Чиқиб кетадилар.

### ИККИНЧИ САҲНА

Г л о с т е р н и н г қ а с р и о л д и.  
 Бир томондан Кент, иккинчи томондан Освальд  
 чиқади.

О с в а л ь д

Тонг отаринг қутлуғ бўлсин, оғайни.  
 Сен шу ерликмисан?

К е н т

Ҳа.

О с в а л ь д

Отларни қаерга қўйсак экан?

К е н т

Ҳов, анов кўлмакка.

О с в а л ь д

Сўрайман, ошналик қил, тўғри айт.

К е н т

Мен сенга тубдан ошна эмасман.

Освальд

Бўлмаса, мен ҳам сени танимаганим, билмаганим бўлсин.

Кент

Сен менга Липсбери яйловида йўлиқмадинг-да. Бир татигингни бериб, ким эканимни кўрсатиб қўяр эдим!

Освальд

Нега сен мен билан бундай қўрс муомала қилятипсан? Мен ахир сени танайман-ку.

Кент

Сен танимасанг, мен сени танийман, жонидан.

Освальд

Хўш, бўлмаса сенингча мен кимман?

Кент

Сенми? Сен ёлгончи, муттаҳам, яллақиҳўр, даюс, суйканчуқ, тубан гадой, кўски, ифлос, исқирт, қўрқоқ, шикоятчи, шум, жилпанг, хира олифтасан, сандиқча қўлтиқлаган малай, лаганбардорлик юзасидан қўшмачилик қилишни ҳам хоҳлайсан, ҳақиқатда эса, фирром билан қўрқоқ, гадой билан қўшмачининг аралашмасидан пайдо бўлган, пойлоқчи қанжиқнинг ўғли ва меросхўрисан. Агар сен шу мен айтган рўйхатдан бирортасини инкор қилсанг, шундай дабдалангни чиқарман-ки, вангиллаб қоласан.

Освальд

Ҳай, сен қанақа ярамассан, сен уни танимаган, у сени танимаган бир одамни шунақа ҳақорат қилаверсанми?

## Кент

Сен мени танимайман деяпсан, уятсиз, муттақам?  
Қирол олдида мен сени тойдириб, йиқитиб, адабингни  
берганимга икки кун ҳам ўтгани йўғ-у. Қиличингни  
суғур, ифлос! Ҳали қоронғиликка-ку қоронғи, ойнинг  
нури ҳам бўлаверади. Мен сени ойдан аралашган қуй-  
моққа айлантириб юбораман. Қиличингни суғур, ҳой,  
тубан махлуқ, ярамас олифта.

## Освальд

Йўқол! Менинг сен билан заррача ҳам ишим йўқ.

## Кент

Қиличингни суғур деяпман, ҳой, шумшук. Сен қи-  
ролга қарши ёзилган мактуб билан бу ерга келгансан.  
Сен ўз шаҳаншоҳ оталарига қарши қўзғалган ўша шуҳ-  
ратпараст қўғирчоқларнинг тарафдорисан. Сенга қили-  
чингни суғур деяпман, ҳой, тубан, мен сени қийма-қий-  
ма қилиб ташлайман. Қиличингни суғур, бемаъни  
олиш.

## Освальд

Войдод, ёрдам беринглар! Улдирыпти, ёрдам!

## Кент

Ботир бўл, ожиз банда! Узингни мудофаа қил,  
ҳийлагар, сақлан! Сеними, ҳу... кичик югурдак... олиш  
деяпман! (*Уни уради*).

## Освальд

Ёрдам беринг! Войдод! Улдирыпти!

Қўлида яланғоч қилич билан Эдмунд чиқади, орқасидан  
Корнуэль, Регана, Глостер ва мулозимлар.

Эдмунд

Нима говға? Нима гап бу? (Уларни ажратади.)

Кент

Хизматингизга тайёрман, ҳурматли ўспирин. Марҳамат, сени ҳам қўноқ қилиб қўйишим мумкин. Яқинроқ кел, гўдаккина.

Глостер

Бу қиличлар! Бу қурооллар! Нима гап ўзи?

Корнуэль

Ҳаётини қадр қилган — дарров тўхтасин. Ким қайтадан қилич янса, ўшанга ўлим. Хўш, нима гап?

Регана

Опам билан қиролдан чопар.

Корнуэль

Нима учун жанжал чиқди? Қани айтингиз?

Освальд

Ҳансираб қолдим, жаноб.

Кент

Бўлмасам-чи! Сен ахир бу курашда охирги нафасинггача сарф қилиб олишдинг. Ирганч, қўрқоқ, сени ҳатто табиат ҳам инкор қилади. Сени дўзанда баҳиялаб тикиб яратган.

Корнуэль

Сен қанақа тентаксан, одамни ҳам дўзанда баҳиялаб ярата оладими?

## Кент

Албатта-да, буни тикувчи дўзанда яратган, жаноб.  
Бўлмаса истаган тошчақар ҳам, бўёқчи ҳам ёппасига  
икки соат уринганда ҳам бунчалик расво буюмни яра-  
та олмас эди.

## Корнуэль

Бу жанжалнинг чиқишига сабаб нимада?

## Освальд

Ҳаммасига сабаб бўлган манов дағал чол,  
Оқ соқолин сийладим-у, саломат қолди.

## Кент

Вой, разил махлуқ-эй, сот-зотларга ўхшаш алиф-  
бодаги кераксиз ҳарф. Жаноби олий, ижозат беринг,  
мен бу эланмаган қабиҳни эзиб упу қилайин, кейин у  
билан бадрафнинг деворини бўййман. Менинг оқ соқо-  
лимни сийлаган эмиш-а! Вой, сен жиблажибон-эй!

## Корнуэль

Жим бўл, разил, ирганч банда, нима деган гап.  
Унутдингми, лозим бўлган таъзим, ҳурматни.

## Кент

Унутмадим, жаноб олий. Аммо газаб ҳам ўз ҳақи-  
га эга, ахир.

## Корнуэль

Газабинг нега?

## Кент

Шундай орсиз бандаларга қилич тутқазган  
Қишилардан кўп хафаман. Бу суйканчуқлар,



Узиш ғоят мушкул бўлган алоқаларнинг  
 Қутлуқ ипин каламушдай кемирадилар,  
 Ва ўзлари хизмат қилган хўжайинларин  
 Расво хулқин — фазилатдай мақтайдилар ҳам,  
 Алангага ёғ қуйиш-у, совуқлиққа кор,  
 Лаббай, йўғ-эй, тарозидай ғоят риёкор  
 Тумшугини елга тутган куркунаклардай  
 Эгаларин раъйин излаш буларга хислат.  
 Эгасининг орқасидан итдай эргашар.  
 Қинғир, майриқ, ҳу... бетингни кулгина боссин.  
 Масхарадан кулган каби қағ-қағлайсан-а?  
 Бирор қирда қўлгинамга тушмадинг, сен ғоз,  
 Бир қағ-қағлаб қочишингни кўрган бўлардим.

Корнуэль

Ҳой, мўйсафид, сен девона бўлган ўхшайсан!

Глостер

Бу жанжалнинг чиқишига сабаб нимади?

Кент

Жаҳонда мен-у манов маккор сингари  
 Яна икки зид кишилар бўлмаса керак.

Корнуэль

Уни маккор деясанми, хўш, нима учун?

Кент

Башарасин кўрсам жуда ҳазар қиламан

Корнуэль

Шундай дегин, балки менинг ва бу ердаги  
 Бошқаларнинг башарасиям сенга манзурмас?

## Кент

Ҳурматли зот, мен чин гапга одат қилганман:  
 Уз умримда, бугун бунда ўнгимда турган  
 Елкаларга пайванд бўлган юзлардан кўра,  
 Кўп ёқимли чеҳраларни кўриб тўйганман.

## Корнуэль

Қачонлардир тўғри айтган бир сўзи учун  
 Мақтов олган кишилардан кўринади бу,  
 Шундан буён ўша дағал ғилофга кириб,  
 Жўрталikka кеккаяди; гўё у содиқ.  
 Мақтов билмас, тўғри сўзу чин кўнгил одам;  
 Ишонсалар — яхши, йўқса — ўжар бўлади...  
 Мен бундақа айёрларни яхши танийман:  
 Саройларда эртаю кеч чин таъзим билан,  
 Хизмат қилган ўн-ўн бешта хушомадгўйдан,  
 Бундайларнинг фирромлиги ортиқ бўлади.

## Кент

Жаноб олий, шу мукамал виждони билан  
 Осмондаги ярқираган сайёраларнинг  
 Нуридаги шағшали оташ чамбарлар  
 Ва мунаввар чеҳраларга Фейба аксидек...

## Корнуэль

Бу қанақаси?

## Кент

Мен сизга унчалик ҳам ёқмайдиган содда тил ус-  
 лубимни ўзгартирмоқчиман. Мен ўзимни яхши биламан,  
 жаноб, хушомадгўй эмасман. Мабодо бирор киши сиз-  
 ни содда сўзлари билан лақиллатиб кетган бўлса, у

оддий алдамчилардан бири экан. Менга ғазаб қилсан-  
гиз, қила қоларсиз, аммо мен ўшандақа одамлардан  
бўлишни истамайман.

К о р н у э л ь

Сен бунни ранжитганмидинг?

О с в а л ь д

Менми? Ҳеч.

Шу яқинда қирол, яъни бунинг хўжаси  
Бир янглишлик сабаб бўлиб мени урганди.  
Шунда бу-чи, тўполондан фойдаланди-ю,  
Орқа ёқдан келиб чалди, мени йиқитди,  
Тозза сўкди, тозза кулди. Шу қилган иши  
Гўё унга қаҳрамонлик обрўсин берди,  
Қиролдан ҳам анчагина мақтов эшитди.  
Мен чидадим, ўша топда шу керак эди.  
Қарабсизки, бу ерда ҳам ёлгон ботирлик,  
Эсга тушиб, қиличини суғуриб қолди.

К е н т

Вой ярамас, вой қўрқоқ-эй, сенинг олдингда,  
Аякс деган паҳлавон итнинг боласи.

К о р н у э л ь

Қани боринг, дарров битта кунда келтиринг,  
Бу мақтанчоқ, ўжар чолга таълим берайлик.

К е н т

Қариб қолдим, таълим олиб нима бўлардим.  
Кунда нега? Мен қиролнинг хизматкориман.  
Унинг зарур фармойишин сизга келтирдим.  
Агар унинг элчисига кунда солсангиз  
Бу қиролга ҳурматсизлик, таҳқир бўлади.

## Корнуэль

Кунда беринг! Виждон билан ичаман қасам,  
Кун оғгунча шу кундада ўтириб турсин.

## Регана

Кун оғгунча? Йўқ, йўқ. Оқшом, бутун кечаси!

## Кент

Мабодо мен отангизнинг ити бўлсам ҳам  
Менга шундай ёмон кўз-ла қарамасангиз.

## Регана

Унинг ҳар бир қули билан муомалам шу.

## Корнуэль

Ҳойнаҳой бу опам мени огоҳлантирган,  
Гардани говус йигитларнинг оломонидан.  
Қани ахир, кунда қани, келтирмайсизми?

Кунда келтирадилар.

## Глостер

Жаноб олий, бу жазони қўйинг, сўрайман.  
Бу гуноҳкор, аммо унга лойиқ жазони —  
Марҳаматли қирол ўзи топиб беради.  
Бу хил жазо, бадбахтларга, муттаҳамларга  
Саёқларга, ўғриларга муносиб жазо.  
Элчисига шундай жазо берилганини  
Қирол билса, анчагина қаттиқ ранжийди.

## Корнуэль

Бунинг учун якка ўзим жавоб бераман.

## Регана

Хўш, опам-чи, у ҳам жуда қаттиқ ранжийди,  
 У ҳам ўзини элчисига, хизмат вақтида  
 Шундай оғир ҳақоратлар бўлганин билса.  
 Қараб турманг, дарров буни кундага солинг.

Кентни кундага соладилар.

Қани кетдик, эрим, жоним.

Глостер билан Кентдан бошқа ҳамма чиқиб кетади.

## Глостер

Ачинаман, азиз дўстим; герцогнинг амри:  
 Ҳамма билар, ўз раъидан қайтариш қийин.  
 Сенинг учун ҳимоячи бўлганим бўлсин.

## Кент

Керак эмас, жаноб олий. Йўлда уриндим,  
 Ухламадим, дам оламан, тўйиб ухлайман.  
 Ундан кейин ҳуштак чалиб, эрмак қиламан.  
 Омад келса кундада ҳам бизни топади.  
 Ҳозирча хайр, омон бўлинг.

## Глостер

Аммо герцогнинг  
 Иши чакки, оқибати ёмон бўлади.

(Кетади.)

## Кент

Марҳаматли қиролимиз — «аввал бой эдим.  
 На қоққанда қозиқ қолди ва на хурмача»,  
 Деган содда бир мақолнинг, рост гаплигига  
 Ўз тажрибанг билан энди ишонгандирсан.  
 Э, осмон гумбазининг ёруғ машъали,

Яқинрсқ кел, шу ҳаётбахш нуринг туфайли  
 Битта хатни ўқиб олай. Шу аниқ бўлди,  
 Мўъжизалар туғилармиш қайғу чоғида!  
 Мен биламан, Қорделия ёзган бу хатни,  
 Қимдир унга менинг қайда яширинганимни  
 Хабар берган бўлса керак, у ҳам ҳойнаҳой,  
 Шундай оғир аҳволларда бизларни йўқлаб  
 Ердам бермак бўлса керак.— Кўзларим толди.  
 Оғирлашган қовоғларим, энди юмилинг,  
 Шум босган шу хонадонга қарамаёқ қўй.  
 Бахт тангриси, Ҳефуртуна, хайрли кеч бу!  
 Биз томонга бир озгина табассум қилиб  
 Толеларнинг ғилдирагин чаппа айлантир.

(Ухлайди)

## УЧИНЧИ САҲНА

Урмон

Эдгар чиқади.

Эдгар

Мен қонундан ташқари деб эълон бўлибман,  
 Бир дарахтнинг қавагига кириб яшириниб,  
 Қувловчилар назаридан қутулиб қолдим.  
 Қалъанинг ҳам қопқоқлари тамоман бекик.  
 Қоровуллар қидирмаган бурчак қолмади.  
 Қутулишим мумкин, фақат яшириниш керак.  
 Жуда ожиз, ҳайвонсифат, ҳазар қилгудай  
 Бир нотавон қиёфага киришим керак:  
 Юзларимга балчиқ-қурум суриб ташлайман.  
 Сочларимни тўзғитаман ва эгнимга-чи  
 Дағал, йиртиқ латта-путта боғлаб оламан.  
 Бундан кейин бўронлару қуюн, тўфонга

Ширяланғоч яғрин билан туриб бераман  
 Юртимизда санқиб юрган, Бадламдан келган  
 Гадо — саққо оз эмас-ку, ана ўшалар  
 Тентакларча фиғон тортиб, уюшиб қолган  
 Қўлларига игна, хипчин, михларни тиқиб,  
 Кўринганга даҳшат солиб, тентиб юрарди.  
 Қишлоқларда, чайлаларда, тегирмонларда,  
 Бир кўрсангиз аллакимга лаънат ёғдириб,  
 Бир кўрсангиз дуо ўқиб садақа йиғар,  
 Вой шўрлик — Том!

Том аталсам, бу-ку баҳарнов.  
 Аммо Эдгар отим билан — бу энди йўқлик.

### ТУРТИНЧИ САҲНА

Глостернинг саройи олди.  
 Кентнинг оёғида кунда.

Л и р. М а с х а р а в а а ъ ё н л а р к и р а д и.

Л и р

Жуда қизиқ, менинг учун чопар қолдирмай,  
 Ҳаммалари бирваракай кетишиб қобди.

А ъ ё н л а р д а н б и р и

Орқаворотдан эшитишимча, ҳатто кеча ҳам  
 Кетишлари тўғрисида сўз бўлгани йўқ.

К е н т

Салом бўлсин, шаҳаншоҳим!

Л и р

Бу нимаси!

Бу пастликни кулги бўлиш учун қилдингми?

К е н т

Йўғ-эй, ундаймас!

М а с х а р а

Ҳа, ҳа, ҳа, қаранглар-а, жуда ҳам дағал боғичбоғ билан зийнатланибсан-ку. Огларни бошидан боғлайдилар, ит ва айиқларни бўйинларидан, маймунларни белларидан, одамларни эса оёқларидан боғлар эканлар. Агар одам боласининг оёғи жуда ҳам югурик бўлса, унга ана шундоқ ёғоч пайпоқ кийгизиб қўяр эканлар.

Л и р

Кимдир ўзи, сенинг олий рутбангга боқмай,  
Бу кундага солиб қўйган?

К е н т

Улар иккови,  
Куёв ўғил ва қизингиз.

Л и р

Йўқ-эй!

К е н т

Шундай!

Л и р

Йўқ-эй, деяпман!

К е н т

Шундай деяпман!

Л и р

Йўқ, йўқ, улар бу қилиққа ботинмайдилар.



Кент

Ботинадилар.

Лир

Юпитерга қасам бўлсин, бу мумкин эмас.

Кент

Юнонага онт ичаман, бу мумкин экан.

Лир

Улар бундай қилиқларга ботинмасдилар,  
 Қилмасдилар ва қилолмас эдилар. Чунки  
 Бизни бу тарз менсимаслик — ўлимдан оғир!  
 Тезроқ айт-чи, сенинг қилган гуноҳинг нима?  
 Улар қандай журъат билан менинг элчимга  
 Шундай тубан муомала қила олдилар?

Кент

Шаҳаншоҳим, сиз амир этган мактубни олиб,  
 Мен уларнинг саройига етганимдан сўнг  
 Одат ҳукми тизза чўкиб, дарров топширдим,  
 Бу таъзимдан туриб боқсам яна бир чопар  
 Терлаб кетган, ҳансирайди, усти-боши чанг.  
 Гонерилья номидан у салом топширди,  
 Мендан кейин у ҳам битта мактубни берди.  
 Улар дарров ўқидилар, минут ҳам ўтмай  
 Аъёнларни йиғдилар-у отга миндилар,  
 Менга эса совуқ, қатъий; бизлар билан юр,  
 Хатга жавоб олгунингча кутгин — дедилар.  
 Бунда ўша чопар билан яна учрашдим.  
 Уша келиб, совуқликка дуч бўлдим, балки.  
 Қарасамки, у, тунов кун жанобингизга  
 Дағалликка ботина олган азамат экан.  
 Жаҳлим чиқиб, эсу ҳушдан устинлик қилди,

Қиличимни ширр... суғурдим, у номард эса  
 Қўрққанидан дод солди-ю, бутун уй турди.  
 Куёвингиз ва қизингиз менинг бу қилган  
 Қилигимни шу уятга лойиқ топдилар.

### М а с х а р а

Ёввойи ғозлар ҳали ҳам шу томонга учишларига  
 қараганда, ҳали қиш келмаган экан. (*Куйлайди.*)

Жулдурвоқи тўрва кўтарган ота  
 Болаларга маъқулмас.  
 Оталарнинг газнаси бўлиб катта,  
 Давлатлари бўлса бас.  
 Тақдир-чи, равшан нарса,  
 Унинг қўли ҳеч қачон  
 Силашга чўзилмайди  
 Қамбағал боши томон.

Бу гапларнинг ҳаммасидан шу маълум бўлиб ту-  
 рибдики, сен ўз қизингдан ҳали кўп совға-салом олар  
 экансан, уларнинг ҳисобига бир йилда ҳам ета олмай-  
 сан.

### Л и р

Қандайдир бир оғриқ келиб қалбимни тутди.  
 Бир тугунчак юқорига ўрмаламакда.  
 Сенинг ўрнинг у ердасиз, қуйироққа туш.  
 Қани ўша менинг қизим?

### К е н т

Граф қасрида.

### Л и р

Сиз орқамдан бора кўрманг.  
 Шу ерда қолинг.

(*Чиқади.*)

Аъён

Шундан бошқа ҳеч қанақа гуноҳинг йўқми?

Кент

Йўқ.

Нима учун аъёнлар кам, қирол ёнида?

Масхара

Агар сени мана шу саволинг учун кундага солган-лариди эди, тамоман ҳаққоний иш қилган бўлардилар.

Кент

Нима учун, аҳмоқ?

Масхара

Биз сени чумолининг мактабига ўқишга берамиз: у сенга қишда ишлаш мумкин эмаслигини ўқитади. Қимнингки думоғи ҳид билса, қайси томонга юриш кераклигини кўзи билан кўриб билади; лекин кўр бўлмаслиги шарт. Сасиб ётган мурда олдидан ўтган йигирмата буруннинг ичида шу ҳидни анқимаган бирор бурун топилмайди. Тоғдан пастга ғилдираб келаётган ғилдиракка ёпиша кўрма, бўйнинг узилади. Аммо бирор катта ғилдирак пастдан тоққа ўрмалаётган бўлса, ана унга ёпиш, чунки у сени ҳам ўзи билан баландликка олиб чиқади. Агар бирорта ақлли киши чиқиб қолиб, сенга бундан яхши маслаҳат берса, меникини ўзимга қайтариб бер: агар шу маслаҳатни бирор аҳмоқ киши бера турган бўлса, майли унга алдамчилар эргашсинлар.

Қимки пулга хизмат кўрсатса,

Ўзин ишда кўрсата олар.

Юқин боғлар сал ёмғир ёғса

Бўронда-чи зўр ташлаб кетар.

Мен қоламан — бу гапим аниқ;  
 Ақллилар қочар боякбор.  
 Маккор, аҳмоқ бўлиши мумкин,  
 Аммо аҳмоқ, бўлмайди маккор.

### Кент

Сен қаердан ўргангансан бу гапни, аҳмоқ?

### Масхара

Кундаларга солинмасдан ўргандим, нодон.

*Лир билан Глостер киради.*

### Лир

Кўришолмас эмишларми ҳозир мен билан?  
 Чарчагану касалмишлар? Бутун кечаси  
 Юравериб толганмишлар! Бу барчаси важ!  
 Бу бир исён — қўзғолоннинг ўзгинаси-ку!  
 Дарров бориб бошқа маъқул жавоб олиб кел.

### Глостер

Шаҳаншоҳим,

Биласизми, герцог сержаҳл,  
 Бир қарорга келиб қўйса, ундан қайтариш  
 Жуда мушкул, ўжар одам, тўнг бўйин одам.

### Лир

Улим! Қасос! Вабо билан лаънатлар бўлсин!  
 Сержаҳл одам? Нима ўзи?

Глостер, Глостер,

Мен шу топда кўрмоқчиман  
 Герцогни ҳам, хотинини ҳам!

### Глостер

Мен уларга буни айтдим, соҳибқироним.

## Л и р

Сен айтдингми? Узинг мени тушуна олдингми?

## Г л о с т е р

Балли, шаҳаншоҳ!

## Л и р

Қирол орзу қиладики, кўрса — герцогни;  
 Ота эса ўз суюмли қизчаси билан  
 Сўзлашмоқчи. Итоатин кутиб турибди.  
 Бунн ахир сен айтдингми? Жоним, қоним у!  
 Герцог эса сержаҳлми? Уша сержаҳл  
 Куёвимга айтиб қўйки... йўқ керак эмас;  
 Балки касал, вазифасин бажара олмас,  
 Соғ кишига муқаддас бурч бўлган ишларни  
 Бажаришда баъзан касал халақит берар.  
 Ва табиат жонимизни танимиз билан  
 Бирга қўшиб қийнаганда, бизлар — биз эмас.  
 Мен кутаман, ўзимдаги бу ўжарликни  
 Хўп койийман; касал киши билан соғлардек  
 Муомила қилиш ахир мумкин ҳам эмас.

*(Кентга қарайди.)*

Бошимизга ўлим, оташ-жаҳаннам ёгсин!  
 Нима учун бу кундага солинди, ахир?  
 Шу қилиқнинг ўзи равшан айтиб турибди;  
 Уша ердан жўнашларин ўзи бир ҳийла.  
 Бунн дарров бўшатинглар! Сен бориб айтки,  
 Мен шу соат ҳар икковин кўрмак истайман.  
 Тезлик билан, ушбу ерга етиб келсинлар,  
 Йўқ эса-чи ўзим бориб эшикларини  
 Муштлайвериб уйқуларин қочирим рост.

## Г л о с т е р

Икки ўрта тотувчилик бўлса яхши-да.

*(Чиқади.)*

## Лир

Тағин ұша тугун, юрак томон келмоқда!  
Пастроққа туш!

## Масхара

Ҳа, ҳа, қичқиравер, амаки, ошпаз хотин илон балиқларга қичқиргандай қичқиравер. Уша хотин сомсага тирик балиқларни сола туриб, уларнинг бошига урар эди «жим туринглар, ярамаслар, жим туринглар!» Уша ошпаз хотиннинг укаси чавандоз эди. Отларини шундай севар эдики, пичанга сариф мой қўшиб боқар эди.

Глостер, Корнуэль, Регана ва мулозимлар  
киради.

## Лир

Иккингизга салом бўлсин!

## Корнуэль

Салом, шаҳаншоҳ!

Кентни бўшатадилар.

## Регана

Сизни кўриб кўп қувондим, ёруғ юзлигим.

## Лир

Ишонаман, Регана бу ишончимга ҳам  
Сабаблар бор, агарда сен қувонмасайдинг  
Мен онангнинг тупроғини сўккан бўлардим,  
Бир сатангнинг ҳоки ётган мазор ушбу деб.

(Кентга қараб)

Ҳа, ҳа, ахир, бўшадингми? Бу гап кейинроқ.  
Сенинг опанг — ёвуз экан, дўстим Регана!  
У шунчалик қаҳри қаттиқ, кўрнамак экан.  
Юрагимга калхат каби чангалин солди.

(Юрагини кўрсатади.)

Айтаверсам сўз етмайди, сен ишонмайсан,  
У шунчалик жирканч газаб билан... Регана!

Регана

Сўрар эдим, тинчлансангиз. Менинг фикримча,  
Опам сизга ҳурматини унутмасданоқ  
Сиз опамнинг қийматини унутмоқдасиз.

Лир

Нима дединг, бу нима гап?

Регана

Ишонаманки,  
Опам зарра бўлса унутганча йўқ.  
Фақатгина, яхши ният, муроса учун  
Аъёнларнинг тўс-тўполон қилиқларини  
Босмак бўлиб шундай чора кўрган эҳтимол.  
Шундай бўлса, бу туҳматлар унга ўринсиз.

Лир

Унга лаънат!

Регана

Отажоним, қариб қолдингиз,  
Ешингиз ҳам маррасига бориб тақалди:  
Энди сизни етакловчи, йўлга солувчи  
Истагингиз нима бўлса, сиздан яхшироқ  
Шу истакни тушунувчи ғамхўр, меҳрибон  
Ва донороқ кишиларнинг ёрдами керак.  
Сўрар эдим, дарров опам олдига бориб,  
— Биздан ўтди,— деган бўлиб кечирим сўранг.

## Л и р

Кечирим сўраш? Ота бориб — ўз қизидан?  
 маъқул маслаҳат!  
 — «Қизим, жоним, қариб қолдим, қарилик  
 қурсин,  
 Тизза чўкиб ўтинаман, шу нотавонга  
 Кийим-бош бер, бошпана бер, озиқ-овқат бер!»

## Р е г а н а

Бас, етарлик! Бундай ҳазил сизга эпмас.  
 Дарров қайтинг!

## Л и р

Йўқ, Регана, мен ҳеч қачон қайтиб бормайман.  
 У теппа-тенг қисқартирди аъёнларимни,  
 Қора булут каби қараб, илон тил билан  
 Найзасини қоқ қалбимга санчиб олди у.  
 Эй осмон қасослари, у кўрнамакнинг  
 Бош устида уввос солинг, гулдурос солинг.  
 Вабо билан заҳарланган ҳаво, сен унинг  
 Бутун наслин дўзахларга гирифтор қилгил.

## К о р н у э л ь

Уят, уят, шаҳаншоҳим!

## Л и р

Эй, чақинлар, сиз оташин нурингиз билан  
 Унинг ўткир кўзларини ўйиб туширинг!  
 Қуёш нури чуқурликдан кўтариб чиққан  
 Эй сиз ботқоқ туманлари, унинг ғурурин  
 Ва жамолин несту нобуд қилинг, оғуланг!

## Р е г а н а

Вой худойим! Ғазабингиз чиққан минутда  
 Бизларни ҳам шундай қарғаб қоларсиз, бэлки?



## Л и р

Йўқ, Регана, йўқ, йўқ, қизим, сени ҳеч қачон!  
 Нозик таъбинг бу қаргашга муносиб эмас.  
 Унинг кўзи-қошлари ҳам ғоятда даҳшат.  
 Сеники-чи кўнгилларга берар тасалли.  
 Сен, албатта, менинг эркин турмушим бузиб,  
 Аъёнларим сонини ҳам қисқартмас эдинг,  
 Сўзда чақиб, харжимни ҳам шунча қисқартиб,  
 Энг охири юзимга ҳам эшик ёпмасдинг.  
 Узинг яхши тушунасан, табиий тортим,  
 Ота, қизлик муҳаббати боғланишлари,  
 Ўз бурчига назокатни талаб қилади;  
 Сен, албатта, унутмайсан, ахир, мен сенга  
 Подшоликнинг бутун ярмини бериб қўйибман.

## Р е г а н а

Сўрар эдим, муддаога яқинроқ келинг.

## Л и р

Ким кундага солди менинг мулозимимни?

## К о р н у э л ь

Кимнинг бурғи овози бу?

## Р е г а н а

Опам келгандир.

О с в а л ь д киради.

Ёзган эди, Маликангиз бирга келдимиз?

## Л и р

Мана бу қул! Хўжайинлар унга кўрсатган  
 Кўп ишончсиз марҳаматдан шишиниб кетиб,  
 Шу омонат ғурурга ҳам эга бўлибди.  
 Қоч кўзимдан, тубан малай.

Корнуэль

Бу нима ўзи?

Лир

Кундага ким солди дейман мулозимимни?  
Сен, Регана, бу ишлардан беҳабардирсан?  
Келаётган ким?

Гонерилья киради.

Эй осмон, қариларга шафқатинг бўлса,  
Жорий бўлса, мутъларга меҳрибон ҳукминг,  
Агар сенинг қадимлигинг барқарор бўлса  
Бир имою ишорат қил, менга ҳоми бўл!

(Гонерильяга.)

Тагин менга қараяпсан, уялмайсанми?  
Сен Регана, нега унга қўл беряпсан?

Гонерилья

Нега ахир қўл бермасин? Гуноҳим нима?  
Эсдан жўйган кишиларга гуноҳ кўринган  
Ҳар қандай иш ҳақиқатда гуноҳ бўлмайди.

Лир

Оҳ, юрагим, сен шунчалик бевафомисан?  
Шунча оғир гапларга ҳам бардошинг борми?  
Ким, деяпман, хизматчимни кундага солган?

Корнуэль

Мен солганман, шаҳаншоҳим! Қилган гуноҳи  
Бундан оғир жазога ҳам сазовор эди.

Лир

Сен солдингми? Сен-а?

## Регана

Қўйнинг энди, отажон!  
 Бедармонсиз, ўзингизни унча урнатманг.  
 Аъёнлардан бир қисмига ижозат бериб,  
 Шу ойгина опам билан яшаб турингиз.  
 Ундан кейин бизни кига кела қоларсиз.  
 Ҳозир эса, уйдамасмиз, қабул қилмайман,  
 Ҳурматингиз бажо қилиб кута олмайман.

## Лир

Аъёнларнинг қоқ ярмига ижозат бериб,  
 Яна унинг даргоҳига қайтиб борайми?  
 Йўқ, яхшиси бу шафқатнинг баҳридан кечиб  
 Бошим олиб кетажакман дала-тузларга.  
 Бойқушларга, бўриларга улфат бўламан.  
 Муҳтожликнинг ўтқир тиши! Қайтар эмишман?  
 Ундан кўра кенжа қизни гадо ҳолида  
 Олиб кетган ўша ўжар француз томон  
 Дарров бориб, қуллар каби тизимни букиб,  
 Ушбу аянч ҳаётимда эҳсон сўрайман.  
 Яна унинг даргоҳига қайтиб борайми?  
 Ундан кўра қул бўлишни афзал кўраман.  
 Шу ифлоснинг жонивордай юкин ташийман.

*(Освальдни кўрсатади.)*

## Гонерилья

Ихтиёрингиз!

## Лир

Ҳой қиз, мени қутуртирма! Ва бундан кейин  
 Озорим йўқ. Болаларим, хайр!  
 Бундан кейин кўришмаймиз, учрашмаймиз ҳам,

Ҳар ҳолда сен вужудимсан, қоним, қизимсан,  
 Вужудимга битган дардсан, яна тўғриси,  
 Уздан чиққан бало бу деб иқроқ қиламан.  
 Сен шу оғриқ қонимдаги йирингли яра,  
 Ирганч шишсан. Таъна нима учун?  
 Чақирмайсан, уят деган ўзи келади.  
 Мен қасосга чақинларни чақирмайман ҳам,  
 Юпитерга қила турган шикоятим йўқ.  
 Ўз хулқингни тузатиб ол, қўлингдан келса,  
 Бир озгина бошқача бўл: чидаб тураман.  
 Мен ҳозирча Реганада яшашим мумкин!  
 Юзта аъён менинг билан бирга бўлади.

#### Регана

Йўқ, ҳозирмас, мен сизни ҳеч кутмаган эдим,  
 Ҳурматингиз бажо қилиб кута олмайман,  
 Опамга ҳам қулоқ солинг. Сизнинг шунчалик  
*Жаҳлингизга парво қилмай қараган одам*  
 Тушунади, сиз кексайиб қолган кишисиз,  
 Опам, ахир, ўз ишини билиб қилади.

#### Лир

Сенинг фикринг шуни ўзи, шундай эмасми?

#### Регана

Уйлашим шу, дарҳақиқат элликта аъён,  
 Сизнинг учун кифоядир? Кўпи не ҳожат?  
 Шунчасини ушлаб туриш хавfli ва қиммат.  
 Бир уй бўлса ва иккита хўжайин бўлса,  
 Шунча ходим муросаси чиқишармикан?  
 Уйлашимча, жуда қийин, мумкин бўлмайди.

#### Корнуэль

Нима учун, шаҳаншоҳим, бизнинг, опанинг  
 Одамлари сизнинг учун хизмат қилмасин?

Регана

Хўш, нима учун? Агар улар сизга нисбатан  
Беадаблик қилар бўлса, танбиҳ берамиз.  
Сиз мабодо менинг билан турмак бўлсангиз  
Ҳар қандайин хавф-хатарнинг олдини олиб,  
Кўп деганда йигирма беш хизматчи олинг,  
Ортиғини қўймайман ҳам, харж ҳам бермайман!

Лир

Мен сизларга топшираркан ҳамма нарсани...

Регана

Бу иш жуда ўз вақтида бўлган иш эди.

Лир

Мен сизларга ўз ҳукмимни ва давлатимни  
Топшираркан, юзта азён мен билан бирга  
Қолади деб шарт қўйганман. Энди сен эсанг,  
Фақатгина йигирма беш киши бўлсин, деб  
Айтяпсан, Регана хўш, шундай дедингми?

Регана

Шундай дедим. Ортиғини қабул қилмайман.

Лир

Ёмон одам, кўп ҳам ёмон кўринмас экан  
Евуз билан қиёс қилиб кўрсанг, албатта.  
Энг ярамас саналмаган  
Шаксиз яхшироқ бўлгай.

(Гонерильяга.)

Сеникига борай, майли. Сен эллик дединг,  
Эллик, ахир, икки марта йигирма беш-ку,—  
Икки ҳисса ортиғини сен севасан-ку.

## Гонерилья

Шаҳаншоҳим,

Йигирма беш нимага керак?

Унни айтинг, бешни айтинг — шу ҳам ортиқча.

Сиз борсангиз, хизматингиз учун берармиз.

Керагидан икки ҳисса ортиқ мулозим.

## Регана

Менга қолса бир нафар ҳам одам керакмас.

## Лир

Менга нима кераклигин қайдан биласан?

Жуда ожиз бир гадо ҳам эҳтиёжига

Керагидан ортиқчароқ нарсага эга.

Агарда сен фақатгина эҳтиёж учун

Зарур бўлган нарсаларнинг ўзини берсанг

Одамизод ҳайвон билан тенглашиб қолур.

Чунончи, сен бекач хотин. Зийнат не керак?

Табиатга иссиққина кийим кифоя:

Бу ясанлар вужудингни иситмайди-ку —

Олифталик бизнинг учун нимага керак?

Э, осмон, керагича менга чидам бер!

Э худолар, олдингизда бир бечора чол,

Оғир қайғу, бахтсиз умр уни ранжитган:

Еки сизлар сабаб бўлиб қизларнинг қалби

Отасига қарши шундай ғазабли бўлса,

Шунинг ўзи кифоядир, бундан ортиқча

Ўз устимдан ҳақоратга чидай олмайман,

Шунга тўзим беришга ҳам сиз мадад беринг,

Юрагимда эзгу қасос ўтини ёқинг!

Эркак юзи, хотинларнинг қуроли бўлган

Ешлар билан булғонишга ижозат берманг.

Сиз ёвузлар, қараб туринг, ҳар иккингиздан

Шундай қасос олайн-ки, бир бутун олам...

Шундай ишлар қилайинки, билмайман нима:

Ҳар ҳолда мен коинотга даҳшат соламан.  
 Сиз нима деб ўйлаяпсиз, мен йиғлайманми?  
 Йўқ, йиғлаётганим йўқ.  
 Укирсам ҳам бўладиган сабаблар бор-ку,  
 Йиғламасдан бурун менинг бечора қалбим,  
 Минг бўлакка парча-парча бўлиб кетади  
 Ҳой, масхара, ақлдан озаётибман:

Лир. Глостер, Кент, Масхара чиқиб кетади.

Корнуэль

Биз ҳам кетдик. Қуюн, довул яқинлаб қолди.

Момақалдироқ, узоқдан бўрон овози.

Регана

Уйимиз тор; чол шунча кўп аъёнлар билан  
 Қичик жойга сиғишмайди.

Корнуэль

Узидан кўрсин:  
 Тинч, осойишта яшамакни истамас экан,  
 Пушаймонлар бўла қолсин тентаклигидан.

Регана

Ёлғиз ўзин, майли, хўп деб қабул қиламан,  
 Аъёнлардан бирортасин қўймайман, аммо.

Гонерилья

Мен ҳам шундай.  
 Ҳа, дарвоқе, Глостер қани?

Корнуэль

Чол изидан кетган эди. Ана ўзи ҳам...

Глостер киради

Г л о с т е р

Қирол,—

Қаттиқ ғазабадир.

К о р н у э л ь

Қайға кетармиш?

Г л о с т е р

Отланинг деб буюрди-ю, қайға, билмадим.

К о р н у э л ь

Истагани. Қўнгли чопган томонга кетсин.

Г о н е р и л ь я

Ва раъидан қайтаришнинг кераги ҳам йўқ.

Г л о с т е р

Афсусларки, тез орада оқшом чўқади,

Теваракда гуввос билан бўрон эсмоқда.

Гир атрофда бир тиккайган қора дарахт йўқ.

Р е г а н а

Эй муҳтарам, бундай ўжар одамлар учун

Ўз бебошбоқ иродаси натижасида

Бу бахтсизлик яхшигина сабоқ бўлади.

Тез қалъанинг қопқаларин бекитмоқ керак!

Унинг билан бирга бўлган саёқ оломон

Чолни ҳар бир йўл-йўриққа бошлаши мумкин.

Ва уларга астойдил қулоқ солади,

Маслаҳат шу, эҳтиётроқ бўлайлик биз ҳам.

К о р н у э л ь

Дарвозалар бекитилсин. Қоронғи кеча.

Ва бўрондан қочиш керак. Яхши маслаҳат.

Кетадилар.



### III ПАРДА

#### БИРИНЧИ САҲНА

Чўл

Бўрон

Саҳнанинг икки томонидан Кент ва бир сарой киши си келиб чиқади.

**Кент**

Ҳе, бу ерда ким бор яна бўрондан бошқа?

Сарой киши си

Жони худди бўрон каби нотинч бир одам.

**Кент**

Мен-ку сизни танияпман, қирол қаерда?

Сарой киши си

У қутурган офат билан баҳслашмоқда.  
У бўрондан ер юзини битта уфуриб,  
Денгизларга супуришни, ёки бўлмаса  
Аёв билмас тўлқинларга итқитишни  
Сўрамоқда, токи ерда бор, мавжуд нарса  
Ё ўзгарсин ёки тамом йўқолсин эмиш:  
Оқ сочларин юлқимоқда газаби билан,  
Бўрон эса тарқатмоқда ҳурмат қилмасдан,  
Инсонга хос кичик — ожиз жони билан у —  
Баҳслашиб енгмоқчидир ёмғир, шамолни.  
Бу оқшомда овга чиқмас урғочи айиқ

Маммасида бирор қатра сут қолмаса ҳам,  
 Арслон билан озгин бўри қуруқ ер излар  
 У бўлса-чи, боши очиқ, тентиб юрибди.  
 Гуё сўнгги соатларни кутар беқарор.

### Кент

Бирор киши бор эканми у билан бирга?

### Сарой киши си

Елғизгина Масхара бор унинг ёнида  
 Ҳазил билан жўймак бўлар қалб аламини.

### Кент

Мен танийман сизни, худди шунинг учун ҳам  
 Ишонаман, битта зарур сир бор, айтаман.  
 Альбани ҳам Корнуэлнинг ораларида  
 (Гарчанд икков ҳийла билан сирин бой бермас)  
 Кўпдан бери ҳукмрондир келишмовчилик.  
 Осмоннинг раъи билан тахтга ўтирган  
 Барча шоҳлар каби энди бу икковининг ҳам  
 Атрофида талай ходим, мулозимлар бор,  
 Булар бари баққановуз, жосус кишилар.  
 Хизмат қилар тўппа-тўғри французларга.  
 Юртимизда не иш бўлса уларга аён.  
 Чол қяролга қилинмоқда бўлган сиқиқлар,  
 Герцогларнинг ўртасида бўлган эддият,  
 Балки бундан яна нозик кўп сирлар маълум.  
 (Ва билингки булар бари — сўз боши, холос.)  
 Шу ҳам аниқ, Фарангларнинг катта қўшини  
 Ола-ғовур ўлкамизга босиб келмоқда.  
 Улар яширин, бизнинг муҳим портларимизда  
 Қирғоқларга аскар тўккан, энди биз билан  
 Очиқ жангга кириш учун тайёр турибди.  
 Агар менга сиз ишонган бўлсангиз, дарров  
 Девор томон ошиқингиз ва у ерда сиз  
 Қишиларни учратарсиз ва ўшаларга

Қиролимиз тортаётган ва кўз кўрмаган  
Бутун жабру жафоларнинг ростини айтинг.  
Улар сизга керагича берар мукофот.  
Мен ҳам оддий киши эмас, сизни ташийман,  
Сизга жуда ишонаман, шунинг учун ҳам  
Шундай нозик топшириқни сизга бераман.

С а р о й к и ш и с и

Сиздан шуни сўрар эдим.

К е н т

Йўқ, керак эмас.  
Шу топдаги кўринишим шубҳа туғдирар.  
Ҳақиқатда анчагина қиммат тураман,  
Бу ҳамённи олиб қўйинг, далили учун,  
Ва ичида нима бўлса бари сизники.  
Сиз у ерда учратасиз Корделияни,  
Ва албатта учратасиз, имоним комил,  
Унга мана шу узукни нишон берсангиз:  
У ҳам сизга шу топдаги суҳбатдошингиз  
Қим эканини айтиб берар. Бўронни қаранг,  
Мен қиролни қидиришга бораман энди.

С а р о й к и ш и с и

Мана сизга, менинг қўлим! Бошқа гап йўқми?

К е н т

Ҳаммасимас, жуда зарур битта яш қолди.  
(Бу томондан сиз борасиз, бу томондан ман.)  
Қим биринчи топа қолса қиролимизни,  
Уртоғига хабар берсин шу ондаёқ.

Икки томонга кетадилар.

## ИККИНЧИ САҲНА

Чўлда бошқа бир жой.  
Бўрон давом қилмоқда.

Л и р билан М а с х а р а чиқади.

### Л и р

Қутур шамол, уфуравер, лунжинг ёрилсин.  
Сиз жалалар ва қуюнлар шу қўнғироқли  
Миноралар, гумбазларни тамом фарқ қилинг!  
Сиз чақинлар олтингугурт ўтидан бўлган,  
Қари азим эманларни парчалагувчи,  
Фикрдан тез учалгувчи найзангиз билан  
Менинг оппоқ шу бошимни куйдириб ташланг!  
Ер куррасин эзиб ташла, момақалдироқ.  
Табиатнинг шу азали шаклини эмир,  
Бу кўрнамак одамларнинг наслини қурит!

### М а с х а р а

Рост амакижон, саройда — қуппа-қуруқ хонада,  
шишаларда турадиган муқаддас сув — обизамзам, очиқ  
ҳаводаги ёмғир сувига қараганда анча кўркам экан.  
Марҳаматли амаки, юр кетамиз, бориб қизларингдан  
узр сўра. Бунақа бўрон ақллини ҳам, аҳмоқни ҳам  
сыйлаб турмайди.

### Л и р

Укиравер! Чақинавер! қуявер ёмғир.  
Гулдирашув, чақин, ёмғир — табиий офат  
Менинг қизим эмассизки бунча зулм учун  
Мен сизларни қарғасаму ё гина қилсам.  
Мен сизларга подшоҳликни топширмаган,  
Ва сизларни ўз болам деб атамаганман:  
Сизлар менга муте бўлган қудрат эмассиз.  
Даҳшат тўла эрмак учун қутураверинг.

Шу ердаман, қулингизман, бир афтода чол.  
 Ҳамма ундан ҳазар қилар, кучсиз, нотавон!  
 Бугун сизлар, фармонбардор мулозимлардай  
 Менинг золим қизларимга ёрдам бергали  
 Узингизда бўлган бутун кўк қудратини  
 Шу мўйсафид қари бошга ёғдирмоқчисиз.  
 Қандай уят! Уят сизга!

### М а с х а р а

Кимнингки бош устида бошпанаси бўлса, ўшанинг  
 боши ҳам ўз ўрнида.

Ҳар кимники иштони битта  
 Ва бошида томи бўлмаса  
 Уйланмасдан ўтсин албатта.  
 Битлайверсин қўлидан келса.  
 Кимни қалби товонидадир  
 Тез фурсатда босади қадоқ.  
 Тинч ухлашлик унга қайдадир  
 Додлаб чиқар тонггача уйғоқ.

Чунки ойнага қараганда юзининг ажва қилишини  
 ёқтирмайдиган гўзал жаҳонда топилмайди.

### Л и р

Йўқ, йўқ, энди мен чидамда ўрناق бўламан.  
 Бир оғиз сўз сўзламайман!

К е н т к и р а д и .

### К е н т

Бу ерда ким бор?

### М а с х а р а

Ким бўларди, улуғворлик билан масхарабозлик-  
 нинг иштони бор, битта ақлли билан битта аҳмоқ.

## Кент

Бу сизмисиз, шаҳаншоҳим? Нима деган гап!  
 Бу оқшомдан кечасилик ҳайвонлар қўрқар:  
 Кўк ғазаби, шу зулматга ўрганган ваҳший  
 Ҳайвонларни ин-инига қувиб киргазди.  
 Мен ўзимни танигандан буён бунчалик  
 Зўр чақинни, гулдуросни, бўрон, қуюнни  
 Қўрмаганман, катталардан эшитмаганман.  
 Бу даҳшатга одамзоднинг чидаши қийин.

## Лир

Майли, бизнинг бошимизда ўкираётган  
 Шу яздонлар, ўз ёвини қидириб топсин.  
 Бу даҳшатдан қилган иши қонундан яширин  
 Жинояткор қалтираши, қўрқиши мумкин!  
 Кушандалар, ўз қон юқи милкингни яшир.  
 Кўринишга гуноҳсиздай кўриниб, аммо  
 Дилларида қотилликка суиқасди бор,  
 Қасамхўрлар, қон булговчи жунун, ярамаслар,  
 Риёкорлик қобирғига бурканган шахслар,  
 Ана шулар қалтирасин, даҳшатга тушсин.  
 Яширин гуноҳ, ўз устингдан ниқобингни от!  
 Омон сўраб, кўк кучига қилғил илтижо!  
 Мен эса-чи, гуноҳи оз битта одамман,  
 Бошқаларнинг гуноҳи кўп менинг олдимда.

## Кент

Қандай қайғу!

Бошяланг-а, ҳе подшоҳим!

Шу яқинда бир чайла бор бошпана берар,  
 Бўрондан ҳам биқинасиз. Мен эса ҳозир  
 Тош иморат эшигига қайтиб бораман.  
 Биламанки, у ердаги кишилар қалби  
 Шу иморат бино бўлган тошлардан қаттиқ.  
 (Сизни излаб ўша томон борган эдим мен

Эшикни ҳам очмадилар, йўлатмадилар.)  
Кучим етган даражада тортиб-талашиб,  
Қиттаккина шафқатларин юлқиб оламан.

Л и р

Мен эсимни жўяётиман.

(Масхарага)

Юр огайни. Сен ҳам бунда совуқ қотибсан.  
Мен увушдим.

(Кентга)

Уша чайланг қаерда, дўстим?  
Ё таажжуб! Бу эҳтиёж зўрин кўрсатса  
Арзимаган нарсалар ҳам қадр топаркан.  
Чайланг ўзи қай томонда? Шўрлик Масхарам.  
Юрагимдан бир бўлагин сенга ачинар.

М а с х а р а

(Куйлайди)

Ҳар ким бир оз ақлу ҳушга хўжайин бўлса,  
Унинг учун ҳай-хуй демак шамол ва ёмғир,  
Тақдир унга не юборса ўшанга рози.  
Кунин бўйи ёрмайдими ёмғир тинмагур.

Л и р

Гапинг тўғри.

(Кентга)

Қани, бизни чайлангга бошла.

Л и р билан К е н т чиқади.

М а с х а р а

Мана бунақанги кеча, ҳар қандай қичиқ хотиннинг  
ҳам таптини босиб қўя олади. Қани энди кетишдан  
илгари жиндаккина пайғамбарлик қилиб қўяй:

Поплар халққа ёлгон гапни айтмайдиган кун,

Пивочилар сув қўшмаса пивога бу кун,  
 Сен даҳри — деб шўрликларни дорга осмасдан,  
 Елғондакам ошиқларни ёқса тўсатдан,  
 Судьялар ҳам гуноҳсизни ҳукм қилмаса,  
 Бирор одам бошқасидан қарздор бўлмаса,  
 Бўхтончининг тили тубдан қирқилиб кетса,  
 Судхўр бутун пулларини чуқурга тикса,  
 Кисовурлар ёт чўнтакни ковламай турса,  
 Қўшмачи-ю бузуқ хотин маъбатлар қурса,  
 Яқин Урта Англияда бўлар шу замон,  
 Мамлакатни чулғаб олур улуғ ҳаяжон.  
 Шундай замон тез фурсатда етиб келади,  
 Шунда ҳамма оёғини босиб юради.

Бундан буёнги пайғамбарликни Мирлин деган  
 сеҳргар қилади, чунки у мендан кейин ёруғ дунёга ту-  
 рилади.

### УЧИНЧИ САҲНА

Глостер саройида бир хона.  
 Глостер билан Эдмунд чиқади.

#### Глостер

Афсус, афсус, Эдмунд. Буларнинг одамзод шаъ-  
 нига келишмайтурган муомилалари менга маъқул бўл-  
 май қолди. Мен улардан нима билан бўлса ҳам унга  
 бир оз ёрдам бериш учун ижозатларини сўраган эдим,  
 улар аввалига менинг ўз уйимни эгаллаб олдилар,  
 кейин ҳамиша назардан туширамиз деган кўрқитиш  
 билан унинг ҳатто отини аташни ва унинг учун қайси  
 йўл билан бўлмасин ёрдам сўраб мурожаат қилишим-  
 ни ҳам қатъиян ман қилдилар.

#### Эдмунд

Бу ғоятда қаттиғлиқ ва одатга зид гап-ку.



## Г л о с т е р

Мана бу гапга қара, лекин бу тўғрида ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очма. Ҳар икки герцог ўртасида келишмовчилик бор, балки келишмовчиликдан ҳам ўткирроқ гап бор. Бугун кечқурун мен хат олдим, бу тўғрида гапиришнинг ўзи ҳам хавfli, мен бу хатни яшириб қўйдим. Қиролга берилаётган шунча озорлар, яқинда ўз жазосини олади. Қўшинларнинг бир қисми қирғоққа тушиб бўпти. Биз қирол томонда туришимиз керак. Мен уни қидириб топиб унга ёрдам бераман. Сен тез бор, герцогни овунтириб тур, менинг йўқлигимдан хабардор бўла кўрмасин.

Агар мени сўраб қолса, касал деб айт, кўрпа-тўшак қилиб ётибди де. Майли, мен таҳдид остидаман. Шу ҳақ иш учун ўлсам ўларман, аммо ўз қиролимга, ўз эски ҳукмронимга ёрдам беришим шарт. Ҳоятда катта ҳодисалар рўй берай деб турибди, Эдмунд, жон ўғлим, ўзингга эҳтиёт бўл.

(Чиқади.)

Э д м у н д

Бу гапларни герцог дарров билмоғи керак,  
Билиб қўйсин шафқатни ҳам, келган хатни ҳам.  
Мен оламан хизматимга лойиқ мукофот  
Ва отамдан ниманики тортиб олсалар,  
Ҳаммаси ҳам келиб менинг қўлимга тегар.  
Қайда кекса қулар бўлса, ёшлар тиккаяр.

## Т У Р Т И Н Ч И С А Ҳ Н А

Чўл. Чайла олди.

Л и р, К е н т, М а с х а р а к и р а д и.

К е н т

Мана шу ёр, марҳаматли соҳибқироним,  
Дарров кириб. Бу кечанинг уқубатига  
Кенг ялангда туриб бериш ҳеч мумкин эмас.

Бўрон давом қилади.

Л и р

Мени қолдир.

К е н т

Сиздан шуни сўрар эдим.

Л и р

Менинг мунгли юрагимни эзмоқчимисан?

К е н т

Аввал бошлаб ўзимники эзилса кошки.  
Марҳамат, киринг.

Л и р

Қуюн бизнинг мағзимизга ўтиб кетганин  
Жуда аянч ҳодиса деб ўйласанг керак?  
Сенинг учун худди шундай бўлиши мумкин:  
Бундан оғир жабру жафо эзиб турганда,  
Озгинасин биз унчалик ҳис ҳам қилмаймиз.  
Сен айяқнинг чангалидан омон қутулиб,  
Бир айлансанг, кўз ўнгингда пишқирган денгиз,  
Чор-ночор қайтасан ваҳший оғзинга.  
Руҳинг озод бўлганида тан сезгир бўлар,  
Руҳингда-чи шунча тўфон, қуюн бор экан,  
Барча сезги ўтмасланиб қолган бўлади:  
Ва бу санчиқ (*юрагини кўрсатиб*)  
Қизларимнинг кўрнамаклиги.  
Бу иш худди бутун умр тўйдириб келган  
Қўлни оғиз тишлаганга ўхшаб кетади.  
Бироқ, қасос оламан ман. Йўқ, йиғламайман!  
Шундай кезде мени қувлаб чиқардилар-а!  
Қуявер-эй, қуявер-эй, чидаб бераман!  
Шу кеча-я! Сен Регана! Гонерилья!  
Отангиз-ку сизни жондан севувчи эди,

Бор давлатин иккингишга бўлишиб берди!  
Бироқ, бу йўл тентакликка олиб борармиш,  
Истамайман! Бундан ортиқ бир сўз айтмайман!

К е н т

Шаҳаншоҳим, киринг, ахир.

Л и р

Ўзинг кириб ўз-ўзингга паноҳ топавер.  
Шундай бўрон, хаёлимдан ёмон ўйларни  
Бир чеккага суриб турар. Кирсам кирарман.

(*Масхарага.*)

Сен олдин кир, оғайнижон, уйсиз бечора!  
Мен ибодат қилиб бўлиб кириб ётаман.

М а с х а р а чайлага киради.

Омон билмас шамолларнинг қувғиндилари.  
Бошпанасиз, увин-тўда, доимо муҳтож,  
Оч-яланғоч бечоралар, сиз қандай қилиб  
Шу табиий офатларга туриш берасиз?  
Оҳ, мен жуда кам ўйлардим бу тўғриларда.  
Улуғворлик соғайиб ол, ўз вужудингда  
Гадоликнинг бутун ҳиссин синаб қўй энди.  
Осмоннинг адолатин кўрсатмоқ учун  
Ўзингда бор эҳтиёждан ортиқ нарсанинг  
Ҳаммасини шуларга бер.

Э д г а р

(*Чайла ичидан.*)

Тўққиз фут, чўнқирлиғи тўққиз фут. Шўрлик Том!

М а с х а р а чайладан қочиб чиқади.

М а с х а р а

Амакижон, бу ерга кира кўрма, бу ерда ажина-  
алвасти бор экан. Ердам беринг, ёрдам беринг.

## Кент

Менга қўлингни бер. Ҳой, у ерда ким бор?

## Масхара

Алвасти! У менинг отим — шўрлик Том, деб айтаётибди.

## Кент

Узинг кимсан, похолнинг орасида нима деб кишнаётисан? Қани, бу ёққа чиқ!

Узини телбаликка солган Эдгар чайладан чиқади.

## Эдгар

Қоч, қочинглар, орқамдан шайтон қувлаб келмоқда. «Сув тагида сулаймон, ғув-ғув ғувалак, зув-зув зувалак!..» Дррр... муздак ётоққа ёт, исиниб ол.

## Лир

Буд-шудингни икки қизга топшириб қўйиб,  
Узинг шундай аҳволларга тушиб қолдингми?

## Эдгар

Шўрлик Томга, ким бирор нарса садақа қила олади?

Шайтон уни қувлагани қувлаган. Оловлар ва алангалар ўртасидан, гирдоблар ва кўлмаклар ўртасидан, балчиқлар ва ботқоқлар ўртасидан дам бермасдан қувлайди. Ётар бўлса ёстигининг тагига тикка пичоқ қўяди, ўлтирганда бош устига дор сиртмоғин илади, овқатиға маргимуш заҳарин қуяди; яқинда у, шўрлик Томни: жийрон отга миндириб ўз сояси орқасидан худди сотқинларни қувлагандай тўрт дуймлик тор кўприкдан от қувишга зўрлади. Тангри таоло сенинг эс-ҳушингни жойида қилсин! Том совқотди. Дррр-дрррр!.. Тангри таоло сени бўронлардан ва юл-

дузларнинг юқумли касалларидан омон сақласин. Шўрлик Томга озгинагина садақа беринг; уни ёвуз шайтон қийнамоқда. Мана ўзи, мен уни тутиб олишим мумкин... Мана бунда... Мана бунда... Мана бунда... Мана бунда...

Бўрон давом қилмоқда.

### Лир

Қизларининг бу шўрликка жафосин кўринг.  
Яширмасдан бор давлатни топширганмидинг?

### Масхара

Уятим кўриниб қолмасин деб шу жулдирвоқилардан бошқа ҳаммасини топширган.

### Лир

Оҳ, дунёдаги мавжуд бўлган ҳамма яралар,  
Иисонларнинг шум феълига жазо бермоққа  
Ўз таъбида бузғунчилик яширган ҳаво  
Офат бўлиб қизларининг бошига ёрсин!

### Кент

Ахир, унинг қизи йўқ-ку.

### Лир

Елгон, сотқин! Фақатгина шафқатсиз қизлар  
Киши зотин шундай таҳқир қила олади.  
Йўқ, наҳотки ўз вужуди бўлган фарзанддан  
Шунча изо торта олса қувгинди ота?  
Нима қилсин, ўз гуноҳи! Саққо қуш каби  
Шу қизларни туғиб қўйган унинг ўзи-ку.

### Эдгар

Митти-митти, тўнкага минди,  
Митти-митти, гу, гу, гу...

## Масхара

Бу совуқ кеча, ҳаммамизни ҳам ё аҳмоққа, ё тен-  
такка айлантириб қўйиши мумкин.

### Эдгар

Шайтондан сақлан! Ота-онангга қулоқ сол, сўзинг-  
да тур, таъзим қилма ва бировларнинг хотинини йўл-  
дан урма, савлатли кийим-бошлар орқасидан югурма.  
Ана ўшаларга совуқ...

### Лир

Сен, аввал ким бўлган эдинг?

### Эдгар

Сарой аъёнларидан, бекбачча: юрагим ҳам, зеҳним  
ҳам мағрур эди, сочимни жингалак қилдирар эдим,  
ёримнинг қўлқопини шляпамда олиб юардим, ўз  
нозанинимнинг кўнглини топишга тоза уринардим, у  
билан гуноҳ ишлар ҳам қилишиб турардик, икки гап-  
нинг бирида қасам ичардим ва ёп-ёруғ кўкка қараб  
туриб қасамимни бузаверардим, уйқуга кетишдан ил-  
гари ҳар хил шаҳвоний ҳузур-ҳаловатларни ўйлардим.  
Ўйгонганимдан кейин эса ўша ўйларни амалга оширар  
эдим: ичкиликни жуда ҳам севардим, ўлгунча ичар  
эдим, хотинлар жинсига келганда-чи, суюқликни Турк  
султонидан ҳам ўтказиб юборар эдим, қалбим алдам-  
қалдам, қулогим бадгумон, қўлим қонли эди: ялқов-  
ликда чўчқа, маккорликда кал, суқтойликда бўри,  
баджаҳлликда ит, ваҳшийликда арслон эдим. Эҳтиёт  
бўл, пошналарнинг тақиллаши, ипак кийим-бошларнинг  
шилдираши сенинг бечора қалбингни хотинларнинг  
ҳукмронлигига топшириб қўймасин. Доимо сенинг оёқ-  
ларинг хурсандчилик хоналаридан нари, қўлларинг  
хотин этагидан узоқ, қаламинг қарз тилхати ёзишдан  
озод бўлсин. Ва кучинг келганча, шайтон билан кураш.

«Яна қайта; сув тагида сулаймон, гув-гув гувалак, зув-зув зувалак, чори чамбар! Дофин! Уғилгинам, унга айт, ёнимдан ўтиб кета қолсин.»

Бўрон давом қилади.

### Л и р

Тўғри, яланғоч баданингни кўрсатиб осмоннинг газабини чиқаргунча, тинчгина гўрда ётганинг маъқул. Наҳотки, одамзод деган нарсанинг мазмуни мана шундан зиёда эмас? Бунга сиз бир яхшилаб қаранг-а. Бу, ўзининг шу туришида ҳеч кимга, ҳеч нима қарзи йўқ; на қуртга ипак қарзи бор, на ҳайвонга пўстин, на қўйга жун, на кийикка мушт! Шундай! Биз учовимиз ҳам қалбаки, сен бўлсанг чинакам ўзгинаси. Бўёқсиз, рангсиз одамзод деган сўз, бу энди мана сенга ўхшаш, ожиз, яланғоч, икки оёқли ҳайвоннинг ўзгинаси. Йўқолсин, йўқолсин, бутун бегоналиклар! Тугмаларни тезроқ ечсангиз-чи! *(Устидаги кийимларини йирта бошлайди.)*

### М а с х а р а

Амакижон, сендан сўрайман, бир оз тинчлан: шундай кечада чўмилиш унчалик маза бўлмайди. Шу топда, шу очиқ ялангда кичкинагина бўлса ҳам гулхан бўлармиди-а, бу гулхан кекса саёқнинг қалбини битта чўгдай иситган бўлар эди, бошқалари нима бўлса бўлар. Қаранглар-а, ҳув биз томонга милтираган бир ўт келаётибди.

### Э д г а р

Бу Флибертиджиббет деган ажина. Хонадонларда чироқлар ўчиши билан саёҳатга чиқади-да, биринчи хўроз қичқиргунча юради. У кўзларга оқ туширади, гилай қилади, лабларни қийшайтириб кетади, буғдойларга куя туширадиган ҳам ўша, ишқилиб, ердаги бор нарсаларга зиён-захмат етказиб юради.

Шудгор ичин уч айланди «Витольд» авлиё,  
 Кўз олдида уюмсмон бўлмишиди пайдо  
 Унинг билан бирга тўққиз эгачи-сингил  
 Ва авлиё афсун ўқиб буюрди — йиқил,  
 Кўз очгунча несу нобуд бўлиб йўқолди!  
 Ҳайда, ҳайда париларни, йўқол, алвасти!

Кент

Аҳволингиз қалай энди, соҳибқироним?

Қўлида машъал билан Глостер киради.

Лир

Ким бу?

Кент

Кимсиз? Кимни қидириб юрибсиз?

Глостер

Узингиз ким ва бу ерда нима қилаётибсиз?

Эдгар

Бу шўрлик Том. У қурбақа, эчкимар, итбалиқ, кал-  
 такесак, ишқилиб, сувда, қуруқликда яшайдиган мах-  
 луқотларни ея беради. Юраги уриб, жони сиқилиб  
 кетганда аччиқ-чучук ўрнига сигир тезагини ҳам  
 ошайверади, каламушлар, ўлган итларни еб чанқаган-  
 дан кейин турғун ботқоқлардаги ям-яшил кўлмак  
 сувлар билан ташналигини қондиради. Аммо унинг  
 орқасидан ёвуз арвоқлар қувлагани қувлаган, уни  
 кундаларга соладилар, авахтага қамайдилар, бир вақт-  
 ларда унинг елкасида учта яктаги, ёнбошида олти  
 кўйлаги, юрай деса тагида оти, уришай деса қўлида  
 қиличи бор эди.



Қаламушу сичқонни еб, етти йил тамом  
 Тириклигин ўтказмоқда бу бечора Том.  
 Менга азоб берувчи арвоқдан сақлан  
 Чири! Хап бўл! Чири,  
 Мурдор дев.

### Г л о с т е р

Хўш, шаҳаншоҳ! Бошқа улфат топилмадими?

### Э д г а р

Зулматларнинг бегзодаси ва аъёнлари:  
 Бирин исми Азозилу, бириси Ифрит.

### Г л о с т е р

Тўғри, жуда пастлаб кетди қону наслимиз.  
 Ва фарзандлар ёмон кўрар тугдирганларни.

### Э д г а р

Шўрлик Том музлаб кетди.

### Г л о с т е р

Менинг билан бирга юринг! Кучимдан келмас,  
 Бағри қаттиқ қизларингиз амрин тутмакка.  
 Гарчан менга, йўлни ёпиб, шундай кечада  
 Сизни даштда қолдиришга буйруқ бўлса ҳам,  
 Сизни топиб, бирор ерга яширмоқ бўлдим,  
 Юринг унда иссиққина уй-жой, овқат бор.

### Л и р

Ижозат бер, суҳбатлашай файласуф билан.

(Эдгарга)

Қани айт-чи, бу бўроннинг сабаби нима?

### К е н т

Шаҳаншоҳим, ялинаман, бирга кетайлик.

## Л и р

Энг аввал шу Фив шаҳридан чиққан донишманд  
Киши билан сўзлашайин. Илминг нимада?

## Э д г а р

Шайтонлардан сақланмоғу девларни янчмоқ.

## Л и р

Яширинча сендан бир гап сўрамоқчиман.

## К е н т : (Глостерга)

Бирга кетиш учун уни қистанг, кўндирилинг:  
Эси унча жойидамас.

Бўрон давом қилади.

## Г л о с т е р

Таажжуб эмас,

Ўз қизлари ўлимини тилаб турибди.

Кент, қара-я, бу қувғунди шўрлик, бечора

Бўлар ишни олдинданоқ кўролган экан.

Қирол тентак бўлиб қолди, дедингми ҳали?

Бир у эмас, мен ҳам тентак бўлай деб қолдим

Бош ўғлимни оқ қилдиму, баҳридан ўтдим,

Уша мени ўлдиришга қасд қилар экан,

Ҳаддан зиёд меҳр билан севгувчи эдим,

Бу қайғудан жинни бўлиш кўп узоқ эмас.

Кечни қара!

Ўтинаман, соҳибқироним...

## Л и р

Афвингизни ўтинаман, қани мен билан

Бирга кетдик, аслзода, доно, файласуф!

## Э д г а р

Том совуққотган.

## Глостер

Чайлага кир, қадрдоним, исиб кетасан.

## Лир

Кетдик.

## Кент

Бу томонга, соҳибқироним.

## Лир

Лекин у билан,  
Ажралишни истамайман, файласуфимдан.

## Кент (Глостерга.)

Шаҳаншоҳимнинг кўнглин овланг,  
Хўп, ола қолсин,  
Гадони ҳам.

## Глостер

Уни ҳам олинг.

## Кент

Юр, қадрдон, биз билан бирга.

## Лир

Қани, кетдик, афиналик меҳрибон дўстим.

## Глостер

Жим...

Гап бўлмасин...

## Эдгар

Ана шунда, Роланд, қора минорага яқинлашиб  
қолди, у ердан боши кўкка етган салосил дев чиқиб  
«уф, уф, Британ қонининг ҳиди келяпти, уф» деди.

## БЕШИНЧИ САҲНА

Глостер саройида бир хона. Корнуэль билан Эдмунд чиқади.

Корнуэль

Эҳ, мен бу ердан жўнамасимдан илгари, ундан қасос оламан.

Эдмунд

Ундай бўлганда, жаноби олий, одамлар гап-сўз қилиб юборади, у хизматида кўрсатмоқчи бўлган садоқат ҳиссини ота-онага бўлган ҳурмат ҳиссидан юқори қўйипти-да деган гап бўлади. Менга бу тўғрида ўйлашнинг ўзи даҳшат.

Корнуэль

Энди менга маълум бўладики, сенинг аканг ўз отасини ўлдиришга йўл қидирар экан, ночор раъининг орқасидан бормабди. Аксинча, унинг покиза таъби Глостернинг шармандаларча тубанлигидан ғазабга келган экан.

Эдмунд

Менинг тақдирим жуда ҳам беомон тақдир экан, мен энди ўз садоқатимдан пушаймон бўлишга, товба қилишга мажбурман. Глостер айтган хат мана, бу хатдан унинг француз партиясига яширин тарафдор экани кўрниб турибди. Эҳе, худойим! Кошки эди, у сотқин бўлмаса! Кошки эди, мен унинг устидан махфий хабарлар беришга мажбур бўлмасам.

Корнуэль

Юр, бирга маликанинг ҳузурига борамиз.

### Эдмунд

Бу хатда ёзилган гаплар тўғри бўла қолса, бу иш сиз учун анча ташвишга сабаб бўлади-да.

### Корнуэль

Бу хат қанчалик тўғри, қанчалик йўқ, ҳар ҳолда у сени граф Глостер даражасига кўтаради. Тездан отангни топ, токи уни вақт ўтказмай қамоққа олиш мумкин бўлсин.

### Эдмунд (*Бир чеккага*)

Агар мен уни қиролга ёрдам қилаётган вақтида топа олсам бу иш шубҳаларнинг тасдиқи учун маъқул бўлар эди. (*Корнуэлга*) Мен ўз вазифам буюрган йўлдан қиттак ҳам четга чиқмайман, гарчанд вазифам билан ота ҳурмати ўртасида бўлган курашда наслдошлик қонининг овози даҳшатли бўлса ҳам.

### Корнуэль

Мен ўзимнинг ҳамма ишларимда сенга ишонаман, сенга бўлган муҳаббатим, керагидан зиёда оталик вазифасини ўтай олади.

Чиқиб кетадилар.

## ОЛТИНЧИ САҲНА

Сарой ёнидаги фермаларнинг биридаги хона.

Глостер, Лир, Кент, Масхара ва Эдгар  
кирадилар.

### Глостер

Бу ер ҳар ҳолда очиқ ҳаводан кўра яхши. Шунинг учун ҳам худога шукур қилаверинглар. Мен эса сизларнинг қулайроқ яшашингиз учун нима керак бўлса, ўшани топиб бу ерга келтиришга ҳаракат қиламан. Мен ҳозир қайтиб келаман.

## Кент

Қиролнинг бутун ақли-кучи бундай оғир ҳаяжонларга бардош беролмай қолди. Бу яхшиликлар учун сизга худо хайр берсин.

Глостер чиқади.

## Эдгар

Фратерейт деган фаришта мени чақиряпти; у айтдики, қадим Румо ҳукмдори Нерон жаҳаннамдаги Қора кўлда балиқ тутаётган эмиш. Ибодат қила кўр, ҳай дарвиш, ўзингни ёмон руҳларнинг шарридан сақла.

## Масхара

Амакижон, марҳамат қилиб менга шуни айтиб берсанг, кўпроқ кимлар тентак бўлади, сарой аҳллари — аъёнларми, деҳқонларми?

## Лир

Қирол, қирол!

## Масхара

Йўқ, ўгли аъёнлик даражасига кўтарилган деҳқонлар бўлса керак: чунки ўғлинг сарой аҳли бўлиб, сендан ўтиб кетганини кўриб туриб, жинни бўлмай бўладими?

## Лир

Минглаб руҳлар қўлларида оташ қисқич-ла Увос тортиб ўшаларга олов ёғдирсин!

## Эдгар

Евуз арвоҳлар менинг бағримни ғажияптилар.

## Масхара

Бўриларнинг беозорлигига, отларининг саломатлигига, балогатга етмаганларнинг севгисига, саёқ хотинларнинг қасамига ишонганларни жинни деса бўлади.

## Лир

Маслаҳат шу! Айбларини юзларига айт!

(Эдгарга)

Сен бу ердэ ўлтирасан, билимдон судъя.

(Масхарага)

Сен донишманд, мана бунда ҳей, сиз тулкилар!

## Эдгар

Ана ўзи, кўзларини уларга тикиб қараб турибди.  
Мунчалик кўзларингизни ўйнатаверасиз,

хонимлар?

Бас, тезроқ мен томонга сузиб кел.

## Масхара

У хонимнинг қайиғи тешилиб қолибди.

Бу гапни у сенга айтолмаётибди.

Шунинг учун сузиб келолмаётибди.

## Эдгар

Евуз арвоҳ, булбул овози билан шўрлик Томнинг гашига тегаётибди. Гобданс эса Томнинг қорнида туриб иккита қоқ балиқ сўраб қичқираётибди. Ҳадеб қағиллайверма, қора фаришта, Томнинг сенга берадиган овқати йўқ.

## Кент

Тикка туриб ўйлайверманг, соҳибқироним.

Бу ёстиққа ёнбош қилинг, бир оз дам олинг.

## Л и р

Йўқ, суд бошланар. Гувоҳларни чақириб келинг!

(Эдгарга)

Сен судьялик кийимини кийиб бунда тур!

(Масхарага)

Сен судьянинг ёрдамчиси, ёнма-ён ўлтир.

(Кентга)

Сизлар эса суд аъзоси: сиз ҳам ўлтиринг.

## Э д г а р

Суд ишини адолат-ла олиб борамиз.

Ҳой, азамат чўпон бола, ухлаб қолдингми?

Қарасанг-чи, поданг пайҳон қилар буғдойни.

Сибизғангни олиб қаттиқ чалиб юборсанг

Подаларинг ҳеч нарсага зарар бермайди,

Пишт-пишт, кулранг мушук.

## Л и р

Бу хотиндан биринчи сўроқ олинсин.

Бу Гонерилья. Шу йиғилган ҳурматли мажлис аъёнларига қасам билан иқроор қилиб айтаманки, бу хотин ўз отаси бўлган бечора қиролни калтак олиб қувлади.

## М а с х а р а

Мана бу ерга марҳамат қилинг. Сизнинг исмингиз Гонерильями?

## Л и р

Бу ҳақиқатни у инкор қила олмайди.



## Масхара

Кечирим сўрайман, мен сизни скамейка, деб  
ўйлаган эканман.

## Лир

Бу бошқаси; ғилай кўзи эгри қалбининг  
Емонлиғин фош этмоқда.— Қўлдан чиқарманг!  
Қилич! Олов! Қурол беринг! Бу порахўрлик!  
Судья сотқин! Жавобгарни қочирди, ушланг.

## Эдгар

*(Бир чеккага)*

Э худойим, эсин жўйма бечора чолнинг.

## Кент

Оғир қайғу! Шаҳаншоҳим, доим мақтанган  
Сабру тоқат, чидамингиз қаерга кетди?

## Эдгар

*(Бир чеккага)*

Ачингандан кўз ёшимни тия олмайман!  
Бу ёш мени фош қилмаса яхши бўларди.

## Лир

Қаранглар-а! Биргалашиб қувлаб келмоқда,  
Олапару, тўрткўз, мўйноқ менга вовиллар.

## Эдгар

Том бўлса ўз калласини тош ўрнида отиб, уларни  
ҳайдайди. Кетма-кет, итваччалар.

Ҳай-ҳай, оқ ит, қора ит,  
Оғзинг қурғурни беркит.  
Лайчами, тозимисан,  
Кўпакнинг ўзимисан.

Сен, чиноқ, акиллайсан.  
Том урса вакиллайсан,  
Тош калламни отаман,  
Барингни тарқатаман.

Ҳай, кет, ҳай қоч, бозору кўчаларга бор. Ҳалим-хона, каллахоналарга бор. Шўрликкина Том, мугизинг шамоллаб қолибди-ку.

### Л и р

Регананинг ичак-чавоғларини ағдариб, дилида қанақа қурту қумурсқа вашиллаб ётганини кўриш керак. Табиатдаги қандай сабаблар натижасида қалб бунчалик тошга айланиб кетар экан? (*Эдгарга*) Мен сизни, жаноб, рицарларимга юзбоши қилиб тайинлайман. Фақат менга кийимингизнинг авраси ёқмай турибди. Эрон сипоҳсоларларидай бунақа дабдабали усти бошни қаердан олдингиз? Ҳар ҳолда, буни ўзгартиш керак.

### К е н т

Шаҳаншоҳим, бир оз ётинг, андак дам олинг!

### Л и р

Шовқин солманглар, шовқин солманглар: дарпардаларни тортиб қўйинг. Ҳа, балли, ҳа, балли. Кечки овқатни тонг отарда еймиз. Ҳа, балли, ҳа, балли! (*Ухлай бошлайди.*)

### М а с х а р а

Мен эса кун ярмидан оққандан кейин ухлайман.

Г л о с т е р к и р а д и .

### Г л о с т е р

Айт-чи, азиз дўстим, шаҳаншоҳ қани?

## Кент

У шу ерда. Ухлаб қолди. Озор бермайлик.  
Унинг эси айнаб қолди.

## Глостер

Вафоли дўстим,

Уни олиб чиқиш керак, қўлда бўлса ҳам.  
Ўлдирмоқчи бўлибдилар, яширин сунқасд.  
Эҳтиётдан носилка ҳам ола келганмиз  
Дарров уни элтасиз Доверга томон:  
Ва у ерда сизни кутар ҳимоячилар.  
Агар яна ярим соат сусткашлик қилсанг,  
Унинг жони, сеники ҳам ва кимки унга  
Ёрдам берган бўлса, аниқ хавф остидадир.  
Дарров уни олиб менинг орқамдан юринг.  
Сенга соқчи, йўловчилар қўшиб бераман.

## Кент

Қийналгандан, эндигина ухлаган эди.  
Уйқу унга малҳам каби даво бўларди,  
Ухламасдан шунча жабру жафо ичида  
Кетган кучни ўз ўрнига қайтариш қийин.

(Масхарага.)

Қани ,юр-чи. Ёрдам кўрсат, олиб чиқайлик.  
Орқамиздан эргаша бер.

## Глостер

Тез-тезроқ бўлинг.

Кент, Глостер, Масхара Лирни олиб чиқиб  
кетадилар.

## Эдгар

Қатталарнинг тортган жабру жафосин кўриб  
Унутасан ўз бошингга тушган қайғуни.

Ёлғиз бошга алам тортиш икки бор қийин,  
 Аламингга алам қўшар бошқалар бахти.  
 Уртоғингни бахтсизликда учратган чоғинг  
 Унутилар ўзинг тортган аламзадалик.  
 Қирол шунча ғуссаларда ўртанар экан,  
 Менинг тортган бу мунгларим ғоятда енгил.  
 Қирол — ўзин қизларидан, мен — ўз отамдан,  
 Энди сен Том, барчасини кузатиб бор-чи.  
 Вақти келиб бу ярамас ифлос бўхтондан  
 Тозаланиб ва оқланиб олганингдан сўнг  
 Қимлигингни элу юртга эълон қиларсан.  
 Ҳозир қирол — бир амаллаб сақлана олса бас.  
 Ўзинг ҳам яширин! Яширин!

Чиқади.

## ЕТТИНЧИ САҲНА

Глостер саройида бир хона.  
 Корнуэль, Регана, Гонерилья, Эдмунд ва  
 мулозимлар чиқади.

Корнуэль

(Гонерильяга)

Тездан ўз эрингиз олдига отланиб боринг ва унга  
 бу хатни кўрсатинг. Француз қўшини қирғоққа тушиб-  
 ди. Тездан сотқин Глостерни қидириб топинг!

Мулозимлар чиқадилар.

Регана

Уни тездан отиб ўлдириш керак.

Гонерилья

Кўзларини ўйиб ташлаш керак!

## Корнуэль

Унга жазо беришни менинг газабим ихтиёрига қўйинг. Эдмунд, сен опамиз билан бирга жўна. Отанг гуноҳига яраша жазо тортар экан, тепасида сенинг қараб туришинг бўлмайди. Ҳозир олдига жўнаётганинда герцогга маслаҳат бер, у тезроқ тайёргарчилик кўрсин, биз ҳам бу ерда жуда тез тайёрланишга ваъда берамиз. Ҳар икков ўртамизда узлуксиз ва тез алоқа бўлиб туради. Хайр, қадрли опамиз. Хайр, граф Глостер!

Освальд киради.

Узинг бу ердасан, қирол қани?

Освальд

Қиролни қочирибди граф Глостер.  
 Ва қиролни излаб юрган ўттизта аъён  
 Улар билан қўшилишиб қопқа тубида  
 Графга хос йўловчилар билан бирликда  
 Довер томон йўл олишиб кетибди бари.  
 Уз-ўзича мақтанишиб, у ерга боргач  
 Қуролланган дўстлар билан учрашамиз деб.

Корнуэль

Энди тездан от эгарла маликанг учун.

Гонерилья

Хайр, сизга азиз герцог, хайр.

Корнуэль

Хайр, Эдмунд!

Гонерилья, Эдмунд ва Освальд кетадилар.

Қани, ўша сотқин Глостер?

Излаб топинг! Уғрилардай қўлини боғланг.

Олиб келинг! Гарчи судсиэ жазо ўнғайсиэ,  
Аммо бизнинг ҳукмронлик ҳуқуқларимиз  
Ғазабимиз қаршисида тизин букади.  
Биздан гина қилиш мумкин, аммо тўхтатиш  
Мумкин эмас. Бу ким бўлди? Қани у сотқин?

Регана

Ана ўзи! Ҳо, кўрнамак, алдоқчи, тулки.

Корнуэль

Қуруқ, қоқшоқ қўлларини маҳкамроқ боғланг.

Глостер

Бу нима гап, биродарим, герцог азизим?  
Сиз меҳмонсиэ, шахдингиздан қайтинг, дўстлар!

Корнуэль

Тездан боғланг!

Хизматчилар Глостерни боғлайдилар.

Регана

Маҳкам боғланг хиёнаткорни!

Глостер

Ноинсофлик қияпсиэ! Мен сотқин эмас.

Корнуэль

Маҳкам боғланг скамейкага!  
Жирқанч одам, ҳали қараб тур...

Регана Глостернинг соқолига ёпишади.

Глостер

Тангриларга қасам бўлсин, бу виждонсиэлик,  
Ҳурматсиэлик қияпсан оқ соқолимга.

Регана

Оппоқликқа оппоқ, аммо ғоятда маккор.

Глостер

Шум малика, соқолимнинг оқин қўявер,  
У ўзини оқлаб, сени қарғай олади.  
Сиз бу ерда меҳмонсиз-ку. Тусингиз ўчсин.  
Менинг шунча меҳмондўстлик шаъним булғаган  
Босқинчилик қадамингиз қирқилиб кетсин.

Корнуэль

Сен бирор хат олганмидинг французлардан?

Регана

Лақиллатма! Ҳамма гапнинг тагин биламиз.

Корнуэль

Бизнинг юртга босиб кирган душманлар билан  
Нима учун сен алоқа борлаган эдинг?

Регана

Жинни бўлган қиролни-чи қайга яширдинг?  
Тўғрисин айт.

Глостер

Қандайдир бир холис кишининг  
Езган хати тасодифан қўлимга тушди.  
Душманларнинг хати эмас.

Корнуэль

Ҳийла!

Регана

Ва ёлғон.

## Корнуэль

Қирол қайга жўнатилди?

Глостер

Довер томонга.

Регана

Ўзинг ахир тақиқлигин билар эдинг-ку.  
Хўш, нимага Довер томон уни жўнатдинг?

Корнуэль

Нима учун Доверга, хўш? Қани жавоб бер!

Глостер

Шунинг-чунки, шу ништардай тирноғинг билан  
Чолнинг кўзин ўйганингни кўрмайин дедим,  
Манжалақи опанг тўнғиз тишин ботириб,  
Нозик танин юлганини кўрмайин дедим...  
Оқшом, бўрон, у бош яланг тентирар эди...  
Бу қуюндан ҳатто денгиз ўкириб, қайнаб,  
Осмоннинг машъаллари ўчгудай эди,  
У шўрлик-чи, ёш тўкарди осмон билан тенг.  
Шу кечада, агар бўри қопқонга келиб  
Паноҳ сўраб ув тортганда раҳминг келгандан  
«Эшикни оч, қоровул» деб айтган бўлардинг.  
Аммо сендай бағри қаттиқ фарзандлар учун  
Нечук жазо борлигини кўриб қоларман.

Корнуэль

Иўқ, кўрмайсан, кўролмайсан. Ҳой! Маҳкам  
ушланг!

Кўзларингни товонимда эзиб ташлайман.

Унинг бир. кўзини ўйиб ташлайди.



## Глостер

Қариликдан умидвор бир киши борми,  
Ердам беринг!

Ҳе, золимлар! Парвардигорим.

## Регана

Буниси ҳам ўқсинмасин, буни ҳам ўйинг!

## Корнуэль

Биз тортажак жазоларни кўрмакчимидинг?

## Биринчи мулозим

Қўлингизни тортинг, герцог, мен, ахир, сизга  
Еш чоғимдан бошлаб хизмат қилиб келганман,  
Шу топдаги қилғуликдан тўхтата олсам  
Яхши хизмат бўлар эди.

## Регана

Нима гап, кўппак?

## Биринчи мулозим

Соқолингиз бўлса эди энгагингизда  
Битта-битта юлар эдим. Бу нима қилиқ?

## Корнуэль

Менинг қулим?!

Қилич яланғочлаб мулозимга ташланади.

## Биринчи мулозим

Бўпти, қани олишамиз. Ул, э ярамас.

Улар олишадилар. Корнуэль яраланади.

## Регана

*(Бошқа мулозимга)*

Қиличингни менга бер-чи. Қул бош кўтарди!

Қилич олиб биринчи мулозимнинг орқасидан яралайди.

## Биринчи мулозим

Мен-ку, ўлдим! Граф, аммо бир кўзингиз сор,  
Кўряписизми, бунга бошлаб жазо берганман.

(Улади)

Корнуэль

Пўқ, у мутлоқ кўролмайдди. Стил шилимшиқ!

Глостернинг иккинчи кўзини ҳам ўяди.

Ҳа, ҳа! Қани, ўша порлаб, чақнаб туришинг?

Глостер

Зулмат... жабр... Эдмундгинам, ўғлим, қайдасан?  
Ўвлим Эдмунд, фарзандликнинг ишқ ўтин ёқиб,  
Золимлардан ўчимни ол.

Регана

Йўқол, э хонин.

Сендан ҳазар қиладиган шахсни чақирма.  
Сенинг ирганч сирларингни бизга фош қилган  
Эдмунд ўзи бўлади-ю, ачинармиди.  
Сендайларга ачинмайди, у тоза одам.

Глостер

Оҳ, мен аҳмоқ! Демак, Эдгар бегуноҳ экан!  
Мени кечир, парвардигор, унга нажот бер.

Регана

Ҳайданг бунини, бу эшикдан нарига қувланг!  
Довер йўлини, майли искаб, пийпаслаб топсин!  
Нима қилди сизга, герцог? Қутингиз ўчган!

Корнуэль

Жуда оғир яраландим. Кетайлик, хотин.  
Сўқир чолни, бу хоинни ҳайдаб чиқаринг:  
Ва бу қулнинг ўлакисини гўнга итқитинг.

Тўхтамасдан қон кетмакда, жоним Регана!  
Жуда бевақт яраландим! Қўлингни бер-чи.

Регана қўлтиқлаб олади. Корнуэль икков чиқадилар.

### Иккинчи мулозим

Агар бунга худо лойиқ жазо бермаса  
Бундан кейин ҳеч гуноҳдан қўрқиб турмайман.

### Учинчи мулозим

Бу хотин ҳам ўз ажали билан ўлса-чи,  
Бошқа ҳамма хотинларни жин урди дейвер.

### Иккинчи мулозим

Кекса граф орқасидан боришим керак.  
Етаклашга бирор гадо топилиб қолар,  
У жинилар шундай ишга ярайди, холос.

### Учинчи мулозим

Майли, тез бор. Мен ҳам бориб озроқ ов билан  
Тухум оқи келтираман қон тўхтатишга.  
Парвардигор, у мазлумга ўзинг паноҳ бер!

Чиқиб кетадилар.

## IV ПАРДА

### БИРИНЧИ САҲНА

Чул.

Эдгар чиқади.

Эдгар

Хушомадлар ниқобига яширинган нафрат —  
 Соясида яшагандан ўша нафратни  
 Очиқ-ойдин билиб яшаш албатта яхши.  
 Шум тақдирнинг таъзирига кўникиб кетган  
 Анчагина бечоралар қўрқув билмасдан  
 Қалбларида умид, ишонч билан яшайди.  
 Бахтиёрлар қўрқса бўлур бахтсиз кунлардан.  
 Модомики ўзинг бахтсиз, мунглик одамсан,  
 Сенинг учун бахтсизликдан унча қўрқинч йўқ.  
 Салом, нафас олганим, э бевужуд ҳаво,  
 Бир шўрликни гирдобларга пуфлаб ғарқ этдинг,  
 Унга ортиқ бўронларнинг қўрқинчилиги йўқ.  
 Ким у келаётган?  
 (Битта чол Глостерни етаклаб келади.)  
 Бу гадо чол етаклаган менинг отам-ку.  
 Номард дунё, бевафолик қилмаса эдинг,  
 Биз абздий яшамакни орзу қилардик.

Чол

Менинг меҳрибон хўжайиним, мен сизнинг ерин-  
 гизда қарийб саксон йилдан бери яшайман; аввал  
 отангиз замонида, кейин сизнинг.

## Г л о с т е р

Жўна, жўна, йўлдан қолма, қадрдон ошна.  
 Сен барибир менга ёрдам қила олмайсан.  
 Ўзингга ҳам бирор шикаст етиши мумкин.

## Ч о л

Сиз ўзингиз юрар йўлни топа олмайсиз!

## Г л о с т е р

Менга йўл ҳам, кўрар кўз ҳам даркорлиги йўқ.  
 Кўзим очиқ текис йўлда туртинган шахсман.  
 Бу ҳаётда баъзаи бизнинг камчилигимиз  
 Ўзимизга фойда бўлиб тушиши мумкин.  
 Оҳ, азизим, ўғлим Эдгар, отагинангнинг  
 Аҳмоқларча ғазабига сен қурбон бўлдинг.  
 Кошки эди сени силаш муяссар бўлган  
 Кўзи очиқ бир ҳаётга эга бўлолсам.

## Ч о л

Ҳе, бу ерда ким бор?

## Э д г а р

(Ўз-ўзига.)

Э, худойим! «Ёмон куннинг авжига етдим,  
 Бундан ортиқ ёмон аҳвол бўлолмайди» деб,  
 Қайси инсон ўз ҳолига айта оларкин?  
 Ёмонларнинг ёмонроғи аҳволим ҳозир.

## Ч о л

Бу шўрлик Том.

## Э д г а р

(Ўз-ўзига.)

Ва бундан ҳам ёмон ҳолда қолишим мумкин.  
 Мадомики нолимакка мажолимиз бор,  
 Жуда ёмон дақиқалар келганича йўқ.

Чол

Йўллар бўлсин, оғайнижон?

Глостер

Бу бир гадоми?

Чол

Балли, битта жинни гадо.

Глостер

Тиланишни билса, унча тентак эмасдир.  
Кеча оқшом шундайлардан бирисян кўриб,  
Одам — ожиз бир чувалчанг — деб ўйлагандим.  
Ҳалигача душманним деб ўйлаб юрганим,  
Ўғлим шунда тушган эди менинг ёдимга...  
Энди билсам, бу гап тамом бошқача экан.  
Болаларга пашша қанча ўйин бўлгандай,  
Биз қирилсак худоларга шунчалик эрмак.

Эдгар

(Ўз-ўзига.)

Энди нима қилсам экан? Шундай қайғуда,  
Ҳазиллашмоқ ўзимга ҳам, бошқаларга ҳам  
Оғир таҳқир бўлиб тушар.

(Глостерга)

Худо ёр бўлсин.

Глостер

Ҳа, бу ўша шир яланғоч жинними?

Чол

Уша.

## Глостер

Жўна, ахир; менга хизмат қилмоқ истасанг,  
 Орқамиздан қувиб етгил Довер йўлида.  
 Қадрдонлик ҳурмати-чун шу яланғочнинг  
 Елкасига ташлагали бирор кийим топ.  
 У бизларга йўл бошлайди.

## Чол

Эссиз, тентак-ку!

## Глостер

Замон шундай: сўқирларни жинни етаклар,  
 Илтимосим ерда қўйма, ёинки рад қил,  
 Фақат — жўна.

## Чол

Унга жуда яхши кийим топиб бераман.  
 Нима бўлса бўла қолар.

## Чиқади.

## Глостер

Ҳой, сен яланғоч...

## Эдгар

Шўрлик Том совқотди!

(Бир чеккага)

Бундан ортиқ найраингбозлик...  
 қўлимдан келмас.

## Глостер

Қани, яқин кел.

Эдгар

(Бир чеккага)

Аммо мажбурман.

Таигра ўзи шифо берсин қонли кўзингга.

Глостер

Танишимсан Довер томон борар йўл билан?

Эдгар

Йўлдаги ҳамма ўнқир-чўнқирлар билан, чордеворлар билан, от йўли-ю, сўқмоқ йўл билан — барчаси билан танишман. Шўрлик Томнинг ақлига бир оз путур етган. Худои таоло сени ёвуз руҳларнинг таъсиридан омон сақласин. Шўрлик Томга бирданига бешта деуу пари юк солган: булардан бириси — йўлдан озганларнинг париси Обидикут, лолу гвиглар шаҳзодаси — Хобеданес, ўғриларнинг беги — Маҳу, қотилларнинг юзбошиси — Модо, қичиқлиқ, нозу карашмалар парихони Флибертиджиббет, бу кейингиси сўнгги вақтда мейдан айнаб ҳарамдаги хизмат қиладиган пардозчи, машшота хотинларга кўчган. Ишқилиб, парвардигор сени ўз паноҳида сақласин, мейнинг хўжайингинам.

Глостер

Сен мана бу ҳамённи ол, таигра қарғаган,  
Ожиэ банда, балки менинг бахтсиз аҳволим  
Сен шўрликка бахт туғдирар. Э парвардигор!  
Давлатлари қутуртирган, кўзин ёғ босган,  
Айшу ишрат эркалаган, очкўз, ноинсоф  
Боёнлар ҳам шу ғазабга гирифторм бўлиб,  
Шу сиз тортган жафоларни бир тортиб кўрса,  
Ортиб қолган неъматларни дарров бўлашиб,  
Ҳамма тўйин бўлар эди, гадо қолмасди.  
Айт-чи, яхши биласанми Довер йўлини?



Эдгар

Биламан, жаноб.

Глостер

Ана шунда бир қоя бор, унинг чўққиси  
Даҳшат билан мойил турар денгиз қаърига,  
Мени худди шу қоянинг четига бошла.  
Шунда сенга қиммат баҳо совға бераман,  
Ушбу совға гадоликдан сени қутқарар.

Эдгар

Қани, менга қўлингни бер,  
Бечора Том олиб борар айтган ерингга.

Чиқиб кетадилар.

## ИККИНЧИ САҲНА

Герцог Альбанининг саройи олдда.

Гонерилья ва Эдмунд чиқадилар, уларни Освальд  
кутиб олади.

Гонерилья

(Эдмундга)

Хуш келдингиз, азиз милорд. Хўш, нима учун  
Ювош эрим, бизни кутиб қарши чиқмади?

(Освальдга)

Герцог қаерда?

Освальд

У ўзида, аммо феъли анча ўзгарган.  
Душман қўшин туширганин хабарин айтсам  
Илжаяди. Келишингиз дарагин билиб;  
«Бу иш ундан баттар бўпти» деган сўз айтди.  
Глостернинг хиёнатин ва унга қарши  
Эдмунд қилган ботирликни ҳикоя қилсам,  
Мени аҳмоқ деб айтади ва «сен бу сирни

Тескарича тушунибсан» деди ва сўқди.  
Хуллас, ёмон хабарлардан қувонади-ю,  
Яхши хабар айта қолсанг, жаҳли чиқади.

Гонерилья

(Эдмундга)

Бундай эса, тўхтаб туринг!

Бу номард одам

Жонидаги ушбу ирганч қўрқоқлик билан  
Маъракадан чўчимоқда ва бизда бўлган  
Қасосталаб аламларни кўрмоқчи эмас.  
Ҳалигача ўртамизда бўлган суҳбатда  
Келишилган ишлар тамом бажарилади.  
Қўшин тузиб, шу қўшинни сиз етаклайсиз.  
Мен ҳам қўлга қилч олиб эрим олдига  
Чарху чиғириқ, ип-калава қўйиб қўяман.  
Бу фидойи йиғит бизга чопар бўлади.  
Сизга тездан ўз севимли бекачингиздан  
(Аmmo сиз ҳам дадил, эпчил бўлишингиз шарт)  
Бир мукофот тегиб қолар. Мана, олинг.  
(Унга лента ҳадя қилади.) Жим...

Тссс... эгилинг.

Бу ўпишим ич сирини айтолган бўлса,  
Сенинг руҳинг қанотланиб учини керак.  
Ҳаммасини тушуниб ол. Ва ҳозирча хайр.

Эдмунд

Ўлгунимча мен сеники.

Гонерилья

Жоним, Глостер!

Эдмунд кетади.

Икки эркак, бир-бирига ҳеч ўхшамайди!  
Сенга бутун хотин зоти эгилса арзир,  
Аҳмоқим-чи, менга эрмас, фақат босқувчи.

## Освальд

Маана, герцог, азиз маликам!

Чиқади.

Альбани киради.

## Гонерилья

Бизлар энди кутишга ҳам арзимаймизми?

## Альбани

Гонерилья!

Сен, шу қийғос шамоллардан юзингга қўнган  
Тўзонга ҳам арзимайсан. Ва менинг учун  
Сенинг барча қилиқларинг ғоятда қўрқинч:  
Ўзи пайдо бўлган зотни хўрлаган киши  
Ёмонликда ҳар меъёрдан чиқишга қобил,  
Ўз туғишган дарахтидан узилиб тушиб  
Унинг жонбахш шарбатини эммаган новда  
Тезда сўлиб жаҳаннамга ўтин бўлади.

## Гонерилья

Етади, бас! Аҳмоқона насиҳатгўйлик.

## Альбани

Яхши ният, яхши ўғит — ёмонга ёмон.  
Балчиқ фақат ўз-ўзини яхши кўради.  
Нима қилиб қўйдингиз сиз, нима қилдингиз?  
Сиз қизмисиз, ё урғочи арслонлармисиз?  
Ўз туғишган отангизни, муборак чолни  
Ҳатто айниқ ювош тортиб ялашга лойиқ.  
Ваҳшийларча, барбарларча тентак қилдингиз.  
Олижаноб укам бунга қандай чидади?  
Эркак эди! Герцог эди! Лирга миннатдор!  
Агар осмон ғазаблари тезроқ гуркураб  
Бу лаънати ёвузликка барҳам бермаса,  
Шундай замон келадики, барча одамлар

Денгиздаги аждарсимон махлуқлар каби  
Бир-бировин ғажиб ейди, тамом қилади.

### Гонерилья

Беватан қўрқоқ.  
Сендаги бу манглай эмас — нафрат тахтаси,  
Ва юзларинг тарсакилар тушадиган ер!  
Кўзинг эса уят, номус қайда, кўрмайди.  
Наҳотки сен шундай оддий ишни билмасанг:  
Ёвузларга ёвузликни қилгунларича  
Жазо бериш лозим экан, аҳмоқ ачинар.  
Сенинг ўша ғулғулали довулинг қани?  
Франция қўшинининг жанг байроқлари  
Тинч юртимиз осмонида ҳилпирамоқда:  
Укпар таққан дубулғали душман аскарари  
Сенга қарам мамлакатга қўрқинч солмоқда,  
Сен аҳмоқ-чи, тантиликдан чордана қуриб  
«Вой, нима гап бўляпти?» деб нола қиласан.

### Альбани

Узингга бир қарасанг-чи, урғочи иблис!  
Ёвуз руҳнинг ғазаби ҳам хотин кишининг  
Ғазабидай қўрқинч эмас.

### Гонерилья

Ҳой, тубан аҳмоқ.

### Альбани

Ҳой опала, ҳой алвасти, озгина уял!  
Юзларингни бужмайтирма. Қани мен энди,  
Ҳиссим амрин бажаришда қўлга эрк берсам.  
Сенгинани эту суяк-саёқ аралаш  
Бурда-бурда, парча-парча қилиб ташлардим.  
Иблисликка иблиссан-а, буинг устига  
Хотинлигинг ҳимоячи — сипар бўлади.

## Гонерилья

Эркаклигинг ёдингга ҳам тушди, ҳайтовур.

Чопар киради.

## Альбани

Қандай хабар?

## Чопар

Шаҳаншоҳим! Вафот қилди герцог Корнуэль.

Глостернинг кўзини ўйиб турган вақтида

Бир мулозим дабдурустдан ўлдириб қўйди.

## Альбани

Кўзни? Ўйди деясанми?

## Чопар

Ўз тузини ичиб катта бўлган бир мулозими

Ачингандан ёвузликка ҳалал бериш-чун

Қилич чопиб ўз хўжасин чавағлаб қўйди.

Шу ғазабда мулозимни у ҳам ўлдирди,

Аммо яра огир эди, ўзи ҳам ўлди.

## Альбани

Демак, кўкда адолатли судьялар бормиш,

Биэнинг ерда қиладиган жиноятларга

Жуда тездан жазо ҳукми берилар эмиш.

Уқубатга учрадим, шўрлик Глостер?

Кўзин ўйиб олдиларми?

## Чопар

Ҳар иккисини.

(Гонерильяга)

Синглингиздан сизга хат бор ва маликамиз

Сиздан тезроқ жавоб кутиб йўлга мунтазир.

Гонерилья

(Бир чеккага)

Маъкул бўпти!

Аммо синглим бева қолибди.

Унинг билан доим бирга Глостергинам  
Шундай биқик, диққинафас ҳаёт ичида  
Ўзим учун бино қилган хаёлий қасрим,  
Бирданига қуламаса яхши бўларди...  
Аммо ушбу хабар ўзи, ёмон хабармас.

(Чопарга)

Ўқиб бўлиб, жавобини дарров ёзаман.

Чиқади.

А л ь б а н и

Отасини қийнашганда ўгли қайдайд?

Ч о п а р

Шу томонга келган эди маликам билан.

А л ь б а н и

У бу ерда йўқ-ку, ахир.

Ч о п а р

Қайтиб кетди.

Мен у билан йўл-йўлакай учрашиб ўтдим.

А л ь б а н и

Бу ярамас мусибатдан хабарни борми?

Ч о п а р

Албатта-да, жаноб олий, отасини чаққан  
Ва бу оғир жазоларга халал бермай деб  
Уйдаң қочган унинг ўзи.

## Альбани

Шўрлик Глостер!

Лирга бўлган садоқатинг мукофоти-чун

Танда жоним бўлганича кўзин ўчини

Золимлардан олиш учун тинчиб-тинмайман.

Юр-чи, дўстим, ҳамма гапни тугал айтиб бер.

Кетадилар.

## УЧИНЧИ САҲНА

Довер яқинида французлар лагери.

Кент билан бир сарой кишиси чиқади.

Кент

Нима учун француз қироли шунчалик шошилиб Францияга қайтиб кетди?

Сарой кишиси

У Францияда давлатга хос зарур бир ишни битказмай қўйиб келган эди. Кейин маълум бўлишича, қиролликка катта бир таҳлика қўрқинч солай деб қолибди, шунинг учун қиролнинг ўзи шахсан у ерда бўлиши лозим бўлиб қолибди.

Кент

Қўшинлар устидан қўмондонлик қилиб туришни кимга топширди?

Сарой кишиси

Француз маршали Мосье Лафõрга.

Кент

Айтинг-чи, сиз келтирган хат қироличада қандайдир бир қайғу нишонлари кўринишга сабаб бўлдими?

## Сарой киши си

Балли жаноб, қайғу билан чидам олишиб  
 Борган сари унинг ҳуснин оширар эди.  
 Қуёш чиқиб турганида ёмгир ёққанин  
 Кўргандирсиз? Кўз ёшлари билан табассум  
 Алмашиниб турар эди. Ғунча лабида  
 Уйнаб турган майин кулгу, гўё кўзидан  
 Дур, маржондай оққан ёшни билмаган каби.  
 Ростин айтсам, агар қайғу киши жамолин  
 Шунча сўлим қилар бўлса, бебаҳо нарса.

## Кент

Яна бирор қўшимча гап сўрамадими?

## Сарой киши си

«Отам»— деб бир лаб очди-ю, лекин кўксини  
 Аллақандай бир оғирлик бўққандай бўлди,  
 «Опаларим! Сиз хотинлар! Уялсангиз-чи!  
 Кет!.. Опалар! Менинг отам! Ёлғиз, бўронда!  
 Қора кеча, меҳрибонлик йўқми!» деди-ю  
 Кўзларидан дур тўкилган бу муқаддас сув  
 Тўлқинланиб айтадиган гапини бўғди.  
 Кейин дарров ичкарига ўзини олди.  
 Қайғусини ёлғиз ўзи тортмоқчи бўлди.

## Кент

Шундан маълум бўлдики, толе юлдузи  
 Бизга энди хайрихоҳлик билан боқмоқда,  
 Йўқса, ахир, қандай мумкин бир ота-она  
 Турли-турли феълдаги бола туғиши!  
 Сен у билан кейин яна гаплашмадингми?

## Сарой киши си

Йўқ.



Кент

Бу гаплар бўлар экан, қирол бормиди?

Сарой киши си

У йўқ эди. Аллақачон жўнаган эди.

Кент

Сен билиб қўй, бахтсиз Лир ҳам Доверга келган,  
Аҳён-аҳён келиб турар эси ўзига,  
Не мақсадда келгани ҳам ёдига тушар,  
Аммо, нима қилсангиз ҳам ўз қизи билан  
Учрашишга унамайди.

Сарой киши си

Хўш, нима учун?

Кент

Жуда катта уят унга азоб беради.  
У бешафқат ғазаб билан шу кенжа қизин  
Маҳрум қилиб ўз оталик фотиҳасидан,  
Шундай қўрқинч томонларга қувлаб юборган,  
Унинг ҳақи бўлган барча мерос-мулкларни  
Ит юракли шум қизларга бўлишиб берган.  
Шунинг учун, бу ўтган гап юрагин ўртаб  
Ўз бағрига босолмайди Корделияни.  
Жуда қаттиқ уялади.

Сарой киши си

Шўрлик, бечора!

Кент

Икки герцог қўшинидан нима хабар бор?

Сарой киши си

Бу томонга келаётган бўлсалар керак.

## Кент

Юринг, сизни олиб бораёй қирол олдига.  
 Сиз у ерда тура туринг. Бир муҳим сабаб  
 Мени ҳозир яширинишга мажбур қилади.  
 Кейинчалик кимлигимни билиб оласиз,  
 Укянмайсиз шу топдаги ошначиликдан.  
 Кетдик, марҳамат.

## ТУРТИНЧИ САҲНА

Француз лагери.

Чодир қурилган.

Байроқлар осилган, барабанлар.

Корделия, табиб, солдатлар чиқадилар.

## Корделия

Ҳойнаҳой, у! Уни ҳали кўрган эканлар.  
 Денгиз каби тўлқинланган, ҳовлиққан экан,  
 Бошида-чи, дала-даштни босиб ётгувчи  
 Отқулоқми, қоқи ўтми, печак, мингбоши,  
 Қичитқи ўт, қариқиздан ўрилган чамбар,  
 Тинмай қўшиқ айтар эмиш.

Отряд юборинг.

Усиқ ўтлар орасини, далани, қирни  
 Ҳамма ёқни ахтаришиб топиб келтирсин.

Офицерлардан бири кетади.

Илм унинг эсу-ҳушин жойига солиб,  
 Соғайтириш чорасини тополмасмикан?  
 Шундай қилсанг, нима десанг шунни бераман.

## Табиб

Бунинг яхши чораси бор, қироличамиз,  
 Бизнинг ҳамма дардимизга уйқу даводир,  
 Қирол эса уйқусизлик азобин тортар,  
 Ухлатишда турли-туман дори-ўтлар бор.  
 Шулар билан қайғу кўзин юмдириш мумкин.

## Корделия

Э, сиз кўкнинг ҳалигача яширин сирлари,  
 Табиатнинг синалмаган мажҳул кучлари  
 Кўз ёшларим ҳурмати-чун бир дам қўзғалиб,  
 Ердан беринг шу бечора, нотавон чолга!  
 Тез қидиринг, жаҳл усти тентаклик билан  
 Узин-ўзи нобуд қилиб қўймасин тагин.

Чо пар киради.

## Чо пар

Қиролича,  
 Британия қўшини бу томонга келмоқда.

## Корделия

Бу бизларга маълум эди. Биз ҳам уларга  
 Тўқнашишга тап-тайёرمىз. Азизим, отам,  
 Сенинг учун бу ишларга қадам қўйдим ман.  
 Ва шафқатли эрим эса, менинг кўз ёшим,  
 Ялинишим ҳурмати-чун жангга отланди.  
 Қонли уруш — обрў талаш жанжали эмас,  
 Севги ҳақи, отам, чолнинг ҳуқуқи учун.  
 Кошки эди, кошки эди, тезроқ кўролсам.

Чиқади.

## БЕШИНЧИ САҲНА

Глостер қасрида бир хона. Регана билан Освальд  
 чиқади.

## Регана

Хўш, акамиз қўшимлари йўлга тушдимми?

## Освальд

Балли, маликам.

Регана

Шахсан поччам ҳам шундами?

Освальд

Истар-истамас

Ўзларидан, хотинлари ўткир, жанговар.

Регана

Герцог билан учрашдими, граф Эдмунд?

Освальд

Учрашгани йўқ.

Регана

Опам унга хатида нималар ёзган,

Освальд

Билолмадим, маликамиз.

Регана

Балки, Эдмунд зарур бир иш билан кетгандир.

Глостернинг фақатгина кўзини ўйиб,

Ўлдирмасдан қўявериш чакки иш бўлди.

Энди бу кўр қайга борса арзу дод айтиб,

Одамларни бизга қарши қўзғаб юради.

Тахминимча, сўқир чолнинг аччиқ ҳаётин

Қисқартишга Эдмунд ўзи кетгандир.

Балки —

Йўл-йўлакай душман кучин айгоқ ҳам қилар.

Освальд

Орқасидан бориб, топиб хат топшираман.

Регана

Куни эрта биз ҳужумга ўтсамиз керак.

Сен бу ерда қолавергил, йўллар хатарли.

## Освальд

Иложим йўқ, маликамиз, толшириқ жиддий,  
Вазифамни бажаришим қатъиян зарур.

## Регана

У Эдмундга нима гаплар ёзган бўлсайкин?  
Наҳотки сен менга айтиб бера олмасанг?  
Ва балки у... яна қайдам... бериб тур-чи,  
Уқий қолай, сенга қиммат ҳады берардим.

## Освальд

Йўғ-э, маликам...

## Регана

Мен биламан, ўз эрини маликанг севмас.  
Кейинги гал пайқаб қолдим, граф Эдмундга  
Эҳтиросу ғамза билан кўз қирин солди,  
Мен биламан сир маҳрамисан ўз маликангга.

## Освальд

Менми, маликам?

## Регана

Мен, ҳамиша аниқ билган сўзни айтаман.  
Сен ҳам, ахир, ўз танангга бир оз ўйлаб кўр...  
Герцог эса ўлиб кетди. Мен билан Эдмунд  
Ваъдалашдик, менинг учун муносиб эр у,  
Маликангга эп бўлмайди. Яхши билиб қўй.  
Граф билан учраша олсанг, мана буни бер.  
(Узугини чиқариб беради.)

Сен опамга бу гапларнинг ҳаммасин айтиб,  
Ақллироқ бўлишига маслаҳат ҳам бер.  
Ҳозирча хайр.

Иўл-йўлакай кўр хоиндан бир шарпа сезсанг,  
Билиб қўй-ки, боши учун мукофот тайёр.

Освальд

Учрашай-чи, ким томонда эканлигимни  
Ана шунда кўрадилар.

Регана

Иўлинг оқ бўлсин.

Чиқиб кетадилар.

### ОЛТИНЧИ САҲНА

Довер яқинида бир ер.  
Деҳқон кийим-бошини кийган Глостер билан  
Эдгар чиқади.

Глостер

Уша қоя тепасига етдик дедингми?

Эдгар

Кўтарилиб бормакдамиз, йўл тикка, оғир.

Глостер

Менга текис сезилмоқда.

Эдгар

Қўрқинч, учирим.

Сиз денгизнинг ўшқирини эштияпсизми?

Глостер

Иўқ, эшитмайман.

## Эдгар

Демак, кўзнинг оғригидан танангиздаги  
Барча ҳислар ўтмасланиб қолибди.

## Глостер

Балки.

Менга шундай туйилмоқда, товушинг ўзгариб  
Сўзларинг ҳам анча равон эшитилмоқда.

## Эдгар

Янглишасиз, заррача ҳам ўзгаргани йўқ.  
Кийим-бошим дуруст, холос...

## Глостер

Сўзинг ҳам бошқа.

## Эдгар

Ана, келдик, Сиз қўзғалманг!  
Вой, бу ваҳима-ку!  
Бу таги йўқ жаҳаннамга қараш ҳам қўрқинч!  
Пастда учган қарға, зағча қўнғиздай кичик.  
Ана пастда бир учирим тошга осилиб  
Битта одам йиғаетир денгиз укропин,  
Ҳунар бўлмай ўлсин ахир. Узоқдан худди  
Қатталиги ўз бошидан кичик кўринар.  
Қирғоқдаги балиқчилар сичқондан майда,  
Лангар ташлаб турган катта кемалар эса,  
Кичик-кичик қайиқлардай қалқиб турибди,  
Қайиқлар-чи, тол ҳивичдай кўзга илганар,  
Қирғоқдаги тошга уриб парчалангувчи  
Тўлқинларнинг ўкириши бу ерга етмас.  
Бўлди энди, қарамайман, бошим айланди,  
Кўзим тиғиб жарга томон қулашим мумкин!

## Глостер

Ўзинг турган ерга мени олиб чиқиб қўй.

## Эдгар

Қўлни беринг.

Бир қадамча берида сиз ўша ўнгирдан.  
Вой-бу! Агар ой нур сочган шу дунёдаги  
Ғазналарни берсалар ҳам, сакрамас эдим.

## Глостер

Қўлимни қўй. Тагин ушбу ҳамённи ҳам ол,  
Ичи тўла қимматбаҳо дурру гавҳарлар,  
Сендай битта камбағалга ғазна бўлади.  
Руҳлар сенинг тақдирингга посбон бўлсин!  
Энди қани, хайрлашиб мен билан, жўна!  
Лекин сенинг кетганингни мен эшитайин.

## Эдгар

Хайр сизга, жаноби олий!

## Глостер

Хайр, биродар!

## Эдгар (Ўз-ўзига.)

Шундайгина макру ҳийла ишлатиб уни  
Умидсизлик касалидан соғайтираман.

## Глостер (Тиз чўқади).

Э, осмон қудратлари!  
Бу дунёни мен тарк қилдим, сизга юкиниб,  
Оғир ғамни ўз елкамдан соқит қиламан.  
Сизнинг қодир эркингизга қарши келмасдан  
Бу қайғуни узоқ йиллар кийиб тўзғитсам,  
Жонга теккан ҳаётимнинг машғал пилиги  
Ўз-ўзидан ёниб адоқ бўлажаги рост.  
Эдгар агар тирик бўлса, омон сақлангиз.



(Урнидан туради.)

Хайр энди, қадрдоним.

Эдгар

Хайр, мен кетдим.

Глостер гўё ўзини пастга ташлайди, йиқилади.

(Эдгар, бир чеккага.)

Ҳаёт ўзи ўлим томон тўғри йўл экан,  
 Ўз-ўзини ўлдиришнинг ҳеч ҳожати йўқ.  
 Ҳаёт ўзи таслим бўлгач ўғри қўлига,  
 Тасаввур ҳам бу ҳаётни ўғирлай олур.  
 Ўз ўйлаган манзилига етгандан кейин,  
 У ортиқча ўйламай ҳам қўя қолади.

(Овозини ўзгартириб.)

Тирикмисан? Ҳой, биродар, товушингни чиқар!  
 Ё ўлдингми? Йўғ-э, ана қимирляпти.  
 Узингиз ким?

Глостер

(Ўзига келаётиб)

Йўқол дейман! Тинчроқ ўлайин.

Эдгар

Сен нимасан, парданмисан, ҳаводанмисан,  
 Ё ўргумчак ипиданми — мунча енгилсан,  
 Шунча юксак учиримдан йиқилган киши  
 Парча-парча бўлар эди тухум пўчоғидай.  
 Сенинг бўлса нафасинг бор, қон ҳам чиқмабди,  
 Сўзлаяпсан, тану жонинг соғу саломат.  
 Сен йиқилган шу қоянинг, шу учиримнинг  
 Баландлиги оз деганда ўн терак бўйи.  
 Бир мўъжиза рўй берди-ю саломат қолдинг.  
 Қани гапир!

## Глостер

Ииқилдимми, йиқилмадимми?

## Эдгар

Шу даҳшатли бӯр қоянинг қоқ чўққисидан.  
Юқорига қарасанг-чи, унда сайраган  
Тўрғайларнинг товши бунда эшитилмайди.  
Қарасанг-чи!

## Глостер

Афсус, афсус, мен кўрман, ахир!  
Ё аламдан биров ўзин ўлдирмак бўлса,  
Ўлим уни шафқатидан маҳрум қилганми?  
Ёхуд бирор жабрдийда золим қўлдан  
Ўз-ўзини ўлдириш-ла қутулолмасми?

## Эдгар

Оёғингда турасанми, қўлингги бер-чи.

## Глостер

Эҳ, аттанг-а...

## Эдгар

Бу иш худди мўъжиза бўлди!  
Хув тепада, чўққидаги сиз билан турган  
Ким эди у?

## Глостер

Бир камбағал, ожиз тиланчи.

## Эдгар

Пастдан менга жуда қўрқинч бўлиб кўринди  
Икки кўзи икки ойдай катта, ярқироқ,  
Юзида-чи, минглаб бурун нафас олгандай,

Икки шоҳи тўлқинлардай лапанглаб турар.  
У ҳойнаҳой шайтон бўлса керак, фикримча.  
Э, отахон, бахтиёр бўлиб, омон қолдингиз,  
Худойимнинг қудратига шаку шубҳа йўқ.

### Г л о с т е р

Бу иш менга ўғит бўлди. Бу кундан кейин  
Қанча жабру жафо бўлса туриб бераман,  
Токи ўзи «бас, ўласан» демагунича.  
Ҳамроҳимни мен одам деб ўйлаган эдим.  
Ҳадеб, ҳадеб «ух, ёвуз руҳ!» деяверарди.  
Уша мени бу ергача етаклаб келди.

### Э д г а р

Сиз тинчланинг, сабр қилинг. Бу одам кимдир?

Дала ўтларидан чамбар ўраб бошига кийган,  
таажжуб аҳволда Л и р киради.

Саломат ақл ва тушунча ўз эгасини  
Бу зайлда оро бериб безолмас эди.

### Л и р

Жаҳонда мендан бошқа ҳеч ким ўз номига пул  
сўқдира олмайди, чунки мен қиролнинг ўзгинаси бўла-  
ман.

### Э д г а р

Бу аҳволга кўз ташласам юрагим портлар.

### Л и р

Бу ишларда табиат одамзоднинг ҳийлаю найранг-  
ларидан юқорироқ туради. Аскар болалар, мана сиз-  
нинг биринчи ойлиғингиз. Бу ўспирин ўқейни худди  
полиздаги қўруғичдай ушлар экан. Сенга ўқ-ёй ту-  
тишни ким қўйибди, қўлингга газ ушла. Ия-ия, қаранг-  
лар-а, сичқон. Жим... жим... Мана шу бир бурда

пишлоқ бизга ёрдам беради. Қўлқопимни ечиб истаган паҳлавони замон билан жангга киришга тайёрман. Қани, совутимни келтиринг. Ие анов қушча хўп учиб кетдим. Фут-фут!.. Нишонга ол, тўғри нишонга ол. Паролни айт.

### Эдгар

Ошрайҳон.

### Лир

Ут!

### Глостер

Бу товуш менга таниш.

### Лир

Ҳа, ҳа! Оқ соқолли Гонерилья!

У мени кучук боладай эркалаб, «сенинг оқ соқолинг бор» деб ишонтирмоқчи бўлар эди. Менинг-чи, умримда соқолим бўлган эмас, мен улар билан нима тўғрида гаплашсам, барибир, бир «ҳа» деб, бир «йўқ» деб жавоб берар эдилар. Бир вақтнинг ўзида ҳам «ҳа» деб, ҳам «йўқ» деб жавоб бериш, бу энди виждонсизлик бўлади. Мен ёмғирда қолиб, мағзи-мағзимгача увиганда, изғирин бўрондан совқотиб тишим тишимга тегмаганда, момақалдироқлар менинг амрим билан тинмаганда, ана ўшанда мен уларнинг ким эканликларини танидим. Ва сўзларининг бебурд қадрини англадим. Балли, уларнинг сўзлари билан ишлари бошқа-бошқа бўлар экан. Улар менга «сен ҳамма нарсадан кучлироқсан» деган эдилар, бу ёлғон чиқди, чунки безгак менадан кучлироқ экан.

## Глостер

Бу товушни жуда яхши танийман.  
Наҳотки бу қирол бўлса.

## Лир

Қирол, қирол, бошдан-оёғи қирол.  
Менга битта қарашликнинг ўзи кифоя.  
— Теварақда ҳамма одам чулдираб қолар.  
Ҳаётини бағишлайман. Айби нимади?  
Муҳаббатнинг уят иши дедингми, нима?  
Сен ўлмайсан. Шу гуноҳга ўлим ҳукмими?  
Йўқ, бўлмайди. Қуёнлар ҳам, тиллақўнғизлар  
Кўз ўнгида уят ишни қиладилар-ку.  
Фаҳш, разолат гуллайверсин! Нима қиларди  
Глостернинг ҳаром ишдан туғилган ўгли  
Менинг тоза ва никоҳли хотиним туққан  
Қизларимга қараганда, ўз отасига  
Вафолироқ чиқиб қолди. Қани шайланинг!  
Тезроқ туғинг ва туғдиринг. Солдатлар керак!  
Сиз мана, бу кеккаювчи хонимга қаранг,  
Башараси пайғамбару ичи тўла муз.  
Қулоғига «маза» сўзи кирар-кирмасдан  
Муғомбирлик қилиб бошин чайқаб қўяди.  
Айшу ишрат, завқу сафо ишларида-чи,  
Қўркаламуш ёки бирор ёшгина байтал  
Ушанчалик эҳтиросга мубтало эмас.  
Афсонада Кентавр деб аталган ҳайвон  
Ярми хотин, ярмиси от бўлган махлуқлар.  
Белигача худоларнинг эрмаги бўлиб,  
Белдан қуйи шайтонларнинг ихтиёрида,  
У ерда-чи, жаҳаннам ҳам, гугурт ҳиди ҳам,  
Зулмат тўла қурдум дарё бариси шунда.  
Қайноқ ҳаво, ўт, аланга, бадбўйлик ва барбодлик.  
Фу, фу, фу, брр! Барака топкур аттор, менга бир  
мисқолгина мушк бер, ҳидлаб эсу ҳушимни йиғишти-  
риб олай. Мана пули.

## Г л о с т е р

Қўлингни бер, юзу кўзимга суриб, ўпайин.

## Л и р

Аввал артай, ундан мурда ҳиди келмоқда.

## Г л о с т е р

Ҳе, сен! Олий табиатнинг барбод бир қисми,  
Қачондир, бир кун келиб шу обод олам  
Сенинг каби барбодликка юз тутажақдир.  
Айт-чи, мени танияпсанми?

## Л и р

Сенинг кўзларингни яхши эслайман. Нега менга  
кўзингни ғилай қилиб қараяпсан. Бекорга овора бўлма,  
сўқир муҳаббат тангриси, мен сева олмайман. Шу  
таклифномани ўқиб кўр-чи, ўқиганда айрим ҳарфлар-  
нинг шикаст гажакларига айниқса эътибор қил.

## Г л о с т е р

Агар бу хатда ҳар бир ҳарф қуёш бўлиб кўрин-  
ганда ҳам, барибир, мен ўқий олмайман.

## Э д г а р

Биров айтса ишонмасдим, афсус, рост экан.  
Ва юрагим ачигандан торс ажраб кетди.

## Л и р

Уқи дейман!

## Г л о с т е р

Нима билан? Кўз косаси билан ўқийми?

## Л и р

Эҳа! Ишларимиз ҳали шунақасига келиб тақалдими? Манглайимизда кўз, чўнтагимизда пул йўқми? Чўнтакнинг-ку иши енгил, кўзларга қийин. Шундай бўлса ҳам, барибир сен теварак оламда нима гап, нима ишлар бўлаётганини кўра оласан-ку.

## Г л о с т е р

Кўрмайман, аммо сезаман.

## Л и р

Бу нима деганинг, жинни бўлдингми? Одам деган кўзи бўлмаса ҳам теварак оламда нима бўлаётганини кўра олади. Сен қулоқларинг билан қара. Ана судья оддий майда ўғрини масхара қилаётганини кўряпсанми? Бу ёққа кел, қулоғингга бир нима шивирлайман: буларнинг ўринларини алмаштириб қўйиш керак. Бир, икки, уч,— энди судья қани-ю, ўғри қани? Хонадон кўриқлайдиган итнинг гадойга ҳурганини кўрганмисан?

## Г л о с т е р

Кўрганман, шоҳим.

## Л и р

Уша шўрлик гадонинг итдан қандай қочганини ҳам кўрганмисан? Мана шу сенга ҳукмронликнинг яққол тимсоли бўла олади. Ит ўзининг хизмат бурчини адо қилмоқда, демак, унга итоат қилиш керак.

Қонли қўлларингни тўхтат, раҳмсиз жаллод!

Не сабабдан узмоқчисан, шу қизнинг бошин?

Қизнинг боши чопилишига сабаб гуноҳни

Сен ҳам жон деб қилмасмидинг, ўз-ўзингни чоп.

Муттаҳамни худди судхўр дорга осгандай,

Юпқа бўздан майда гуноҳ ошкор кўриниб,

Зарбоб, қундуз тагида-чи яшириниб қолар.  
 Гуноҳингни олтин билан жилолантирсанг,  
 Унга қонун найзаси ҳам ўтмай, синади.  
 Сен устингга жулдурвоқи кийиб олсанг-чи,  
 Адолатнинг похол чўпи тешиб ўтолур.  
 Айбдор йўқ! Бунда ҳеч ким айбдор эмас!  
 Ҳаммангизни мен оқладим, шунақа дўстим,  
 Оғизларни юмдиришга ҳукмим ўтади,  
 Айтнинг мени ким бу ишда айблай олади!  
 Сен ўзингга шиша кўзлар сотиб ола қол,  
 Кейин жирканч сиёсатдон кишилар каби  
 Кўрмасанг ҳам кўряпман деб риё қиласан.  
 Қани, қани, этигимни тортиб юбор-чи!  
 Қаттиқроқ торт: шундай...

### Эдгар

Оҳ, бу гаплар, алжираш билан саломат фикрнинг,  
 Тентаклик билан ақлнинг аралашмаси.

### Лир

Мабодо сен тақдиримга йиғлаш истасанг,  
 Кўзларимни ола қол. Сени танийман:  
 Сен — Глостер. Чида! Ўзинг яхши биласан,  
 Биз дунёга йиғи билан туғиламиз-ку,  
 Бу оламнинг ҳавосини ҳидлар-ҳидламас  
 Фигон тортиб йиғи бошлаймиз.  
 Қулоқ солсанг, бир ўғит бор, сенга айтаман.

### Глостер

Оҳ, қийин кун, заҳар-заққум кун!

### Лир

Туғиларкан биз йиғлаймиз, чунки ҳаётнинг  
 Саҳнасида аҳмоқларнинг ролин ўйнаймиз.



(Эдгар кийган қалпоқни кўриб)

Жуда яхши қалпоқ экан! Ҳарбий макр учун,  
 Мен шу кигиз қалпоқчани кийиб оламан  
 Ва отларнинг тақаларин тескари қоқиб,  
 Куёвларим даргоҳига яширин кираман!  
 Ундан кейин ур ҳо уру, ҳо уру, ҳо уру, ҳо уру!

Бир сарой кишиси билан бир неча  
 мулозимлар киради.

Сарой кишиси

Ана ўзи, ана ўзи! Дарров тутинглар!  
 Шаҳаншоҳим, сизни севган мушфиқ қизингиз...

Лир

Тагин нима? Нажот йўқми? Мен асирманми?  
 Яна тақдир панжасида эрмак бўлдимми?  
 Баримта ҳам тўлай қолай, андак ювош бўл.  
 Мен миямдан яралиман, табиб келтиринг.

Сарой кишиси

Ҳамма нарса тайёр бўлар, шаҳаншоҳимиз.

Лир

Ердам берар кишим йўқми? Ёлғиз ўзимми?  
 Қуйма тузга айланаман, бу шўр ёшлардан.  
 Икки кўздан ирмоқ каби оққан кўз ёшим  
 Куз кездеги дала йўлни чангин босгудай.

Сарой кишиси

Шаҳаншоҳим...

Лир

Улганда ҳам мард ўламан, шотир куёвдай!  
 Нима қилар, битта шўхлик қилиб қўяй-чи!  
 Мен қиролман — билмайсизми мени, жаноблар?

Сарой киши си

Сиз, бизларнинг қиролимиз, биз сизга чокар.

Лир

Ундай бўлса, қониқарли, ишлар жойида.  
Мени тутмак истасангиз, хўп, тута қолинг.  
Қани! Қани! Қани! Қани!

Қоча бошлайди, хизматчилар қувлайдилар.

Сарой киши си

Ҳаққа етган гадода ҳам бу хўрлик бўлмас,  
Қирол шундай ҳолда бўлса... нима ҳам дейсиз!  
Икки қизи шу аҳволга солиб қўйибди,  
Уз наслини шу лаънатдан сақлаб қолишга  
Қичик қизи қараб турмай ҳаракат қилар.

Эдгар

Салом, жаноб.

Сарой киши си

Салом бўлсин! Хўш, қандай хизмат?

Эдгар

Уруш бўлар эмиш, жаноб, эшитдингизми?

Сарой киши си

Бўлмасам-чи; қулоғи бор ҳамма эшитган,  
Ва ҳаммага аллақачон аён бўлган сир.

Эдгар

Айтиб бера оласизми, душман яқинми?

Сарой киши си

Жуда яқин, биз томонга келишга шошар,  
Эшитдимки, кутмоқдалар ҳар соат сайин.

Эдгар

Ташаккур, жаноб.

Сарой кишиси

Бунда бир оз тутилса ҳам қироличамиз  
Аммо қўшин аллақачон отланиб бўлган.

Эдгар

Ташаккур, жаноб.

Сарой кишиси чиқиб кетади.

Глостер

Эй шафқатли парвардигор! Жонимни олгил,  
Қайта бошдан душман келиб ўчакишмасин,  
Ев қўлига таслим бўлмай, ўлиб кетайин.

Эдгар

Мана бунн дуо депти,  
Аъло, отажон.

Глостер

Ўзинг кимсан, азиз дўстим?

Эдгар

Битта бечора,  
Тақдирнинг ҳам зарбларига кўникиб кетган,  
Эҳтиёждан таълим олган, қайғуга ошна,  
Ачинишга дили мойил. Қўлни беринг-чи  
Сизга бирор бошпана ҳам топиб бераман.

Глостер

Раҳмат!

Сенга тангри ўзи мададкор бўлсин  
Битта қилган шафқатингга юз ато қилсин.

Освальд киради.

Освальд

Баракалла! Мукофот ҳам бизники бўлди.  
Кўзсиз калла, фақат менинг катта обрўлар,  
Даражалар топишимга яратилгансан.  
Кекса хоин, тез тавба қил гундҳларингга!  
Улдиришга қиличим ҳам қинидан чиққан.

Глостер

Оғайнилик қўли билан  
Битта силтаб чоп.

Эдгар ўртага киради.

Освальд

Ҳой қишлоқи, бу қанақа безбетлик бўлди,  
Сотқин ёнин олмоқдасан, алон ошкор?  
Қоч! Бўлмаса, бу хоинга тикилган бало  
Сенга юқиб, сен ҳам бирга ўлиб кетасан.  
Қўлини қўй!

Эдгар (*Қишлоқча гапира бошлайди.*)

Иўғ-э, жаноб олийлари, нима қилсангиз қиларсиз,  
мен бунинг ёнидан нари жилмайман.

Освальд

Қоч, қулвачча, йўқса, ўласан!

Эдгар

Барака топкур хўжайин, тўғри йўлингизга кета-  
веринг-да, шу камбағал бечоралар ўтиб кетсин. Агар  
мени манманлик юзасидан ўлдириш мумкин бўлганда  
эди, бу ёруғ жаҳонда икки ҳафта ҳам тирик юролмас

эдим. Қўйинг энди, мўйсафидга тега кўрманг, бўлмаса мана бу сўйилни ишлатишга тўғри келиб қолади, сизнинг бошингиз қаттиқмикан, ёки менинг сўйилим. Мен сизга гапнинг дангалини айтаётипман.

Освальд

Қоч деяпман, бир уйим гўнг.

Эдгар

Қиличингиз билан истаганингизча янаверинг, жаноб олий, энди мен сизнинг тишингизни қоқиб олиб, санамасам бўлмайдиган кўрнади.

Икковлари олишадилар. Освальд йиқилади.

Освальд

Ҳой, қул, мени сен ўлдирдинг — мана ҳамён  
Ўз бахтингни истар бўлсанг, мени дафн қил.  
Чўнтагимда бир мактуб бор, ўшани олиб,  
Граф Эдмунд Глостерга тезликда топшир.  
У инглиз қўшинида хизмат қилади.  
Бевақт ўлим, чакки бўлди!

(Улади.)

Эдгар

Сени яхши танир эдим, тубан ялоқхўр,  
Бузуқ хулқли маликангга ёқмоқлик учун  
Ҳар истаган ирганч ишдан чўчимас банда.

Глостер

Нима бўлди, у ўлдими?

Эдгар

Бир оз дам олинг,  
Отажоним. Мен бир муни титиб чиқайин.

Балки шу хат менга қилар ошнагарчилик.  
 У ўлишга ўлди, аммо жуда ҳам эсиз  
 Бошқа киши жаллод бўлса яхши бўларди.  
 Кўрайлиқ-чи!...

Сен ранжима юмшоққина мум.

*(Муҳрни синдиради.)*

Хулқу одоб — бизни кечир!  
 Баъзан душман ниятини билмаклик учун  
 Ҳатто қалбин ёриб кўриш жонз бўларкан,  
 Қоғозини йиртиб қараш — кечирарликдир.

*(Уқийди.)*

«Ҳар инкимизнинг бир-биримизга берган ваъда-ваидларимизни ёдингга тушир. Сенинг қўлингда унинг ишини саранжом қилиб қўя қолиш учун бирталай имкониятлар бор. Шагинг бўлса, -бас — қулай фурсат ҳамма вақт топилар. Агар у голиб бўлиб қайтиб келса, бизнинг ҳалигача қилган ниятларимиз фойдасиз бўлиб қолади. Мен унга бир умр асира бўлиб қоламану, унинг тўшаги менга зиндон бўлади. Мени бу тўшакнинг қўланса қучоғидан қутқариб, ўзим қилган бу журъатнинг мукофоти учун эримнинг ўрнини эгалла. Сенинг (хотининг дейишни жуда орзу қилар эдим) садоқатли Гонерильянг».

Уҳ, хотинлар иродасин лойқа гирдоби!  
 Ўз меҳрибон эрига ҳам қила олар қасд!  
 Уринбосар менинг укам бўлиб қолармиш!  
 Жинояткор фоҳишларнинг чопарин эса  
 Шу ердаги қум ичига кўма қўяман.  
 Ва герцогни ўлдиришга таҳдид қилғувчи  
 Бу лаънати хатни сақлаб, вақти келганда  
 Ўз қўлига топшираман. Чопар ўлганин  
 Ва бу қўрқинч қасд хабарин унга айтаман.  
 Тақдир менга бу қисматни юклаб қўйибди.

## Г л о с т е р

Қирол эса эсин жўйган... мен тентак бўлмай,  
 Ҳанузгача чидам билан бошимга тушган  
 Бутун жабру жафоларни англаб турибман.  
 Қошки эди мен ҳам тентак бўла қолсам-ку  
 Фикрим билан тортган қайгим тафовут қилса,  
 Елгондакам хаёлларга кўмилиб кетиб,  
 Машаққатлар ўз-ўзини унутиб қўйса.

Узоқдан барабан овози.

## Э д г а р

Қани менга қўлни беринг. Тинглаяпсизми  
 Узоқлардан эшитилар довул овози,  
 Сизни дўстлар ҳузурига олиб бораман,  
 Қани кетдик, отажоним.

Чиқадилар.

## ЕТТИНЧИ САҲНА

Француз лагериди бир чодир  
 Л и р бир ётоқда ушлаб ётибди; унинг ёнида табиб, сарой  
 кишиси ва бир неча мулозимлар.

Музиканинг сокин овози эшитилади.

## К о р д е л и я

Шафқатли Кент, яхшилигинг мукофотига  
 Бу ҳаётда нима билан жавоб берайин?  
 Ҳаёт десам — ҳаёт қисқа,  
 Давлат десам — давлатим оз.

## К е н т

Шу сўз ўзи — меннинг учун олий мукофот,  
 Мен бу гапни юрагимдан олиб айтаман.

## Қорделия

Устингдаги қора кундан хотира бўлган  
Усти бошни ечиб ташлаб, бошқасини кий.

## Кент

Афв этасиз, мен ўзимни билдириб қўйсам  
Мўлжал қилган бутун ишим барбод бўлади.  
Илтимос шу, токи ўзим айтмагунимча  
Сиз ҳам мени танимаган бўлиб кўрининг.

## Қорделия

Сиз айтганча бўла қолсин,  
Ҳурматли лордим.

## (Табибга)

Хўш, қиролнинг ҳоли қалай?

## Табиб

Ҳозирча ухлар.

## Қорделия

Э, осмон қудратлари, сиз шифо беринг,  
Аламлардан мажруҳ бўлган унинг қалбига.  
Қайғудардан гўдакланиб қолган отамнинг  
Ҳиссиётин қайта бошдан тартибга солинг.

## Табиб

Анчагина ухлаб қолди. Майли десангиз,  
Энди уни уйғотсак ҳам бўлаверади.

## Қорделия

Илм нима деган бўлса ўшани қилинг.—  
Бор ихтиёр ўзингизда. Қачон кийинди?



## Сарой кишиси

У шунчалик қаттиқ ухлаб қолган эдики,  
Уйқусида кийинтирдик, сезгани ҳам йўқ.

## Табиб

Уйғотганда сиз ўзингиз шу ерда бўлинг.  
Ҳойнаҳой тинч уйғонади.

## Корделия

Яхши, бўламан.

## Табиб

Сиз, маликам, яқин келинг.

*(Музикачиларга)*

Қаттиқроқ чалинг.

## Корделия

Азизгинам, отажоним, кошки эдики,  
Менинг лабим, ўпишларим бир шифо бўлиб,  
Опаларим оқ сочингга етказган алам  
Бир лаҳзада унутилса.

## Кент

Азиз маликам...

## Корделия

Хатто бизга бегона зот бўлганида ҳам,  
Оқ сочига раҳм қилмоқ керак бўларди.  
Шу ёшдаги кекса бардош бера олармиди,  
Бўронларнинг аёв билмас даҳшат кучига,  
Қўрқинч билан илон изи солган чақмоқнинг  
Ўлдирарлик ваҳмасига, гулдуросига?

Ахир, бунинг зўримиди (шўрлик тунқотар)  
 Боши очиқ тонг отдириш очиқ ҳавода?  
 Душманнинг мени қопган ити бўлса ҳам  
 Чақирардим шундай кеча гулхан ёнига.  
 Шўрлик отам, дарбадарлар билан тентираб  
 Чирик похол уйимидан паноҳ қидириб,  
 Чўчқаларга қўшни бўлган ноилжликдан.  
 Қандай алам! Шунга шукур қилиш керакки,  
 Ақли билан баб-баравар жони чиқмабди.  
 У уйғонди!

Сиз ўзингиз аввал гаплашинг.

### Т а б и б

Иўқ, яхшиси сиз гаплашинг.

### К о р д е л и я

Хукроним, аҳволингиз энди дурустми?  
 Соғлигингиз жойидами, улуғ шаҳаншоҳ?

### Л и р

Нега мени тобутимдан чиқарадилар?  
 Биласанми, нурга чўмган, порлоқ фариштам,  
 Мени оташ чамбаракка михлаб қўйганлар,  
 Кўз ёшларим эритилган кўрғошин каби  
 Тиним билмай оқмоқдадир шу чамбаракка.

### К о р д е л и я

Шаҳаншоҳим, айттинг, мени танийипсизми?

### Л и р

Ҳа, ҳа, сени танияпман,  
 Сен нурли малак.  
 Қачон ўлган эдиң?

## Корделия

Ана, алаҳлаяпти.

## Табиб

Ҳозиргина уйгонди у. Озгина кутинг.

## Лир

Мен қайдайдим? Қаердаман? Бу нур қаердан?  
 Қўнглинг чўккан. Ўзим тушган ушбу аҳволда  
 Бир ўзгани кўрсам эдим, ранжиб ўлардим.  
 Нима дейман? Шу қўллар ҳам меникимикан?  
 Қани, синаб кўрайлик-чи... Нина санчияпти.  
 Энди битта ҳақиқатни аниқлаш керак,  
 Мен ўзим кимман!

## Корделия

Менга битта тикилиб қаранг  
 Ва яхшилаб дуо қилинг, фотиҳа беринг.  
 Э, йўқ, йўғ-э, тизза чўкманг, мунақа қилманг.

## Лир

Сўрар эдим, мени эрмак қилиб кулманглар,  
 Мен кексайган, эсин еган кишиман, холос.  
 Кам ҳам эмас, кўп ҳам эмас, сақсонга кирдим,  
 Чинин айтсам ўз-ўзимдан таҳликадаман,  
 Бир озгина эсдан ажраб қолдиммикан деб.  
 Сизни таниб тургандайман... Бу кишини ҳам...  
 Шубҳам шуки, қаердаман, билмай турибман.  
 Ҳам мана шу уст-бошлар қаердан келди,  
 Етти ўйлаб, ёдимга ҳам келтиролмайман.  
 Ва билмайман бу кечаси қайда тунадим.  
 Янглиш айтсам, мазақ қилиб кула кўрманглар...  
 Тахминимча, гўёки шу, шу, ушбу хоним  
 Менинг болам, Корделия.

## Корделия

Худ, худди ўзи!

## Лир

Бу ёш нима, кипригинг нам? Бас қил, йиғлама.  
Агар бўлса, заҳар топдир, мен ичмоқчиман.  
Ва сен мени севомайсан. Опаларинг-чи,  
Ҳеч сабабсиз менга қаттиқ озор бердилар,  
Сенда эса сабаблар бор.

## Корделия

Ҳеч нима йўқ! Йўқ!

## Лир

Қаердаман? Франциядаманми?

## Кент

Ўз давлатингиз, ўз мамлакатингиздасиз,  
Менинг шаҳаншоҳим.

## Лир

Алдаш керак эмас.

## Табиб

Сиз юпатинг, қиролича, кўриб турибсиз,  
Дард қўзғалди, ўтиб кетди ёвуз тутқаноқ.  
Бироқ, ҳадеб ўтган ғамни эсга солсангиз  
Қайта бошдан янгиланиш хавфи йўқ эмас.  
Уни бундан бирор ерга дарров кўчириб,  
То ўзига келгунича беозор қўйинг.

## Корделия

Менинг билан бирга кетиш сизга маъқулми  
Нима дейсиз, шаҳаншоҳим!

## Лир

Аmmo мен билан  
Яшамакка сенда чидам бўлиши зарур.  
Сўровим шу, ўтган гапни унут ва кечир.  
Мен бир қари, эсин жўйиб қўйган кишиман.

Кент ва сарой кишисидан бошқа ҳамма чиқиб кетади.

## Сарой кишиси

Герцог Корнуэлнинг ўлдирилганлиги тўғрисидаги  
овозлар ҳақиқатга тўғри келадими, жаноб?

## Кент

Мутлақо тўғри, жаноб.

## Сарой кишиси

Унга қарашли қўшинлар устидан энди ким қўмондон бўлиб қолди?

## Кент

Овозаларга қараганда, Глостернинг ҳароми ўғли.

## Сарой кишиси

Глостернинг қувғин ўғли Эдгар, граф Кент билан  
бирга Германияда деб айтадилар.

**Кент**

Ишқилиб, ҳар хил овозалар бор. Бироқ, энди ўзимиз тўғри ўйлашга ҳам вақт етди: герцогнинг қўшинлари яқинлашиб қолди.

**Сарой кишиси**

Жуда қонли жанг бўладиганга ўхшайди. Хайр, жаноб. (*Кетади.*)

**Кент**

Ортиқ марра яқин. Бизни фалокатми, бахтми кутади, буни энди жангнинг оқибати ҳал қилади.

Чиқади.

## V ПАРДА

### БИРИНЧИ САҲНА

Довер яқинлигида Британия лагери.  
Барабанлар чалиб, байроқлар кўтариб Эдмунд, Регана  
аъёнлар ва солдатлар чиқадилар.

Эдмунд *(аёнлардан бирига)*

Сиз герцогдан сўраб кўринг: сўнгги режаси  
Ўз кучида турибдими, ё ўзгардимми?  
У донмо шубҳа билан тараддудга банд.  
Бизга ахир бирор қатъий жавобин берсин.

Аъён чиқиб кетади.

Регана

Мен опамнинг чопаридан хавотирдаман.

Эдмунд

Мен ҳам бирор иш бўлди деб қўрқаётирман.

Регана

Менинг сизга бўлган майлим қандай экани  
Ўзингизга жуда равшан, азиз Глостер.  
Шунинг учун очиқ-ойдин тўғриси айтинг,  
Сиз опамни севасизми?

Эдмунд

Ҳурмат қиламан.

## Регана

Сиз поччамнинг мулки томон олиб боргувчи  
Епиқ йўлга тушганмисиз?

Эдмунд

Адашмоқдасиз.

## Регана

Тахминимча опам билан шундай яқинсиз,  
Иккингишни бир бутун деб ҳисоблаш мумкин.

Эдмунд

Номусимга онг ичаман — бу, бундай эмас.

## Регана

Шундай аҳвол бўла қолса чидолмас эдим,  
Унинг билан яқинлашманг, жоним Глостер!

Эдмунд

Йўқ, йўғ-э, сиз заррача ҳам хавотир олманг.  
Ана ўзи эри билан бирга келяпти.

Барабанлар, байроқлар билан Альбани, Гонерилья  
ва солдатлар кирадилар.

Гонерилья

(ўз-ўзига)

Мен бу жангда мағлуб бўлсам, бўларман, аммо  
Синглим, бизни ажратишга йўл қўя олмайман,

Альбани

Ўз севимли синглимизга саломлар бўлсин.

(Эдмундга)



Қирол кичик қизи билан биргамиш, жаноб.  
 Ва бизнинг бу қаттиққўлли иродамиздан  
 Ранжиган кўп кишилар ҳам у ерда эмиш.  
 Мен ожизман, ҳаққоният бўлмаган ерда.  
 Французлар бизга қарам давлат ерига  
 Босириққа келишлари маъқулмас, тўғри,  
 Аммо қирол ва қиролга яқин зотларнинг  
 Биздан қилган шикояти, афсус, ўринли.

Эдмунд

Бу маъқул гап.

Регана

Баҳслашув нимага керак!

Гонерилья

Ҳозир ёвга баҳамжиҳат қарши чиқайлик.  
 Оилавий ёки шахсий можароларнинг  
 Ҳозир қатъий ўрни эмас.

Альбани

Бўлмаса, дарров  
 Қўшиндаги оқсоқоллар кенгаш чақирсин,  
 Шулар қилган қарор билан ишни бошлаймиз.

Эдмунд

Тезлик билан мен келаман, сизнинг чодирга.

Регана

Сиз, биз билан юрасизми, опажоним.

Гонерилья

Иўқ.

## Регана

Одобли иш бўлар эди, юринг, сўрайман.

## Гонерилья

(Ўз-Ўзига)

Ҳа, ҳа, демак, маълум бўлди.

(Овоз чиқариб)

Хўп, кетдик, синглим!

Дехқонча усти-бош кийиб олган Эдгар киради.

## Эдгар

Биздай ожиз камбағалга ижозат бўлса,  
Икки огиз сўз бор эди жаноб герцога.

## Альбани

(Бошқаларга қараб)

Мен ҳозир бораман. Хўш, нима гапинг бор?

Альбани билан Эдгардан бошқа ҳамма кетади.

## Эдгар

Шу хат сизга: жангдан олдин бир ўқиб қўйинг.  
Жангдан голиб чиқолсангиз, бурғу чолдиринг,  
Хат топширган киши дарров етиб келади!  
Кўринишда жуда ночор кўринсам ҳамки,  
Бу хатдаги бор гапларни тасдиқ қилувчи  
Бир жангчини толиб келиш қўлимдан келар.  
Ва мабодо жангдан омон чиқа олмасангиз,  
Ўз-ўзидан бу дунёнинг ташвиш-ғурбати  
Сиз учун ҳам, бошқа учун ҳам барҳам топади.  
Омон бўлинг, толенгиз доим ёр бўлсин.

## Альбани

Сен тура тур, бу хатни мен ўқиб чиқайин.

## Эдгар

Бир нафас ҳам кечикишга имконият йўқ.  
Зарур бўлган ҳар соатда худайчи чалсин,  
Уша замон мен бу ерда ҳозир бўламан.

Чиқади.

## Альбани

Бўлмаса хайр! Мен бу хатни ўқиб чиқаман.

Эдмунд киради.

Ев лашкари кўринмоқда. Қўшни тортайлик.  
Айғоқчилар топиб келган бу маълумотда  
Ев аскарин кучи, сони аниқ айтилган.  
Тез ҳаракат қилиш энди сизнинг бурчингиз.

## Альбани

Уз вақтида, кечикмасдан тайёр бўламиз.

Чиқади.

## Эдмунд

Севаман деб қасам ичдим опа-сингилга,  
Улар худди илон чаққан кишилар каби  
Минг тўлғониб бир-бировин ёмон кўради.  
Бу икковдан қайсибирин эгаллай экан?  
Биттасинми? Икковинми? Ҳеч қайсисинми?  
Ҳар иккови тирик қолса бахт ҳам бўлмайди.  
Бевасини олай десам, Гонерильяни  
Гиж-гижлаган, қутиртирган бўлиб қоламан.  
Ўзин десам, эри тирик, ўйин ютмайди.  
Эри эса, олдимизда турган жанг учун  
Шу соатда жуда зарур. Аммо кейинроқ...  
У кимнингким йўл устига ғов бўлиб турса  
Уша одам бунинг ишин бартараф қилар.  
Агарда у жангда енгиб, ғолиб чиқа олса,  
Корделия билан Лирга омон бермоқчи.

Бўлмаган гап! Мен бошқарган умумий аҳвол  
Иш сўрайди, баҳсу жавоб талаб қилмайди.

Чиқади.

## ИККИНЧИ САҲНА

Ҳар икки лагерь ўртасида ҳарб майдони. Барабанлар чалиб,  
байроқлар кўтариб Лир, Корделия ва қўшин ўтади.  
Эдгар билан Глостер кириб келади.

Эдгар

Бери келинг, отажоним. Шу соя ерда  
Ҳақ иш учун курашганлар энгишин сўраб  
Дуо қилинг, оқибатни кутиб ўлтиринг.  
Тирик бўлиб, шикаст емай қайтиб келсам  
Сизга нима керак бўлса тайёр қиламан.

Глостер

Парвардигор сизни сақласин!

Эдгар кетади.

*(жанг олаговури, сўнг қайтиш марши.)*

Эдгар қайтиб келади.

Эдгар

Қочамиз, чол. Қани, дарров менга қўл беринг!  
Қирол тамом шикаст топди. Ўзи ва қизи  
Асир тушди.

Қўлни беринг, қани, қочайлик!

Глостер

Қочиш нега? Шу ерда ҳам чирий оламан.

Эдгар

Тағни ўша бемаза гап. Биз ўлим пайтин  
Туғилганда бўлган каби жуда табиий

Тақдир бўлган соатида кутиб оламиз.  
 Ҳамма ишнинг ўз вақти бор. Қани кетайлик!

Глостер

Сен ҳақлисан.

Кетадилар.

### УЧИНЧИ САҲНА

Доверда британияликлар лагери.  
 Барабанлар, байроқлар билан голиб Эдмунд кириб келади.  
 Унинг орқасидан асир сифатида Лир билан Корделияни  
 олиб кирадилар: офицерлар, солдатлар ва  
 бошқалар киради.

Эдмунд

Олиб боринг, қамаб қўйинг! Тоинки судья  
 Ўз қудратли олий ҳукмин эълон қилгунча,  
 Ғоят қаттиқ назоратда сақланиб турсин.

Корделия

(Лирга)

Яхши ишлар қилмоқ бўлиб тақдир қўлида,  
 Жазоларга учрашимиз биринчи эмас.  
 Шум тақдирнинг ғазабидан унча қўрқмайман,  
 Сенгагина қайғираман, бечора қирол.  
 Бир учрашиб кўрсакмиқан опамлар билан?

Лир

Йўқ, йўқ, йўқ, йўқ. Икковимиз кетдик турмага.  
 Қафасдаги қушлар каби унда куйлаймиз.  
 Сен мабодо мендан бирор фотиҳа сўрсанг,  
 Тизза чўкиб, афв сўраб қиламан дуо.  
 Куйлар куйлаб, чўпчак айтиб, ибодат қилиб,  
 Бирга-бирга авоқтада яшаб турамиз.  
 Ялтираган парвоналар тутиб куламиз,

Жўча-кўйда дайдиб юрган дарбадарлардан  
 Саройдаги аҳволларни сўраб биламиз,  
 Ким мартаба эгаллади, ким дорга кетди,  
 Кимнинг ҳоли қалай бўлди, билиб турамиз,  
 Тангри бизни жасурликка юборган каби  
 Нарсаларнинг чин сиррига воқиф бўламиз.  
 Шундай қилиб қоп-қоронғи зиндон ичида  
 Ҳукмронлар ўртасида тошқин-босқиндай  
 Бир пасайиб, бир улғайиб давом этувчи  
 Олқишларни сайр этамиз.

Э д м у н д

Икковин олинг!

Л и р

Қорделия, худди шундай қурбонлар учун  
 Худоларнинг ўзи ҳатто исриқ солади.  
 Биз биргамиз, бизни энди ажратмоқ учун  
 Тулкиларни ўт тутатиб индан қувгандай  
 Осмондан ёнган тўнка ўғирлаш керак.  
 Йиғлама-э!  
 Булар бизни йиғламоққа мажбур қилгунча  
 Ўзларини эту сўнгак билан аралаш  
 Ёвуз тоғун, қора вабо ютиб қўяди.  
 Аввал булар ўладилар,

Қани, юр, кетдик!

Қуриқчилар Лир билан Қорделияни олиб  
 чиқадилар

Э д м у н д

(бир офицерга.)

Менга қулоқ бер...

Унга бир қоғоз беради.

Хатни олиб сен буларнинг орқасидан бор.  
 Даражангни юқорироқ кўтариб қўйдим:

Шу хатдаги буйругимни бажаришинг шарт.  
 Шунинг билан ўз обрўйингга кенг йўл очасан.  
 Замонамиз қандай бўлса биз ҳам шундаймиз.  
 Қилич учун кўнгилчанлик муносиб эмас.  
 Буйруқ қатъий, ортиқча сўз тамом ўринсиз.  
 «Хўп!» десанг бас; акс ҳолда бошқача тақдир.

О ф и ц е р

Хўш!

Э д м у н д

Дарров жўна, ёдингда тут, агар амримни  
 Тўла-тўқис бажара олсанг, бахтли бўласан.  
 Эпчилроқ бўл. Гапларимни яхши уқдингми?  
 Хатда нима ёзган бўлсам ўшандай бажар.

О ф и ц е р

Юк тортган от арпа емай туrolмас, ахир,  
 Одам қилган ҳамма ишни бажара оламан.

(Кетади.)

Бургу товуши.

Альбани, Гонерилья, Регана, офицерлар  
 ва солдатлар киради.

А л ь б а н и

Қахрамонлик кўрсатдингиз бугун сиз, жаноб.  
 Ва тақдир ҳам сизга янча ёр бўлган эди:  
 Душманлар ҳам қўлингизга асир тушдилар.  
 Амримиз шу, асирларни бизга топширинг,  
 Биз уларнинг ҳуқуқлари, хавфсизлигимиз  
 Ҳар икковини баб-баравар назарда тутиб,  
 Кўрсатамиз лозим бўлган муомилани.

Э д м у н д

Мен қиролни қамамоққа лозим деб топдим.  
 Толесиз чол аллақачон қамаб қўйилди;

Унинг ёши, рутбасида гўё сеҳр бор.  
 Ана шулар халқнинг дилин тортиши мумкин.  
 Ўз найзамиз ўзимизга қарши қўзғалур.  
 Шунинг учун малика ҳам бирга қамалган.  
 Сизнинг олий ҳукмингиздан ўтмаклик учун  
 Бугун, эрта, ё кейинроқ келсалар мумкин.  
 Ҳозир жангнинг теру қони тўхтаганча йўқ.  
 Дўст ўлигини дўст қидирар майдон ичида.  
 Жуда маъқул ва шарафли жанг бўлди, аммо  
 Жангнинг бутун фожиасин тотган кишилар  
 Лаънат билан ёдламоқда бу ҳарбу зарбни.  
 Корделия ва қиролни ҳозир чақириб,  
 Суд қилмоқлик дуруст бўлмас, менинг фикримча.

#### А л ь б а н и

Афв этасиз, жаноб! Билинг, сиз ахири бизнинг  
 Амримизга бўйин эккан жангчисиз, холос.  
 Биз билан тенг ҳуқуқи бор биродар эмас.

#### Р е г а н а

Биз-чи, уни биродар деб ҳисоб қиламиз.  
 Бу тўғрида гапиришдан бир оз илгари  
 Бизлардан ҳам сўрамоқлик керак бўларди.  
 Жангга бизнинг қўшинларни у бошлаб кирди,  
 Қойилмақом бўлди менинг рутбам, шахсимга,  
 Демак, сизга биродар деб аталмоқ учун  
 Шу яқинлик унга тўла ҳуқуқ беради.

#### Г о н е р и л ь я

Ҳовлиқаверма!  
 У ўзининг даражасин кўтармоқ учун  
 Сенинг меҳру шафқатингдан кўпроқ иш қилди.

#### Р е г а н а

Менга, менинг давлатимга ўринбосарлик  
 Уни олий мақомлар билан тенг қилур.



## Альбани

Агар сизга уйланганда шундай бўларди.

## Регана

Ҳазил чинга айланса-чи!

## Гонерилья

Етади, бас қил!

Ўз кўзингга ишонмагил, гилай кўради.

## Регана

Бир оз кўнглим айнапти,— бўлмасам бекач,  
Билар эдим, сизга бошлаб айтар сўзимни.  
Ҳой саркарда! Менинг бутун ҳокимиятим,  
Қўшинларим ва асирлар сеники бўлди.  
Мен ўзим ҳам сеникиман ва давлатим ҳам.  
Қўрғон тамом топширилди, турганлар гувоҳ.  
Бу кундан сўнг сен эримсан ва ҳукмронсан.

## Гонерилья

Уни тамом сен эгаллаб олмоқчимисан?

## Альбани

Ва ризолик бериш сенинг ихтиёрингмас.

## Эдмунд

Ва сиздан ҳам ризоликни сўрамайдилар.

## Альбани

Янглишасан, ҳой дурагай!

## Регана (Эдмундга.)

Довул қоқдир! Даражангни элга эълон қил!

## Альбани

Бир оз тўхта! Диққат билан қулоқ сол! Эдмунд,  
Қамалгансан, айблисан, давлат хонни.

*(Гонерильяни кўрсатиб)*

Ялтираган бу илон ҳам сен билан бирга.  
Сингилгинам, сиз Эдмундни эгаллаш учун  
Қилаётган даъволарни бекор қиламан.  
Хотинимнинг манфаатин кўзлашим керак.  
У олдинроқ Эдмунд билан унашган экан.  
Мен, эриман, демак, унинг ёнини олиб,  
Сизнинг олиқ-солиқларни тақиқ қиламан.  
Жуда ҳам эр кусайдиган бўлсангиз агар —  
Мана, мени сева қолинг. Менинг хотиним  
Бошқа билан ўз-ўзини унашиб қўйган.

## Гонерилья

Лўттибозлик!

## Альбани

Эдмунд, қилич ёнингдами? Айт, бурғу чалсин!  
Агар сенинг тубан хонин эканлигингни  
Исбот қилиб бермоқ учун бирор мард чиқиб  
Сенинг билан қиличбозлик қилмаса, унда  
Бу майдонга мен чиқаман,

*(Қўлқопини ташлайди.)*

Мана, гаровим!

Ва туз тотмай исбот қилиб бера оламан.  
Сен бояги айтганимнинг ўзгинасисан.

## Регана

Кўнглим озиб алланечук бўлаётиман.

Гонерилья

(бир чеккага.)

Бўлмасам-чи, заҳар кучин кўрсатади-да.

Эдмунд

(қўлқопни ташлаб.)

Мана гаров, кимки мени хоин демакка  
 Журъат қилса, уни мутлоқ ўлим кутади!  
 Бурғу чалсин! Журъат қилиб ушбу майдонга  
 Қим чиқмасин, ўша билан, майли сиз билан  
 Ўз номусим, садоқатим оқлаш йўлида  
 Олишмоққа, жанг қилмоққа таппа-тайёрман!

Альбани

Ҳой, худайчини чақиринглар.

Эдмунд

Худайчи қани, ҳой худайчи!

Альбани

Лекин қара, фақатгина ўзингга ишон-а,  
 Мен қўшинни уруш учун чақирган эдим,  
 Яна битта фармон билан уни тарқатдим.

Регана

Ҳолим ёмон! Ҳамма ёғим оғриққа кирди!

Альбани

Мазаси йўқ. Олиб боринг дарров чодирга.

Регана чиқади. Худайчи киради.

Кел-чи, худайчи. Айт-чи, қани бурғу чалсинлар.  
 Уни ўқи.

## Офицер

Чалинг!

Бурғу чалинади.

Худайчи

(Ўқийди.)

«Қўшни ичида бўлган рицарлардан ёки даражали одамлардан кимда-ким Эдмунд, яъни ўзини граф Глостер атаб юрган кишининг каттакон хиёнаткор. эканини исбот қилиб беришни истаса, бурғулар уч марта чалингандан сўнг майдонга чиқсин. Эдмунд, яъни ҳариф у билан учрашишга тайёр».

Эдмунд

Бурғу чалинсин!

Бурғу бир марта чалинади.

Худайчи

Яна!

Бурғу иккинчи марта чалинади.

Яна!

Учинчи марта чалинади.

Саҳна орқасидан жавоб бурғуси чалинади.

Тамоман ҳарбийча кийинган Эдгар чиқади.

Унинг олдиди бурғучилар.

Альбани

Сўра ундан, нима керак ва нима учун  
Бурғу билан чақириққа у етиб келди?

Худайчи

Ўзинг кимсан? Отинг нима? Даражанг нима?  
Нима учун бу талабга майдонга чиқдинг?

Эдгар

Бир оз туриб ҳаммасини билиб оласиз  
Менинг номим бир хиёнат сабаби билан

Нобуд бўлган, унутилган, йўқолиб кетган.  
Аmmo ўзим аслзода бир киши бўлиб,  
Насабимда душманимдан қолар жойим йўқ.  
Уша билан олишмоққа майдонга чиқдим.

### А л ь б а н и

Айт-чи, сенинг душманинг ким?

### Э д г а р

Душманим Эдмунд.  
Гўё граф Глостер деб аталган киши.

### Э д м у н д

Уша менман. Нима дейсан?

### Э д г а р

*Қиличингни ол:*

Агар сенинг шарафингни ўринсиз сўксам  
Қўлинг билан ўч олишга тамом ҳақлисан.  
Мана менинг қиличим ҳам қўлимда тайёр.  
Менда бўлган паҳлавонлик — рицарлик номи  
Ва шарафим ушбу ерда товушим борича  
Эълон қилиб қўйишимга беради ҳуқуқ.  
Сен шу кучу ёшлик, улуғ рутбангга боқмай,  
Қилич каби кескирлигинг, мардоналигинг  
Шу биринчи галабанг-у зўр жасоратинг  
Барчасига боқмай туриб — катта хоинсан!  
Сен тангрига, ўз отангга, туққан акангга  
Зўр хиёнат қилган киши ва герцогга ҳам  
Орқаворат суиқасдлар тайёрлагансан:  
Сен бошингдан то оёғинг товонигача  
Оёқ босган ерингдаги тупроқларгача,  
Ола танли чўл қурбақа каби хоинсан.  
Йўқ десанг-ку, инкор қилсанг, мана қиличим,  
Қўлда кучим, юрагимда жасорат билан  
Ўз сўзимни исботлашга тайёр турибман.

## Эдмунд

Елғон айтасан!

Мен отингни сұрашлигим керак бұлса ҳам,  
 Мардлингиндан, ғуруриндан ва сұзлариндан  
 Жуда равшан кўринмоқда олған тарбиянг.  
 Ва рицарлик қонунича бу тұқнашувни  
 Бошқа галга қолдиришга ҳаққим бор, аммо  
 Мен бу ҳақдан жирканамаң, инкор қиламан.  
 Менга қўйған айбларингни қайтиб бераман.  
 Сен дўзахи ёлғон билан қалбимни ўртаб  
 Мени мажруҳ қилмоқчийдинг, шундай бұлмади.  
 Энди эса қўлимдаги мана шу қилич  
 Кўкрагиндан бир умрга жойин топади.  
 Қани, чалинг бурғуларни.

(Улар олишадилар. Эдмунд йиқилади.)

Бурғулар чалинади.

## Альбани

Тамом ўлдирма!

## Гонерилья

Глостерим, алдадилар, бунда алдов бор:  
 Сен номаълум душман билан чакки олишдинг.  
 Бу навбат сен заррача ҳам енгилганинг йўқ,  
 Балки тубан алдовларнинг қурбони бўлдинг.

## Альбани

Сиз хап бўлинг. Бўлмаса-чи ушбу хат билан  
 Бўғзингиздан бўғиб қўйиш жуда ҳам осон.

(Эдмундга)

Ол, ярама! Ҳз тубанлик номингни ўқи!

(Гонерильяга)

Йирта кўрманг! Бу хат сизга танишдир?

## Гонерилья

Шундай бўлса нима бўпти! Ҳукмдор манмам.  
Сен эмассан! Мени ким ҳам тергай олади?

## Альбани

Евуз махлуқ! Сен бу хатни танигандирсан?

## Гонерилья

Нималарни билишимни мендан сўрама.

(Чиқади.)

## Альбани

(бир офицерга)

Орқасидан кузатиб бор. Хаёли бузуқ.

Офицер чиқади.

## Эдмунд

Менга қандай айб қўйсангиз, барчаси тўғри,  
Ҳаммасини, ҳатто ортиқ гуноҳлар қилдим.  
Вақти келиб биттаси ҳам қолмай фош бўлар.  
Бу ишларга ва ўзимга энди хотима!  
Лекин кимсан, мендан голиб чиққан эй йигит?  
Аслзодалар авлодидан бўлсанг — кечирдим.

## Эдгар

Яхшилиқнинг жавоби ҳам яхшилиқ бўлур.  
Менинг қоним сеникидан паст эмас, Эдмунд.  
Қонимнинг шу тозалиги, аслзотлигим  
Сени баттар жиноятчи қилиб қўйганлар.  
Билмак бўлсанг сенинг аканг, Эдгар бўламан.  
Адолатли парвардигор, ширин гуноҳнинг  
Лаззатларин аввал бизга тотқизиб қўйиб,  
Кейин шунинг ўзи билан жазо беради.

Сен яширин учрашувдан туғилганинг-чун  
Мана отанг икки кўздан ажраб турибди.

Э д м у н д

Гапинг тўғри, сен ҳақлисан! Омадим чархи  
Чаппасига айланди-ю, мен мағлуб бўлдим.

А л ь б а н и

Қиёфангдан маълум эди аслзотлигинг.  
Кел, бир қучай. Отанг билан сени севмаклик  
Менинг учун бир бахт ўзи.

Э д г а р

Буни биламан.

А л ь б а н и

Шу топгача қаерларда яширинган эдинг?  
Отанг тортган кулфатларни қаердан билдинг?

Э д г а р

Кулфатига шерик эдим. Қисқаси шуки,  
Ҳикоямни бошдан-оёқ айтганимдан сўнг  
Ҳатто қалбим портлаб кетса парво қилмайман!  
Қонли ўлим ҳукми чиққан орқаворотдан  
Бир амаллаб қутулишнинг пайига тушдим,  
(Биласиз-ку, жон кўп ширин, одамзод деган  
Бир ўлимдан қочаман деб минг марта ўлар.)  
Ҳатто итлар ҳазар қилган қўсқилар кийдим.  
Шу орада отам билан учрашиб қолдим.  
Икки қонли кўз чаноғи бегавҳар эди.  
Кўр отамга етакчилик қилиб тиландим,  
Алдаб-сулдаб тентакликдан омон сақладим.  
Аммо, аттанг, ўз-ўзимни ошкор қилмадим.  
Фақат бундан ярим соат чамаси бурун  
Шу жанг учун яроғ, совут тақар эканман,  
Шу муқаррар ғалабага унча ишонмай,



Фотиҳасин олар чоғи кимлигим айтдим.  
 Азиятлар ўртаб кетган унинг юраги  
 Шодлик билан қайғуларнинг тўқнашувига  
 Дош беролмай портлаб кетди табассум билан.

### Э д м у н д

Гапинг билан юрагимга тегиб ўтолдинг,  
 Яхшиликдан нишонадир. Давом этавер,  
 Яна бир гап демоқчисан, кўриб турибман.

### А л ь б а н и

Тағин-тағин ғусса бўлса, айтма, керакмас.  
 Шу гапларни эшитибоқ тоқатим тугаб,  
 Уввос тортиб йиғламоққа тайёр турибман.

### Э д г а р

Бу гап тўғри, қайғуларни севмас кишига  
 Ҳикоямнинг шу қисми ҳам кўплик қилади.  
 Эндигиси ҳалигача айтганларимдан  
 Ҳаддан зиёд қайғулироқ ва ғуссалироқ.  
 Мен отамнинг тепасида ўлтирар экан,  
 Битта киши келиб қолди. Бундан илгари  
 Мени гадо аҳволида кўриб қочганди.  
 Энди эса, кимлигимни билиб қолди-ю,  
 Фигон билан қучоқлади, кўкни титратиб,  
 Ва отамнинг жасадига ўзин ташлади...  
 Сўнгра қирол Лир ҳақида, ўзи ҳақида,  
 Қон йиғлатиб ташлайдиган дoston бошлади.  
 Айтган сари нолалари авжига чиқиб,  
 Ҳаёт тори бирин-бирин узилар эди.  
 Шу маҳалда бирданига бурғу чалиниб  
 Уни беҳуш қолдирганча бу томон чопдим.

### А л ь б а н и

Ким экан у?

Эдгар

У Кент эди, қувғинди Кент, жаноби олий,  
Қирол уни ёмон кўриб қолган бўлса ҳам,  
Қийим-бошин ўзгартириб, хизмат қиларди,  
Сотиб олган қул ҳам бунча хизмат қилолмас.

Бир сарой киши си қўлида қонли пичоқ билан чопиб  
киради.

Сарой киши си

Ёрдам беринг! Ёрдам беринг!

Эдгар

Қанақа ёрдам?

Альбани

Тезроқ гапир!

Эдгар

Пичоқ қон-ку, бу нима бўлди?

Сарой киши си

Қоннинг ҳовури бу пичоқдан ҳали кетган йўқ.  
Ўзи ўлди, юрагидан суғуриб олдиқ.

Альбани

Ўлган кимди, тезроқ айтсанг-чи!

Сарой киши си

Хотинингиз, жаноб олий, ўз хотинингиз!  
Шундан олдин синглисига заҳар берибди,  
Ўлаётиб иқрор қилди ўз оғзи билан.

Эдмунд

Икковига оламан деб ваъда бергандим,  
Учовлашиб тўй-томоша қиламиз энди.

Эдгар

Кент ҳам келди.

Альбани

Хоҳ ўликдир, хоҳ тирикдир, бунда келтиринг.

Сарой кишиси кетади.

Биз худонинг ғазабидан чўчиймиз, холос,  
Бу гапларни кўравериб дийдамиз қотган.

Кент киради.

Кент келди-ку ammo уни бизлар шу топда  
Ҳурмат билан қаршилашдан андак ожизмиз.

Кент

Келишимдан мақсад шуки, қиролни топиб  
Хайрли кеч — алвидони айтмоқчи эдим.  
Шу ердами?

Альбани

Зарур гапни унутибмиз-ку —  
Эдмунд, айт-чи, қирол билан қизи қаерда?

Регана билан Гонерильянинг жасадларини  
олиб кирадилар.

Сен буларни кўриб қўй, Кент!

Кент

Бу нима бўлди!

Эдмунд

Баракалла, Эдмунд шундай севимли эди.  
Мен деб, опа ўз сингисин ҳалок этди-да,  
Орқасидан ўзини ҳам ўлдирди-қўйди.

Альбани

Шундайликка шундай бўлди. Юзларин ёпинг.

Э д м у н д

Ҳаёт тамом. Гарчан бу иш феълимга зиддир  
Бир яхшилиқ қилиб қўяй сўнгги нафасда.  
Дарров, гездан турма томон одам юборинг.  
Корделия билан Лирни ўлдирмоқ учун  
Буйруқ бериб қўйган эдим,  
Кечикиб қолманг!

А л ь б а н и

Чопинг тезроқ, чопинг дарров!

Э д г а р

(Альбанига)

Ким томон чолай?  
Кимга буйруқ берган эдинг, ким эди ўзи?  
Уша буйруқ бекор деган битта белги бер.

Э д м у н д

Яхши айтдинг. Қиличимни олиб бора қол,  
Офицерга кўрсатасан.

А л ь б а н и

Жўна, уч, югур.

Э д г а р югуриб чиқади.

Э д м у н д

Мен, хотининг офицерга Корделияни  
Турма ичра осасан деб буюрган эдик.  
Кейин эса, аламидан ўзин осди деб  
Овоза ҳам тарқатишини топширган эдик.

А л ь б а н и

Уни ўзинг омон сақла, парвардигорим!  
Буни олинг!

Эдмундни олиб кетадилар.  
 Қўлида Корделиянинг жасадини кўтарганича Лир, Эдгар,  
 офицерлар ва бошқалар қирадилар.

### Лир

Оҳ-воҳ тортинг! Уввас тортинг! Тошдил одамлар,  
 Дарёларча ёш оқизган кўзим бўлсайди,  
 Осмонни қўпоргудай сўзим бўлсайди,  
 Ҳаёт қайда, ўлим қайда ажрата оламан,  
 Нафас олмай ётибди бу. Ер каби ўлик.  
 Битта кўзгу топиб беринг, қўйиб кўрамиз,  
 Агар кўзгу хираланса, демак, бу ҳаёт.

### Кент

Нима гап, бу, охир замон бўлиб қолдимиз?

### Эдгар

Ушанга ўхшаш.

### Альбани

Барбодлик бу, ҳалокат бу!

### Лир

Тирик экан! Мана бу пар қимирлаб кетди.  
 Оҳ, агарда шундай бўла қолганда эди,  
 Бу жаҳонда тортиб ўтган қайғу-кулфатим  
 Бирваракай унут бўлиб кетган бўларди.

### Кент

(Тиз чўкиб)

Э бечора, шаҳаншоҳим...

### Лир

Иўқол, нари бор.

## Эдгар

Бу Кент ахир, ўз дўстингиз!

## Лир

Сиз хоинлар, сиз қотиллар! Вабога учранг!

Уни олиб қолар эдим... ҳалал бердингиз,

Ўлиб қолди! Корделия, Корделия,

Мунча шошасан!

А, нимади? Нима дединг? Унинг овози

Хотинликнинг латофати анқиб тургувчи

Жуда ювош, жуда нозик, мулойим эди.

Қизгинамни дорга осган қулваччани-чи,

Мен ўлдирдим.

## Офицер

Тўғри, уни ўлдириб қўйди.

## Лир

Ўлдирдим-а, ўлдирганим рост а, кўрдинг-ку?

Бир замонлар қўлимдаги кескир қиличим

Бундайларни йўргалашга мажбур қиларди.

Қариб қолдим, бу жафолар чарчатиб қўйди.

Ўзингиз ким? Танирдим-ку кўзларим хира.

## Кент

Агар тақдир бу жаҳонда икки кишини

Емон кўриб ғурбатларга йўллаган бўлса,

Ушаларнинг биттаси ман.

## Лир

Бу ерда анча қоронғироқ. Кент эмасмисан?

## Кент

Худди ўша, сизнинг содиқ дўстингиз Кентман.

Бир Қай деган хизматчингиз бўларди, қани?

Л и р

Сизга айтсам, кўп ажойиб бир йигит эди,  
Қўрқмас жангчи. Улиб кетди, ҳозир тупроқда.

К е н т

Йўқ, шаҳаншоҳ, ўша киши мен эдим, ахир.

Л и р

Биз бу гапни текширамыз ва аниқлаймыз.

К е н т

Бошингизга шу жафолар тушгандан буён  
Орқангиздан ҳамроҳ эдим ғусса йўлида.

Л и р

Сени кўрсам қувоцаман.

К е н т

Бошқа ҳеч ким. Бу ерда-чи, теварак-атрофда  
Ғусса, зулмат, ўлимгина ҳукмрон, холос.  
Икки катта қизингиз ҳам мудҳиш аҳволда.  
Улиб бўлди.

Л и р

Тахминимча шундай бўлибди.

А л ь б а н и

Ўзи нима деганини англамайди ҳам,  
Унга бўлган мурожаат тамом ўринсиз.

Э д г а р

Тўғри, ўринсиз.

Бир офицер киради.

## Офицер

Эдмунд ўлиди.

## Альбани

Ўлса ўлар, бизга нимади?  
Биродарлар, жаноб лордлар! Қароримиз шу:  
Жафо тортган шўрликларга қўлдан келганча,  
Нима ёрдам лозим бўлса қилиб кўрамиз.  
Шу улугвор мўйсафиднинг тирик чоғида  
Мамлакатнинг бор ҳукмини унга берамиз.

*(Эдгар билан Кентга)*

Сизга эса, шунча қилган яхшилигингиз —  
Ҳурмати-чун бутун ҳуқуқ ва рутбагизни  
Қайтарамиз, устга-устак ошиғи билан.  
Сиз мукофот қадаҳини нўш эгинг, дўстлар,  
Душманамиз заҳар ютсин.  
Ия, қаранглар!

## Лир

Осилдингми, шўрлик болам... ҳаётинг йўқми!  
Нега ахир итлар, отлар ва каламушлар  
Яшайди-ку сен бечора нафас олмайсан?  
Яна қайтиб келмайсанми, энди ҳеч қачон?  
Ҳеч қачон-а! Ҳеч қачон-а!  
Шу еримнинг тугмасини ечиб юборинг...  
Раҳмат сизга, кўряпсизми?  
Унга бир қаранг;  
Кўрсангиз-чи... лабларига... қарасангиз-чи...  
Қарасангиз-чи...

*(Ўлади.)*

## Эдгар

Шаҳаншоҳим! У ҳушини йўқотиб қўйди.



Кент

Юраккинам, ёрилсанг-чи!

Эдгар

Хукмронимиз!

Кент

Қўй, руҳига озор берма. Малол чекмасдан  
Дунё билан видолашсин.  
Унга энди яшамоқнинг машаққатини  
Душмангина раво кўрар.

Эдгар

Улди.

Кент

Мудҳиш хаёл каби бўлган узун ҳаётни  
Мўъжизадай чидам билан яшаб тугатди.

Альбани

Уликларни олиб чиқинг! Бизлар ҳам энди  
Бу умумий қайғуларга чора ўйлаймиз.

*(Эдгар билан Кентга)*

Энди сизлар, жонга яқин қадрдонларим,  
Мамлакатнинг идорасин қўлга олингиз.  
Ва давлатнинг ярасига малҳам қўйингиз.

Кент

Йўқ, мен тездан узоқ йўлга жўнаб кетаман:  
Қиролимиз чақирмоқда — унга етаман.

## Эдгар

Мотам тутинг, мунг ҳиссига итоат қилинг!  
Ҳеч ким жафо тортмагандир бу кексага тенг.  
Биз ёшлар-чи, балки шунча яшамасмиз ҳам,  
Балки бизнинг бошимизга келмас шунча ғам.

Ҳаммалари мотам марши остида чиқиб кетадилар.

Парда,



# ЮЛИЙ ЦЕЗАРЬ

---

УЎҚУН  
таржимаси



## ҚАТНАШУВЧИЛАР

Юлий Цезарь	}	— Цезарь ўлгандан кейинги триумвирлар.
Октавий Цезарь		
Марк Антоний		
Марк Эмилий Лепид		
Цицерон	}	— Сенаторлар.
Публий Попилий Лена		
Марк Брут	}	Цезарга қарши фитна уюштирувчилар.
Кассий Каска		
Трибоний Лигарий		
Деций Брут		
Метелл Цимбр		
Цинна		
Флавий Марулл		
Артемидор Книдский	ваъзхонлик муаллими.	
Авлиё	}	— Брут билан Кассийнинг тарафдорлари
Цинна шоир		
Бўлак шоир		
Люцилий		
Титиний		
Мессала		
Ёш Катон		
Волумний		
Варрон	}	— Брутнинг хизматкорлари
Клит		
Клавдий		
Стратон		
Люций Дарданий		
Пиндар	— Кассийнинг хизматкори	
Кальпурния	— Цезарнинг хотини.	
Порция	— Брутнинг хотини.	

Сенаторлар, шаҳарликлар, қўриқчилар хизматкорлар ва бошқалар.

Воқеа Римда, сўнг Сард ва Филипп яқинида ўтади.

## I ПАРДА

### БИРИНЧИ САҲНА

Рим. Кўча.

Флавий билан Марулл, ҳамда бир қанча шаҳарликлар киради.

Флавий

Ҳой, ялқовлар, уйингизга тарқалингиз, тарқалинг!  
Хўш, қанақа байрам букун? Эсингиздан чиқдимми  
Уз касбининг белгисини тақмай туриб, иш куни  
Биронта ҳам ҳунарманднинг кўча-кўйда тентираб  
Юришлиги мумкин эмас эканлиги?— Сен кимсан?

Биринчи шаҳарлик

Менми, тўрам, дурадгорман.

Марулл

Қани чарм, пешбандинг, айт? Тахтакачинг қаёқда?  
Хўш, ясаниб олиб, бунда нима қилиб юрибсан?  
Сен-чи? Кимсан? Жавоб бер тез!

Иккинчи шаҳарлик

Ростини айтсам, хўжам, мен устаси фаранг, йўқни  
йўндирадиганларданман.

Марулл

Касби-коринг нима ахир? Аниқ жавоб бер, айёр.

## Иккинчи шаҳарлик

Хўжам, қиладиган касбим покиза ва ҳалол касб, йиртиқни ямайман, синиқни қадайман... Узилганни улайману, бузилганни тузатаман.

## Марулл

Аниқ касбинг борми ахир? Э, муғомбир, ишёқмас!

## Иккинчи шаҳарлик

Э, хўжам, менга кўп дардага қилаверманг, кўп кучанманг, пақ этиб ёрилиб кетсангиз, яна ямаб ўтирмай.

## Марулл

Бу нима деганинг, беҳаё? Мени ямаб қўяман дедингми, муттаҳам?

## Иккинчи шаҳарлик

Ҳа, хўжам, кунгирадор қилиб ямаб қўяман.

## Флавий

Сен, ҳалиги, пойафзал ямайдиган ямоқчимисан?

## Иккинчи шаҳарлик

Топдингиз. Пешонамга биттаю битта бигиз битган. Мени боқадиган ҳам ўша битта бигиз. Мен, хўжам, эски чориқларнинг табибиман. Уларни катта хавфу-хатарлардан халос этадиган ўзим. Не-не зодагонларнинг асил чармдан тикилган этигининг пошнасига ҳам ўзим нағал қоқаман.

## Флавий

Ундоғ бўлса нима учун дўконингда ўтирмай, Оломонни кўча-кўйда эргаштириб юрибсан?

## Иккинчи шаҳарлик

Чориқлари тезроқ адою тамом бўлсаю, менга иш кўпайиб қолса деб, хўжам. Биз, Цезарни кўриш ва унинг кўчалардан шону шавкат, дабдабаю тантана, билан ўтишини томоша қилиш ниятида байрам қилиб юрибмиз.

## Марулл

Дабдабаси нима экан? Нима берди Римга у?  
Орқасидан келадими занжирланган асирлар,  
Безаб зафар аравасин доврүк, тантана билан?  
Йўқ, сиз Римнинг шафқат билмас халқи ҳиссиз  
кесаксиз!

Ҳиссизликда қояларнинг тошидан ҳам баттарсиз.  
Помпей<sup>1</sup> ёддан чиқдими, хўш, айтнинг, ахир неча

бор,

Миноралар, деразалар, деворларга, томларга,  
Ҳатто баланд мўриларга чиқиб олиб кун бўйи,  
Пойлагансиз кўрамиз деб, ўша улуғ Помпейнинг  
Довруқ солиб ўтишини шу Рим кўчаларидан.  
Кўрган они ҳашаматли аравасин Помпейнинг  
Чуввос солиб бақиргансиз, титратгудай оламини,  
Наърангизнинг тўлқинлари урилганда қирғоққа  
Тибр<sup>2</sup> каби дарёни ҳам сола олган ларзага.  
Энди байрам либосига ўралибсиз ҳаммангиз!  
Энди, Помпей қонларидан кечиб ўтган одамнинг  
Йўлларига гуллар сочиб байрам қилмоқчисизлар.  
Йўқол ҳамманг уй-уйингга!

Уйга бориб, шармандалар, тавба қилинг тиз

чўкиб,

Сиздек расво, яхшилиқни билмаганлар бошига  
Яна қаҳру-ғазабини ёғдирмасин худолар!

<sup>1</sup> Помпей — Римнинг лашкарбоши ва сиёсий арбобларидан бири.

<sup>2</sup> Тибр — Рим шаҳридан ўтадиган дарё.



## Ф л а в и й

Биродарлар қани, жўнанг. Фариб дўстларингизни  
Дарҳол Тибр соҳилига олиб бориб йиғлангиз,  
Шу зўр гуноҳингиз учун тўхтамасдан ёш тўкинг,  
То қирғоқни дарё суви тамом кўмиб кеткунча.

Ш а ҳ а р л и к л а р к е т и ш а д и .

Мана шундай эритилар жуда қаттиқ маъдан ҳам.  
Иқрор бўлиб гуноҳига, ғинг демасдан кетишди.  
Сен бу йўлдан тўғри боргил Капитолий томонга.  
Мен-чи, бошқа йўлдан борай. Қайда кўрсанг Це-  
з ар н и н г  
Ҳайкалидан гулчамбарни олиб ташла, уқдингми?

## М а р у л л

Қандоқ қилиб?  
Луперкалий байрами-ку,<sup>1</sup> ўзинг яхши биласан.

## Ф л а в и й

Нима бўпти? Юлий Цезарь ўлжалари битта ҳам  
Ҳайкал узра кўринмасин. Мен нарёғдан айланиб  
Бормоқчиман, қора халқни тўпланишга қўймас-  
дан.

Сен ҳам ҳайда кўчалардан аламонни беомон,  
Биз Цезарнинг қанотидан ўсик-ўсик патларни  
Юлиб ташлаб парвозини пича камайтирамиз.  
Акс ҳолда баланд учиб одамларнинг кўзидан  
Ғойиб бўлиб кетадию сўнг бизларни қул каби  
Итоатда ушлаб турар даҳшат солиб ҳамма вақт.

<sup>1</sup> Луперкалий байрами — Ҳосилдорлик худоси ҳи-  
собланган Луперка шаънига 15 февралда ўтказиладиган  
байрам. Бу байрам вақтида, «Муқаддас чопиш, (пойга)» ўтка-  
зилар эди. Чопувчи зодагон ёш йигитлар камар билан тўқнаш  
келганларнинг ҳаммасини уриб ўтарди. Агар камар тугмас хо-  
тинга тегса, у хотин тугадиган бўлади, деб ҳисоблашарди.

Кетишади.

## ИККИНЧИ САҲНА

Майдон.

Трубалар чалинади. Цезарь, пойга кийимида Антоний.

Кальпурния, Порция, Деций, Цицерон;

Брут, Кассий ва Каскалар киришади, уларнинг орқасидан кўп аламон киради, аламон орасида авлиё ҳам бор.

Цезарь

Калпурния!

Каска

Жим бўлингиз! Цезарь гапирмоқдадир.

Труба овозлари тинади.

Цезарь

Калпурния!

Калпурния

Шу ердаман, нима дейсан, соҳибим.

Цезарь

Тўппа-тўғри Антонийнинг йўлида тур, у чошиб —  
Утган чоғда.— Антоний!

Антоний

Хўш, нима дейсан, соҳибим?

Цезарь

Чопишингда унутмагил Қалпурнияга аста  
Тегиб ўтиш лозимлигин, англадингми, Антоний.  
Кексаларнинг айтишича туғмайдиган хотинлар  
Шу муқаддас чопиш чоғи тегиб кетса чопарга,  
Қутулармиш жодулардан, сеҳрлардан батамом.

## Антоний

Хотиржам бўл: Цезарь сўзи менинг учун —  
қонундир.

## Цезарь

Қани, кетдик. Биронта ҳам маросимни қолдирмай  
Кўриш зарур.

Фанфарлар, трубалар чалинади.

## Авлиё

## Юлий Цезарь!

## Цезарь

Ким у мени чақирган?

## Каска

Жим бўлингиз, бирорта ҳам овоз кўтарилмасин!

Музыка тинади.

## Цезарь

Ким у мени аламоннинг орасидан чақирган?  
Музиканинг овозини босиб кўкка юксалган  
«Цезарь» деган садо менинг қулоғимга чалинди.  
Цезарь сени эшитади.

## Авлиё

Иди мартдан<sup>1</sup> сақлангил!

## Цезарь

Ким у ўзи?

## Брут

Бир авлиё иди мартдан сақлан деб  
Сени огоҳлантирмоқчи.

<sup>1</sup> Иди март — Қадимий Рим календари бўйича 15 мартга тўғри келадиган кун.

Цезарь

Қани, бернроқ келсин,  
Кўриб қўяй ким экан у.

Кассий

Бу ёққа чиқ, қани, ҳой!  
Цезарга боқ!

Цезарь

Нима дейсан, қани энди гапир-чи?

Авлиё

Эҳтиёт бўл иди мартдан!

Цезарь

Бу телба-ку. Қани юринг нари кетдик бўлмаса.

Трубалар чалинади. Брут билан Кассийдан бўлак  
ҳамма чиқиб кетади.

Кассий

Сен пойгани кўриш учун бормайсанми?

Брут

Менми? Йўқ.

Кассий

Юр, борайлик.

Брут

Мен ўйинни хуш кўрмайман унча ҳам.  
Антонийга одат бўлган шўхликлардан маҳрум-  
ман.

Хўп, мен сенга ҳалал бермай, хайр, дўстим Қай  
Кассий.

## К а с с и й

Зеҳн соламан, сўнги чоғда, дўстим Брут, кў-  
зингда  
Одатдаги хушчақчақлик, мулойимлик кўринмас.  
Жуда кам гап бўлиб қолдинг, тундсан сени жо-  
нидан.  
Азиз кўрган дўстинг билан муомиланг совуқроқ.

## Б р у т

Янглишасан, Кассий. Дуруст, бир оз ғамгин  
кўзларим,  
Аммо менинг бу ташвишли қиёфамни сен фақат  
Менгагина тааллуқли деб ҳисобла. Мен ҳозир  
Юрагимда сақлаб юрган ҳар хил фикр, ҳислар-  
нинг  
Зўр таъсири остидаман: шунинг учун, эҳтимол,  
Бир оз ғамгин кўринарман. Аммо бу ҳол дўст-  
ларни  
Ҳеч ташвишга солмаслиги лозим, сен ҳам улар-  
нинг  
Биттасисан. Шўрлик Брут ўзи билан ёвлашиб,  
Бепарводир бошқаларга дўстлик изҳор қилиш-  
да,—  
Мана шундай деб фаҳмла менинг совуқлигимни.

## К а с с и й

Демак, ғамгинлигингни мен нотўғри англабман,  
Шунинг учун жуда муҳим бир фикрни ичимда  
Сақламоқда эдим, сендан ҳадиксираб, яшириб.  
Қани, айт-чи, Брут, ўзинг кўрасанми ўзингни?

## Б р у т

Кўрганим йўқ, Кассий, ахир кўз ўзини кўролмас,  
Кўрса фақат ўз аксини кўра олур...

## К а с с и й

Галинг ҳақ.

Э, аттанг қани энди битта кўзгу бўлса-ю,  
Унга боқиб Брут бутун ўзидаги яширин  
Фазилатни кўролса, деб ачинишар одамлар.  
Дўстим, жуда кўп римлилар, (фақат Цезарь мус-  
тасно),

Оҳ чекишиб шу купларнинг огир зулми остида,  
Атанггина, софдил Брут бўлаётган ишларни  
Аниқ, равшан кўролмасдан ётибди деб қайғуда.

## Б р у т

Кассий, мени қандай ишга тортмоқчисан, айт-чи,  
хўш,  
Ахтаришга даъват қилиб дилимда йўқ нарсани?

## К а с с и й

Хўп бўлмаса, дўстим Брут, сўзларимга қулоқ сол.  
Модомики ўз-ўзингни фақатгина кўзгуда  
Кўра оладиган бўлсанг, кўзгу бўлиб мен сенга  
Ҳатто ўзинг билмайдиган нарсаларни кўрсатай.  
Менинг азиз дўстим Брут, мендан асло ҳайиқма.  
Ҳа, албатта, агар мени тўғри келган одамга  
Шилқимларча дўстлик изҳор қиладиган бемаъни,  
Кўча-кўйда тентировчи масхарабоз деб билсанг,  
Ё бўлмаса кишиларнинг ишончини қозониб,  
Сўнг уларни қизартириб қўядиган бетайин  
Бир одам деб ҳисобласанг, ё кайф қилган чоғида  
Ҳар ярамас бебошга ҳам сир айтар деб ўйласанг,—  
Майли, мендан эҳтиёт бўл, ҳайиқа қол, майлига.

Саҳна орқасидан шоднёна овозлар эшитилади.

## Б р у т

Бу қанақа шовқин-сурон? Қўрқаманки, халойиқ  
Тож кийгизаётган бўлса керак Юлий Цезарга.

## Кассий

Қўрқасанми? Демак сен ҳам истамайсан бу ишни?

## Брут

Истамайман бу ишни, ҳа, гарчи уни севсам ҳам.  
 Хўш, бу ерда нима учун мени ушлаб турибсан?  
 Қани, гапир, мақсад нима? Агар нафи умумга  
 Тегадиган иш ҳақида сўз борадиган бўлса,  
 Бир кўзимнинг қаршисига номусни қўй, бирининг  
 Тўғрисига ўлимни қўй, — иккисига баравар  
 Боқар кўзларим. Ҳаётдан номусни мен қанчалик  
 Ортиқ севсам шунча менга мадад қилсин худолар:

## Кассий

Брут, сенинг соф қалбингда дарё каби мавж урган,  
 Бу эзгулик чехрангдан ҳам аён бўлиб турибди.  
 Дўстим, менинг сўзларим ҳам ўша номус ҳақида.  
 Фикринг қалай шу бугунги оғир турмуш жўнида,  
 Ҳам бошқалар қай фикрда, менга сира маълуммас.  
 Менинг учун ўзим билан тенг бир махлуқ олдида  
 Даҳшат, қўрқув билан яшаш — яшамаслик демак-  
 дир.

Биз ҳам худди Цезарь каби озод туғилганлардан,  
 Биз ҳам худди унга ўхшаб улғайганмиз сут эмиб,  
 Биз ҳам иссиқ-совуқларга бардош бера оламиз.  
 Бир кун Тибр қирғоқларга сапчир эди қутуриб,  
 Ҳаво совуқ, бўрон эса даҳшат билан эсарди.  
 Шунда Цезарь: «Ҳой, Кассий, айт, сен шу топда мен  
 билан,

Ғазабланган тўлқинларнинг қучоғига отилиб,  
 Бу соҳилдан у соҳилга сузиб ўтишлик учун,  
 Журъат эта оласанми?» деб қичқирди. Мен шу он,  
 Ечинмасдан, кийим билан сув қаърига отилдим.  
 Ва орқамдан, сузгил дея, таклиф этдим уни ҳам.  
 У ҳам худди шундай қилди. Қутурадди тўлқинлар,

Қулоч отиб сузишардик, бўй бермасдан дарёга,  
 Тўлқинларни ўмров билан уриб, ёриб ўтардик.  
 Аммо, бирдан Цезарь: «Кассий, менга ёрдам бер

тезроқ

Ғарқ бўламан» деб қичқирди етолмасдан соҳилга  
 Худди буюк аждодимиз Эней<sup>1</sup> бир чоқ оловда  
 Енаётган Троядан ўз отаси Анхизни  
 Елкасига даст кўтариб олиб чиққани каби  
 Мен Цезарни ҳалокатдан қутқарганман ўшанда.  
 Энди ўша одам худо, Кассий эса хокисор,  
 Цезарь жиндек имо қилса тайёр бўйин эгишга!  
 Безгак билан оғриган у бир вақт Испанияда;  
 Алақлаган чоғларида, ёдимда бор, кўрганман  
 Аянч ҳолда титраганин,— ҳа, бу худо титраган!  
 Кўрганман қон оққанини қовжираган лабидан.  
 Ҳозир битта қараганда титратувчи жаҳонни  
 Кўзлар у чоқ хира эди иситманинг зўридан.  
 Эшитганман инграганда, унинг ожиз овозин,  
 Бу овозга ҳозир эса қулоқ солар бутун Рим,  
 Қулоқ солар ҳар бир сўзни ёдда тутиб қолгани.  
 Худди нимжон қиз боладай, ташналикка чидамай,  
 «Менга сув бер Титиний» деб қичқиргани эсимда.  
 Э, худолар, қандай қилиб шундай оддий бир махлуқ  
 Осмонларга чиқиб кетди, ҳоким бўлиб жаҳонга!

Саҳна орқасидан труба товушлари ва шодиёна овозлар  
 эшитилади.

## Брут

Ана, яна шодиёна! Шовқинлардан маълумки  
 Янги, янги олқишларга кўммакдалар Цезарни.

<sup>1</sup> Эней — Енаётган Троя шаҳридан ўз отаси Анхизни  
 опичлаб олиб чиққан қаҳрамон.



## Кассий

Ҳа, тор жаҳон бўйлаб Цезарь, қадам ташлар музаф-  
фар,

Бизлар эса майда, резги ва хокисор одамлар,  
Уралашиб унинг улкан оёқлари остида,  
Ўзимизга очиқ мазор ахтаришиб юрибмиз...  
Аммо кўп вақт тақдиримиз ўзимизга боғлиқдир,  
Шу аянчли ҳолимизга тақдир эмас — ўзимиз  
Айбдормиз. Брут — Цезарь! Қани, ўзинг айт, дўстим,  
«Цезарь» номи нима билан афзал бошқа номлардан?  
Қандоқ қилиб унинг номи сеникидан улурмиш?  
Агар ёзсанг — иккиси ҳам баббаравар чиройлик.  
Тилга олсанг — икки ном ҳам эшитилар ёқимли,  
Тортиб кўрсанг — икки номнинг салмоғи ҳам бара-  
вар.

Дуо ўқиб икки номни тилга олиб чақирсанг  
Иккисига баббаравар жавоб берур арвоҳлар.  
Модомики шундай экан, худо ҳаққи, айт дўстим,  
Қандоқ қилиб бу одамнинг дабдабаси, шуҳрати  
Сеникидан ошиб кетди? Сен шарманда умрбод!  
О, Рим, сенинг томирингда мўътабар қон камаймиш.  
Ахир олам олам бўлиб кўрганмиди, қани айт,  
Фақат битта одам билан шуҳратланган асрни?  
Шу чоққача бирор одам айтолганми:—Ҳой, сен  
Рим,—

Нима учун, жавоб бергил, кенг деворлар ичида,  
Фақатгина бир одамни сақлаб келмоқдасан деб?  
Модомики қучоғида битта одам бор экан,  
Ҳали ҳам кенг, инон дўстим, гўзал Римнинг даргоҳи!  
Сен билан биз оталардан эшитганмиз бир вақтлар  
Доно Брут ўтган экан: агар ҳаёт бўлса у  
Римда янги шоҳ бўлгандан кўра шайтон умрбод  
Ҳукм суришини, шаксиз, афзал кўрган бўларди.

## Б р у т

Мени гоят севишингга ишонаман, шубҳам йўқ.  
 Мендан нима исташингни — фаҳмладим, тушундим.  
 Бу ишларга менинг қандоқ қарашимни — кейинроқ  
 Биласан. Ҳа, ҳозирчалик, сўрар эдим дўстона  
 Мени кўп ҳам шошилтирма. Айтган гапларингни мен  
 Ўйлаб кўрай: яна тагин ниманки гапирсанг  
 Жоним билан эшитаман. Бундай муҳим гапларни  
 Муҳокама қилмоқ учун учрашгали қулай пайт  
 Топармиз. Ҳа, бир нарсани ёдингда тут, азиз дўст:  
 Ёвуз замон бизга таҳдид қилаётган бир чоғда  
 Брут учун Римнинг ўғли бўлиб юришдан кўра  
 Бир қишлоқи бўлмоқ, шаксиз, бўлур эди афзалроқ.

## К а с с и й

Каминанинг ожиз товуши мард Брутнинг қалбида  
 Оз бўлса ҳам, учқун пайдо қилганига хурсандман.

## Б р у т

Пойга тамом бўлди. Ана, Цезарь қайтиб келмоқда.

## К а с с и й

Улар бизнинг ёнимиздан ўтаётган маҳалда  
 Сен Касканинг чопонидан тортиб қўйгил, у ерда  
 Нималар юз берганини бизга сўзлаб беради.

## Б р у т

Худди шундай қиламан, ҳа. Қара, Цезарь юзида  
 Ғазаб ўти гуркирайди, бошқаларга зеҳн сол:  
 Қалтак еган хизматкорлар каби маъюс, бўшашган,  
 Кальпурния латгадай оқ, Цицероннинг кўзлари  
 Енмоқдадир, ёдингдами, баъзан Капитолийда,  
 Мунозара бошланганда бирор сенатор билан  
 Худди шундай ёнар эди Цицероннинг кўзлари.

## Кассий

Нималар юз берганини Каска сўзлаб беради.

Цезарь ва унинг аъёнлари киради.

## Цезарь

Антоний!

Антоний

Хўш, нима дейсан, сўзла, Цезарь, тинглайман.

Цезарь

Истар эдим атрофимда уйқуга хўп мириққан,  
Тўқ, озода, соғ баданли одамларни кўришни.  
Анов Кассий назаримда оч бўрига ўхшайди:  
У жуда ҳам кўп ўйлайди. Хавфли бундай одамлар.

Антоний

У хавфлимас, Цезарь, Кассий диёнатли, беғараз,  
Олижаноб бир римлидир.

Цезарь

Кўзи бежо. Аммо у  
Менинг учун хавфли эмас. Фараз қилайлик, мабодо,  
Қўрқув Цезарь юрагидан жой ололса, мен учун,  
Билолмадим, ким, бу озғин, оч арвоҳдай Кассийдан  
Жирканчлироқ, ёқимсизроқ, даҳшатлироқ бўларди.  
Кўп ўқийди, кўп нарсадан хабари бор Кассийнинг:  
У доимо одамларни мушоҳида қилади,  
Одамларнинг ичидаги нарсаларни билади.  
Антоний, у, сенга ўхшаб хуш кўрмайди ўйинни,  
Музикадан баҳра олмас, кам табассум, кулса ҳам  
Гўё мазах қилаётган каби худди ўзини,  
Ва ўзида мавжуд бўлган кулиш лаёқатидан

Хазар қилиб жиркангандай бир йўсинда кулади.  
 Шуни яхши билиб қўйгил, дўстим, агар жаҳонда,  
 Бўрор киши мартабада баланд бўлса улардан  
 Дарҳол ундай одамларнинг ҳаловати йўқолур.  
 Шул сабабдан ғоят хавфли эрур бундай одамлар.  
 Демокчиман — бундай зотлар хавфли эрур умуман.  
 Аммо менга ким хавф солур? Цезарман-ку ахир мен!  
 Унг ёққа ўт — биласанку бу қулогим оғирроқ.  
 Қани менга у тўғрида ўз фикрингни очиқ айт.

Трубалар чалинади. Қаскадан бўлак ҳамма чиқиб кетади.

Қ а с к а

Чопонимдан сен тортдингми, Брут? Нима гапинг бор?

Б р у т

Хўш, сўзлаб бер бизга унда нима гаплар бўлганин.  
 Цезарь нега тажанг бўлди?

Қ а с к а

Сен у ерда йўқмидинг?

Б р у т

Агар бўлсам сўзлаб бер деб қилармидим илтимос?

Қ а с к а

Хўш, у ерда унга тож келтирдилар. Тожни келтирганларида, у, мана бундоқ қилиб, уни рад этди. Ана шундан кейин халқ ҳайратга келиб, қойил қолиб, шовқин кўтарди.

Б р у т

Иккинчи гал нега қичқирдилар?

К а с к а

Яна ўша муносабат билан.

К а с с и й

Учинчи бор қичқирдилар. Хўш, учинчи бор нега қичқирдилар?

К а с к а

Яна ўша муносабат билан.

Б р у т

Унга уч дафъа тож тақдим этдиларми?

К а с к а

Ҳа, уч дафъа тақдим этдилар, у эса уч мартаба қайтарди, аммо уч сафар ҳам қўллари билан оҳишта ҳаракат қилиб. Ва ҳар сафар, менинг ёнимда турган соддадил одамлар ҳайратга келиб қичқирдилар.

К а с с и й

Тожни ким тақдим этди?

К а с к а

Ким бўларди, Антоний-да.

Б р у т

Қани нима бўлганини аниқроқ сўзлаб бер.

К а с к а

Майли мени оссинлар, агар бўлган гапни оқизмай-томизмай сўзлаб бера олсам. Маросим бориб турган

масхарабозликнинг ўзи эди, қарагинг келмасди. Мен, Марк Антоний унга тож,— яна тўғрироғи, тож эмас, бошга киядиган бир чамбарак,— тақдим этганини кўрдим, у эса, ҳали сизларга айтиб берганимдек, биринчи маротаба тожни рад этди. Аммо, буларга қарамай, назаримда, тожни иштиёқ билан олгуси келарди. Кейин Антоний унга тожни яна тақдим қилди, у эса тожни яна рад этди. Аммо, пайқашимча, у тождан бармоқларини аранг ажратиб олди. Антоний тожни учинчи дафъа тақдим этди, у эса учинчи маротаба ҳам тожни қайтарди ва ҳар сафар Цезарь тожни рад қилганида, халқ шодланиб қичқирар, дағал қўллари билан қарсак чалар, қўланса бўй тарқатиб тер босган қалпоқларини осмонга ирғитишар эди, бу ҳиддан Цезарь димиқиб кетаёзди. Кейин Цезарь ўзини ёмон ҳис қилди-ю, ҳушидан кетиб йиқилди, мен эса очилган оғзимга заҳарли ҳаво кирмасин деб ўзимни кулгидан зўрға тўхтатдим...

### К а с с и й

Шошма! Нима дединг? Цезарь ҳушидан кетди дедингми?

### К а с к а

Ҳа, бозор майдонида оғзидан кўпиги чиқиб йиқилди-ю, нафаси ўчди.

### Б р у т

Ҳа, эҳтимол, ахир унинг тутқаноғи бор эди.

### К а с с и й

Йўқ, у, дўстим, касал эмас, биз касалмиз. Мана мен, сен ва софдил Қаска хаста, тутқаноққа дучормиз.

## Каска

Бу билан нима демоқчисан, фахлламадим, аммо Цезарьнинг ҳушидан кетиб йиқилгани аниқ. Агар қора халқ ё уни ёқтириш ва ё ёқтирмаслик маъносида, худди театрларда комик артистларга ҳуштак чалишганидек, қарсак ва ҳуштак чалмаган бўлса, майли мен ёлғончиман.

## Брут

Хўш, нималар деди Цезарь келганида ҳушига?

## Каска

Ҳа, йиқилишдан олдин,— тожни рад этгани учун аламон шодланганини кўргач— кўйлагини чок этиб, мана, бўғизлай қолинглар— дегандек, кекирдагини чўзди. Агар ҳунарманд бўлганимда гапидан илинтирардим, ёлғон айтсам расволарга қўшиб дўзахга ҳайданглар. Кейин у бирданига гурсиллаб йиқилди. Ҳушига келгач, агар бирор ножўя гап айтган бўлсам, ёки ноқулай ҳаракат қилган бўлсам, муҳтарам ҳамшаҳарларим касаллигимдан деб билсинлар, деди. Менинг ёнимда турган уч аёл хитоб қилиб: «Оҳ, ажойиб қалб эгаси!» дейишди-ю, уни астойдил кечиришди. Бу ҳали ҳеч гап эмас. Агар Цезарь ўша шаллақиларнинг оналарини сўйиб юборса ҳам кечирган бўлар эдилар.

## Брут

Шундан кейин қовоғини солганича кетдимиз?

## Каска

Ҳа.

## Кассий

Бирор нарса демасми Цицерон?

К а с к а

Ҳа, у юнонча нутқ сўзлади.

К а с с и й

Нима ҳақда?

К а с к а

Бе, агар бу саволларингга жавоб беролсам, майли бундан буёқ башараларингни кўришга муяссар бўлмай. Унинг сўзини фаҳмлаганлар бир-бирларига қараб, бош қимирлатиб, кулишиб қўйдилар. Менинг учун эса жумбоқ эди. Сизларга яна битта янгилик айтиб беришим мумкин: Цезарнинг ҳайкалидан безакларни олиб ташлаганлари учун Марулл билан Флавийнинг оғзига урдилар. Хайр, саломат бўласизлар. Ҳа, у ерда булардан бўлак ҳам бемаънигарчиликлар бўлдию, аммо мен уларни хотирлаб қолишга ҳаракат қилганим йўқ.

К а с с и й

Каска, сен бугун мен билан бирга овқат қилолмайсанми?

К а с к а

Йўқ, мен бугун бошқа ерга таклиф қилинганман.

К а с с и й

Ундай бўлса эртага бирга овқат қилайлик?

К а с к а

Майли, агар соғ ва саломат бўлсам, сен ўз фикрингдан айниб қолмасанг, овқатинг боришга арзийдиган бўлса.

К а с с и й

Яхши. Эртага сени кутаман.



## Қаска

Хўп. Ҳар иккингиз ҳам саломат бўласиз, хайр.

Қаска кетади.

## Брут

Аллақандай тўнглашибди ва бўшашиб қолибди.  
Эсимда бор жуда ҳам шўх, тетик эди мактабда.

## Кассий

Кўринишда шундай, аммо жуда тетик ҳали ҳам:  
Агар бирор мардларга хос хайрли иш ҳақида  
Жиндаккина сўз боргундек бўла қолса, у ҳушёр.  
Бу дағаллик ҳашам бўлиб унинг ўткир ақлига,  
Иштиёқни оширади нозик пичингларига.

## Брут

Ҳа, шунақа. Хўп бўлмаса, ҳозирча хайр. Мен билан  
Сўзлашмоқчи бўлсанг агар, мен эртага ёнингга  
Бораман, ё сен келарсан меникига. Кутаман.

## Кассий

Хўп, бораман. Уйлаб қара, дўстим, Ватан ҳақида.

Брут кетади.

Ҳа, Брут, сен олижаноб бир одамсан. Ва лекин  
Билишимча, сенинг юксак руҳингни ўз йўлидан  
Четга буриш мумкин экан. Ҳа, ҳамма вақт шунақа  
Олижаноб кишиларга яқин бўлиш керакдир.  
Ким ҳам қарши тура олур юз ёқлама аврасанг?  
Менга душман бўлган Цезарь яхши кўрар Брутни.  
Агар Брут Кассий бўлиб, Кассий Брут бўлганда  
Мен ҳеч қачон тушмас эдим сира унинг қўлига.  
Кечаси мен ойнасидан бир даста хат ташлайман —  
Ҳар хил сиёҳ билан ҳар хил қилиб ёзилган хатлар.  
У, гўёки, кўп одамдан келибди деб ўйласин.

Бу хатларнинг мазмунидан аниқ билади, Римнинг  
Зўр ҳурматлар билан Брут номин тилга олишин,  
Ва қўрқишни Юлий Цезарь шуҳратпарастлигидан.  
У маҳалда эҳтиёт бўл ундан Цезарь, негаки,  
Яқинлашди ҳалокатга учрайдиган чоқларинг.

(Кетади.)

## УЧИНЧИ САҲНА

Кўча.

Момақалди роқ ва чақмоқ. Бир томондан қўлига яланғоч  
қилич тутган К а с к а, иккинчи томондан Ц и ц е р о н киради.

Ц и ц е р о н

Салом Каска! Сен Цезарнинг ҳузуридан келдингми?  
Кўзинг бежол Хўш, қани айт, унинг элчисимсан?

К а с к а

Бутун олам тинчилигини йўқотганда, ахир сен  
Нега бунча бепарвосан, беғамсан, о Цидерон?  
Мен кўрганман ўжар, чайир эман оғочларини  
Қасирлатиб синдирганин қудратли зўр бўронлар.  
Мен, мақтанчоқ океанларнинг кўлик сочиб, қутуриб.  
Булутларга тегаман деб сапчиганин кўрганман.  
Аммо, инон, шу чоққача ўт пурковчи қуюнни  
Кўрганим йўқ. Нима, уруш қоплаганим самони?  
Ёки нопок олашимиз худоларнинг ғазабин  
Кўзғотгану улар уни бузмоқчимиз батамом.

Ц и ц е р о н

Кўрмадингми булардан ҳам таажжуброқларини?

## К а с к а

Шаҳар қули<sup>1</sup>,— кўрсанг агар уни дарҳол танийсан—  
 Чап қўлини силтасамиш, ўн икки машғал бўлиб  
 Ениб кетганмиш, ва лекин қўли куймаган эмиш.  
 Сўнгра,— мана шундан бери яланғочдир қиличим —  
 Капитолий яқинида шерни<sup>2</sup> кўрдим: у, маъюс,  
 Қўзларини ярқиратиб ўтиб кетди тегмасдан.  
 Ўша ерда юзга яқин хотин-халаж турарди,  
 Улар даҳшат, қўрқувлардан арвоҳлардай бўзариб,  
 Бир чекада уймалашур, қасам ичиб айтишди:  
 Улар аниқ кўрган эмиш усти-бошин ўт олиб,  
 Қўчаларда чопиб юрган эркакларни. Сўнг, кеча,  
 Куппа-кундуз куни бойқуш, нақ бозор ўртасига  
 Қўниб олиб ҳув тортганмиш. Модомики бунақа  
 Ҳодисалар бир вақтда юз бердими, уларнинг  
 Ўз, табиий сабабини ахтаришлик беҳуда.  
 Бу даҳшатли ҳодисалар,— мен аминман,— қай юрт-  
 да  
 Юз берса, шу юрт бошига бир фалокат келтирур.

## Ц и ц е р о н

Ҳа, таажжуб замонларни бошдан кечирмоқдамиз.  
 Ва локин биз юз бермоқда бўлган ҳодисаларнинг  
 Маъносини, ўзимизча бузиб талқин этамиз,  
 Хўш, эртага келармикан, Цезарь Капитолийга?

## К а с к а

Ҳа, келади. У хат билан Цицеронни эртага  
 Капитолийга чақир деб, Антонийдан сўради.

<sup>1</sup> Шаҳар қули — Шахсий кишилардан ташқари ҳар хил муассасалар, шу жумладан шаҳар бошқармаси ҳам ўз қулларига эга бўлар эдилар.

<sup>2</sup> Капитолий шери — Капитолийда (Сенатнинг биноси) муқаддас ҳайвон сифатида шер сақланар эди.

Цицерон

Хайрли кеч, Каска, ҳаво қутурмоқда, кетмасак  
Иложи йўқ, хайр, Каска.

Каска

Хайрли кеч, Цицерон.

Цицерон кетади. Кассий киради.

Кассий

Ким, у турган?

Каска

Рим ўғлони.

Кассий

Бу Касканинг овози.

Каска

Топдинг, дўстим. О, айт, Кассий, бу қанақа тун  
бўлди?

Кассий

Софдил граждaнлар учун кўп ажойиб, гўзал тун.

Каска

Кўрган борми кўкнинг бундай даҳшатли тус олганин?

Кассий

Бор, дунёни гуноҳларга ботганини кўрганлар.  
Мен — ўзимни даҳшатли тун хоҳишига топшириб,  
Кўчаларни бошдан-оёқ кезиб юрар эканман,  
Мана, кўриб турганингдек, либосимни этиб чок,  
Чақмоқларнинг зарбасига ланг очганман кўксимни.  
Эгри чақмоқ ярқиратиб кўк бағрини тилганда,  
Гўё олов ўққа ўзим нишон бўлгандай бўлдим.

Каска

Нима учун осмон билан эракишиб юрибсан?  
Одамларни қўрқитгали, ғазабланган худолар

Бундай мудҳиш жарчиларни юборганда, уларнинг  
Қалтираши, қўрқишлари муносиброқ бўларди.

### К а с с и й

Ланжсан, Қаска. Римлиларнинг юрагида ёнувчи  
Ҳаёт ўти сенда сўнмиш, ёки яширин милтиллар.  
Сен осмоннинг бу таажжуб ғазабини кўрганда  
Қўрқиб кетдинг, рангинг ўчди, аллақандай бир даҳ-  
шат

Худди сени чанғалида маҳкам тутиб тургандай  
Агар ўйлаб кўрсанг эди, нима учун арвоҳлар  
Тентирашар, нима учун чақнамоқда оловлар,  
Нега ҳайвон ва қушларнинг табиати ўзгарди,  
Не сабабдан донишмандлик кексалардан ёшларга —  
Гўдакларга ўтиб қолди, нега улар ҳаммаси  
Ўзларининг азалдаги ҳолатини, хулқини  
Хунук, мудҳиш қиёфага алмаштирди,— шунда сен  
Даҳшатли кун келтиргали мамлакатнинг бошига,  
Одамларни қўрқитгали ва эҳтиёт этгали,  
Худоларнинг, ҳеч шубҳасиз, атайинлаб, уларни  
Худди шундай қиёфага солганини англардинг.  
Худди мана шу тун каби чақмоқ чақиб, гулдураб,  
Тобутларни босиб-янчиб, Капитолий шеридай  
Ғазаб билан ўкирувчи зотнинг номини сенга  
Айтиб бера олар эдим; у, аслида, сен билан  
Мендан кучли эмас, аммо ўсиб кетди жуда ҳам  
Табиатнинг шу ажойиб хуружидай даҳшатли.

### К а с к а

Бу сўзларинг тааллуқли бўлса керак Цезарга?

### К а с с и й

Ихтиёринг шундай тушун, дўстим, қандай тушунсанг.  
Римлиларнинг пайи ҳамон боболарнинг пайидек,  
Аммо, афсус, оталарнинг руҳи ўлган бизларда.

Бу кунларда оналарнинг руҳи бизга ҳукмрон —  
Аёлларча зулмларга бардош бериб юрибмиз.

### К а с к а

Ҳа, эртага, дейдиларким, сенат Цезарь бошига  
Тож кийгизиш ниятида эмиш, Цезарь бундан сўнг,  
Италия ерларидан бўлак ҳам кўп ерларда —  
Сувларда ҳам, қуруқда ҳам, юрар эмиш тож кийиб.

### К а с с и й

Мен у ҳолда ханжаримни бошлаб ишга соламан.  
Кассий албат қулликлардан қутқаради Кассийни.  
Сиз, худолар, ожизларга бахш айлабон бу кучни —  
Золимларнинг шармандасин чиқардингиз албатта.  
На зиндонлар, на кишанлар ва на темир деворлар,  
Тош қалъалар жиловлолмас жасур руҳнинг кучини.  
Бу дунёнинг жафосидан, зулму-асоратидан  
Хўп толиққан мазлум ҳаёт, зада бўлган мазлум жон  
Ўзига эрк бериш учун эрки эрур ҳамма вақт.  
Шуни яхши билиб қўйсин бутун жаҳон: елкамдан  
Тоғдай бўлиб босиб турган асоратни, зулмни  
Хоҳишим-ла улоқтириб ташлашликка қодирман.

*(Яна ҳаво гулдурайди.)*

### К а с к а

Мен ҳам шундай қилоламан. Ҳар бир қулга қулликни  
Ўзил-кесил йўқотишга шундай ҳуқуқ берилган.

### К а с с и й

Аmmo Цезарь қандай қилиб золим бўла олади?  
Бечора! У, римлиларни қўй тахлитда кўрмаса  
Бўри бўлиш ҳавасидан аллақачон кечарди.  
Бизлар оҳу бўлмаганда у ҳам арслон бўлмасди.  
Кимки агар зудлик билан ўт ёқмоқни истаса,

Ишни похолдан бошлайди. Бу қанақа увада,  
 Бу қанақа жирқаңч, сассиқ ахлат бўлди бизнинг Рим,  
 Цезарь каби ҳақир зотнинг ифлос башарасини  
 Биқсиб ёқиб, ёритмоққа хизмат қилмоқчи бўлган!  
 О, шўргинам! Нима қилиб қўйдим ўзи? Бу гапни  
 Садоқатли қулга айтиб бергандирман, эҳтимол.  
 Ана энди бу гап учун жавоб берсам керакдир?  
 Валокин мен бепарвоман хатарларга нисбатан,  
 Қуролим шай.

### К а с к а

Сен бу гапни айтдинг фақат Қаскага;  
 Қаска эса тантиқ эмас, сир сақлашни билади.  
 Қўлингни бер. Ҳамма ерда исён уруғини соч,  
 Ва кўтарил ҳақсизликка қарши кескин курашга,  
 Мен олдинги сафдагилар қаторида бўламан.

### К а с с и й

Жуда яхши! Қўлингни бер! Шуни яхши билиб қўй,  
 Мен бир қанча диёнатли римлиларни, мен билан  
 Бирга хавфли, аммо лекин арзийдиган бир ишга  
 Бош қўшишга унатганман. Улар мени шу топда  
 Кутмоқдалар илҳақ бўлиб, Помпей арки олдида.  
 Бу кечада ҳеч ким чиқмас кўчаларга ботиниб.  
 Ўзининг қон, олов каби юзи, даҳшати билан  
 Табиатнинг хуружлари, ҳодисаси шу топда,  
 Қалбимизда яширин юрган муддаога ўхшайди.

### К а с к а

Шошма! Биров шошиб-пишиб шу томонга келмоқда.

Ц и н н а киради.

### К а с с и й

Йўқ, бу Цинна. Юришидан билдим. У ҳам биз тараф.  
 Шошилганча, хўш, қаёққа кетаётисан Цинна?

Цинна

Сени излаб юрибман. Ким? Енингдаги Цимбрми?

Кассий

Иўқ, бу Каска. У ҳам бизнинг ишимизга бош қўшди.  
Мени кутишмоқдаларми?

Цинна

Каска қўшилган бўлса  
Бениҳоят хурсандман. Боқ, тун нақадар даҳшатли.  
Ҳа, у ерда орамиздан баъзи бировлар аниқ  
Қўришганмиш кўп таажжуб, қизиқ ҳодисаларни.

Кассий

Гапирсанг-чи, ахир, Цинна, мени кутишмоқдами?

Цинна

Кутмоқдалар. О, нақадар соз бўларди, Кассий сен,  
Олижаноб Брутни ҳам биз томонга оғдирсанг.

Кассий

Хотиржам бўл. Манов хатни, Цинна, эҳтиёт билан  
Олий суднинг курсисига қўй, Брутнинг қўлига  
Тегсин. Мана бунисини ойнасидан ташлагил.  
Бунни эса бобосининг ҳайкалига, мўм билан  
Епиштириб қўясану сўнгра қайтиб келасан.  
Биз кутамиз сени, дўстим, Помпей арки ёнида.  
Требоний билан Деций Брут ўша ердами?

Цинна

Ҳа, Цимбрдан бўлак, ҳамма ўша ерга тўпланган,  
Цимбр эса сени излаб кетган эди уйингга.  
Хўп, мен бориб бу хатларни жой-жойига қўяйин,

Кассий

Сўнгра Помпей майдонига дарҳол қайтиб келасан.

Цинна кетади.



Тонгга қадар Брут билан учрашамиз иккимиз.  
Унинг тўртдан уч ҳиссаси аллақачон бизники.  
Шу бугунги учрашувдан кейин эса, Марк Брут,  
Ҳеч шубҳасиз, тамомила бизга тобе бўлади.

### К а с к а

Халқ ичида эътибори жуда баланд Брутнинг,  
Халқ эътироз билдириши мумкин бўлган биздаги  
Мақсад, Брут бош қўшганда мўъжизадай дафъатан  
Қаҳрамонлик, шон ишига айланади шубҳасиз.

### К а с с и й

Сен Брутнинг қимматини жуда тўғри англабсан.  
Биз Брутсиз уҳдасидан чиқолмаймиз бу ишнинг.  
Қани кетдик. Тун ҳам жуда оғиб қолди. Тонггача  
Биз Брутни бош қўшишга кўндиришимиз лозим.

Кетгизадн.

## II ПАРДА

### БИРИНЧИ САҲНА

Рим. Брутнинг боғи.  
Брут киради.

Брут

Ҳой, Люций, тур!  
Юлдузларга қараб тонгнинг яқинлашиб қолгани  
Билолмайман, ахир!— Люций, эшитдингми гапимни?—  
Хоҳлар эдим мен ҳам шундай қотиб-қотиб ухлашни!—  
Ҳой, Люций тур, ҳой турсанг-чи! Кўзларингни очсанг-  
чи!

Люций киради.

Люций

Соҳибим, чақирдингизми?

Брут

Шам келтириб қўй хонамга. Шамни ёққанингдан сўнг  
Дарҳол менинг ҳузуримга қайтиб келгил, яхшими.

Люций

Хўп бўлади, соҳибим.

Кетади.

Брут

У ўлиши керак. Уни маҳв этишни буюрар  
Менинг шахсий фойдам эмас, кўпчиликнинг фойдаси.  
У жуда ҳам тожга ташна. Қим билади, тож уни  
Ўзгартириб қўярмикан? Ана шунда ҳамма гап.

Дейдиларким, нур илонни жалб этармиш ўзига.  
 Эҳтиёт бўл йўловчи! Ҳа, биз унга тож кийдирсак,  
 Узимизни чақиш учун ниш бахш этамиз.  
 Ким виждонни жудо этса ҳокимиятдан агар,  
 Улуғликни ёвузликка хизмат қилдиради у.  
 Ҳа, эътироф этаманки, кўрганам йўқ Цезарнинг  
 Ҳиссиётга берилганин, инкор этиб ақилни.  
 Аммо ҳамма биладики, ёш шуҳратпарастликка  
 Камтаринлик нарвон бўлиб яхши хизмат қилади.  
 Юқорига чиқувчилар аввал, шаксиз, юзини  
 Нарвон томон қаратади, чиқиб олгандан кейин,  
 Нарвонга тез орқасини ўгиради менсинмай,  
 Уни кўкка олиб чиққан зиналардан жирканиб,  
 Осмондаги булутларга назар ташлар гердайиб.  
 Ҳа, бу имкониятни ҳеч бериш мумкинмас унга.  
 Ҳозир Цезарь қандоқ буни ўйламагин, бу билан  
 Жанжал изоҳ этилмайди; фақат ўйла: у, балки,  
 Юқорига чиқиб олгач худди шундай бўлар, деб.  
 Уни илон тухуми деб ҳисобла-ю, илонни  
 Тухумидан чиқмай туриб янчиб ташла беомон!

Л ю ц и й киради.

Л ю ц и й

Мен шамларни тайёр қилиб қўйдим, сўнгра уларни  
 Еқиш учун чақмоқ истаб юрганамда, тўсатдан,  
 Манов хатни деразадан топиб олдим, соҳибим.  
 Мен ўрнимга ётар чоқда бу хат, шаксиз, йўқ эди.

Унга хатни беради.

Б р у т

Бор, ўрнингга ётиб ухла, ҳали жуда қоронғу.  
 Ҳа, айтгандай, иди мартми, айт-чи, болам, эртага?

Л ю ц и й

Билмадим, соҳибим.

**Брут**

Календарга қара, сўнгра келиб менга жавоб айт.

**Люций**

Хўп бўлади, ҳозир, соҳибим.

Кетади.

**Брут**

Чақмоқ шундай бир куч билан чақмоқдаки ярқираб,  
Еруғида хат ўқишим мумкин эрур бемалол.

Хатни ўқийди.

«Уйқудасан, Брут. Уйғон, огоҳ бўлгил ўзингдан.  
Наҳотки Рим... Овозингни чиқар ахир, ур, қутқар!»  
«Брут, ахир, қачонгача мудрайсан?» Ҳа, бунақа  
Чақириқлар тез-тез тушиб турмоқда, мен уларни  
Йиғиб олдим. «Наҳотки Рим...» Бу аҳволга чек қўйиш  
Керак шаксиз. «Наҳотки Рим мустабидга бош эгса?»  
Қандай қилиб? Рим-а? Ахир, Тарквиния подишоҳ  
Бўлган чоқда менинг бобом уни Римдан ҳайдаган.  
«Овозингни чиқар, Брут, ўлдир, қутқор!»— Бу сўзлар  
Ҳам тил учун, ҳам қўл учун кескин даъват эмасми?  
О, гўзал Рим! Онт ичаман, халос этилганингда,  
Брут сени муродингга етказади шубҳасиз.

Люций қайтиб келади.

**Люций**

Билиб келдим, ҳа, эртага иди март экан жаноб.

Эшик тақиллайди.

**Брут**

Шунақами. Эшикни оч, биров тақиллатмоқда.

Люций кетади.

Кассий мени ҳаяжонга солган кундан буёққа  
 Уйқу нима билганим йўқ.  
 Бу даҳшатли иш ҳақида биринчи бор ўйлаган  
 Уйдан тортиб то бу ишни ижро эткунга қадар  
 Бўлган ҳаёт гўё хунук алаклашга ўхшайди.  
 Одамзоднинг руҳи унинг тани билан маслаҳат  
 Қилар эмиш ва шу пайтда бизнинг табиатимиз  
 Худди кичик бир ўлкадай исён кўтарар эмиш.

Люций қайтади.

Люций

Кассий сени кўрмоқчимиз, дарвозада турибди.

Брут

Елғиз ўзи келибдими?

Люций

Кўп одам бор ёнида.

Брут

Сен уларни танийсанми?

Люций

Таний олмадим, жаноб.

Қалпоқларин бостиришиб кийиб олган ҳаммаси,  
 Юзларини плаш билан бекитишиб олишган,  
 Мен уларни танимадим.

Брут

Ҳаммасини олиб кир.

Люций қайтади.

Фитначилар келишдилар. О фитна! Сен ҳаттоки,  
 Ёвузликлар қилиш жуда осон бўлган тунда ҳам,  
 У қўрқинчли башарангни яширасан! Қани, айт,  
 Зулматида бекитгани у даҳшатли турқингни,

Кундуз куни, хўш, қаердан биронта ғор толасан,  
Йўқ, зулматнинг ҳожати йўқ, башарангни яширгил,  
Яхши муомила билан, ширин табассум билан.  
Агарда у ўз табиий қиёфасин олган чоқ  
Ҳатто Эреб<sup>1</sup> зулматига шўнғиб кетганида ҳам,  
Шубҳалардан сира қочиб қутулмаган бўларди.

Кассий, Каска, Деций, Цинна, Метелл  
Цимбр, Требонийлар киришади.

### Кассий

Қўрқманки, буздик чоғи осойишталигингни.  
Салом, Брут, хайрли тонг. Ҳалал бердик чамаси?

### Брут

Бир соатча бўлиб қолди турганимга. Тун бўйи  
Ухлолмадим. Ҳамроҳларинг, айт-чи, менга танишми?

### Кассий

Ҳаммаси ҳам сенга таниш. Ҳаммаси ҳам баравар  
Сени ҳурмат қилишади. Ҳамда истайдиларки  
Олижаноб римлиларнинг сенга бўлган самимий  
Ҳурматини улар билан баҳам кўрсанг дўстона.  
Манов турган — Требоний.

### Брут

Кўрганимга хурсандман.

### Кассий

Мана — Леций Брут.

### Брут

Яхши, бениҳоят кўнглим чор.

<sup>1</sup> Эреб — Қадимий Юнон мифологиясида абадий зулмат.

## К а с с и й

Мана — Каска. Манов — Цинна. Манов эса — Цимбр.

## Б р у т

Соз.

Ҳаммасига саломлар!

Қандай оғир ташвиш бўлди кўзингиздан қувлаган  
Осойишталикни, дўстлар?

## К а с с и й

Рухсат этгил, айтайлик...

*(Улар билан шивирлашади.)*

## Д е ц и й

Анов томон — шарқ чамаси, тонг бўзариб қолдимми?

## К а с с и й

Йўқ.

## Ц и н н а

Кечирасан, у ҳақ. Ана, булутларнинг бағрини  
Бўзартириб келаётган — тонгнинг хабарчисидир.

## К а с к а

Иккингиз ҳам янглишдингиз. Ҳийла жануб тарафда,  
Хў, ана, мен қиличимни тўғрилаган томонда,  
Қуёш чиқиб келмоқдадир. Эсингизда бўлсинки,  
Ҳозир — йилнинг ёшлик чоғи, яъни баҳор айёми.  
Икки ойдан кейин эса тонгнинг олов жилваси  
Шимол ёққа кўчиб ўтар. Шарқчи, Капитолийнинг  
Худди орқа томонида, хў, анави тарафда.

## Б р у т

Қўлингизни битта-битта беринг менга ҳаммангиз.

## К а с с и й

Ҳа, мақсадга етиш учун ҳаммамиз онт ичамиз.

## Б р у т

Иўқ, онт ичманг! Римлиларнинг юзидаги аламлар,  
 Бу кунларнинг расволиги, қалбимизнинг азоби,—  
 Бу ҳисобсиз изтироблар озлик қилса, етмаса,  
 Дарҳол тарқаб, ўрнимизга бориб ёта қолайлик.  
 То ҳаммамиз битта, битта ҳалок бўлгунга қадар,  
 Иўл қўяйлик истибодга, ҳукм сурсин беомон.  
 Аммо бизда, қўрқоқларнинг ҳам қалбига аланга,  
 Аёлларнинг ожиз, заиф юрагига жасорат  
 Солиш учун етадиган олов бўлса, у ҳолда,  
 Гўзал Римни қутқаргани бизни кўтармоқ учун  
 Аллақандай нўқашларга, айтинг, борми эҳтиёж?  
 Римлиларнинг сўзидан ҳам эътиборли сўз борми?  
 Хўш, қасамга ҳожат борми, агарда биз мақсадга  
 Е етамиз, ё ҳаммамиз бирга ҳалок бўламиз  
 Деб ўзаро виждон билан аҳду паймон айласак?  
 Майли, қасам ичаберсин: роҳиблар ва қўрқоқлар,  
 Муғомбирлар, шарти кетиб парти қолган қарилар,  
 Таҳқирларга кўниб қолган лапашанглар, ношудлар,  
 Ишончини йўқотишган ярамастар, беорлар.  
 Аммо, дўстлар, қасам билан мустаҳкамлаймиз дея,  
 Таҳқир этманг қалбимизнинг кучли тугёнларини  
 Ҳамда аҳду паймонимиз, юксак қароримизни.  
 Агар берган сўзингизни заррача ҳам бузсангиз,—  
 Ахир, дўстлар, римлилар-ку бераётган бу сўзни,—  
 Ҳар бир римли юрагида ғурур билан сақланган;  
 Ҳар томчи қон булганишлик хавфи остида қолур.

## К а с с и й

Бир уриниб кўрайликми тортиш учун бу ишга  
 Цицеронни? У жон-жон деб бизга қўшилар эди.



## Каска

Ҳа, назардан қочирмаслик керак уни.

## Цинна

Албатта.

## Метелл

Уни қўшиб олиш керак. Унинг оппоқ соқоли  
Аҳолининг рағбатини биз томонга тортади,  
Ҳамда халқнинг мақтовига бизни этар сазовор.  
Ва уларни ишга солган, қўлларига куч бериб.  
Цицероннинг ақли эрур деб гапирар барча халқ.  
Ҳам, тамоман яширади унинг улуғворлиги  
Бизнинг ёшлигимизни ҳам, тугённи ҳам биздаги.

## Брут

О, йўқ, унга сир айтишлик мумкин эмас, Цицерон  
Қўшилишни истамайди бошқаларнинг ишига.

## Кассий

Ундай бўлса усиз.

## Каска

Тўғри, ярамайди Цицерон.

## Деций

Елғиз Цезарь ўладими?

## Кассий

Бу саволинг ўринли.

Ҳа, Цезарнинг арзандаси Марк Антоний у билан  
Бирга гумдон бўлмоқлиги зарур, шаксиз. Менингча  
Марк Антоний кўп ашаддий душман бўлур биз учун.  
Агар у ўз таъсирини ишга солгундек бўлса

Биз ҳисобсиз ташвишлардан қутулмасдик умрбод.  
 Ҳа, шубҳасиз, олиш керак ташвишларнинг олдини:  
 Антоний ҳам Цезарь билан бирга ўлиши лозим.

### Брут

Гўё ғазаб қотиштириб бир бегараз қатлга,  
 Бошидан сўнг аъзосин кес, деган фикр, Қай Қассий,  
 Ҳаддан зиёд қонли эрур. Марк Антоний тананинг  
 Бир аъзосигина холос. Шунини яхши бил, Қассий,  
 Биз, шубҳасиз, қассоб эмас балки роҳиб бўламиз.  
 Бош кўтардик биз Цезарнинг фақат руҳига қарши,  
 Ваҳоланки қон бўлмайдими одамзоднинг руҳида.  
 О, кошкийди, танасини бурдаламасдан туриб  
 Руҳнигина ўлдиришлик мумкин бўлса! Афсуски,  
 Руҳи учун Юлий Цезарь қон тўқади. Дўстларим,  
 Уни дадил ўлдирамиз, аммо ғазабланмасдан,  
 Уни итга ташлайдиган гўштдай бурдаламаймиз.  
 Балки худоларга тақдим этадиган таомдай,  
 Расму-одатлар бўйича саранжомлаймиз аста,  
 Майли бизнинг юрагимиз, айёр хўжайинлардай,  
 Ўз қулларин ёмон ишга бошласину, сўнгидан,  
 Яна ўзи ғазабланган каби бўлсин улардан.  
 Бу иш қасддан қилинмаса — халқ зарурий дунёни,  
 Покловчи бир қурбон дея фаҳмлайди, — қатл демас.  
 Антонийни унутинглар: Цезарь ўлгандан кейин,  
 У Цезарнинг қўли каби ожиз бўлиб қолади.

### Кассий

Мен барибир Антонийдан ниҳоятда қўрқаман:  
 У Цезарга жуда содиқ.

### Брут

Азиз Қассий, у ҳақда  
 Кўп ўйлама. Агарда у қаттиқ севса Цезарни,  
 У маҳалда фақатгина ўзи учун хавфлидир:  
 У Цезарнинг ғами билан ўлиб қолиши мумкин.

Унчаликмас, ҳа, дарвоқе, Антонийнинг майли зўр  
Уйин-кулги, айшу ишрат енгил-елли ҳаётга.

### Требоний

У унчалик хавфли эмас яшай берсин, майлига.  
У ўзининг таъзиясин кулги билан эслайди.

(Соат занг уради.)

Эҳе! Соат занг урди-ю.

### Кассий

Уч мартаба занг урди.

### Требоний

Тарқайдиган вақт ҳам бўлди.

### Кассий

Цезарь Капитолийга

Келадими эртага, ҳа, ҳали ҳозир шубҳали.  
Ҳурофотчи бўлиб қолган Цезарь яқиндан бери,  
Ва тушларга, таъбирларга, белгиларга нисбатан  
Муносабатини жуда ўзгартириб қўйган у.  
Эҳтимол бу кўп гаройиб ҳодисалар, бу туннинг  
Фавқулодда даҳшатлари, авгурларнинг<sup>1</sup> ўғити  
Уйда сақлаб туришлиги мумкин Цезарни.

### Деций

Қўрқманг:

Мен, шубҳасиз, ўз гапимга кўндираман Цезарни.  
Яккашоҳни<sup>2</sup> дарахт билан, ойна билан айиқни,

<sup>1</sup> Авгурлар — Қадимий Римда қушларнинг товуши ва учишига қараб туриб ёки қурбонликка сўйилган ҳайвонларнинг ички аъзоларига қариб туриб, келгусида нималар юз беришини олдиндан айтиб берадиган роҳиблар (руҳонийлар).

<sup>2</sup> Яккашоҳ — Афсонавий бир ҳайвон, гўё бу ҳайвон отга ўхшаган бўлиб, пешонасида битта шохи бўлар экан. Гўё,

Филни эса чуқур қазиб, шерни эса тўр билан,  
Одамларни хушомад-ла қўлга тушириш мумкин —  
Деган маталларни жуда яхши кўради Цезарь.  
Сен хушомадгўйларни ҳеч ёқтирмайсан деб айтиб,  
Унга жуда ҳам ёқаман. Сўзларимга ишонинг:  
Мен ҳамма вақт унга таъсир кўргазишни биламан,  
Ва албатта келтираман уни Капитолийга.

### К а с с и й

Иўқ, яхшиси биз ҳаммамиз бориб бошлаб келамиз.

### Б р у т

Соат худди саккизларда, хўпми? Ундан кеч эмас!

### К а с с и й

Ҳа, бу энг охирги муддат. Кечикманглар, илтимос.

### М е т е л л

Лигарий ҳам яхши кўрмас Цезарни, у Помпейни  
Мақтагани учун Цезарь уни ҳақорат қилган.  
Таажжубки ёдимиздан чиқарибмиз биз уни.

### Б р у т

Дўстим Метелл, сен ёнига киргил уни: у менга  
Жуда хайрихоҳдир, чунки сабаби бор; сен уни  
Менинг ҳузуримга юбор — у бизники бўлади.

### К а с с и й

Тонг ёришди.— Хайр, Брут. Дўстлар, энди тарқалиш  
Пайти келди. Унутманглар аҳду қароримизни.  
Кўрсатайлик Римнинг асил ўғли эканимизни.

---

яккашохни тутяшда тубандаги усул қўлланган эмиш: овчи  
яккашохни роса газаблантириб, ўзи дарахт орқасига бекинар-  
миш. Газабланган ҳайвон келиб шохини дарахтга шунақа қат-  
тиқ урар эмишки, кейин ўзи ҳам суғириб ололмасмиш.

## Брут

Узингизни жуда хурсанд, сарбаст тутинг, дўстларим,  
 Ҳушёр бўлинг, муддаомиз сезилмасин кўзлардан:  
 Кўзимизни, худди Римнинг актёрлари сингари  
 Тутайликки, улар дадил, хурсанд боқа олсинлар.  
 Хайр дўстлар, ҳаммангизга айрим-айрим эҳтиром.

Брутдан бўлак ҳамма кетади.

Ҳой, Люций, тур! Нега бунча қотиб қолдинг? Ҳа,  
майли  
 Соз уйқунинг вазмин, болдай шабнамга қониб ол.  
 Босинқираш, ёмон тушлар ҳали ҳозир миянгга  
 Ташвиш солмас, шул сабабдан уйқунг жуда оғирдир.

Порция киради.

## Порция

Азиз Брут!

## Брут

Хўш, Порция, нима бўлди? Нима гап?  
 Нега турдинг? Ахир жуда ожиз сенинг сиҳатинг,  
 Рутубатли, совуқ саҳар сенга зарар қилади.

## Порция

Сенга ҳам. Хўш, нима учун тўшагингни яширинча  
 Ташлаб чиқдинг. Яхши эмас! Кеча эса кечқурун  
 Овқат чоғи бирданига туриб кетдинг ўрнингдан,  
 Сўнг қўлингни қовуштириб, ўйга ботиб, уҳ тортиб,  
 Юра кетдинг. Мен чақирсам қараб қўйдинг хўмрайиб.  
 Саволимни такрорласам, депсиндингу бетоқат  
 Пешонангни қашлаб қўйдинг. Мен ҳам сира бўш  
келмай

Қайта-қайта савол бердим, аммо жавоб бермадинг,  
 Жаҳл билан қўл силтадинг кетгин деган маънода.  
 Мен ҳам сенинг ёниб турган ғазабингни оширмай

Деб қўрқдиму, ҳам бу ғазаб, баъзан-баъзан ҳар кимда  
 Бўладиган ғазаблардан биттасидир дедим-да,  
 Кета қолдим хоҳишингга ва амрингга бўйсуниб.  
 Ухлашга ҳам, емакка ҳам, сўзлашга ҳам бу ҳолат  
 Сенга имкон бермайди ҳеч, агар бу ҳол феълингни  
 Ўзгартирган каби бирдан юзингни ҳам ўзгартса  
 Таниёлмас эдим сени. Азиз Брут, жон эрим,  
 Сўзла, сенга нима бўлди, қандай ташвиш юз берди?

### Брут

Шундай, бир оз тобим қочган, инонавер, ҳеч гап йўқ.

### Порция

Брут ақли расолардан, агар тоби қочганда  
 Бирор чора кўрар эди.

### Брут

Хўп, кўраман. Бориб ёт.

### Порция

Бру. хаста? Енгил-елпи кийиниб, тонг маҳали  
 Нам ҳаводан нафас олиб сайр этишга соғмикан?  
 Брут хаста? Ундай бўлса, тўшагини тарқ этиб,  
 Нима учун зарарли тун қучоғига отилди?  
 Е, заҳарли рутубати сиҳатини яна ҳам  
 Оғирлаштирсин учунми? О, йўқ, азизим Брут  
 Юрагингда аллақандай оғир дәрд бор, бу дардни  
 Мен билишим керак шаксиз, билиш учун ҳаққим бор.  
 Қачонлардир донғи кетган гўзаллигим ҳаққи, айт,  
 Сенга бўлган ниҳоясиз севгим ҳақи ва бизни  
 Бирлаштирган ўша эзгу қасам ҳаққи сўрайман,  
 Ялинаман-ёлвораман ҳузурингда тиз чўкиб,  
 Менга,— ҳалол ёрингга айт, қандай дардинг бор,  
жоним?

Кимлар эди, ҳатто туннинг зулматидан ҳам юзни  
 Яширишиб, ҳузурингга боя келган одамлар?

## Брут

Тур ўрнингдан, азизим, тур.

## Порция

Сен ҳам менга нисбатан  
 Марҳаматли бўлганингда тиз чўкмасдим шубҳасиз.  
 Ахир никоҳ маҳалида: менинг ички сиримни  
 Билишлигинг мумкин эмас деб шарт қўйган эдингми?  
 Сен мен билан аҳён-аҳён — овқат чоғи, тўшакда,  
 Гоҳо суҳбат маҳалида бирга бўласан холос,  
 Мен қалбингдан ташқарида яшайман! О, Порция,  
 У маҳалда хотин эмас, чўри эрур Брутга.

## Брут

Иўқ, сен унинг садоқатли, ҳалол рафиқасисан,  
 Ҳамда унинг ҳаяжонли юрагида кезувчи  
 Ҳар бир томчи қон сингари қимматлисан Брутга.

## Порция

Ундай бўлса мен бу сирдан огоҳ бўлишим лозим,  
 Мен аёлман — тўғри, тўғри — аммо, Брут ўзига  
 Хотинликка раво кўриб танлаб олган аёлман.  
 Мен аёлман — тўғри, тўғри — аммо, уни Катоннинг  
 Қизи деб халқ жуда ҳурмат қиладиган аёлман.  
 Наҳотки мен шундай эри ҳамда шундай отаси  
 Бўлатуриб ўз жинсимдан бўлолмасам кучлироқ?  
 Менга инон: мен сирингни ҳеч ошкор қилмайман.  
 Мен руҳимнинг қудратини синаб кўрдим: жўрттага  
 Биқинимни шарт кесдиму, оргини гинг демай  
 Яширолдим. Шундай экан, наҳотки мен эримнинг  
 Сирларини яширишга қодир бўла олмасам?

## Брут

О, худолар, мен шунақа, олижаноб, вафодор,  
 Садоқатли, пок хотинга лойиқ бўлай илойим.

Эшик тақиллайди.

Эшитдингми? Порция, бор, боратургин ҳозирча.  
Тезда бутун сирларимни юрагинга қуяман;  
Нега қовоқ солганлигим, барча ишим ҳақида  
Сенга ҳисоб бераман, бор!

Порция кетади.

Тақиллатган ким, Люций?

Люций қайтади, орқасидан Кай Лигарий киради.

Люций

Қандайдир бир касал одам сени кўрмак истайди.

Брут

Ҳа, бу Метелл таклиф қилган Кай Лигарий албатта!—  
Хўп, сен, бола, жўна.—Хизмат, эшитаман, сўзла Кай?

Лигарий

Сенга салом йўллар менинг хаста бўлган овозим.

Брут

Э аттаси, дўстим, бевақт ўралибсан рўмолга.  
Қани энди, соғ-саломат бўлганингда, азиз, Кай...

Лигарий

Соппа-соғман, агар Брут мени бирор хайрли  
Ишга даъват эта қолса.

Брут

Ҳа, мен шундай бир ишга  
Сени даъват қилар эдим, агарда сен даъватни  
Соғлом қулоқ билан тинглай оладиган бўлсанг, Кай.  
Ундай бўлса, мен барча Рим худолари олдида  
Ҳамма иллат-касалимни улоқтириб ташлайман.  
Римнинг руҳи! Марднинг пушти-камаридан туғилган!



Сен, гўёки дуохондай юрагимнинг дардини  
Олиб ташладинг. Амр этгил, қайга десанг чопаман —  
Ҳар бир мушкул иш бўлса ҳам бажаришга тайёрман,  
Ҳар иш келади қўлимдан. Нима қилиш керак, айт?

Брут

Қайтаришлик лозим эрур хасталарга соғлиқни.

Лигарий

Аmmo хаста бўладими, айт-чи, бирор соғ одам?

Брут

Ҳа, бу ҳам бор. Бу ҳолатга дучор бўладиган зот  
Томонига йўл олганда, менинг нима демоқчи  
Бўлганимни фаҳмлайсан.

Лигарий

Олга томон қадам бос,  
Қоматимни ростлаб мен ҳам кейинингдан бораман —  
Майли қайга борсак менга барибир, ҳа, ишқилиб,  
Мени бошлаб борадиган Брут бўлса бўлгани.

Брут

Жуда яхши, хўп, бўлмаса, қани кетдик, дўстим, Қай.

Кетишади.

## ИККИНЧИ САҲНА

Цезарь саройининг зали.

Ҳаво гулдурайди. Тунги либосда Цезарь киради.

Цезарь

Бугун туни ер ҳам, кўк ҳам ухламади мутлақо.  
«Дод, Цезарни ўлдиришаётибди, дод қутқаринг»  
Деб қичқирди уч мартаба Кальпурния тушида.  
Ҳой, одамлар! Қим бор? Қим бор?

Хизматчи киради.

## Хизматчи

Нима дейсиз, соҳибим!

## Цезарь

Роҳибларга хабар қилгил — тез қурбонлик сўйсинлар.  
Сўнгра, улар нималар юз беришини олдиндан  
Таъбир этса, ҳаммасини келиб менга айтасан.

## Хизматчи

Ҳозир бораман, соҳиби фармон.

Хизматчи кетади. Кальпурния киради.

## Кальпурния

Наҳотки сен бирор ёққа чиқаман деб отлансанг?  
Йўқ, йўқ, бугун уйдан сира-чиқмаслигинг шарт, Цезарь.

## Цезарь

Шундай, Цезарь чиқмоқчи, ҳа. Хавфу-хатар ҳамма  
вақт

Гарданимга кўз солади. Аммо, лекин юзимни  
Кўрдими, у, шу ониёқ дарҳол ғойиб бўлади.

## Кальпурния

Парвосиздим, ҳар хил таъбир, белгиларга нисбатан,  
Аммо бугун қўрқувдаман. Биз эшитган ва кўрган  
Ҳодисалар, белгилардан бўлак яна даҳшатли  
Воқеалар тўғрисида сўзлаб берди соқчилар:  
Кўчада — тош йўл устида арслон туғиб қўйганмиш,  
Тобутлар тарс ёрилганмиш, қўзғалганмиш мурдалар;  
Булутларнинг қучоғида жанговар саф тортишиб  
Урушганмиш ўт ичида аллақандай аскарлар;  
Ва уларнинг қони билан Капитолий бўялмиш;  
Инграганмиш ярадорлар, отлар кишнаган эмиш;  
Ва самодан жанг шовқини эшитилиб турганмиш,  
Кўчаларда дод солишиб, йиғлаганмиш арвоқлар.

Булар бари фавқулодда ҳодисалар! О, Цезарь,  
Мен қўрқаман!

Цезарь

Ахир улуғ худоларнинг қарорин  
Инкор этиб бўладими? Йўқ, йўқ, Цезарь, барибир,  
Ташқарига чиқади. Бу ҳодисалар Цезарга  
Тааллуқли эмас, балки тегишлидир ҳаммага.

Кальпурния

Гадо ўлиши олдидан думли юлдуз кўринмас:  
Ҳукмроннинг қазосидан хабар берар фақат кўк.

Цезарь

Қўрқоқ ўлар бир неча бор ажалидан илгари;  
Ботир эса бир галгина дуч келади ўлимга.  
Менга маълум бўлган барча ажиб ҳодисалардан  
Таажжуброқ туюлгани, одамларнинг ўлимдан  
Қўрқиши деб ҳисоблайман: ахир билишади-ку  
Вақти билан бошга ўлим тушишлиги муқаррар.

Хизматчи киради.

Хўш, роҳиблар нима деди?

Хизматчи

Цезарь уйдан чиқмасин  
Дейишдилар. Қурбонликка сўйган молнинг ичидан  
Ахтаришиб, юрагини сира топишолмабди.

Цезарь

Ҳа, бу билан қўрқоқликни уялтирган худолар.  
Агар Цезарь уйда қолса чиқмай қўрқув туфайли,  
У ҳам, худди юраги йўқ молдек бўлиб қоларди.  
Жуда яхши билади хавф ўзидан ҳам Цезарнинг  
Хатарлироқ ва хавфлироқ эканини албатта.  
У билан биз — икки шермиз бир кундаёқ туғилган;

Аммо лекин улугроқман, хавфлироқман ундан мен.  
Ҳа, кўчага бугун Цезарь чиқади.

### К а л ь п у р н и я

О, азизим!

Кўнгилчанлик билан ақлинг хиралашиб қолибди,  
Бугун уйдан чиқма зинҳор. Майли, сенинг хавфингмас,  
Балки, менинг хавфим сени бугун уйда сақласин.  
Антонийни юборамиз сенатга; ҳа, майли у  
Цезарь бир оз хастароқ деб айта қолсин уларга.  
Илтижомни қабул этгил, ялинаман тиз чўкиб.

### Цезарь

Хўп, майлига, Марк Антоний шундай десин сенатга.  
Хўп, азизим, сенинг учун, майли, уйда қоламан.

Деций киради.

Ана, Деций Брут келди. Брут айта қолади.

### Деций

Улуғ Цезарь, салом сенга! Омонмисан, соғмисан.  
Ҳузурингга келдим, сени чорлаш учун сенатга.

### Цезарь

Ўз вақтида етиб келдинг ҳузуримга, Деций, соз!  
Сен сенатга еткиз менинг саломимни ҳамда айт:  
Мен сенатга боришликни истамайман бугун. Ҳа.  
Боролмайман десам агар, ёлғон айтган бўлардим.  
Журъат этолмайман десам, бадтар ёлғон бўларди.  
Истамайман боришликни бугун. Худди шундай де.

### К а л ь п у р н и я

Қасал экан дегин.

## Цезарь

Цезарь ёлгон гапирармиди?  
Кексаларга ҳақиқатни айтишликдан қўрққали  
Зафарларда қўлочимни ёйганмидим шунча кенг?  
Бор, бориб айт — Цезарь бугун боришликни истамас.

## Деций

Улуғ Цезарь, агар улар мендан кулмасин десанг  
Нима учун истамайсан, сабабини айтиб бер.

## Цезарь

Сабаби — мен истамайман боришликни, вассалом,  
Шунинг ўзи кифоядир, шаксиз, сенаторларга.  
Аммо, шахсан сенга, дўстим бўлганлигинг туфайли,  
Айтиб беришлигим мумкин: мени юбормаётган  
Кальпурния. У кечаси ёмон тушлар кўрибди.  
Тушидамиш, гўё менинг ҳайкалимдан, юз кўзли  
Фонтан каби қон оққанмиш ва жуда кўп римлилар  
Қаҳ-қаҳ уриб, қўлларини ювган эмиш шу қонда.  
Бу қўрқинчли туш шумликдан дарак берур, бугун сен  
Уйдан чиқма деб ёлворди Кальпурния тиз чўкиб.

## Деций

Туш нотўғри изоҳланмиш. Бу туш бахтдан нишона;  
Гўёки қон оқизувчи ва қонида римлилар  
Шоду хуррам чўмилишган, сенинг эзгу ҳайкалинг,  
Римни жонбахш қонинг билан сугоришинг ҳақида,  
Ва ёнингга одамларнинг обрў истаб, шон излаб  
Келишидан дарак берур. Кальпурния тушини  
Мана шундай англаш керак.

## Цезарь

Жуда яхши англадинг.

## Деций

Аввал тингла сўзларимни, сўнг фикрингни айтарсан.  
 Билиб қўйгил, дўстим Цезарь, бугун сенат сенга тож  
 Қийғизишга қарор қилган; аммо бормаслигингни  
 Эшитсалар ўз фикридан қайтишлари ҳам мумкин.  
 Агар улар: «Хўп, мажлисни, то Цезарнинг хотини  
 Яхшироқ туш кўргангача тўхтатайлик» дейишса,  
 Одамларга кулги бўлиб қоласан, ҳа. Бекинсанг  
 «Эҳе, Цезарь кўрқоқ экан!» деган ғийбат тарқайди.  
 Кечир, Цезарь, сени қаттиқ севганимдан фикримни  
 Очиқ айтдим: менинг ақлим бўйсунди севгимга.

## Цезарь

Ана энди, Кальпурния, бу бемаъни таҳликанг  
 Менинг учун тамом кулги бўлиб қолди! Мен, афсус,  
 Сўзларингга кирганимга хижолатман жуда ҳам.  
 Қани, менинг либосларим келтирилсин!—Бораман.

Публий, Брут, Лигарий, Метелл, Каска,  
 Требоний ва Цинналар киришади.

Ана, қаранг Публий келди мени олиб кетгали.

## Публий

Салом сенга, дўстим Цезарь!

## Цезарь

Салом, Публий. Хўш, Брут?

Сен ҳам эрта турганмидинг? Салом Каска! Лигарий  
 Цезарь ҳеч вақт тинкаларни қуритувчи безгақдай  
 Сен билан ҳеч ёвлашмаган. Соат неччи бўлибди?

## Брут

Соат расо саккиз бўлди.

## Цезарь

Раҳмат келганларингга.

Антоний киради.

Сен ҳам эрта турибсан-ку!— Салом сенга, Антоний.

## Антоний

Салом, сенга!

## Цезарь

Ҳамма нарса тайёрлансин.— Мен учун  
Кўп ноқулай бўлди: ахир кечикмоқдаман. Цинна!  
О, Метелл ҳам! Требоний, сен ҳам шу ердамисан?  
Пича сўзлашмоғим керак, лақиллашиб сен билан.  
Ҳа, эсингдан чиқармагил бугун уйга келасан!  
Яқинроқ тур менга, яна мен ҳам унутиб қўймай.

## Требоний

Хўп бўлади, Цезарь, (четга) ҳали қараб тургил дўст-  
ларинг  
Яқинингда турганлигим учун афсусланади.

## Цезарь

Қани дўстлар, ичкарига; йўл олдидан ичайлик,  
Сўнг ҳаммамиз дўстона, шод сенат томон жўнаймиз.

## Брут (четга)

Аммо дўстлик ҳар хил бўлур. Бу фикрдан, о, Цезарь,  
Марк Брутнинг юрагига оғир қайғу чўкмоқда.

Кетадилар.

## УЧИНЧИ САҲНА

Капитолий яқинидаги бир кўча.  
Уқишида давом этиб, Артемидор киради.

### Артемидор

«Цезарь Брутдан хайиқ, Кассийдан эҳтиёт бўл, Каскадан узоқлаш, Циннадан бохабар бўл, Требонийга ишонма, Метелл Цимбрни кузатиб юр. Деций Брут сенга дўст эмас, сен Қай Лигарийни хафа қилгансан, уларнинг ҳаммасини руҳлантирган бир фикр, бу фикр эса Цезарга қарши қаратилган. Агар сен ўлмайдиган бўлмасанг ўзингга эҳтиёт бўл: бепарволик фитна учун қулайлик туғдиради. Илоё, улуғ худолар сенга мададкор бўлсин.

Сенга яхшиликни раво кўрувчи Артемидор.»

Ҳа, шу ерда пойлаб турай Цезарни мен, келганда  
 Бу қорозни унга, гўё, ариза деб бераман.  
 Эзгуликнинг ўз-ўзини шум хасаднинг тишидан  
 Сақламаганлиги учун қаттиқ алам чекаман.  
 Бу қорозни ўқий олсанг, Цезарь— омон қоласан,  
 Агар бирор сабаб била ўқий олмасдан қолсанг,  
 Унда тақдир илоҳаси хиёнатга дўст бўлур.

Кетади.

### ТУРТИНЧИ САҲНА

Уша кўчанинг бошқа қисми, Брут уяининг олдидаги жой.  
 Порция ва Люций киради.

#### Порция

Чопганингча сенатга бор, худо хайрингни бергур.  
 Менга зинҳор гап қайтарма, зудлик билан жўнай қол.  
 Ҳа, нимани кутмоқдасан?

#### Люций

Топшириқни кутаман.

#### Порция

Истардимки, сен у ерда нималар қилишингни  
 Айтишимдан илгарийёқ қайтиб келсанг бу ерга.



(Четга.)

О, маҳкамлик, мени зинҳор тарк этмагил, лаб билан  
 Юрагимнинг орасида худди тоғдай бўлиб тур!  
 Эркакларча ақлим бору, аёлларча заифман!  
 Сир сақлашлик, о, нақадар мушкул аёл кишига!  
 Сен ҳали ҳам шундамисан?

Люций

Нима қилай, маликам?

Хўп, сенатга чопиб бордим,— шу холосми ҳаммаси?  
 Яна уйга чопиб келдим,— шу холосми бўлгани?

Порция

Ҳа, шу холос, сўнг айтасан: рангги қалай Брутнинг.  
 Бугун бир оз хастароқ у,— ҳамда Цезарь қай ҳолда...  
 Ва Цезарнинг атрофини кимлар ўраб олишган?  
 Шошма, бола! Шовқинларни эшитдингми? Қулоқ сол!

Люций

Эшитганим йўқ, маликам.

Порция

Ахир қулоқ солсанг-чи!

Мен галаён шовқинини аниқ эшитмоқдаман,  
 Бу шовқинни шамол олиб келмоқдадир сенатдан.

Люций

Мен ҳеч нарса эшитолмай ётибман-ку, маликам?

Авлиё киради.

Порция

Ҳой йўловчи, қай томондан келмоқдасан? Бунда кел!

Авлиё

Ўз уйимдан келмоқдаман.

Порция

Соат нечи?

Авлиё

Ҳадемай

Тўққиз бўлса керак.

Порция

Айт-чи, Цезарь Капитолийга

Утдимикан?

Авлиё

Йўқ маликам, ўтгани йўқ! Мен унинг  
Ўтадиган йўлларида туриш учун чиққанман.

Порция

Хўш, Цезарга айтадиган бирор арзинг бормиди?

Авлиё

Ҳа, маликам. Яхшиликни раво кўриб ўзига,  
Агарда у сўзларимга қулоқ солса, мен ундан:  
Юлий Цезарь, сен ўзингга дўст бўлгин деб сўрайман.

Порция

Нима? Унга бирор нарса таҳдид қилмоқдами? Хўш  
Бирор нарса биласанми?

Авлиё

Менми? Йўғ-а, билмайман.

Ва локин мен кўп нарсадан қўрқмоқдаман. Яхши қол.  
Кўча жуда тор бу ерда. Сенаторлар, сарбозлар,  
Ва аламон билан бу ер доим тигиз бўлади.  
Мен шўрликни бу аламон яна янчиб қўймасин.  
Ҳа, мен бир оз кенгроқ жойда тура қолай, маликам,  
Токи улур Цезарь мени очиқ-равшан кўролсин.

Кетади.

## Порция

Уйга қайтай, (четга). О, нақадар ожиз аёл юраги!  
О, Брутим! Бу ишингда осмон бўлсин мададкор.—  
Бола эшитди чамаси...— Ана, Цезарь Брутнинг  
Аллақандай талабини рад этмоқда. — Оҳ шўрим,  
Тамом ҳолдан кетмоқдаман.— Югур, Люций Брутга  
Етказ менинг саломимни ҳам дегилки — мен шодман.  
Ундан жавоб олиб дарҳол ҳузуримга қайтиб кел!

Иккаласи икки томонга кетади.

### III ПАРДА

#### БИРИНЧИ САҲНА

Рим. Капитолийнинг олди. Юқорида сенатнинг мажлиси.

Капитолий эшиги олдида аламон тўпланган, уларнинг орасида — Артемидор ва Авлиё ҳам бор. Трубалар чалинади. Цезарь, Брут, Кассий, Каска, Деций, Метелл, Цимбр, Требоний, Цинна, Антоний, Лепид, Попилий, Публий ва бошқалар киришади.

Цезарь

Мана иди март айёми бошланди

Авлиё

Ҳа, бошланди,

Аммо, Цезарь, ҳали тамом ўтиб кетганича йўқ.

Артемидор

Салом сенга! Уқиб кўргил менинг манов номамни.

Деций

Требоний сендан жуда сўрайдиким, мана бу Арзимаган аризасин вақтинг бўлса ўқисанг.

Артемидор

Улуғ Цезарь, энг аввало меникини ўқиб кўр!  
Чунки бу хат ҳаммадан ҳам кўпроқ сенга тегишли.

Цезарь

Ундай бўлса бу мактубни энг охирида ўқийман.

Артемидор

Кечиктирмай ўқи, Цезарь, зинҳор сендан сўрайман!

Цезарь

Жинни-пинни бўлганми бу?

Публий

Йўқол нари, қоч йўлдан!

Кассий

Кўчада ҳам аризами, инсоф қил-де, биродар!

*(Цезарь ва унинг ҳамроҳларига)*

Қани сенатга кирайлик.

Цезарь Капитолийга киради, орқасидан бошқалар ҳам.  
Хамма сенаторлар оёққа турадилар.

Попилий

*(Кассийга)*

Ишингизга муваффақият тилайман.

Кассий

Қайси иш?

Попилий

Хайр, дўстим, кўришгунча

*(Цезарь ёнига боради.)*

Брут

*(Кассийга)*

Нима деди, Попилий?

Кассий

Ишимизга муваффақият тилади. Қўрқаман,  
Фитна очилган бўлмасин.

**Брут**

Яқинлашди Цезарга.  
Бохабар бўл, кузатиб тур.

**Кассий**

Каска, тезроқ бўла қол.  
Халал бермасалар эди. Брут, нима қиламиз?  
Сир очилиб қолса Кассий ёки Цезарь ўлади.  
Мен ўзимни чавақлайман.

**Брут**

Кассий, мард бўл, дадил бўл!  
Йўқ, у бизнинг ҳақимизда сўзлаётган йўқ унга:  
Ана, қара у кулмоқда, осойишта Цезарь ҳам.

**Кассий**

Требоний ўз ролини жуда яхши билади.  
Қара, Брут, Антонийни нари олиб кетди у.

Требоний билан Антоний кетади.  
Цезарь ва сенаторлар ўз ўринларини эгаллайдилар.

**Деций**

Метелл қани? Аризасин тезроқ берсин Цезарга.

**Брут**

Ҳозир кетди: атрофини ўранг... Ердамлашинглар.

**Цинна**

Сен бошлайсан, Каска, хўпми, биринчи зарб сенки.

**Цезарь**

Ҳамма нарса тайёрми? Хўш, қани, қандай нуқсонни  
Тузатмоғи лозим Цезарь ҳамда унинг сенати?

## Метелл

Қудрати зўр, шухрати зўр, улуғ Цезарь, назар сол,  
Цимбр таъзим бажо қилиб турар, мана қаршингда.

(Тиз чўкади.)

## Цезарь

Сени огоҳлантиришим керак, Цимбр, бунақа  
Хақирона илтижолар билан фақат соддадил  
Одамларнинггина кўнглин юмшатиш мумкиндир;  
Ҳамда қарор, фармонларни гўдак болалар учун  
Ўйинчоққа айлантириш мумкин. Аммо Цезарнинг  
Кўнглин дарҳол юмшайди деб ўйлаш эса бемаъни.  
Билиб қўйки, аҳмоқларни юмшатувчи ҳар нарса:  
Тубанлик ва беномуслик, ёғлама тил, ширин сўз,  
Қуллар каби бўйин эгиш, олчоқлик ва хушомад  
Цезардаги у табиий мустаҳкамлик, бардошни  
Буза олур деб ўйлашлик бемаънидир мутлақо.  
Сенинг аканг ҳукм билан қувғин қилинган. Агар  
Бу хушомад, бу илтижо аканг учун бўлса, мен  
Сени итдек қилиб йўлдан улоқтириб ташлайман.  
Цезарь жуда ҳаққонийдир, ўз амрини беسابаб  
Бузмайди ҳеч, Цимбр, шуни эсингда тут ҳамма вақт.

## Метелл

Балки, улуғ Цезарь учун хуш келувчи бўлак бир  
Юксак овоз кўтарилар ёқлаб гариб акамни?

## Брут

Қўлларингни ўпиб, аммо хушомадсиз, беғараз,  
Цезарь, сендан сўрайман тез, Публий Цимбр сургундан  
қайтарилсин.

Цезарь

Қандоқ! Брут!

Кассий

Кечир уни, о, Цезарь!

Сендан Кассий ҳам сўрайди, оёғинга бош уриб,  
Илтифот қил, улуғ Цезарь, кечир бир йўл Цимбрни.

Цезарь

Агар мен ҳам сиздай бўлсам, ён берардим сизларга;  
Арз қилишни билсам агар,— арзга қулоқ солардим;  
Валокин мен худди қутб юлдузидай тебранмас,  
Пинак бузмас ва собитман. Осмон сонсиз юлдуз-ла  
Ярқирайди, бари — олов, шуъла сочар ҳар бири.  
Аммо, фақат, ўз ўрнида собит турган биттаси.  
Дунёда ҳам худди шундай — одам қайнар дунёда,  
Одамлар-чи — улар гавда, улар ақл, улар қон;  
Аммо менга бу дунёда юксак, олий, мустаҳкам  
Мартабага эга бўлган бир зотгина маълумдир:  
У ҳам бўлса — мен ўзимман! Мана сизга бир мисол:  
Ўз аҳдимда маҳкам турдим — сургун қилдим Цимбрни.  
Ўз фикримда қатъий турсам — у қайтмайди Римга ҳеч.

Цинна

О, Цезарь!

Цезарь

Қоч! Олимп<sup>1</sup> тоғин қўзғатмоқчимисан, хўш?

Деций

Улуғ Цезарь!

<sup>1</sup> Олимп — Юнистондаги баланд тоғ.



Цезарь

Брут мутлоқ беҳудага тиз чўкди.

Каска

Ундай бўлса гапир тезроқ, эй қўлларим, мен учун!

Цезарнинг орқасига ханжар уради. Цезарь унинг қўлидан ушлайди. Шу пайт бошқа суиқасдчилар ҳам уни чавақлай бошлайдилар, энг охирида Брут ханжар уради.

Цезарь

Менинг Брутим, сен ҳам-а? Ундай бўлса майлига Цезарь ҳалок бўла қолсин, қазо топсин, майлига.

Улади. Сенаторлар ва халқ даҳшат билан ҳар томонга питраб қочади.

Цинна

Озодлик! Эрк! Тамом бўлди, яксон бўлди истибод!— Деб ҳаммангиз кўча бўйлаб дарҳол чопинг, жар солинг!

Кассий

Кўчаларда минбарлардан туриб эълон қилинглар: «Озодлик, эрк, Рим қулликдан тамом холос бўлди!» деб.

Брут

Ҳой, халойиқ! Сенаторлар! Қўрқманг! Нега қўрқасиз? Қочманг. Шухратпарастликнинг қарзи тўланди холос!

Каска

Минбарга чиқ, Брут!

Деций

Кассий, сен ҳам чиққил минбарга!

Брут

Публий қани?

Цинна

Туполондан ганграб қолди, ана у.

Метелл

Бирга бўлайлик ҳаммамиз, яна, тагин Цезарнинг  
Бирор дўсти...

Брут

Нега бирга бўлиш керак? Нимага?  
Публий, синҳор қўрқма, тинчлан, римлиларни ҳам  
тинчит.

Биз ҳеч кимга тегмаймиз.

Кассий

Сен, биздан ажрал яхшиси.  
Яна бизга ғазаб билан ташланувчи аламон,  
Публий, сенинг дилингни ҳам сиёҳ қилиб қўймасин.

Брут

Бу айб учун фақатгина биз ўзимиз жавобгар,  
Нима бўлса биздан бўлди.

Кассий

Қани, ахир Антоний?

Требоний

Гангиб қолиб уйга қочди. Эркақлару аёллар,  
Ешу қари ҳар томонга чопмоқдалар дод солиб,  
Гўё бутун дунё тамом ҳалок бўлаётгандай.

Брут

Эй, сиз тақдир илоҳлари, ҳукмингизни чиқаринг!  
Биламизки, биз ўламиз. Аммо ўлим пайтида  
Ҳаёт соатини бир оз чўзмоқ истар одамлар.

## Кассий

Ким йигирма йилни агар қирқиб олса ҳаётдан,  
Шунча йилни қирқиб олган бўлур ўлим хавфидан.

## Брут

Ундай бўлса, дўстим, ўлим — жуда эзгу иш экан,  
Цезарь учун озайтириб биз ўлимнинг хавфини  
Унга хизмат қилибмиз-да. Қани, дўстлар, энгашинг:  
Қўлимизни тирсаккача унинг қизил қонига  
Белайлик ҳам қиличларни шу қон билан бўяйлик,  
Сўнгра бозор майдонига бориб, қизил тигларни  
Яланглатиб: «Эрк, озодлик!» дея хитоб қилайлик.

## Кассий

Қўлимизни қонга ювдик.— Бу саҳнани албатта,  
Театрлар асрлардан оша бизга номаълум  
Халқлар узоқ наслларга етказди бегумон.

## Брут

Ва неча бор ўлар экан, ана, ҳозир Помпейнинг  
Оёғида бир хок бўлиб ётган Цезарь саҳнада!

## Кассий

Ва шунча бор: ватанини озод этган ва халқнинг  
Асл биродарлари деб, атар бизни насллар.

## Деций

Хўш, кетдикми?

## Кассий

Ҳа, ҳаммамиз халқ олдига борамиз.  
Илгарига — Брут. Бизлар Римнинг асл қалблари  
Билан расо безатамиз унинг намоёишини.

## Брут

Тўхта, ким у келаётган?

## Хизматчи киради

Антонийнинг одами.

## Хизматчи

*(Брутнинг олдига бориб тиз чўкади.)*

Брут, сенинг ҳузурингда худди шундай тиз чўкиб,  
 Оёғинга бош уришни Марк Антоний буюрди,  
 Ҳам буюрди ҳузурингда ётиб шундай дейишни:  
 «Брут софдил, олиҳиммат, шижоатли, донишманд,  
 Цезарь буюк ва пошшоҳон ҳам меҳрибон зот эди.  
 Айт, Брутни мен севаман ҳамда ҳурмат қиламан,  
 Цезарни ҳам севар эдим, ҳурматлардим, қўрқардим.  
 Агар Брут Антонийга бежавотир келишга,  
 Улуғ Цезарь ўлимининг сабабини билишга  
 Рухсат этса, Антонийга қимматлироқ бўларди,  
 Ҳеч шубҳасиз, тирик Брут ўлик Юлий Цезардан,  
 Ва Антоний шу бугунги олғов-далғов кунларнинг  
 Ғавғолари орасида бир содиқ дўст сингари  
 Олижаноб Брут билан доим бирга бўларди»  
 Марк Антоний, худди мана шундай дегин деб айтди.

## Брут

Мен ҳамма вақт уни доно ва диловар римли деб  
 Ҳисоблардим. Майли келсин, сўз бераман, бу ердан  
 У қаноат ҳосил қилиб омон-эсон кетади.

## Хизматчи

Бориб унга айтаман. *(Кетади.)*

## Брут

Аминманки, у шубҳасиз, дўст бўлади биз билан.

## Кассий

Мен ҳам шундай бўлишини истар эдим, валокин,  
 Ич-ичимда ундан жуда хавфсирайман, қўрқаман.  
 Юрагимнинг яширин товуши алдаганмас ҳеч қачон.

## Брут

Ҳа, ўзи ҳам келиб қолди.

Антоний киради.

Салом сенга, Антоний!

## Антоний

Тупроқ узра ётибсанми, улуғ Цезарь, водариғ!  
 Шу кичкина бўшлиқ ичра жойланмишдир, ажабо,  
 Барча қаҳрамонликларинг, барча дабдабаларинг!—  
 Кечирасан!.. Билолмадим, қарорингиз қанақа!  
 Беҳабарман яна кимнинг қонини тўкмоқ истайсиз?  
 Агар менинг қоним бўлса, у маҳалда мен учун  
 Улуғ Цезарь ҳалок бўлган дамдан кўра яхшироқ  
 Дам бўлмайди, ҳамда унинг жаҳонда энг табаррук,  
 Қони билан қизарган шу ханжарлардан афзалроқ  
 Қурол бўлмас. Агарда сиз менга душман бўлсангиз  
 Елвораман, совимасдан қўллардаги қизил қон  
 Шу онийёқ ҳукмингизни ижро эта қолингиз!  
 Майли, минг йил яшасам ҳам худди шу тондагидай  
 Улуғ Цезарь яқинида, ўша қўллар зарбидан,  
 Яъни сизнинг қўлингизда, Римнинг алломалари,  
 Жон берганим каби хоҳлаб жон бермасдим ҳеч қачон.

## Брут

О, Антоний, сен бизлардан сира ўлим тилама!  
 Гарчи бизнинг қўлимизга, бизнинг қурбонимизга  
 Қараб, бизни йиртқичларга ўхшатарсан, валокин,  
 Фақатгина қўлимизни, унинг қонли ишини  
 Кўрмоқдасан холос, аммо ачинишларга тўлган  
 Қалбимизни кўролмайсан. Жафо чеккан Рим учун  
 Бўлаётган шу ачиниш ҳалок этди Цезарни.  
 (Худди заҳар кесганидай заҳарларни, ачиниш  
 Юраклардан ачинишни қувиб чиқар батамом.)  
 Аммо шуни яхши билиб қўйгил, сенга нисбатан

Қўлимизнинг қаҳри ожиз, тинчимизнинг дами сушт.  
 Сенга ҳурмат, севги билан ака-ука сингари  
 Ишонч тўла қалбимизни, бағримизни очамиз.

### К а с с и й

Олий мансабларни бўлиш чоғида сен биз билан  
 Баббаравар қатнашасан, шаксиз, четда қолмайсан.

### Б р у т

Фақат бир оз сабр эта тур, биз, даҳшатдан, қўрқувдан  
 Телба бўлган халойиқни тинчлантириб олгунча.  
 Кейин сен ҳам, нима учун севатуриб, Цезарга  
 Ўткир ханжар урганимни аниқ билиб оласан.

### А н т о н и й

Сизнинг донолигингизга инонаман албатта.  
 Майли энди, ҳамма менга қизил қонга бўялган,  
 Қўлларини бир-бир берсин. Мен, Марк Брут, қўлингни  
 Маҳкам сиқай, сўнгра сенинг қўлингни ҳам, Кай

Кассий,

Қўлингни бер, Деций, Цинна сен ҳам, Метелл сен  
 ҳам бер.

Менинг ботир Қаскам, сен ҳам, Требоний сен ҳам бер.  
 Сўнги сафда қолиш асло менга муносиб эмас.

Мен нима ҳам дея олар эдим сизга, дўстларим?

Менга бўлган ишончингиз анчагина сусайди.

Сиз, мен учун энди фақат якки ёмон йўл очиқ  
 Деб ўйларсиз:— ё қўрқоқлик, ёки хушомадгўйлик.

Ҳа, эътироф қиламанки, Цезарь, сени севардим;

Агар сенинг руҳинг бизни кўра олса шу топда,

Сен, ўзингга қадрдон деб ҳисоблаган Антоний

Сенга душман бўлганларнинг қизил қонга бўялган

Қўлларини маҳкам сиқса яқин дўстлар сингари,—

Яна, худди жасадингнинг олдида-я, улуғ зот!—

Сенинг учун бўлмасмиди ўлимдан ҳам оғирроқ?!

О, мен, агар, танангдаги сонсиз жароҳатларча

Кўзга эга бўлганимда оқизардим селдай ёш,  
 Худди жароҳатларингдан оқаётган қон каби.  
 Бу, шубҳасиз, менинг учун муносиброқ бўларди  
 Дўст бўлишдан кўра сенинг голиб душманларингга.  
 Юлий Цезарь, кечир мени! О, бечора кийгим  
 Ҳайдаб киргизилган экан мана шу тор катакка,  
 О, шу ерда ҳалок бўбсан, овчилар ҳам шу ерда.  
 Сенинг ҳалол қонинг билан бошдан-оёқ бўялган.  
 Кенг жаҳон, сен, ўрмон эдинг бу ажойиб кийikka  
 У ҳам сенинг ифтихоринг, фахринг эди, эй, жаҳон!  
 Шу ётишинг, Юлий Цезарь, худди шоҳлар ов қилган  
 Кўп ажойиб, гоят гўзал бир махлуққа ўхшайди.

К а с с и й

Антоний!

А н т о н и й

Сен, кечирарсан мени дўстим, Қай Кассий:  
 Бундай гапни ҳатто ёв ҳам сўзлай олган бўларди,  
 Мен дўст бўлатуриб хийла совуққина гапирдим.

К а с с и й

Сен Цезарини мақтаганинг учун таъна қилмайман.  
 Аммо қандай алоқада бўлмоқчисан биз билан?  
 Сени дўстлар сафида деб ҳисобласақ майлими,  
 Ёки сенсиз йўлда давом этайликми ўзимиз?

А н т о н и й

Дўстлигимнинг белгиси деб қўлингизни сиқдим-ку.  
 Тўгри бир оз ганграб қолдим боққанимда Цезарга.  
 Аммо шаксиз сизга дўстман, ҳаммангизни севаман.  
 Умидворман: Қандай қилиб, нима билан Цезарнинг  
 Хавфли бўлиб қолганини эшитарман сизлардан.

## . Б р у т .

Акс ҳолда бу ишимиз зўр йиртқичлик бўларди!  
 Ҳа, Антоний, далилимиз шу қадарли муҳимки,  
 Ҳаттоки сен унинг ўғли бўлганинда ҳам, шаксиз,  
 Уларни ҳеч инкор эта олмас эдинг мутлақо.

## А н т о н и й

Ҳа, шу гаплар керак эди. Кейин, рухсат сўрардим.  
 Жасадини олиб чиқсақ майдонга, сўнг минбардан,  
 Унинг дўсти сифатида мотам нутқи сўзласам,  
 Ҳурматини бажо этиб улуғ Юлий Цезарнинг.

## Б р у т

Ҳўп, майлига, Марк Антоний.

## К а с с и й (Брутга).

Икки оғиз сўзим бор.

(Брутга секин сўзлайди.)

Уйлаб иш қил! Мумкин эмас Антонийга минбардан  
 Сўзлаш учун имкон бериш. Ахир тушун, у, сўзлаб  
 Халқни қаттиқ ҳаяжонга солиб қўйиши мумкин.

## Б р у т (секин)

Иўқ, кечиргил, мен минбарга илгарироқ чиқаман.  
 Воқеанинг сабабини тушунтириб бераман.  
 Антонийнинг ҳозир сизга сўзлайдиган сўзлари  
 Бизлар билан келишилган, биз Цезарга нисбатан  
 Энг охирги бурчимизни тугал адо этишга,  
 Ҳамда ижро этмак учун барча маросимларни —  
 Қарор қилдик деб айтаман халойиққа минбардан.  
 Бу ишимиз фойда берса берар, зарар бермайди.

## К а с с и й (секин)

Билолмадим, аммо бу иш менга сира ёқмайди.



## Б р у т

Хўл, Цезарнинг жасадини олиб чиққил, Антоний,  
Аммо бизни ўз сўзингда қоралашга уринма.  
Юлий Цезарь тўғрисида нима десанг хоҳишинг.  
Ва нутқингни бизлар билан келишганинг ҳақида  
Эълон қилгил, аксинча, сен кўмиш маросимидан  
Четлантириласан. Кейин, сен минбарга мендан сўнг,—  
Мен сўзимни тугатгандан кейингина чиқасан.

## А н т о н и й

Майли, шундай бўла қолсин, менга шу ҳам кифоя.

## Б р у т

Жасадини тайёрла-ю, орқамиздан етиб бор.

Антонийдан бўлак ҳамма кетади.

## А н т о н и й

Кечир мени, қонли мурда, сенинг жаллодларингга  
Бўйинг эгиб, тавозеда бўлганлигим учун, сен!  
Жаҳон жаҳон бўлиб кўрган ноёб марднинг жасади!  
О, бу ҳалол ва бебаҳо қонни ерга тўкканлар  
Бошингизга бало ёғар, ғамга дучор бўласиз.  
Шу ҳисобсиз ва муборак яраларинг устида,  
Гўё мендан худди ёрдам сўраб ётган сингари  
Ним очилган шу нидосиз қизил лаблар ёнида,  
Пайғамбарлик қиламанки, одамларнинг танини  
Лаънат барбод этгусидир: Италия бўйлаб, зўр  
Қаҳру ғазаб — кўп беомон ватандошлик уруши  
Хуруж қилғай. Қон, ур-йиқит одат тусин олади,  
Жуда мудҳиш ҳодисалар оддий бўлиб қолади,  
Кўп оналар ўғиллари бўғизланган маҳалда  
Унга мароқ, кулги билан қарайдиган бўлади.  
Йиртқичликка бўлган одат қириб ташлар шафқатни.  
Ва дўзахдан ғазабланиб чиққан бало тангриси  
Билан бирга Цезарь руҳи кўтарилур қасосга.

Ҳам улуғлар нидо билан: «ҳаммангизга ўлим!» деб,  
Занжирлардан бўшатади уруш кўппакларини;  
Дафн этишни кутиб ётган мурдаларнинг ҳидига  
Ерни кўмиб юборади кўз кўрмаган ёвузлик.

Хизматчи киради.

Хўш, Октавий Цезарь эди чоғи сенинг соҳибинг?

Хизматчи

Ҳа, шундай, Марк Антоний.

Антоний

Уни Римга Юлий Цезарь чақирувди шекилли?

Хизматчи

Ҳа, у кўпдан йўлга чиққан, оғзаки айт дедики...

Цезарнинг мурдасини пайқаб

О, Цезарь!

Антоний

Ҳа, юрагинг ачидими? Четга бориб йиғлагил.  
Ғусса жуда юқумлидир. Менинг кўзим ёшининг  
Ғам қўшилган инжуларин кўриб хираланади.  
Демак, шундай қилиб хўжанг келаётибди дегин?

Хизматчи

Ҳа, у Римдан ўн чақиримча нарироқда тунади.

Антоний

Хўп, ёнига тезроқ бориб, кўрганингни сўзлаб бер.  
Мана, энди Рим мотамда, Рим хавфлидир, ҳозирча  
Унинг жойи эмас бу ер. Октавийга шундай де.  
Йўқ, шошмай тур! Мен Цезарнинг жасадини энг

аввал

Бозор майдонига олиб бориб қўяй. У ерда,  
 Цезар тобути ёнида мотам нутқи сўзлайин,  
 Ва билайин, қани, унинг қонхўр жаллодларига  
 Халқ қанақа муносибат қилар экан,— шундан сўнг  
 Еш Октавий Цезарга сен бу ердаги аҳволни  
 Тўла тасвир қилиб беришлигинг мумкин. Ердамлаш!

Цезарнинг жасадини олиб кетишади.

## ИККИНЧИ САҲНА

Форум — Римдаги халқ мажлислари ўтказиладиган энг катта  
 майдон.

Брут, Кассий ва бир тўда шаҳарликлар киради.

### Шаҳарликлар

Ҳисоб бернинг бизга тезроқ! Ҳисоб талаб қиламиз!

### Брут

Ундай бўлса — юринг, дўстлар, қулоқ солинг сўзимга,—  
 — Кассий бошқа майдонга бор, аламонни бўламиз,—  
 Кимки мени эшитмоқчи бўлса — қолсин шу ерда;  
 Кассий билан борсин,— уни тингламоқчи бўлганлар.  
 Халққа ҳисоб бермоқчимиз Цезарь қатли ҳақида.

### Биринчи шаҳарлик

Мен Брутининг гапларини эшитмоқни истайман.

### Иккинчи шаҳарлик

Мен Кассийнинг сўзларини тинглай, сўнгра уларнинг  
 Далилини бир-бирига солиштириб кўрамиз.

Аламоннинг ярмини эргаштириб, Кассий кетади.

Брут минбарга чиқади.

### Учинчи шаҳарлик

Олижаноб Брут чиқди минбарга. Жим бўлинглар!

## Брут

Тинчлик сақланг, мен сўзимни тамом қилгунга қадар. Римликлар, ҳамшаҳарлар ва дўстлар! Мен ўзимни оқламоқчиман, қулоқ солинг. Сўзларимни тинглаш учун тинчлик сақланг. Виждоним ҳаққи, менга инонинг ва менга инонмоқ учун виждонимни ҳурмат қилинг. Менинг ҳақимда ўз билганларингизча ҳукм юритинг ва яхши ҳукамо бўлиш учун ақлингизни қаттиқ ишга солинг.— Агар бу мажлисда Цезарни астойдил севган бирор одам бўлса, мен унга Брут Цезарни сендан кам севмас эди деб айта оламан. Ва агар у мендан, ахир Брут, қандай қилиб Цезарга қарши бош кўтарди деб сўраса, берадиган жавобим тайёр: мен Цезарни кам севганлигимдан эмас, балки, Римни кўпроқ яхши кўрганлигимдан исён кўтардим. Хўш, сиз нимани афзал кўрар эдингиз — Цезарь яшаса-ю, сиз ҳаммангиз қуларча ўлсангиз афзал бўлармиди ёки Цезарь ўлса-ю, сиз ҳаммангиз озод одамлар бўлиб яшасангиз афзал бўлармиди? Цезарь мени севарди — мен унга йиғлайман; у бахтиёр эди — мен унинг учун шодман; у довюрак эди — мен уни ҳурмат қиламан; аммо у шуҳратпараст эди — мен уни ўлдирдим. Шундай қилиб кўз ёши — унинг севгиси, шодлик — унинг бахти, ҳурмат — унинг довюраклиги, ўлим эса — унинг шуҳратпарастлигидир. Орангизда қул бўлишни истаган бирор олчоқ борми? Агар ундай одам бўлса, номини айтсин, чунки мен уни хафа қилдим. Бу ерда римли бўлишни истамаган биронта бефаросат борми? Агар бор бўлса исмини айтсин, негаки мен уни хафа қилдим. Орангизда, ўз ватанини севмайдиган бирор тубан киши борми? Бор бўлса — номини айтсин; мен уни хафа қилдим.—Жавоб кутаман.

## Шаҳарликлар

Унақа одам йўқ, Брут, ундай одам йўқ!

## Брут

Демак, мен ҳеч кимни хафа қилмабман. Сиз Брутга нисбатан қандай муомила қила олишингиз мумкин бўлса, мен ҳам Цезарга нисбатан фақат шундай муомила қилдим холос. Цезарь ҳалокатининг тарихи Капитолийда ёзилган: Цезарь хизматининг шуҳрати камайтирилган эмас; у ўлиши лозим бўлган жиноят ҳам оширилган эмас.

Цезарнинг жасадини кўтаришиб, Антоний ва бошқалар киришади.

Мана унинг жасадини олиб келишаётибди. Марк Антоний нутқ сўзлаб, Цезарга нисбатан ўзининг сўнги бурчини адо этмоқчи. Гарчи у, Цезарнинг қатлида иштирок этмаган бўлса ҳам, республикани идора қилишда ўзига муносиб ўрин эгаллаб, бу ўлимнинг манфаатидан баҳраманд бўлгусидир. Ҳа, бу ўлимдан ким манфаат кўрмайди дейсиз? Менинг сизга айтадиган охириги сўзим мана бу: агар ватан учун менинг ўлимим лозим бўлиб қолса, Рим манфаати деб, ўзимнинг энг яқин дўстимни қандоқ қилиб ўлдирган бўлсам, ўзимни ҳам худди шундоқ қилиб ва ўша ханжар билан ўлдираман.

## Аламон

Яша, бизнинг Брутимиз! Яша, яшай бер!

Биринчи шаҳарлик

Уни уйга дабдабалар билан элтамиз!

Иккинчи шаҳарлик

Унга ҳайкал ўрнатамиз ота-боболар

Ҳайкаллари ўртасида.

Учинчи шаҳарлик

У Цезарь бўлсин.

## Тўртинчи шаҳарлик

Цезардаги барча яхши фазилатларни  
Марк Брутга бахш этамиз.

## Биринчи шаҳарлик

Уни уйига

Кузатамиз шоду хуррам, тантана билан.

## Брут

Ҳамшаҳарлар!

## Иккинчи шаҳарлик

Секин! Брут сўзлай бошлади.

## Биринчи шаҳарлик

Диққат қилинг!

## Брут

Рухсат этинг, дўстлар, уйга кета қолай тинчгина.  
Илтимосим: Сизлар қолиб Антонийнинг нутқини  
Эшитинглар, у бизларнинг рухсатимиз бўйича  
Мақтамоқчи лозим қадар Цезарь хизматларини.  
Сиз бу билан ҳурматлайсиз Юлий Цезарь хокини,  
Марк Антоний ўз нутқини тамом қилгунга қадар  
Жойингиздан қимирламанг, менсиз қолинг, сўрайман.

## Биринчи шаҳарлик

Майли қолиб Антонийнинг сўзларини тинглайлик.

## Учинчи шаҳарлик

Биз тайёрмиз эшитишга, қани, чиқсин минбарга.—  
Марк Антоний, минбарга чиқ!

## Антоний

Брут ҳаққи, сизлардан  
Миннатдорман. (*Минбарга кўтарилади.*)

Тўртинчи шаҳарлик

Нима деди ўзи, Брут ҳақида?

Учинчи шаҳарлик

Брут ҳаққи, миннатдорман сиздан деди, шу холос.

Тўртинчи шаҳарлик

Қани, Брут тўғрисида бирор оғиз ёмон гап  
Айтиб кўрсин-чи у!

Биринчи шаҳарлик

Унда золим Цезарь бўларди.

Учинчи шаҳарлик

Ундан қутулгани учун Рим бахтиёр албатта.

Иккинчи шаҳарлик

Қани, нималар дер экан Марк Антоний? Жим бўлинг!

Антоний

Дўстлар!

Аламон

Диққат! Қулоқ солинг!

Антоний

Дўстлар, азиз римлилар,  
Сўзларимга қулоқ солинг! Мен, шубҳасиз, Цезарни  
Мақташ учун эмас, балки, кўмиш учун келганман.  
Ўзларидан кўпроқ яшар одамларнинг гуноҳи;

Хизматларин эса кўп вақт бирга қўшиб кўмамиз.  
 Цезарни ҳам, майли, худди шундай қила қолайлик.  
 Софдил Брут бизга уни шуҳратпараст деб айтди;  
 Агар шундай бўлса, бу кўп оғир гуноҳ ва Цезарь  
 Жуда оғир жазоланди шу гуноҳга яраша.  
 Мен Брут ҳам бошқаларнинг рухсатига биноан,—  
 Ахир Брут — жуда софдил, олижаноб одам-ку,  
 Бошқалар ҳам, о, ҳаммаси олижаноб кишилар,—  
 Мотам нутқи сўзлаб, ҳурмат қилмоқчиман Цезарни.  
 Юлий Цезарь менга содиқ ва ҳаққоний дўст эди,  
 Аммо Брут шуҳратпараст деб ҳисоблар у зотни,  
 Брут эса — жуда софдил, олижаноб бир одам.  
 Узи билан бирга Цезарь кўплаб асир келтирди,  
 Ва уларга товои олиб хазинани бойитди.  
 Унинг шуҳратпарастлиги шундан иборатмиди?  
 Агар гадо нола чекса, Юлий Цезарь йиғларди,  
 Бунчалик бўш бўлолмайди ҳеч вақт шуҳратпарастлар.  
 Аммо Брут шуҳратпараст деб ҳисоблар Цезарни,  
 Брут эса ғоят софдил, олижаноб бир одам.  
 Ҳамма кўрган, Луперкалий байрамида мен унга  
 Уч мартаба тож келтирдим, Цезарь эса уч гал ҳам  
 Тожни олмай рад этганди — шуҳратпарастликданми?  
 Аммо Брут шуҳратпараст деб ҳисоблар Цезарни,  
 Брут эса, сўзсиз, софдил, олижаноб одамдир.  
 Мен бу гапни Брут билан мунозара қилгани  
 Айтаётганим йўқ, фақат, билганимни гапирдим.  
 Бежиз эмас унинг бизга ғоят қиммат бўлиши:  
 Қани айтинг, йиғламаслик учун қандай сабаб бор?  
 О, сен идрок! Ҳайвонларга қочиб кетдинг чамаси,  
 Телба бўлиб ўз ақлидан адашибди одамлар.  
 Кечиринглар. Менинг жоним — Цезарь ётган тобутда;  
 Мен ўзимга келмоқ учун жим бўлишим лозимдир.

### Биринчи шаҳарлик

Назаримда сўзларининг жони борга ўхшайди.



## Иккинчи шаҳарлик

Ҳа, яхшилаб ўйлаб кўрсанг, маълум бўлар, Цезарни  
Жуда ноҳақ ўлдиришган.

## Учинчи шаҳарлик

Ҳа-да; унинг ўрнига  
Яна тагин ёмонроғи келмаса деб қўрқаман.

## Тўртинчи шаҳарлик

Сўзларини эшитдингми? Цезарь тожни олмабди,  
Ана сенга шуҳратпараст!

## Биринчи шаҳарлик

Агар шу гап рост бўлса,  
Улар бизга хун тўлайди.

## Иккинчи шаҳарлик

Э, аттаси, бечора!  
Кўз ёшидан кўзлар худди олов каби ёнмоқда.

## Учинчи шаҳарлик

Римда ундан ўтадиган олижаноб одам йўқ.

## Тўртинчи шаҳарлик

Диққат қилинг! Марк Антоний яна сўзлай бошлади.

## Антоний

Кеча Цезарь бир оғиз сўз билан бутун дунёни  
Остин-устун қила олур эди, энди бўлса-чи —  
У ётибди, ана, уни ҳурмат қилмас гадо ҳам.  
О, халойиқ, қалбингизда, ақлу идрокингизда,  
Агарда мен ёқа олсам исён оловларини,  
Шикаст берган бўлар эдим Кассий билан Брутга,—  
Ҳаммангизга маълум бўлган олижаноб зотларга.

Бу мўътабар одамларга шикаст бергандан кўра  
 Зарб берганим яхши сизга, ўзимга ва марҳумга.  
 Топиб олдим мен Цезарнинг сўнгги истаги билан  
 Унинг муҳри босилган бир жуда муҳим қоғозни.  
 Агарда халқ эшитолса бу қоғозда ёзилган  
 Унинг истак ва амрини,— кечирасиз, мен уни  
 Эълон қилмоқчи эмасман,— эшитолса, у чоқда  
 Бу мурданинг ярасини ўпар эди бегумон,  
 Рўмолини бўяр эди шу муборак қон билан,  
 Ва одамлар тилашарди унинг ҳар бир мўйини,  
 Уларига энг табаррук бир хотира қилгали,  
 Ва ўлганда, энг қимматли, энг мўътабар буюмдай,  
 Авлодига мерос қилиб қолдиргали бу мўйни.

### Т ў р т и н ч и   ш а ҳ а р л и к

Бизга Цезарь васиятин ўқиб бергил, Антоний!

### Ш а ҳ а р л и к л а р

Ўқи! Ўқи! Биз у хатни эшитмоқни истаймиз.

### А н т о н и й

Йўқ, дўстларим, ўқимайман хатни, ахир Цезарнинг  
 Сизни қандоқ севганини билиш нечун керакдир?  
 Ахир, сиз тош эмассиз-ку, тўнка эмас — одамсиз,  
 Унинг васияти эса одамларда ўт ёқиш,  
 Телба қилиш қудратига эга бўлган бир ҳужжат.  
 Агарда, сиз у, ўзининг меросхўрлари қилиб  
 Сизни тайинлаганини билиб қолсангиз, унда  
 Нима бўлар эди, ахир англайсизми, халойиқ!

### Т ў р т и н ч и   ш а ҳ а р л и к

Васиятни ўқи! Биз уни эшитишни истаймиз, Анто-  
 ний! Сен бизга унинг амрини — Цезарнинг хоҳишини  
 ўқиб беришинг керак.

## Антоний

Э, шошилманг, сабр қилинг! Чақки қилиб сизларга  
Васиятни айтиб қўйдим. Ханжар уриб Цезарни  
Улдиришган соф виждонли, олижаноб зотларга  
Зарар бериб қўймасам деб жуда хавотирдаман.

## Тўртинчи шаҳарлик

Улар олижаноб эмас, улар хонин ва муртад.

## Шаҳарликлар

Цезарнинг хоҳишини эшиттир! Васиятнини ўқи!

## Иккинчи шаҳарлик

Улар ёвузлар, қотиллар! Васият! Васиятнини ўқи!

## Антоний

Хатни ўқиб бер деб мени мажбур қилмоқчимисиз?  
Ундай бўлса давра олиб туринг жасад ёнида,  
Ва ҳам менга рухсат беринг, васиятнини кўрсатай.  
Пастга тушсам бўладими?

## Шаҳарликлар

Ҳа, тушавер!

## Иккинчи шаҳарлик

Туша қол!

## Учинчи шаҳарлик

Ҳа, сўраймиз!

*(Антоний миябардан тушади.)*

Давра олинг! Давра олинг илдамроқ!

## Биринчи шаҳарлик

Бир оз нари туринг, дўстлар, тобутдан! Кўп сиққиш-  
манг!

## Иккинчи шаҳарлик

Олижаноб Антонийга жой беринглар, жой беринг!

## Антоний

Жуда ҳам кўп сиқишманглар, кенгроқ олинг даврани!

## Шаҳарликлар

Орқага сурулинглар! Жой беринг!

## Антоний

Тўкиш учун тайёрланинг кўзингизда ёш бўлса.  
 Манов плаш — ҳаммангизга таниш. Менинг ёдимда  
 Биринчи бор Цезарь уни чодирيدا кийгани:  
 Ёзги оқшом пайти эди; Нервийларни<sup>1</sup> шу куни  
 Юлий Цезарь енгган эди. Қай Қассийнинг ханжари  
 Худди мана бу еридан тешиб ўтибди, қаранг!  
 Кўринг, ёвуз Қассий қандай катта тешик тешибди!  
 Манов ерга ханжар урган унинг азиз Брути!  
 У лаънати ханжарини тортиб олган маҳалда,  
 Цезарь қони тиф изидан ташқарига отилиб  
 Чиққан экан, мана кўринг, гўё чиқиб эшикка,  
 Наҳот Брут шунча дағал тақиллатса, деб уни  
 Текширмоқчи бўлган каби, ахир Брут Цезарга  
 Бир фаришта эди-ку; о, Цезарь уни нақадар  
 Севганини ҳаммангиз ҳам билардингиз, худолар!  
 Мана, энди, зарбаларнинг энг дағали, энг зўри  
 Марк Брутнинг зарби бўпти, мана кўринг, дўстларим.  
 Улуғ Цезарь Марк Брутнинг ханжарини кўрганда,  
 Кўрнамаклик хоинларнинг зарбидан ҳам оғирроқ  
 Зарба берди унга, буюк юрак бунга чидолмай  
 Пора-пора бўлди, Цезарь плаш билан юзини

Епиб Помпей ҳайкалининг оёғида жон берди,  
 Танасидан Помпей қони оқар экан тирқираб.

<sup>1</sup> Нервийлар — қабилянинг номи.

Биродарлар, бу ҳалокат кўп даҳшатли ҳалокат!  
Сиз билан биз, ҳаммамиз ҳам Цезарь билан бир қатор

Ҳалокатга учраганмиз, қонли хиёнатларга  
Устимиздан ўз ҳукмини юргизишга йўл бериб,  
Ҳа, нимага ёш тўқасиз? Алам қоплаб олдимиз?  
Бу шафқатли юракларнинг бебаҳо кўз ёшлари!  
Тилка-тилка бўлган либос мажбур этди йиғлашга!  
Мана бизнинг Цезаримиз: Қаранг унинг ўзига,  
Қийма-қийма қилган уни хиёнатнинг ханжари!

### Биринчи шаҳарлик

О, нақадар даҳшатли манзара!

### Иккинчи шаҳарлик

О, олижаноб Цезарь!

### Учинчи шаҳарлик

Машъум кун!

### Тўртинчи шаҳарлик

Хоинлар, ёвузлар!

### Бешинчи шаҳарлик

О, қонли манзара!

### Иккинчи шаҳарлик

Қасос! Қасос!

### Шаҳарликлар

Қасос! Олға! Уларни ахтаринг! Тору мор этинг!  
Ёндирунгни! Улдирунгни! Сўйингни! Биронта хоин ҳам тирик  
қолмасин!

### Антоний

Ҳамшаҳарлар, шошманглар!

### Биринчи шаҳарлик

Жим! Жим! Олижаноб Антонийга қулоқ солинг.

### Иккинчи шаҳарлик

Биз унинг сўзларига қулоқ соламиз, биз унинг орқасидан борамиз, биз у билан бирга ўламиз!

### Антоний

Азиз дўстлар, истамайман, сизни дарҳол, тўсатдан Қўзғолоннинг у омонсиз гирдобига тортишни. Ҳа, бу ишни обрўйи зўр улур зотлар қилишган. Мен уларнинг қандай шахсий алами бор, билмайман, Аммо улар фаросатли ва муҳтарам одамлар, Ва сизларга тўла ҳисоб беришади, шубҳасиз. Қалбингизни эгаллай деб келганим йўқ бу ерга, Гапга нотик эмасман мен Марк Брутга ўхшаган, Балки, маълум бўлганидай ҳаммангизга, тўғри сўз, Садоқатли дўстман холос. Сўзлашимга не учун Улар рухсат беришдилар, чунки менинг сўзимда, Халқ қалбига ўт солувчи эҳтирос ҳам, куч ҳам йўқ. Ҳа, мен фақат ҳақиқатгўй бир одамман, сўзларим Ўзингизга маълум бўлган сўзлар холос. Мен сизга Ўз дўстимнинг ярасини — бахтсиз, унсиз оғзини Кўрсатмоқдаман, шугина. Мен буларни, шубҳасиз, Сўздан афзалроқ кўраман. Агар Брут мен бўлиб, Мен ҳам Брут бўлганимда — қалбингизга ўт солиб, Ҳар ярага биттадан тил бериб, Римнинг тамоми Тошларини яраларнинг тили билан исёнга Ундар эдим, кўтарардим хонларга ўлим деб.

### Шаҳарликлар

Биз исён кўтарамиз!

### Биринчи шаҳарлик

Брутнинг уйига ўт қўямиз!

## Учинчи шаҳарлик

Олга! Фитначиларни ахтариб топамиз!

## Антоний

Биродарлар! Ҳамшаҳарлар! Қулоқ солинг сўзимга!

## Шаҳарликлар

Жим бўлинглар! Қулоқ солинг Антонийнинг сўзига!

## Учинчи шаҳарлик

Олижаноб Антонийнинг гапларини эшитинг!

## Антоний

Нима қилмоқчисиз, уни ўзингиз ҳам билмайсиз.  
Нима билан севгингизга Цезарь бўлди сазовор?  
Йўқ, сиз буни мендан билиб олишингиз лозимдир:  
Васиятни ёдингиздан чиқардингиз, дўстларим,

## Шаҳарликлар

Тўғри! Васият! Тўхтаглар! Васиятни эшитинглар.

## Антоний

Васиятда муҳр билан тасдиқланиб айтилган:  
Юлий Цезарь буюк Римнинг барча аҳолисига,  
Киши бошига етмиш беш драҳмадан<sup>1</sup> ҳисоблаб  
Мерос қолдирган,— шундай деб васиятда ёзилган!

## Иккинчи шаҳарлик

Улуғ Цезарь, бизлар сенинг қасосингни оламиз.

## Учинчи шаҳарлик

Буюк Цезарь!

## Антоний

Сўзларимни сўнгигача эшитинг!

<sup>1</sup> Драхма — Юнон пули.

## Шаҳарликлар

Жим бўлинглар!

Антоний

Ундан бўлак, яна тагин ҳаммангизга далалар,  
Тибр ёнидаги янги боғлар, шийпонларини  
Мерос қилиб қолдирди у, барчаси у ерларда  
Шоду ҳуррам истироҳат қилиб, яйраб юрсин деб.  
Цезарь мана шундай эди! Ким босади ўрнини?

Биринчи шаҳарлик

Ҳеч ким! Ҳеч ким! Қани юринг! Юринг тезроқ, чақ-  
қонроқ!

Жасадини куйдирамиз муқаддас бир ўринда,  
Хоинларнинг уйларига ўт қўямиз. Қани, ҳой,  
Қўтаринглар жасадни тез!

Иккинчи шаҳарлик

Олов олиб келинглар!

Учинчи шаҳарлик

Курсиларни синдириглар!

Тўртинчи шаҳарлик

Дераза-ю, эшиклар.

Ҳаммасини синдириглар, ўтин қилиб ёқамиз!

Аламон Цезарнинг жасадини олиб кетади.

Антоний

Ана энди иш юришди! Ҳа, исён, сен қўзғалдинг.  
Тўғри келган томонингга қараб қадам ташлай бер!

Хизматчи киради.

Хўш нима гап, қани, гапир?



Хизматчи

Хўжам, келди Октавий.

Антоний

Қаерда у?

Хизматчи

Лепид билан бирга Цезарникида.

Антоний

Мен ҳам борай. У ҳам жуда ўз вақтида келибди.  
Бизга қараб кулди тақдир илоҳаси. Энди биз  
Эришамиз ҳаммасига нимакин истасак.

Хизматчи

У кўрибди, Брут билан Кассий озиб ақлдан  
Римнинг дарбозаларидан чиқа солиб қочибди.

Антоний

Демак, билишибдилар-да, халқни кўтарганимни.  
Энди мени Октавийнинг ҳузурига олиб бор.

Кетишади.

### УЧИНЧИ САҲНА

Цинна-шоир киради.

Цинна-шоир

Туш кўрибман, тушимдамиш Цезарь билан икки-  
миз Зиёфатда юрганмишимиз; мени машъум фикрлар  
жуда нотинч қилмоқдалар. Уйдан чиққим йўқ эди,  
аммо нималардир мени судраб чиқди кўчага.

Шаҳарликлар киришади.

Биринчи шаҳарлик

Отинг нима?

Иккинчи шаҳарлик  
Қаёққа боряпсан?

Учинчи шаҳарлик  
Қаерда яшайсан?

Тўртинчи шаҳарлик  
Хотининг борми ё бўйдоқмисан?

Иккинчи шаҳарлик  
Ҳар қайсимизга ҳам тўғри жавоб бер.

Биринчи шаҳарлик  
Аmmo қисқача.

Тўртинчи шаҳарлик  
Лекин бамаъни қилиб.

Учинчи шаҳарлик  
Ҳа, ростини айт, бўлмаса ёмон бўлади.

#### Цинна-шоир

Отим нима? Қаёққа бораётибман? Қаерда яшайман? Хотиним борми ё бўйдоқманми?—Ҳа, хўп, ҳар бирингизга тўғри ва қисқа, бамаъни ва рост жавоб бермоқ учун бамаъни жавоб бериб қўя қолай: бўйдоқман.

#### Иккинчи шаҳарлик

Бу: ким хотинлик бўлса, у аҳмоқ деган гап билан баравар. Бу гапинг учун мендан бир мушт емасанг эди деб қўрқаман. Давом эт, тўғри жавоб бер.

#### Цинна-шоир

Тўғриси: Цезарни қўмиш маросимига бораётибман.

## Биринчи шаҳарлик

Дўст сифатидами ё душман сифатидами?

## Цинна-шоир

Дўст сифатида.

## Иккинчи шаҳарлик

Бунга тўғри жавоб берди.

## Тўртинчи шаҳарлик

Қаерда яшайсан? Қисқароқ.

## Цинна-шоир

Қисқароқ: Капитолий яқинида яшайман.

## Учинчи шаҳарлик

Отинг нима? Рост айт.

## Цинна-шоир

Рости: Мени шоир Цинна дейдилар.

## Биринчи шаҳарлик

Парча-парча қилиб ташланг! У фитначи.

## Цинна-шоир

Мен — шоир Циннаман, мен — шоир Циннаман!

## Тўртинчи шаҳарлик

Ёмон шеърлари учун уни парчалаб ташланг; парчалаб ташланг!

## Цинна-шоир

Мен фитначи Цинна эмасман.

## Тўртинчи шаҳарлик

Барибир унинг номи Цинна. Бу номни унинг юрагидан суғуриб ташлайлик, гумдон бўлсин.

## Учинчи шаҳарлик

Бўлак-бўлак қилиб ташла, бўлак-бўлак қил!

*(Циннага ташланиб, уни ўлдиришади.)*

Косовни бу ёққа бер! Ениб турган косовни! Брут учун! Кассий учун! Ҳаммасини ёндириг! Бирингиз Децийнинг уйига, бошқангиз—Кассийнинг уйига; Учингиз—Лигарийнинг уйига боринг! Қани, кетдик!

Кетишадь.

## IV ПАРДА

### БИРИНЧИ САҲНА

Рим. Антоний уйида бир хона.  
Антоний, Октавий ва Лепид стол атрофида  
утиришибди.

Антоний

Шундай қилиб рўйхатда чизилганлар ўлади.

Октавий

Шундай, Лепид, сенинг аканг ҳалок бўлиши лозим.  
Розимисан?

Лепид

Ҳа, розиман.

Октавий

Чизиб қўйгин уни ҳам, Антоний.

Лепид

Шу шарт билан, Марк Антоний, синглингнинг ўғли  
ҳам. Яъни жиянинг Публий ҳам, ўлишлиги керакдир.

Антоний

Хўп. Уни ҳам, мана, ўзим топшираман ўлимга.  
Сен Цезарнинг уйига бор, васиятни олиб кел,  
Хўпми Лепид. Унинг баъзи ерларини қай хилда  
Қисқартириш тўғрисида фикрлашиб олайлик.

## Лепид

Сиз шу ерда бўласизми?

## Октавий

Агар кетгундак бўлсак  
Капитолийда бўламиз.

Лепид кетади.

Ношуд, бефаҳм бир одам.  
Фақат югурдакликкина унга тўғри келади.  
У эгаллай олармиди учдан бирин жаҳоннинг?

## Октавий

Ўзинг шундай дединг-ку, сўнг махфий кенгашимизда  
Моли-мулки мусодара қилинажак зотларнинг  
Рўйхатини тузиб у ҳам эга бўлди овозга.

## Антоний

Мен дунёда сендан кўпроқ яшаганман. Елкадан  
Айбнинг оғир юқларини олиб ташламоқ учун  
Бу фахрли вазифани унга ҳавола қилдик:  
Майли Лепид, худди олтин юклатилган эшакдек  
Таший берсин уни терлаб, куйиб-пишиб, майлига,  
Хоҳлайдими, йўқми, бизлар белгилаган йўл билан  
Юкимизни биз истаган жойга олиб боради,  
Сўнгра ҳайдаб юборамиз, юкни олиб устидан,  
Майли, кейин, эшак каби шалпайтириб қулоғин,  
Утлай берсин пичанзорда.

## Октавий

Майли. Аммо, ҳар ҳолда,  
У жуда кўп синовлардан ўтган, ботир жангчидир.

## Антоний

Худди менинг отим каби: шунинг учун мен унинг  
Ем-хашаги тўғрисида кўп раҳмхўрлик қиламан;

Уни ўзим ўргатганман жангга, тикка қарашга,  
 Чопиб кетатуриб бирдан шартта тўхтаб қолишга,  
 Барча ҳаракатда менга бўйсунишга. Лепид ҳам  
 Худди ўша отга ўхшар, шаксиз маълум маънода —  
 Уни ҳам кўп чопиш керак ва ўргатиш лозимдир.  
 Истеъдодсиз бир одам у! Унинг еми — сарқитдир.  
 У ҳар кимга фақатгина тақлид қилади холос,  
 Эскиб қолган гаплар унга янги бўлиб туюлар,  
 У биз учун қурол бўлиб хизмат қилур — вассалом.  
 Хўп, Октавий, гаплашайлик энди муҳим гаплардан.  
 Брут билан Қассий иков аскар тўпламоқдадир.  
 Биз уларни тез тору мор қилишимиз лозимдир.  
 Шунинг учун ўзимизга иттифоқчилар тўплаб,  
 Ишга солишимиз керак ҳамма воситаларни,  
 Ҳамда зудлик билан йиғиб барча дўстларимизни  
 Қандай қилиб ёвнинг очиқ таҳдидини даф этиш,  
 Ва яширин мақсадларини ошкор қилиш ҳақида  
 Маслаҳатлашиб олайлик.

### О к т а в и й

Бизлар худди устунга

Боғлаб қўйилган айиққа ўхшаймиз, ҳа, бизларни  
 Беҳисоб ёв қуршаб олган. Қўрқаманки, уларнинг  
 Табассумлари остида қаҳру ғазаб яширинган.

(Кетишади.)

### ИККИНЧИ САҲНА

Сарди<sup>1</sup> яқинида, Брут чодирини олдидаги қароргоҳ.  
 Ноғоралар чалинади. Бир томондан Брут, Люцилий,  
 Люций ва аскарлар, иккинчи томондан — Титиний ва  
 Пиндар киришади.

Брут

Эй, тўхта!

<sup>1</sup> Сард — Кичик Осиёда қадимий бир шаҳар, Лидия мамлакатининг пойтахти.

Люцилий

Тўхта! Махсус белгини айт.

Брут

Люцилий, айт, яқинлашиб қолдимикан Қай Кассий?

Люцилий

Икки қадам қолди холос, ана Пиндар Кассийдан  
Бизга салом олиб келди.

Брут

Уз вақтида, жуда соз.  
Билолмадим,— сенинг хўжанг, Пиндар,— айниб қол-  
димни,

Еки унинг буйруғини бузиб етказишдимни,  
Аммо унинг қилган иши хийла афсусланишга  
Асос берди менинг учун. Аммо ўзи яқинлаб  
Қолган бўлса ҳадемасдан равшан бўлур ҳамма гап.

Пиндар

Аминманки дилкаш Кассий сизнинг ҳузурингизга  
Қандоқ бўлса худди шундай, яъни бардам, сергайрат  
Олижаноб сифатида келгусидир, инонинг.

Брут

Инонаман, ҳеч шубҳасиз.— Бери кел-чи, Люцилий.

(Унга секин.)

Хўш, у сени қай таҳлитда кутиб олди, айтиб бер.

Люцилий

Одоб билан ва етарли лутфу эҳтиром билан;  
Аммо унинг сўзларида аввалгидай сарбастлик,  
Очқ-ойдин самимият ва ҳарорат йўқ эди.



## Брут

Илгариги ҳарорати аммо кейин совиган,  
 Дўстимизни жуда яхши тасвир қилиб бердинг сен.  
 Ҳа, Люцилий: севги сўлиб, хасталана бошласа  
 Совуққина эҳтиромга айланади. Самимий  
 Садоқатга бегонадур муғомбирлик, айёрлик;  
 Ҳа, ёлғончи одам — худди осов отга ўхшайди:  
 Аввал мағрур қадам ташлаб мафтун этар ўзига,  
 Аммо уни қон чиққунча қамчиласанг қибрдан  
 Дарҳол тушиб жуда аянч кашанг бўлиб қолади.  
 Қўшин билан келмоқдами биз томонга Кай Кассий?

## Люцилий

Қўшин катта, бугун тунаб қолинади Сардида,  
 Ўзи эса суворийлар билан бирга йўл олган  
 Биз томонга қараб.

*(Саҳна орқасидан марш эшитилади.)*

## Брут

Ана! Келиб қолди ўзи ҳам.  
 Қани, аста, шошилмасдан пешвоз чиққил йўлига.

Аскарлар билан бирга Кассий киради.

## Кассий

Ҳей, тўхта!

## Брут

Тўхта, ҳей, тўхташга буйруқ бер.

*(Овозлар.)*

1-аскар

Тўхта!

2-аскар

Тўхта!

## 3-а скар

Тўхта!

## Кассий

Олижаноб биродарим, мени хафа қилдинг сен.

## Брут

О, худолар, сиз гувоҳсиз!— Мен ҳаттоки ёвни ҳам Хафа қилган зот эмасман, наҳотки мен дўстимни хафа қилган бўлсам?!

## Кассий

Брут! Сен вазминлик остига Ғазабингни яширгансан, агарда сен мени...

## Брут

Бас!

Овозингни кўп кўтарма. Сени биламан, Кассий. Ҳар иккимиз қўшинларнинг ҳузурида баҳслашиб Утирмайлик, яқдилликнинг намунаси бўлайлик. Қўшинингга буйруқ бергил пича нарироқ кетсин. Чодиримда юрагингни пича ёзиб оласан; Сўзларингни диққат билан эшитишга тайёрман.

## Кассий

Ҳой, Пиндар! Айт, бошлиқларга отрядларни нарироқ олиб кетсинлар.

## Брут

Люцилий, сен ҳам худди шундай қил. Ҳа Люцилий Титиний, сиз, кенгаш бораётганда, Зинҳор, менинг чодиримга киргизманглар ҳеч кимни.

Кетишади.

## УЧИНЧИ САҲНА

Брутнинг чодир.  
Брут билан Кассий киради.

Кассий

Сендан хафа бўлган жойим мана бундан иборат:  
Пора олганлиги учун Люций Пелла Сардида  
Уни қаттиқ жазолабсан. Пелла — менинг оғайним;  
Мен хатимда сўраб эдим сендан уни кечир деб,  
Аmmo менинг хатларимни эътиборсиз қолдирдинг.

Брут

Уша хатни ёзиб ўзинг хафа қилдинг ўзингни.

Кассий

Бунақанги нозик пайтда арзимаган гапга ҳам  
Ҳадеб эътибор беришлик ярамайди.

Брут

Менинг ҳам

Гапларимга қулоқ бергил, тамагарлигинг учун  
Сени қаттиқ қоралайман, ҳа, сен Кассий, пул олиб  
Мансабларни номуносиб одамларга сотасан.

Кассий

Мен — тамагар! Онт ичаман, Брут бўлмаганингда  
Худо хаққи, бу сўз сенинг сўнгги сўзинг бўларди.

Брут

Кассий номи иллат учун — қалқон эрур ва бу ном  
Сени, дўстим, жазолардан сақламоқда.

Кассий

Жазодан!

## Брут

Эсингга ол иди Мартни — ўша улуғ айёмни.  
 Ахир, дўстим, улуғ Цезарь ўша адолат ҳаққи  
 Улдирилган эмасмиди? Бирор олчоқ бормиди  
 Уша чоқда адолат деб унга ханжар урмаган?  
 Ахир, бизлар, ўғриларга ёнбосганлиги учун  
 Уша улуғ, олий зотни ҳалок этмаганмидик?  
 Наҳотки биз эндиликда яхши хизматимизни  
 Арзимаган пулга сотиб қўлимизни булғасак?  
 Бунақанги римли бўлиб бош кўтариб юргунча  
 Бир ит бўлиб ойга қараб ҳурмак минг бор яхшироқ!

## Кассий

Брут, мени бунча хўрлаб, кўп ҳам ошма ҳаддингдан,  
 Мен бунга ҳеч чидолмайман. Жангчи сифати билан  
 Сендан кўра улуғроқман; бинобарин, мен кўпроқ  
 Шарт қўйишга ҳақлиман.

## Брут

Йўқ, сен унақа эмассан.

## Кассий

Шунақаман!

## Брут

Йўқ, унақа эмассан!

## Кассий

Ғазабимни кўп қўзғама, бир кори-ҳол бўлмасин.  
 Эҳтиёт бўл ўзингга, ҳа, овозингни ўчиргил.

## Брут

Йўқол нари, э нотаваон.

## Кассий

Нима? Нималар дединг?

## Брут

Нима десам ҳаммасини эшитишга мажбурсан.  
Телбаларнинг ғазабидан қўрқиб чекинмайман ҳеч.  
Сенинг ваҳший қарашларинг мени қўрқитолмайди.

## Кассий

О, худолар! Бу гапларга қандоқ қилиб чидайман!

## Брут

Бу ҳали оз, бу ҳолвася.  
То такаббур қалбинг тамом ёрилгунча телбалам.  
Бундай дағдағалар билан қулларингни қўрқитгил.  
Мен ўзимни хўрлармидим? Ё бемаъни жаҳлингни  
Кўрган они хушомад-ла эгармидим бошимни?  
Мен қасамёд қиламанки, ғазабингнинг захрини  
Фақат ўзинг шимирасан қалқисанг ҳам, ўлсанг ҳам.  
Бундан буёқ сен мен учун — ғазабланган чоғингда,  
Эрмак бўлиб қоласан.

## Кассий

Ҳо, гап шунгача етдим!

## Брут

Сен ўзингни жуда яхши жангчима деб атадинг,—  
Ундай бўлса бу мақтовни оқла, ахир, амалда.  
Мени хурсанд қилар эдинг. Мен ўзимдан афзалроқ  
Одамлардан ўрганишга жоним билан тайёрман.

## Кассий

Ноҳақсан кўп масалада, Брут, менга нисбатан!  
Мен ўзимни яхши эмас, ёшим улуғроқ дедим.  
Хўш, «яхшиман» деганмидим?

## Брут

Дедингни, йўқ, барибир.

К а с с и й

Мени бунча хўрлолмасди ҳатто Юлий Цезарь ҳам.

Б р у т

Қўй, гапирма! Сен ҳеч қачон журъат эта олмасдинг  
Цезарь билан бунақанги муомила қилишга.

К а с с и й

Журъат эта олмас эдим?

Б р у т

Этолмасдинг.

К а с с и й

Наҳотки,  
Журъат этолмасдим шундай муомила қилишга?

Б р у т

Ҳа, қасамёд қиламанки, журъат эта олмасдинг.

К а с с и й

Сенга бўлган ҳурматимни сунистеъмол этма,  
Сўнг пушаймон бўладиган бир иш қилиб қўймайин.

Б р у т

Қилмишингдан пушаймон бўл! Сенинг қаҳру ғазабинг  
Мени ҳеч вақт кўрқитолмас. Улар худди ел каби  
Утиб кетар. Мен уларни ҳеч сезмайман. Чунки мен  
Номус, виждон туйғулари билан қуролланганман.  
Олтин сўраб ҳузурингга одам юборган эдим,—  
Берганинг йўқ. Мен уларни тўплаш учун ҳар қандай  
Ифлос воситалар қўллаб тубанликка бормаيمان.  
Дехқонларнинг чақасини шўрлик қадоқ қўллардан  
Авраб олганимдан кўра, юрагимни пул қилиб  
Сўқсам яхши бўлмайдими ва ҳар томчи қонимни  
Драхмага айлантирсам минг бор афзал эмасми?

Аскарларга тўлаш учун пул сўрасам бермадинг.  
 Шу иш сендан лозиммиди, қани Қассий, ўзинг айт?  
 Мен шунақа муомила қилармидим Қассийга?  
 Агар Брут, қандайдир бир ифлос пулни дўстидан  
 Аяйдиган даражада хасис бўлиб қолса-чи,—  
 О, худолар, майли барча чақмоғингиз Брутнинг  
 Юрагини тешиб ўтсин, кўкрагини қилиб чок!

Қ а с с и й

Талабингни рад қилганим йўқ-ку.

Б р у т

Елгон гапирма!

Қ а с с и й

Рост айтаман! Аҳмоқ чопар сенга менинг сўзимни  
 Бузиб етказибди. Брут, парчаладинг қалбимни!  
 Биз дўстларнинг нуқсонини кечиршишимиз лозим,  
 Сен-чи, менинг нуқсонимни кўп ошириб юбординг.

Б р у т

Мени қаттиқ хафа қилиб қўйганлигинг сабабли.

Қ а с с и й

Мени севмайсан.

Б р у т

Севмайман сенинг нуқсонларингни.

Қ а с с и й

Ҳақиқий дўст бунақанги нуқсонларни сезмайди.

Б р у т

Хушомадгўйгина сезмас, ҳаттоки у нуқсонлар  
 Худди Олимп тоғи қадар катта бўлганида ҳам.

## К а с с и й

Бунда келинг, бунда келинг, эй, Антоний, Октавий,  
 Қасос олинг мендан! Кассий жуда тўйди жонидан.  
 Уни ёмон кўрар дўсти, биродари ранжитди,  
 У қулларча таҳқирланди. Унинг ҳар бир гуноҳи  
 Текширилган, қайд этилган ва ёзилган мукаммал,  
 Таъна билан, айтилиши мумкин ҳар чоқ юзига.  
 Фарёд чекиб, алам билан ўлишликка розиман.  
 Мана олинг ханжаримни, кўкрагимни очаман.  
 Бу кўкракда яширингандир олтинлардан қимматроқ,  
 Плутоснинг<sup>1</sup> бойлигидан афзал бўлган бир юрак.  
 Мен шу юрагимни, ўша, сенга бера олмаган  
 Олтинларнинг эвазига бериш учун тайёрман.  
 Ол қалбимни, ол, бўлмаса сени римли демайман!  
 Ханжарингни кўксимга ур, урганигдай Цезарга.  
 Жуда аниқ биламанки, ҳатто ўша дамда ҳам  
 Мендан кўра Цезарни сен кўпроқ яхши кўрадинг.

## Б р у т

Ханжарингни қинига сол! Истаганча ғазаблан  
 Валокин мен пинагимни бузмайман ҳеч. Бу билан  
 Сен ўзингнигина, дўстим, кўп шарманда қиласан.  
 О, Кай Кассий, қўзичоққа ишинг тушган: кўзида  
 Чақмоқтошдаги оловдан кўпроқ олов бўлмайди,  
 Қайта-қайта сўксанг бир оз учқун чиқаради-ю  
 Яна дарҳол совуб қолар.

## К а с с и й

О, наҳотки Кай Кассий,  
 Қонидаги туғёнларни босолмаган бир пайтда,  
 Марк Брутга эрмак бўлиш учун яшаганмиди?

<sup>1</sup> Плутос — Қадимий Юнон мифологиясида бойлик худоси.



Брут

Сўзда мен ҳам енгилтаклик қилар эдим бир маҳал.

Кассий

Ҳа, хайрият ҳеч бўлмаса шуни эътироф қилдинг.  
Қани менга қўлингни бер!

Брут

Қалбимни ҳам.

Кассий

О, Брут!..

Брут

Сенга нима бўлди, Кассий?

Кассий

Қизиққонлик онамдан  
Менга мерос бўлиб қолган. Мени севсанг жаҳлимга  
Чидайдиган даражада бўлиб севгин.

Брут

Хўп, Кассий.

Бундан буёқ, мени сўккан Кассий эмас, онаси  
Дея фараз қиламан-у кечираман барини.

Шоир

(Саҳна ортидан.)

Лашкарбошилар олдига кирмоқчиман, йўл беринг!  
Улар жанжаллашмоқдалар, ёлғиз қўйиб бўлмайди.

Люцилий

(саҳна ортидан)

Йўл бермайман!

**Ш о и р**

(Саҳна ортидан.)

Фақатгина ўлим мени тўхтатур!

Ш о и р чодирга чопиб киради. Орқасидан — Л ю ц и л и й.  
Т и т н и й ва Л ю ц и й л а р киришади.

**К а с с и й**

Хўш, нима гап? Нега келдинг?

**Ш о и р**

Уят, лашкарбошилар!

Нима бўлди? Мен сизларни муросага, дўстликка  
Чақираман. Сўзларимга қулоқ солинг, мен, ахир,  
Сиздан кўра бир кўйлакни олдин фиртган одамман.

**К а с с и й**

Ҳа-ҳа! Шоир, қофиянгнинг мазаси йўқ бу сафар!

**Б р у т**

Бу қанақа дағал одам! Йўқол нари бу ердан!

**К а с с и й**

Хафа бўлма, шунақароқ бу шоирнинг одати.

**Б р у т**

Валокин у ўз ўрнини билмас экан. Урушда  
Бизнинг нима ишимиз бор бундай аҳмоқлар билан?  
Қани, адаш, тез жўнаб қол!

**К а с с и й**

Ҳа, кета қол, кета қол!

**Ш о и р** кетади.

**Брут**

Қани, Люцилий, Титиний! Хабар қилинг, бошлиқлар  
Одамларни ухлаш учун тезроқ жойлаштирсинлар.

**Кассий**

Сўнгра Мессалани олиб дарҳол ҳузуримизга  
Қайтиб келинг.

Люциий ва Титиний кетишади.

**Брут**

Қани, Люций, менга бир оз шароб бер.

Люциий кетади.

**Кассий**

Мен бунчалик газаблана олишингни билмасдим,

**Брут**

Дўстим, Кассий, ҳисоби йўқ аламлардан хастаман,

**Кассий**

Фалсафангни унутибсан, енгилибсан гаьлардан.

**Брут**

Ғам кимни ҳам енгмас дейсан? Вафот этди Порция.

**Кассий**

Нима, нима? Порция?!

**Брут**

Вафот этди бечора.

**Кассий**

Қандай қилиб ўлмади қолдим худди шундай бир пайтда  
Сенга қарши ҳужум қилиб? О, бу офир мусибат!  
Хастамиди?

Брут

Хаста бўлти, Антоний ва Октавий  
Кучайшиб кетгандан сўнг, ҳамда мени соғиниб,  
Ақлу ҳушдан озибди-ю, чўғ ютибди, бечора.  
Бу иккала шум хабарни битта чопар келтирди.

Кассий

Шундай ҳалок бўлибдими?

Брут

Ҳа.

Кассий

Худолар, худолар!

(Шароб ва шам кўтариб Люций киради.)

Брут

Етар ортиқ у тўғрида гаплашмайлик — май беринг!—  
Мен шу майга барча низоларимизни фарқ этай.

Ичади.

Кассий

Қани, Люций, менга ҳам май қуйгил коса тўлдириб:  
Марк Брутнинг муҳаббати учун қанча ичмайин,  
Барибир ҳеч қонолмайман, доим унга ташнаман.

Ичади.

Брут

Титиний, кир!

Люций кетади.

Титиний билан Мессала киради.

Салом сенга, азиз дўстим Мессала!  
Қани энди шамга яқин ўтирайлик ҳаммамиз  
Ва келгуси ишимизни муҳокама қилайлик.

К а с с и й

О, Порция!

Б р у т

Утинанман, сўзни бас қил у ҳақда.—

Мессала, Марк Антоний ҳам ёш Октавий каттакон  
Қўшин тортиб бизга юриш бошлаган эмиш,  
Ва Филиппга қараб тўғри келаётган эмишлар.  
Мен бу ҳақда мактуб олдим.

М е с с а л а

Мен ҳам шундай хат олдим.

Б р у т

Яна қандай хабарлар бор?

М е с с а л а

Октавий, Марк Антоний

Юзга яқин сенаторни қатл этибди, уларни  
Фитначи деб алоҳида рўйхатга олишиб.

Б р у т

Бу ҳақдаги маълумотлар бир-бирдан фарқ этар.  
Етмиш қурбон бор дейилган менга келган мактубда.  
Ва буларнинг орасида Цицерон ҳам бор эмиш.

К а с с и й

Цицерон ҳам?

М е с с а л а

Ҳа, Цицерон ҳалок бўлди. Уни ҳам  
Қонундан тишда дея эълон қилишганмиш. Соҳибим,  
Хат ёзгани йўқми сенга марҳаматли рафиқанг?

Б р у т

Йўқ.

## Мессала

Таажжуб.

## Брут

Нега бундай савол бердинг? Ва ёки  
Сенга биров бирор нарса ёзганмиди у ҳақда?

## Мессала

Йўқ, соҳибим.

## Брут

Агарда сен римли бўлсанг, тортинмай  
Барча ҳақиқатни менга очиқ-ойдин айтиб бер.

## Мессала

Сен ҳам римли сифатида шум хабарга чидагил:  
Ўз-ўзини ҳалок этди сенинг ҳалол рафиқанг.

## Брут

Алвидо, о, Порция! Биз ҳаммамиз ҳам ўламиз.  
Жоним, сенинг бошингда ҳам битта ўлим бор эди,  
Бу зарбага чидашимга куч беради шу фақир.

## Мессала

Худди шундай улуғ қалблар улуғ мусибатларга  
Бардош бера оладилар, ўзларини йўқотмай.

## Кассий

Гарчи дилда мен ҳам шундай бир файласуф бўлсам-да  
Аммо, маҳкам тутолмайман мен ўзимни бунчалик.

## Брут

Қани гапни тирикларга кўчирайлик, бўлмаса.  
Зудлик билан Филипп томон боришимиз керакми?

## К а с с и й

Керак эмас.

## Б р у т

Нима учун, сабабини айтиб бер?

## К а с с и й

Майли, душман бизни излаб юра берсин яхшиси,  
 Ўз кучини, маблағини беҳудага сарф этиб.  
 Бизлар эса жойимиздан нари-бери қўзғалмай  
 Кучимизни сақлаймизу бардам бўлиб турамиз.

## Б р у т

Яхши далил йўл беради ўзидан соз далилга.  
 Бу ердан то Филиппгача халқ бизга бўйсунди,  
 Валокин ўз ихтиёри билан эмас: чунки халқ  
 Жарималар, солиқлардан ғазабланган жуда ҳам.  
 Агар душман шу ерлардан ўтса, биздан норози  
 Бўлишганлар улар билан қўшилиши мумкиндир,  
 У чоқда ёв кучаярди бу аҳволдан руҳланиб.  
 Биз ёвни бу афзалликдан, шаксиз, маҳрум этамиз  
 Филипп яқинида шартта қирқиб унинг йўлини,  
 Норозилар эса унинг орқасида қолади.

## К а с с и й

Дўстим, қулоқ сол...

## Б р у т

Шошмай тур, тамом қилай сўзимни.—  
 Ҳа, шуни ҳам билинларки, барча дўстларимизни  
 Тўплаб олдик, қўшинимиз беками кўст, мукаммал,  
 Куч-қувватга тўлиб турган бир пайтимиз, ёв эса  
 Кундан-кунга ўсмоқдадир, фурсат қўлдан кетмасин.  
 Одамларнинг ишида ҳам худди денгиздагидай

Кўтарилиш, тошиш пайти бўлур, бу пайт уларни  
 Суръат билан бахтга элтар, фурсат ўтмаган бўлса,  
 Агар бу хол юз бермаса, одамларнинг ҳаёти  
 Бутун умр саёзликда, бадбахтликда ўтади.  
 Биз шу пайтда тўлқинларнинг чўққисида турибмиз.  
 Бизга хизмат қиладиган оқим билан бирлашиб  
 Оқишимиз керак, йўқса бахтни қўлдан берамиз.

### К а с с и й

Ундай бўлса, қани олға! Мен ҳам лашкарларимни  
 Тўғри Филипп яқинига олиб боравераман.

### Б р у т

Мана, кенгаш тугагунча тун ҳам кириб қолибди.  
 Ҳа, одамни заруратга бўйсундирар табиат,  
 Жиндак ухлаб қарзимизни ўтай қолайлик унга.  
 Ҳамма нарса ҳал бўлдимиз?

### К а с с и й

Ҳа, ҳаммаси ҳал бўлди.  
 Хайрли тун! Эрта билан отланамиз сафарга.

### Б р у т

Люций!

Л ю ц и й киради.

Тунги либосимни бер.

Л ю ц и й кетади.

Титиний, Мессала,  
 Хайрли кеч.— Хайрли кеч, олижаноб Қай Кассий.

### К а с с и й

О, азизим, биз бу тунни бир оз хунук бошладик!  
 Майли, Брут, бундан буёқ бундай низо, жанжаллар  
 Орамизни ҳеч бузмасин.



**Брут**

Ҳаммасини унутдик.

**Кассий**

Хўп, бўлмаса хайр энди.

**Брут**

Хайрли кеч, азизим.

**Титиний ва Мессала**

Хайрли кеч, Брут.

**Брут**

Хайр, хайрли тун ҳаммага.

Брутдан бўлак ҳамма кетади.

Тунги либосни кўтариб Люций киради.

**Брут**

Қани, либосимни бер-чи. Удинг қани?

**Люций**

Чодирда.

**Брут**

Мудраб ётибсанми, шўрлик, нима, уйқунг келдимиз?

Койимоқчимасман сени: чарчагансан жуда ҳам!

Айт, Клавдий яна бирор киши билан кирсинлар,

Чодиримда ёстиқларни тўшаб ухлай қолсинлар.

**Люций**

(чақиради)

Варрон, Клавдий!

(Варрон билан Клавдий киради.)

**В а р р о н**

Соҳибим, бизни чақирдингизми?

**Б р у т**

Ҳа, сўрайман, чодиримда ухлай қолинг, бу кеча.  
Эҳтимол, мен, кўп ўтмасдан сизни уйғотарману  
Юборарман бир топшириқ билан Кассий олдиға.

**В а р р о н**

Тик туриб ҳам буйруғингни кутишликка тайёрмиз.

**Б р у т**

Йўқ, йўқ, дўстлар, ётинг. Балки бу фикрдан қайтарман.  
Ҳа, топилди, мана, Люций, кўп ахтарган китобим:  
Уни тунги либосимнинг чўнтағига мен ўзим  
Солиб қўйибман.

**Л ю ц и й**

Эсимда, мен солганим йўқ эди.

**Б р у т**

Мени кечир, азиз ўғлим; бир оз паришонроқман.  
Қодирмисан, кўзларингдан ҳайдаб бир оз уйқуни  
Менга бирор нарса чалиб, қўшиқ айтиб беришга?

**Л ю ц и й**

Соҳибим, сен қай маҳалда истасанг, мен тайёрман.

**Б р у т**

Ҳа, азизим, истаб қолдим сени бир оз қийнайман,  
Валокин сен меҳрибонсан.

**Л ю ц и й**

Менинг бурчим шунақа.

## Брут

Истамасдим сунистеъмол қилишимни меҳрингни:  
Мен биламан — ором керак, уйқу керак ёшликка.

## Люций

Аммо, боя бир оз мизғиб олган эдим, соҳибим.

## Брут

Жуда яхши; бир оздан сўнг яна ётиб ухлайсан.  
Мен сени кўп ушламайман. Бу яхшилигинг учун  
Мен ҳам сенга яхшиликлар кўрсатаман — ўлмасам.

Люций уд чалади ва қўшиқ айтади; қўшиқнинг охирига  
бориб мудраб кетади.

Уйқусираб куйламоқда. Зарба ебди созандам,  
Худди қўргошин гурзидай, оғир, ўлик уйқудан.  
Хайрли кеч, азиз Люций! Мен бераҳм эмасман.—  
Уйғотмайман сени зинҳор. Қалқиб кетиб, йиқилиб  
Яна удни синдирмасин, олиб қўяй бир четга.  
Ухла, азиз болам, ухла... Қарайин-чи хат чўпим  
Турганмикан солиб қўйган саҳифамда. Ҳа, мана.  
Бунча хира ёнади шам...

Цезарнинг руҳи пайдо бўлади.

А! Бу нима? Қимсан сен?

Балки менинг чарчоқ кўзим бу даҳшатли арвоҳни  
Яратгандир. Яқинлашди. Ҳақиқатда бормисан?  
Кўкда инган арвоҳмисан? Ва ё эзгу руҳмисан?  
Ёки ёвуз арвоҳмисан? Ҳадемайин, даҳшатдан  
Танамдаги қоним увиб қолади-ку? Қимсан, айт?

## Рух

Сеннинг ёвуз арвоҳингман, Брут.

## Брут

Нега келдинг, айт?

Р у ҳ

Сен Филлиппда учрашасан мен билан деб айтгали.

Б р у т

Демак, яна учрашамиз дегин?

Р у ҳ

Шундай, Филиппда.

Б р у т

Ундай бўлса яхши, сени мен Филиппда кутаман.

Р у ҳ ғойиб бўлади.

Қўрқувларим тугаганда ғойиб бўлдинг кўзимдан.  
Мен суҳбатни бир оз чўзмоқ истар эдим. Ёвуз руҳ!  
Ҳой, Клавдий, Люций, Варрон, уйғонинглар! Эй.  
Варрон!

Л ю ц и й

Уд соз бўлди.

Б р у т

У ҳали ҳам чаламан деб ўйлайди.  
Уйғонсанг-чи, Люций, ахир!

Л ю ц и й

Нима бўлди, соҳибим?

Б р у т

Уйқусираб қичқирдингми дейман, Люций, чамамда?

Л ю ц и й

Мен сира ҳам билганим йўқ, соҳиб, қичқирганимни.

Б р у т

Ҳа, қичқирдинг. Ё бир нарса кўриндими кўзингга?

Люций

Йўқ, ҳеч нарса.

Брут

Ундай бўлса яна ётиб ухлай қол!  
Уйғон биродар, Клавдий! Кўзингни оч, эй, Варрон!

Клавдий

Хўш, соҳибим!

Варрон

Хўш, соҳибим!

Брут

Нима учун уйқунгизда қичқирдингиз иккинги?

Варрон ва Клавдий

Қичқирдик? Биз?

Брут

Ҳа. Хўш, қани тушда нима кўрдингиз?

Варрон

Мен ҳеч нарса кўрганим йўқ, соҳиб.

Клавдий

Мен ҳам кўрмадим.

Брут

Биродарим Кай Кассийга саломимни етказинг:  
Эрта билан барвақт туриб тез сафарга отлансин!  
Биз сўнгидан йўл оламиз.

Варрон ва Клавдий

Ҳозир кетдик, йўлбошчим.

Кетишади.

## V ПАРДА

## БИРИНЧИ САҲНА

Филипп яқинидаги дала.

Октавий, Антоний ва уларнинг қўшини киради.

Октавий

Марк Антоний, муддаомиз, мана чиқди рўёбга,  
Ев тепани эгаллайди, биз томонга тушмайди  
Деган эдинг аммо, мана, акси бўлиб чиқди-ку:  
Ев қўшини — ёнимизда. Бизнинг саволимизни  
Кутмасданоқ Филиппда у бизга жавоб қилмоқчи.

Антоний

Мен уларнинг дилидаги муддаони англадим,  
Не сабабдан бундай қилди,— жуда яхши биламан.  
Бўлак жойда юришлари мумкин эди тентираб,  
Аммо улар, ўзларининг гўё ботирлигини  
Исбот қилиш мақсадида сохта шижоат билан  
Биз томонга тушишдилар, аммо бари беҳуда!

Чопар киради.

Чопар

Қани, жангга тайёрланинг, тезда, лашкарбошилар!  
Яқинлашиб қолди душман, жангнинг қонли белгисин  
Бош узра баланд тутиб, раста-раста саф тортиб,  
Фурсатни ҳеч ўтказмасдан ишга тушмоқлик лозим.

Антоний

Октави, сен қўшинингни, шошилмасдан, оҳишта  
Саҳронинг чап томонидан душман сари олиб бор.

Октавий

Чап томондан сен борасан, мен ўнг ёқдан бораман.

Антоний

Нега эътироз билдирдинг сўзларимга, Октавий?

Октавий

Бу эътироз эмас, дўстим, фақат менинг хоҳишим.

Думбиралар чалинади. Брут, Кассий ва уларнинг  
лашкарлари, Люцилий, Титиний, Мессала  
ва бошқалар киришади.

Брут

Музокара бошламоқчи бўлиб турсалар керак.

Кассий

Тўхта, Титиний! Аввал бир гаплашиб кўрайлик.

Октавий

Хўш, Антоний, жангга сигнал бераверсинларми, айт?

Антоний

Йўқ, Октавий, шовша, бир оз ҳужум қилмай турай-  
лик,—

Бунда келинг! Йўлбошчилар гаплашмоқчи сиз билан.

Октавий

Жой жойидан қўзғалиш йўқ, сигнал берилмагунча!

Брут

Зарбдан афзалроқ кўрасиз, сўзни, шундай эмасми?

Октавий

Сўзни кўпроқ севадиган сиз бўласиз, биз эмас.

## Брут

Ёмон зарбга қараганда афзалроқдир яхши сўз.

## Антоний

Зарби ёмон бўлган чоғда яхши гапни севгувчи  
Сен бўласан, Брут! Ахир бежиз эмас эди-да,  
Юлий Цезарь юрагига ханжар уриб, сўнгидан:  
«Узоқ йиллар яшагил!» деб қичқирганинг.

## Брут

Антоний,

Зарбинг қалай, бизлар учун маълум эмас ҳозирча,  
Сўзларингнинг асалини эса Гибла<sup>1</sup> шаҳрининг  
Арилари ўғирлашиб кетишганга ўхшайди.

## Антоний

Нишини-чи?

## Брут

Нишини ҳам гингиллашларини ҳам.  
Чақишингдан олдин жуда ақлирасолик қилиб,  
Пича дўқ ҳам қиладиган одатинг бор чамаси.

## Антоний

Ўзингизни бошқачароқ тутувдингиз, ёвузлар,  
Улуғ Цезарь кўкрагида қизил қонга беланиб,  
Бир-бирига тўқнашганда ифлос ханжарларингиз.  
Сиз Цезарнинг қаршисида маймунлардай иржайиб,  
Кўппаклардай дум чайқашиб, қуллар каби букилиб  
Турган чоғда, бадбахт Каска секин келиб орқадан  
Гарданига ханжар урган. О, мунофиқ, беорлар!

<sup>1</sup> Г и б л а — Сицилияда ўзининг хушбўй асали билан шуҳрат қозонган бир шаҳар.



## К а с с и й

Мунофиқлар!— Дўстим, Брут, миннатдор бўл ўзингдан;  
Агар Кассий ҳарна қилса ихтиёрли бўлганда  
Бу тил энди бизни ортиқ чақолмаган бўларди.

## О к т а в и й

Қани, ишга! Агарда сўз сизни терлатган бўлса,  
Иш қил-қизил суюқликка сизни расо белади.  
Қаранг! Мана, тиф кўтардим фитначиларга қарши.  
Бу тиф қачон филофига қайтади деб сўрарсиз?  
Токи Цезарга урилган ўттиз учта зарбанинг  
Қасосини олмагунча, ё иккинчи Цезарнинг  
Қўли разил хиёнатни чопиб ташламагунча  
Қилич қайтмас филофига!

## Б р у т

Бунинг учун сен, Цезарь,  
Ўз-ўзингни ўлдиришинг керак эди.

## О к т а в и й

Аминман.

Сенинг қўлингда ўлайин деб туғилган эмасман.

## Б р у т

О, йигитча, сен қанчалик олий насаб бўлмагил,  
Тополмасдинг бундан кўра шарафлироқ ўлимни.

## К а с с и й

Бола бундай шарафларга асло сазовор эмас,  
У фирибгар фосиқ билан тузиб олмиш иттифоқ.

## А н т о н и й

Ўзгармабсан ҳали ҳам сен!

## О к т а в и й

Қани, кетдик, Антоний!  
 Э, хоинлар сизни қонли жангга даъват этамиз.  
 Агар қўрқоқ бўлмасангиз — жанг бошлаймиз бугуноқ,  
 Қўрқоқ бўлсангиз агарда — кутишимиз ҳам мумкин.  
 Октавий, Антоний ва уларнинг қўшинлари кетади.

## К а с с и й

Эс, эй, шамол! Ур, эй, тўлқин! Олға сузинг, кемалар!  
 Энди бизнинг тақдиримиз топширилган бўронга.

## Б р у т

Менга қара, Люцилий.

## Л ю ц и л и й

(Унга яқинлашиб.)

Хўш соҳибим...

(Улар секин суҳбатлашадилар.)

## К а с с и й

Эй, Мессала...

## М е с с а л а

Қанақанги буйруғинг бор, эшитаман, йўлбошчи?

## К а с с и й

Биласанми, дўстим, бугун менинг туғилган куним.  
 Қўлингни бер, Мессала. Сен менга гувоҳ бўласан,  
 Мен ҳам, худди қачонлардир Помпей мажбур бўлган-  
 дай,

Барча озодлигимизни эндиликда бир жангнинг  
 Оқибати билан боғлаб қўйишликка мажбурман.  
 Эпикурнинг ғоясига содиқ эдим,— биласан.  
 Аммо энди у ғоядан бир оз айниб, ҳар турли

Хурофотга ишонаман. Биз Сардидан чиққанда,  
 Икки катта бургут келиб олдингдаги байроққа  
 Қўнди ҳамда суқлиқ билан жангчиларнинг қўлидан  
 Овқат ея бошладилар. Улар Филиппга қадар  
 Бизни кузатиб бордилар, аммо бугун эрталаб  
 Иккиси ҳам учиб кетди. Ва уларнинг ўрнига  
 Қарға-қузғун учиб келди, бошимизда айланиб,  
 Орамиздан ўлаксалар ахтарганга ўхшайди.  
 Соялари тепамизда худди машъум бир қафан  
 Тўқиб ётган каби, гўё қўшинимиз ўлимга  
 Бораётгандай.

### Мессала

Буларга ҳеч ишонма.

### Кассий

Мен фақат

Қисмангина ишонаман; аммо руҳан дадилман,  
 Ва аҳд этдим бутун хавфу хатарларни мустаҳкам,  
 Шижоатли қадам билан босиб-янчиб ўтишга.

### Брут

*(Бир чеккада Люцилий билан суҳбатни давом этдириб.)*  
 Ҳа, шунақа, Люцилий, ҳа...

### Кассий

Олижаноб Марк Брут.

Бизга ёр бўлсин худолар, дўстлар билан бирликда  
 Пири бадавлат бўлайлик, осойишта қарийлик.  
 Аммо дўстим, инсонларнинг иши қалқиб туради.—  
 Гоҳи остин, гоҳи устун... Шул сабабдан энг ёмон  
 Оқибатни муҳокама қилиб олиш лозимдир.  
 Борди-ю биз жангда мағлуб бўлиб қолсак, бу суҳбат  
 Бизнинг сўнгги суҳбатимиз бўлмасмикан, биродар?  
 Агар шундай бўлиб қолса қандай чора кўрардинг?

## Брут

Ўз-ўзини ўлдиргани учун бир вақт Катонни  
 Сўкканимда асос қилиб олган ўша фалсафий  
 Ақидага қараб туриб иш қиламан, азизим.  
 Юз бериши мумкин бўлган фалокатдан ҳайқиқиб,  
 Чўчиб, умр муддатини шошиб қисқартиришда  
 Аллақандай бир қўрқоқлик ва тубанлик кўраман.  
 Мен қаноат, сабр билан қуролланиб, тақдирга,  
 Кўкнинг амру хоҳишига бўйсунаман, шубҳасиз.

## Кассий

Қани, айт-чи, кўнармидинг, зафар аравасининг  
 Орқасидан боришликка Рим кўчалари бўйлаб?

## Брут

Йўқ, Кассий, йўқ! Олижаноб римликсан-ку, билиб қўй,  
 Брут ҳеч вақт кишан билан Римга қайтиб бормайди,  
 Унинг руҳи жуда юксак. Иди Март кунларида  
 Биз бошлаган иш,— шу бугун тамом бўлади. Яна  
 Қайтиб кўришамизми, йўқ — билолмадим. Сўнгги бор  
 Узуримни қабул эту, мени кечир, азизим.  
 Умрбод хайр, ҳа, умрбод хайр, дўстим, Қай Кассий.  
 Тақдир дийдор кўриштира — хурсанд бўлиб кулармиз,  
 Кўриштирмасачи — жуда яхши хайрлашдик, хайр.

## Кассий

Умрбод хайр, ҳа, умрбод хайр, дўстим, Марк Брут!  
 Тақдир дийдор кўриштира — хурсанд бўлиб кулармиз.  
 Кўриштирмасачи — жуда яхши хайрлашдик, хайр.

## Брут

Қани, кетдик! Қани энди бирор одам бўлса-ю  
 Шу бугуннинг оқибатин илгаридан билолса!  
 Ҳа, бўлар иш бўлди, кун ҳам бошланади ҳадемай,  
 Шу ўзи бас, ҳаммасини ҳозир биламиз. Кетдик!

Кетишади.

## ИККИНЧИ САҲНА

Жанг майдони. Жанг шовқинлари эшитилади  
Брут билан Мессала киради.

Брут

Зудлик билан анов турган қўшинга бор, Мессала,—  
Чоп, имконинг борича чоп, буйруғимни олиб бор:  
У қўшин ҳам тезлик билан жангга кирсин. Пайқадим:  
Октавийнинг аскарлари урушмоқда жуда бўш,—  
Ҳа, тўсатдан ҳужум қилиб енгиш мумкин уларни.  
Чоп, Мессала: ҳаммасини жангга чақир, жангга сол.

Кетадилар.

## УЧИНЧИ САҲНА

Жанг майдонининг бўлак қисми. Жанг садолари.  
Кассий билан Титиний киради.

Кассий

Қара, кўрдингми, Титиний: қочишмоқда аблаҳлар!  
Ана энди мен ўзимнинг аскаримга душманман.  
Қочган эди чидамасдан бизнинг байроқдоримиз,—  
Уни ўлдириб байроқни тортиб олдим.

Титиний

О, Кассий,

Брут жуда барвақт солиб қўйди жангга аскарин.  
Октавийдан голиб келиб бир оз қизиқиб кетди.  
Ёвни талай бошладилар. Ана худди шу пайтда,  
Марк Антоний, бизни тамом қуршаб олди тўсатдан.

Пиндар киради.

Пиндар

Соҳибим, қоч, тезроқ қочгил! Чодирингни Антоний  
Эгаллади. Узоқроқ қоч, олижаноб Қай Кассий.

К а с с и й

Шу тепа хийла узоқ. Ана, қара, Титиний,  
Кимнинг чодири ёнмоқда — меникими?

Т и т и н и й

Ҳа, Кассий.

К а с с и й

Агар менинг дўстим бўлсанг, Титиний, мин отимга,  
Ҳо анови турган қўшин олдига тез чошиб бор,  
Сўнгра, яна ҳузуримга чопганингча қайтиб кел,  
Аниқ хабар келтир, улар душманларми, дўстларми.

Т и т и н и й

Фикрдан ҳам тезроқ учиб бориб, учиб келаман.

(Кетади.)

К а с с и й

Пиндар, уни кузатиб тур: манов тепаликка чиқ.—  
Биласан-ку, мен узоқни кўролмайман,— далада  
Нима кўрсанг ҳаммасини менга айтиб турасан.

Пиндар тепага чиқади.

Мен шу бугун туғилганман. Тамом бўлди муддатим,  
Мен умримни қайси куни бошласам, ҳа — шу куни  
Тугатаман. Бир даврани босиб ўтди ҳаётим.  
Гапир, Пиндар, хўш нимани кўрмоқдасан?

П и н д а р

Соҳибим!..

К а с с и й

Хўш, нима гап?

## Пиндар

Титинийга қараб ҳамма томондан —  
 Суворийлар чопмоқдадир. Учиб борар у ҳамон.  
 Ана энди улар уни қувиб етди деярлик...  
 Аммо ана... Титиний.... ҳа, ана, отдан тушдилар.  
 У ҳам тушди. Ушладилар! Эшитдингми, соҳибим?  
 (Саҳна ортидан шодиёна қичқириқлар эшитилади.)  
 Шодиёна қичқириқлар!

## Кассий

Бўпти, энди қарама,—  
 Оқибатни қўрқоқларча чўзиб турдим, қай хилда  
 Асир олиншини кўриш учун содиқ дўстимнинг.

(Пиндар тепаликдан тушади.)

Менга яқинроқ кел, Пиндар! Сен, парфянин, қўлимга  
 Асир тушганингда омон қолганлигинг туфайли,  
 Қасам ичган эдинг, агар мен нимани буюрсам  
 Ҳаммасини бажаришга. Қасамингга маҳкам тур.  
 Бундан буёқ сен озодсан. Манов, Юлий Цезарнинг  
 Танасини тешиб ўтган шарофатли ханжарни  
 Кўксимга ур. Сўз қайтарма! Дастасидан ушла, ол!  
 Мен юзимни бекитганда,— мана, бўлди, бекитдим,—  
 Ханжарни ур!

(Пиндар унга ханжар уради.)

Юлий Цезарь, ҳа, қасосинг олинди.  
 Яна худди ўша, сени ҳалок этган тиг билан.

(Улади.)

## Пиндар

Мен озодман. Аммо, афсус, озодликни бошқача  
 Бир йўл билан олишликни истар эдим!— О, Кассий,

Энди узоқ ўлкаларга қочар сенинг Пиндаринг.  
Энди уни минг ахтарсин ҳеч тополмас римлилар.

Кетада. Титиний билан Мессала киради.

Мессала

Талафотни тенглаб олдик. Марк Антоний —

Кассийнинг

Лашкарини қандай енгган бўлса, бизнинг Брут ҳам,  
Октавийнинг аскарини худди шундай енгди, соз!

Титиний

Ғоят хурсанд бўлур Кассий бу хабарни эшитса.

Мессала

Хўш, сен уни қаерда қолдирувдинг?

Титиний

Худди шу

Тепаликнинг ёнида, ҳа, қули билан бирликда.

Мессала

Анов ерда ётган ўша эмасмикан?

Титиний

Тирикми?

Ётган ўша — О, худолар!

Мессала

Бу ўшами Титиний?

Титиний

О, йўқ! Ўша эмас. Ортиқ Қай Кассий йўқ, Мессала.—  
О, қуёш ҳам ботмоқдадир! Қуёш туннинг бағрига  
Қизил шуъла сочиб ботганидай унинг кунни ҳам  
Қизил қонга ботиб сўнди. Сўнди Римнинг қуёши!



Қора булут қоплаб олди уни! Тамом бўлдик — биз!  
Ғалабага ишонмаслик уни ҳалок этибди.

### Мессала

Уни ҳалок этган нарса бахтга ишонмасликдир.  
О, гумроҳлик, ғамгинликнинг, маъюсликнинг фарзанди,  
Йўқ нарсани нечун енгил ишонувчи зотларнинг  
Хаёлига келтирасан? Туғилишинг — жуда тез,  
Аммо туғилдингми, дарҳол ўлдирасан онангни.

### Титиний

Ҳой, Пиндар! Ҳой, қаердасан?

### Мессала

Уни ахтар, мен эса

Марк Брутнинг ҳузурига бориб бу шум хабарни  
Унинг қулоғига санчай. Худди шундай, санчаман!  
Ҳа, Брутнинг қулоғига бу хабарни эшитиш  
Заҳарланган ўқнинг, ёки тешиб ўтган найзанинг  
Азобига чидашдан ҳам кўп оғирроқ бўларди.

### Титиний

Хўп, қани бор; мен ҳам тезроқ топа қолай Пиндарни.

Мессала кетади.

Эй, баҳодир Кассий, мени нима учун юбординг!  
Ахир дўстларинг эди-ку мени қўршаб олишган.  
Улар, сенга олиб бориб бериш учун, бошимга  
Ғалабанинг гултожини кийгизишган эдилар.  
Ахир эшитмаганмидинг шодиёна унларни!  
Аммо, афсус, уларни сен бошқачароқ англабсан.  
Бу гултожини бошингга кий. Сенинг азиз Брутинг  
Олиб бориб кийгиз дея менга буюрган эди,—  
Мен ҳам, мана, бу буйруқни ижро этдим. Марк Брут,  
Қара, қандай кийгизибман гултожини Қай Кассийга.—

О, худолар, кечирасиз — бурч римлига буюрур:  
Титинийга санчилмоғи лозим Кассий ханжари!

*(Узига ханжар уради.)*

Жанг шовқинлари. Мессала, Брут, Еш Катон,  
Стратон, Волумний ва Люцийлар киришади.

Брут

Қани, Мессала, қаерда, у қаерда ётибди?

Мессала

Мана бу ерда,— кўксида йиғламоқда Титиний.

Брут

Йўқ, Титиний кўкка қараб ётибди-ку.

Еш Катон

У ўлган.

Брут

О, ҳали ҳам қудратлисан, Юлий Цезарь! Бу ерда  
Рухинг ҳамон кезмоқдадир, бизга қарши қаратиб  
Ўзимизнинг тигимизни.

*(Узоқдан жанг шовқинлари эшитилади.)*

Еш Катон

О, баҳодир Титиний!

Қаранг, қандай безатибди гултож билан мурдани.

Брут

Булар каби икки римли энди ортиқ топилмас.  
О, сен, сўнгги римли, хайр, бир умрга алвидо!  
Сендай зотни асрларча яратолмас энди Рим.—  
Дўстлар, ҳозир олдингида тўкадиган кўз ёшдан,  
Кўпроқ кўз ёш қарздорман олижаноб Кассийга.

Мен уларни тўлаш учун вақт топаман, Қай Қассий.  
 Қани юринг, дўстлар, Фазос<sup>1</sup> оролига хокини  
 Жўнатайлик. Агарда у дафн этилса шу ерга  
 Руҳан жуда тушиб кетган бўлар эдик. Қани, юр,  
 Люцилий, юр сен ҳам Катон,—энди жангга қайтайлик.  
 Қани, Лабион, Флавий, қўшинларни бошлангиз.  
 Ҳали ёруғ. То қоронғу тушганича жангларда  
 Бахтимизни яна бир бор синаб кўрамиз, дўстлар.

Кетишади.

### ТҮРТИНЧИ САҲНА

Жанг майдонининг яна бошқа бўлаги.

Жанг шовқинлари. Урушганлари ҳолда ҳар иккала тарафнинг  
 қўшинлари киради. Сўнг Брут, Еш Катон, Люцилий  
 ва бошқалар киришади.

#### Брут

Ҳамшаҳарлар, бўш келмангиз! Чекинмангиз орқага!

#### Еш Катон

Фақат қўрқоқ чекинади! Ким орқамдан боради?  
 Мен номимни айтиб баланд қичқираман майдонда:  
 Мен — Катоннинг ўғлиман, ҳа, эшитдингми, халойиқ?  
 Мен — золимлар душманман, ватанимнинг дўстиман!  
 Мен — Катоннинг ўғлиман, ҳа, эшитдингми, халойиқ?

(Жангга ташланади.)

#### Брут

Мен эса-чи — Марк Брутман! — Ватанга дўст Брутман!  
 Майли ҳамма билиб қўйсин менинг Брутлигимни!

Урушганларича кетишади. Душман зарбидан Катон ҳалок  
 бўлади.

<sup>1</sup> Фазос — Оталар денгизидаги бир отанинг номи.

## Люцилий

Эсизгина, олижаноб йигит, ҳалок бўлибсан.  
 Сен ҳам худди Титинийдай ботирларча жон бердинг,  
 Ва Катоннинг асл ўғли эканингни кўрсатдинг!

## Биринчи жангчи

Ё таслим бўл, ёки ўлим!

## Люцилий

Улмак учун сенга мен  
 Таслим бўлмам. Буни ол (*пул таклиф этади*) ва тез  
 мени ҳалок эт.  
 Марк Брутни ўлдиргину, шуҳрат қозон, биродар.

## Биринчи жангчи

Бизга мумкин эмас, олий насаб асир!

## Иккинчи жангчи

Иўл беринг!  
 Антонийга хабар бергил, Брут қўлга тушди деб.

## Биринчи жангчи

Ҳозир бораман. Ҳа, ана келиб қолди ўзи ҳам.

## Антоний киради.

Иўлбошчимиз, Брут қўлга тушди, асир олинди!

## Антоний

Қаерда у?

## Люцилий

У соппа-соғ, омон, эсон, Антоний.  
 Шунини яхши билиб қўйгил, олижаноб Марк Брут  
 Тириклайин ҳеч кимсага асир тушмас ҳеч қачон:  
 Уни уят, бадномликдан асрамоқда худолар.

Брут сизга тирик ҳолда дуч келадими, ва ё  
 Улик ҳолда учрайдими, барибир, у ўзига  
 Хиёнатни раво кўрмас, раво кўрмас ҳеч қачон.

### Антоний

Ҳа биродар, гарчи асир муҳим асир бўлса ҳам,  
 Аммо инон, Брут эмас. Қани, унинг ёнида  
 Фахрий қоровулга туринг!  
 Қошки бундай азамат  
 Душман эмас дўстим бўлса, қандоқ яхши бўларди.  
 Билинг, Брут тирикмикан, ё ўлганми, хабарин  
 Дарҳол менга — Октавийнинг чодирига юборинг.

Кетадилар.

Жанг майдонининг бошқа қисми.

Брут, Дарданий, Клит, Стратон ва  
 Волумнийлар киришади.

### Брут

Қани, қолган-қутганлари шўрлик қўшинимизнинг,  
 Шу қояда дамимизни пича ростлаб олайлик.

### Клит

Статилий бизга қараб машъал чайқади, аммо  
 Қайтгани йўқ,— асир тушган, ёки ўлдирилгандир.

### Брут

Клит, ўтир! «Ўлдирилган» — фақатгина шу сўзни  
 Эшитмоқдамиз. Қулоқ сол, Клит... (*қулоғига  
 ниманидир шивирлайди.*)

### Клит

Менми? Ўлсам ҳам.

### Брут

Бўлмаса жим.

Клит

Мен ўзимни ўлдирганим яхшироқ.

Брут

Дарданий сен... *(қулоғига шивирлайди.)*

Дарданий

А? Бу ишни мен қилишим керакми?

Клит

Дарданий!

Дарданий

Клит!

Клит

Қандай даҳшатли юмушни Брут сендан сўради?

Дарданий

Мени ўлдир, деди.— Қара, Брут ўйга чўммоқда.

Клит

Олижаноб юрак ғамга, мусибатга шу қадар  
Тўлибдики, ҳатто унинг кўзлари ҳам намланди.

Брут

Дўстим Волумний, сўзимга қулоқ бергил бир нафас.

Волумний

Эшитаман, йўлбошчим, хўш?

Брут

Гапим шундан иборат:

Менга икки бор кўринди Юлий Цезарнинг руҳи.  
Биринчи бор у Сардида пайдо бўлди кечаси.

Иккинчи бор эса бугун кечаси у шу ерда —  
 Ҳа, Филиппда, пайдо бўлди. Мен биламан, муддатим  
 Тамом бўлди, битди, дўстим.

### Волумний

Ундай дема, Марк Брут.

### Брут

Дўстим Волумний, мен бунга ниҳоятда аминман.  
 Ана, қарагил, нималар юз бермоқда оламда.

Саҳна орқасида босиқ шовқин эшитилади.

Ев жар ёқасига бизни қувиб тиқди. Яхшиси,  
 Кутмасданоқ бизни жарга иргитишин душманнинг,  
 Биз ўзимиз ташланайлик жаҳаннамнинг қаърига.  
 Дўстим — бирга ўқигандик иккаламиз мактабда.  
 Уша эски дўстлигимиз ҳақи, сендан сўрайман:  
 Қиличимни ушлаб тургил — ўзим унга ташланай.

### Волумний

О, азизим Брут, дўстлик қобил эмас бу ишга.

*(Яна шовқин.)*

### Клит

Қочайлик тез! Ортиқ туриш мумкин эмас бу ерда.

### Брут

Хайр, Клит! — сенга ҳам хайр! Сенга ҳам хайр,  
 Волумний!

Стратон шу топгача мудрадинг сен, сенга ҳам  
 Хайр, дўстим Стратон! Менинг азиз дўстларим,  
 Ҳар ҳолда мен умр бўйи дўст танлашда ўзимга  
 Янглишмаган эканман, ҳа, шу сабабдан қалбим шод.  
 Марк Антоний ва Октавий разил ғалаба билан  
 Қозониши мумкин бўлган шуҳратга қараганда,  
 Мағлубият куни менга кўпроқ шуҳрат бахш этур.

Хўп, бўлмаса ҳаммангизга хайр, дўстлар, алвидо!  
 Ўз умрининг қиссасини айтиб бўлди Марк Брут.  
 Тун сўндирад кўз нурини, тан истайди осойиш,  
 Ҳа, фақат шу осойиш деб меҳнат қилди доим тан.

Шовқин. Саҳнанинг орқасидан: «Қочинг! Қочинглар!  
 Қочинглар!» деган қичқириқлар эшитилади.

К л и т

Юр, қочайлик, йўлбошчим, юр!

Б р у т

Сизлар қоча берингиз!

Мен — орқангиздан бораман.

Брут ва Стратондан бўлак, ҳамма кетади.

Сен ўзингнинг соҳибинг

Билан бирга қол. Сен — менинг садоқатли дўстимсан,  
 Сафдошимсан, Стратон. Бутун умринг номус, ор  
 Нури билан жилоланди. Қиличимни ушла-ю,  
 Мен қиличга ташланганда, сен тескари қараб тур,

Хўпми, дўстим!

С т р а т о н

Энг аввало қўлингни бер, соҳибим.

Алвидо!

Б р у т

Хайр, хайр, дўстим! Мана, Цезарь, мамнун бўл!  
 Менинг учун кўп енгилдир ўз кўксимга тиф урмоқ.

Қиличга ташланиб ўлади. Жанг тугаганини билдириб  
 трубалар чалинади. Октавий, Антоний, Мессала  
 Люций ва аскарлар киришади.

О к т а в и й

Хўш, манов ким?



## Мессала

Марк Брутнинг қули. Қани Соҳибинг?

## Стратон

Брут асир тушгани йўқ сенга ўшаб, Мессала,  
Ғолибларга, фақат ўтда ёндирсин деб, хокини  
Қолдирди у. Елғиз Брут енга олди Брутни,  
Энди ҳеч ким мақтанолмас мен ўлдирдим уни деб.

## Люцилий

Брут сизни мана қандай қаршилади.— Марк Брут  
Раҳмат сенга: исбот қилдинг Люцилийнинг ҳақлигини.

## Октавий

Мен сўрайман, Марк Брутнинг барча мулозимлари,  
Энди менга хизмат қилинг. Хўш, қани, сен биродар,  
Меникида яшашликни истайсанми?

## Стратон

Ҳа, агар

Маъқулласа Мессала.

## Октавий

Хўш, фикринг қалай, Мессала?

## Мессала

Стратон, қандай қилиб ўлди, менинг йўлбошчим?

## Стратон

Мен қилични ушлаб турдим, у қиличга ташланди.

## Мессала

Ундай бўлса, майли, уни олақолгил. Ахир у  
Кўрсатибди Соҳибига энг охирги ёрдамни.

## Антоний

Римлиларнинг энг покиза ва энг олижаноби  
 Брут эди ҳеч шубҳасиз. Барча фитначиларни  
 Галаёнга руҳлантирган куч Цезарга нисбатан  
 Бўлган ҳасад эди, фақат Брут бундан мустасно.  
 Фақатгина Брут умум манфаатини ўйларди.  
 Уни руҳлантирган буюк, олий фикрлар эди.  
 Гоят гўзал эди, дўстлар, Марк Брутнинг ҳаёти.  
 Унда яхши фазилатлар шу қадар кўп эдики,  
 Ҳатто табиат ҳам туриб, «Ҳа, бу инсон эди!» деб  
 Айта олган бўлур эди ҳаммага ҳам бегумон.

## Октавий

Унга ҳурмат юзасидан дафн маросимини  
 Эҳтиром ва одоб билан тўла адо этайлик,  
 Бугун тун чодиримда ва муносиб равишда  
 Безатилган ҳолда, Брут, ётсин худди жангчидай.—  
 Жанг тугади, хабар қилинг, трубалар чалинсин!  
 Биз бугунги бахтиёр кун бизга нима бахш этса  
 Уртамизда баҳам кўриш учун борайлик, дўстлар.

Кетишади.

Парда



# ҚИЙИҚ ҚИЗНИНГ ҚУЙИЛИШИ

ТУРОБ ТУЛА  
таржимаси



## ҚАТНАШУВЧИЛАР

Лорд	}	Муқаддима қатнашчилари.
Кристофер Слай — мисгар		
Қовоқхона бекаси		
Махрам		
Актёрлар		
Егерлар <sup>1</sup> ва хизматчилар		

Бапטיста — падуялик бой, зодагон.

Винченцио — пизалик кекса зодагон.

Люченцио — Винченционинг ўғли, Бьянканинг ошиғи.

Петруччо — вероналик зодагон, Катаринанинг қаллиғи.

Гремио	}	Бьянканинг хушторлари
Гортензио		

Транио	}	Люченционинг хизматкорлари.
Бьонделло		

Грумио	}	Петруччонинг хизматкорлари
Кертис		

Катарина	}	Баптистанинг қизлари
Бьянка		

Муаллим  
Бева хотин

Машиначи, аттор, Бапטיста ва Петруччонинг хизматкорлари.

Воқеа Падуяда ва Петруччонинг шаҳар чеккасидаги уйида ўтади.

<sup>1</sup> Егеръ — ўрмон ва ундаги жониворларга қараб юрувчи киши.

## МУҚАДДИМА

### 1-САҲНА

Қовоқхонанинг олди Яланглик.  
Қовоқхона бекаси билан Слай киради.

Слай

Худо ҳаққи, қўлим қичиб турибди!

Бека

Елканг эмасмикан қичиган, фирром?!

Слай

Жуда ҳам сурбетсан! Қим айтади фирром деб сенга Слайларни?! Тарихга назар сол. Биз бу оламга Ричард жаҳонгир билан бирга келганмиз. Ана шунинг учун, гапнинг қисқаси, ҳар ким ўзини билсин, вассалом!

Бека

Шундай қилиб, синдирган стаканларингнинг ҳақиға фирромлик қилмоқчимисан?

Слай

Бир пақир ҳам бермайман! Бор, муздаккина ўринингга кириб ёт, зора иссанг.

Бека

Мен ўзим биламан нима қилишимни. Учинчи округга бориб соқчи олиб келаман. *(Кетади.)*

## С л а й

Учинчиданми, тўртинчиданми, бешинчиданми, олиб келавер, яхшилаб жавобини олади ҳаммаси ҳам. Мен, жонгинам, шу ерда бўламан. Айт, бемалол келиша берсин. *(Етади ва уйқуга кетади.)*

Бурғу овози. Овдан қайтиб келаётган Лорд егеръ хизматкорлари билан киради.

Л о р д

*(егерга)*

Тозиларга қара, бўшат тасмаларни,  
Изтопар чарчади югуравериб.  
Учарни кўппакнинг ёнига боғла!  
Кўрдингми, ов қочиб қолган бўлса ҳам  
Олапарнинг қандай хезланганини?  
Олтинга бермасман бундай зўр итни!

Б и р и н ч и е г е р ь

Лекин Қўнғироқ ҳам чаккимас, жаноб,  
Дарров акиллэйди адашса издан.  
Икки бор из топди бугун, ҳароми,  
Ҳамма итингиздан энг асили шу.

Л о р д

Олғирроқ бўлганда Тўрткўз, уларнинг  
Бир галасига ҳам алишмас эдим.  
Бўлди, итларинга, қара, овқат бер,  
Давом эттирамиз овни эртага.

Б и р и н ч и е г е р ь

Хўп бўлади, милорд.

Л о р д

*(Слайга кўзи тушиб)*

Бу қанақаси?

Уликми ёки маст? Қаранг-чи унга.

## Иккинчи егеръ

Нафас олаяпти, ичмаган бўлса  
Қотиб ухلامасди совуқда шундай.

## Лорд

О, ҳайвон! Чўчқадай ағанабди-я!  
Ажал нуқси келар башарасидан.  
Ҳазил қилмайликми бу гумроҳга бир?  
Ётқизсак серҳашам ётоққа уни,  
Оппоқ кийинтириб, узуклар тақсак,  
Қўйсак ширин таом тўла дастурхон  
Ва бошида турса кутиб хизматкор,  
Таний олармикан ўзини гадо?

## Биринчи егеръ

Қарахт. Ҳеч нарсани билмайди ҳозир.

## Иккинчи егеръ

Ҳа, қизиқ бўлади уйғонганида!

## Лорд

Бир туш деб ўйлайди ёки афсона.  
Қани, кўтаринглар, бир кулишайлик,  
Энг яхши хонага ётқизинг уни.  
Шаҳвоний суратлар осиб ташланг уйга,  
Ювиб ташланг хушбўй, илиқ сув билан,  
Яхшилаб бу исқирт, сассиқ бошини,  
Хушбўй ҳидлар билан тўлдириг уйни.  
Ажойиб, илоҳий музика билан  
Роҳат-фароғатда уйғонсин секин.  
Ҳамма гапларига шай бўлиб туриг,  
Ҳурматин келтириг бош эгиб шу он.  
Сўранг: «Жаноблари не истайдилар», деб  
Кумуш обдаста-ю, кумуш жом билан



Сочиқ, муаттар сув келтириб унга,  
 Сўранг, ҳурматини келтириб аста:  
 «Милорд, сув қуяйин, марҳамат қилинг».  
 Бирингиз бебаҳо либос тутиб туринг,  
 Кийинг деб қошида эгилиб сипо.  
 Бирингиз гапириб туринг бетўхтов  
 Тулпори отлардан, олғир итлардан,  
 Унинг бу ғалати бетоблиги сабаб  
 Гангиб қолган гўзал маликасидан.  
 Узини танитса, алаҳлама денг,  
 Боплаб, айтганимни қилинг, йигитлар,  
 Меъёрдан ошириб, сездириб қўйманг,  
 Ғалати ҳангама бўлади, бешак.

### Биринчи егеръ

Милорд, қотирамиз, ишонаверинг,  
 Шундай боплаймизки, у беихтиёр  
 Ишонади шаксиз ким десак уни.

### Лорд

Авайлаб кўтаринг, билмасин сира,  
 Уйғониши билан киришинг ишга.

С л а й и олиб кетишади. Бурғу янграйди.

Эй, қара, нима гап, ким чаляпти?

Хизматкор чиқади.

Бирон дворянин йўловчи, балки  
 Тунаш учун қўноқ излаётгандир.

Хизматкор қайтиб киради.

Хўш, нима? Қим экан?

### Хизматкор

Артистлар экан.  
 Ижозатингизга илҳақлар, жаноб.

Л о р д

Киришсин!

А р т и с т л а р киришади.

Хурсандман, келинг дўстларим.

А р т и с т л а р

Жаноб олийлари, ташаккур сизга.

Л о р д

Хоҳишингиз қалай қолмоққа бизда?

А к т ё р

Хизматингизга ҳам тайёрмиз, милорд.

Л о р д

Жуда соз. Айтмоқчи, анов актёрни  
Кўргандим фермернинг ўғли ролида.  
Леги атрофида гирдикапалак  
Бўлдики, нимади отинг ўшанда?  
Лекин ўша ролни болаган эдинг.

А к т ё р

Сото роли эди, марҳаматли жаноб.

Л о р д

Ҳа, ҳа, жуда болаб ўйнаган эдинг,  
Худди ўз вақтида етиб келдингиз!  
Бир ҳазил ўйладим, буни сиз болайсиз,  
Сизнинг санъатингиз асқатиб қолди.  
Томоша берасиз бир лорд олдида,  
Лекин чидам билан ўйнайсиз жиддий.  
Қўрқаман, ғалати қилиқлари унинг  
Ногоҳ кулгингизни қистатмаса деб,  
Хафа қилмаса деб. Айтиб қўяйин,

Ғазабин қўзғатар ҳар қандай кулгу.  
Умрида томоша кўрмаган ўзи.

### А к т ё р

Хотиржам бўлингиз, кулмаймиз, милорд,  
Тентаклар тентаги бўлса ҳам у лорд.

### Л о р д

(Хизматкорига)

Буфетга олиб кир актёрларни, бор,  
Яхшилаб меҳмон қил барчасин ҳозир.  
Нозу неъматларга тўлдир дастурхонни.

Хизматкор ва актёрлар чиқади.

Тез бор, анов маҳрам Бартоломейга,  
Аёллар тусига кириб кийинсин  
Ва кейин бошлаб кир унинг олдига.  
Унга қуллуқ қилиб, «хоним» деб ата.  
Агар менга ёқмоқ истаса маҳрам,  
Қилиқ қилсин унга хотини бўлиб,  
Мансабдор эрига хушомад қилган  
Гўзал ледилардай тутсин ўзини  
Ва десин эгилиб мулойим унга:  
«Нима истайдилар, азизим милорд?  
Ожиза қулингиз бунда ўз бурчин  
Ва севгисин адо этишга илҳақ.»  
Қаттиқ-қаттиқ ўпсин қўйнига кириб,  
Кейинги етти йил ичида бебахт,  
Бенаво бўлганин сўйлаб ниҳоят,  
Кўксига бошини қўйиб йиғласин,  
Гўёки эрини сиҳат-саломат  
Ўз хонадонида кўрганлигидан!  
Бордию, хотинча хўнграб йиғлашни  
Уддалай олмаса маҳрам, мабодо,  
Пиёз ўраб бергин дастрўмолига.

Кўзига сурдими дастўрмолини,  
Шовуллаб келади ёш деган нарса.  
Уринлат, бор энди, тезроқ ҳаммасини  
Ва бу фармойишнинг давомини кут.

Хизматкор чиқади.

Бу бола хотинча муомалани,  
Ҳатто овозни ҳам бошлайди, шаксиз.  
Лекин бу таъвия пиянистани —  
Қандай айтирикин, жон эргинам, деб.  
Ичаги узилса керак малайларнинг,  
Хизмат қиламан, деб бу бетайинга.  
Қани борайин-чи, тагин бу аблақлар  
Ҳаддидан ошириб юборишмасин,  
Танобини тортиб туришим керак.

(чиқади.)

## 2-САҲНА

Лорднинг уйи. Етоқхона.

Слай киради, атрофида хизматкорлар гирдиқаналак,  
бири қўйлак олиб келаётган, бири сув, бири жом олиб кела-  
ётган, бири яна бошқа нарсалар... Лорд ҳам шу ерда.

Слай

Худо ҳаққи, беринг бир коса бўза!

Биринчи хизматкор

Шароб яхшимасми бўзадан, милорд?

Иккинчи хизматкор

Мевага хушлари қалай хўжамнинг?

Учинчи хизматкор

Қайси қўйлакларин кийгилари бор?

Слай

Менинг отим Кристофер Слай, азбаройи худо,  
«хўжа» ҳам эмасман, «жаноб» ҳам. Шароб деган нар-

сани умримда ичган эмасман. Борди-ю, мени сийламоқчи бўлсаларинг, майли, лекин май ҳаммас, мева ҳаммас, сўқим гўштидан келтиринглар. Ундан кейин, қайси кўйлагингни киясан, деганларинг нимаси? Бисотимда биттагина ирkit камзулим, бир жуфтгина қирқямоқ пайпоғим билан бир пар бошмоғим бор, холос. Ундан ҳам бармоқларим мўралаб юради.

### Л о р д

Худо, ўзинг сақла осий бандангни!  
Тавба, шундай лорд-а, шундай бообрў,  
Бадавлат, қудратли ва олижаноб  
Бир киши шунақа бўлиб қолса-я?!

### С л а й

Нима, сиз мени ақлдан оздирмоқчимисиз? Мен ахир, хароба бертониялик, аслан-югурдак, илман-қашлағич, тақдири азалдан айиқчи, ҳозир энди янгичасига — мисгар бўлган кекса Слайнинг ўғли Кристофер Слай эмасманми? Ишонмасангиз, Уинкотдаги Мернан Хеккет деган бўзахона бекасидан сўранг. У биледи мени. Агар у мени, ўн тўрт пенсли бўза ичиб қарз бўлмаган, деса, майли, христиан оламидаги энг ёлғончи аблаҳларнинг аблаҳи экан, деб билинг мени. Ахир жуда ҳам эсимни еб қўйганим йўқ, шекилли...

### У ч и н ч и х и з м а т к о р

Ана шунинг учун қайғуда бекам.

### И к к и н ч и х и з м а т к о р

Шунинг учун хафа малайларингиз.

### Л о р д

Ана шунинг учун уруғларингиз  
Тўс-тўс бўлиб кетди аҳволингиздан.

О, қимматли лорд, ўйла, ким эдинг,  
 Эсингга ол авлод-аждодларингни.  
 Қайтар аҳволингни, асл зотингни,  
 Уйгон номуносиб, нобоп уйқудан.  
 Қара, малайларинг гирдикапалак,  
 Битта ишорангга интизор улар.  
 Музыка керакми? Ана Аполлон.

(Музыка.)

Булбуллар чақчақи қафасларингда,  
 Ухламоқчимисан? Жойинг солиғлиқ.  
 Юмшоқ, пардек юмшоқ, жуда роҳатбахш,  
 Ажойиб ётоғинг кутади сени.  
 Уйнамоқчи бўлсанг, пойингда гуллар,  
 Отларинг йўлақда — сайр этмоқ эсанг,  
 Ярақлаб турибди кумуш жиловлар.  
 Ғоят севар эдинг лочин овини,  
 Тўрғайдан ҳам баланд учар лочининг.  
 Ё йиртқиш ҳайвонлар ови яхшими?  
 Оламни бузади овчи итларинг,  
 Остин-устун қилар еру осмонни.

Биринчи хизматкор

Буюринг, қўямиз тозиларни овга,  
 Бугудан ҳам илдам чопади улар.

Иккинчи хизматкор

Буюринг, суратлар олиб келамиз,  
 Булоқ бошидаги Адонисними  
 Еки чакалакда назокат билан,  
 Ажойиб ҳирс билан, ҳиссиёт билан  
 Пинҳон боқиб турган Цитереяни?

## Л о р д

Кўрасан, Юпитер гўзал Иони  
 Фафлат қучоғида тутиб олганин,  
 Қандай бўлган бўлса шундай чизилган.

## У ч и н ч и х и з м а т к о р

Ёки тиканзорда оёқлари қонаб,  
 Азоб чекиб ётган Дафнага қаранг.  
 Аполлон кузатар уни кўзда ёш,  
 Суратмас, мисоли ҳақиқатан ҳам  
 Жонланар қаршингда қон билан кўз ёши

## Л о р д

Сен лордсан, бошқамас, англагин ахир!  
 Хотинингга қара, нақадар гўзал,  
 Бу оламда бундан чиройлиги йўқ.

## Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Бечора, сизни деб, ҳуснини бузиб,  
 Кўз ёшини дарё қилмасдан олдин  
 Оламда тенги йўқ эди бекамнинг,  
 Ҳозир ҳам қолишмас ҳар қандайдан.

## С л а й

Мен лордман? Тенги йўқ хотиним ҳам бор?  
 Тушимми, ўнгимми?.. Уйқудамидим?  
 Йўқ-э, кўраяпман, эшитаяпман.  
 Юмшоқ нимарсалар, хушбўй таомлар.  
 Худо ҳаққи, мисгар Слаймасман шекил,  
 Дарвоқе, ҳақиқий лордга ўхшайман.  
 Қани, келтиринг-чи хотингинамни,  
 Бир коса бўза ҳам. Келтиринг тезроқ!

## Иккинчи хизматкор

Балки қўл юварсиз, жаноб олийлари?  
 Хушингизга келиб кимлигингизни  
 Эслаганингиздан ғоят хурсандмиз.  
 Қаттиқ ухладингиз ўн беш йил, ҳатто  
 Уйқуда эдингиз уйғонганда ҳам.

## С л а й

Ун беш йил? Ё тавба, маза қибмиз-да!  
 Ҳатто бир оғиз ҳам гапирмадимми?

## Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Гапирдингиз, аммо жуда аломат:  
 Ҳайдамоқдалар, — деб қаттиқ бўкирдингиз  
 Шундай хонангизни бошга кўтариб. —  
 Алдадинг, косани тўлдирмадинг, — деб,  
 Бўзачи бекани роса сўкдингиз. —  
 Судга тортаман, — деб қилдингиз зуғум.  
 Ҳадеб чақирдингиз Хеккет деганни.

## С л а й

Ҳа, ҳа! Сайсли Хеккет... Ушанинг қизи.

## У ч и н ч и х и з м а т к о р

Уларни билмайсиз, бекасини ҳам,  
 Қизини ҳам, кимни деган бўлсангиз.  
 Стивен Слайни, кекса Джонни ҳам,  
 Питер Терфни, Генри Пимпернелни ҳам.  
 Буларнинг исминмас, ҳатто, билсангиз,  
 Ўзлари ҳам йўқдир ёруғ оламда.

## С л а й

Эй тангрим, сенга минг карра шукурлар бўлсинким,  
 бу осий қулингни яна ўз ҳолига қайтарибсан.



## Ҳ а м м а

Омин!

## С л а й

Раҳмат, аммо ютқизганинг йўқ,

Хотинча кийинган маҳрам киради. Атрофида малайи.

## М а ҳ р а м

Аҳволлари нечук милордимнинг бугун?

## С л а й

Аҳволим жойида. Овқатлар сероб,  
Хотиним қани?

## М а ҳ р а м

Мана мен, милорд. Не буюрасиз?

## С л а й

Сизмисиз? Нимага эрим демайсиз?  
Лордман малайларга, сизга эса-эр.

## М а ҳ р а м

Ҳам эрим, ҳам лордсиз менга, азизим,  
Мен эса ожиза хотинингизман.

## С л а й

Хўп яхши! Нима деб атайман?

## Л о р д

Хоним.

## С л а й

Элс хоним ва ёки Джен хоним дебми?

## Л о р д

«Хоним», дейишади зодагонлар фақат.

## С л а й

Хотин — хоним демак. Қаттиқ ухлабман,  
Ун беш йил ухлабман давлатингизда.

## М а ҳ р а м

Менга бир умрдек кўриниб кетди,  
Эр-хотинликни ҳам унутаёзим.

## С л а й

Бечора! Малайлар, қани чиқинглар!  
Тезроқ каравотга, ечининг, хоним!

## М а ҳ р а м

Марҳаматли лордим, сабр қилинг жиндак,  
Менга яқинлашманг бир-икки кеча,  
Кун ботгунга қадар, жилла бўлмаса.  
Ҳакимлар дедик, сизга яқинлашса,  
Касалин қайталаш эҳтимоли бор.  
Бу касал эр-хотин муносабатига  
Алоқаси бормиш, шудир сабаби.

## С л а й

Шундайку-я, аммо сабр-тоқатнинг ҳам чегараси  
бўлади-ку, ахир. Бироқ, бу касалнинг қайталашига ҳам  
майлим йўқ, албатта. Нима ҳам қилиб бўлади, майли,  
қаттиқ соғинган бўлсак ҳам начора, кутсак кутамиз-да

Х и з м а т к о р к и р а д и .

## Х и з м а т к о р

Хабар топиб тузук бўлганингиздан,  
Кўнглингизни ёзмоқчи актёрларингиз.  
Қизиқ томошамиз бор, дейишади,  
Фойдали, деяпти табибингиз ҳам.  
Қаттиқ озор берган сизга маъюслик,

Маъюслик касални қайталар эмиш.  
Кўришингиз керак албатта, милорд,  
Кулги, шодлик тўла бу томошани.  
Дарду ғуссалардан аритади у,  
Кулги узоқ қилар умрни, бу ҳақ.

**С л а й**

Ҳа, майли, ўйнай қолишсин. Бу ўзи қанақаси, қизиқ-  
чиларми ё масхарабозларми?

**М а ҳ р а м**

Иўқ, жуда ғалати томоша, милорд.

**С л а й**

Хонаки гаплардан биронтасими?

**М а ҳ р а м**

Иўқ, янги ўйинга ўхшайди, милорд.

**С л а й**

Ҳа майли кўрамиз. Қани хотинжоним, яқинроқ ўтир.  
Бўлар иш бўлди, дунёга бир марта келамиз.

## I ПАРДА

## I-САҲНА

Падуя. Саҳна.

Люченцио билан Транио киради.

Люченцио

Маърифат макони, гўзал Падуяни  
 Кўрмоқ умидларим ушалди, мана,  
 Ломбардия — улуг Италиянинг  
 Жаннат маконига келдим ниҳоят.  
 Содиқ Транио, синалган дўстим,  
 Минг раҳмат падари бузрукворимга,  
 Унинг марҳамати туфайли сендек  
 Садоқатли дўстга улфат бўлолдим.  
 Яшаймиз биз ҳали яхши соатда,  
 Илмий ишларга ҳам тушамиз секин.  
 Пизада туғилдим. Бу шаҳар машҳур  
 Асл кишилари билан қадимдан.  
 Менинг отам 'эди уларнинг бири:  
 Бентиволиолик машҳур Винченцио,  
 Бутун ер юзида савдо қилади.  
 Тарбия кўрдим мен Флоренцияда.  
 Унинг ишончини саховат билан,  
 Эзгу ният билан оқлашим керак.  
 Мана нима учун мен, Транио,  
 Фалсафа илмини танладим. Чунки,  
 Эзгу, саховатли кишилар бахти  
 Фақат шунда эмиш, дейдилар зотан.  
 Хўш, мен-чи? Мен ахир Пизани ташлаб,  
 Саёзликдан гўё теранликка шошган,

Юраги ўт олган чанқоқ кишидек  
Уни босай, дея шошдим бу томон.

### Т р а н и о

Кечирингиз мени, содиқ қулингизни!  
Хурсандман мўъжиза-фалсафа фани  
Тортганидан астойдил эътиборингизни.  
Аммо лекин хўжам, бу ноёб фанга  
Муккангиздан кетиб, аллақандай гафлат —  
«Изм»ларга емиш бўлмоқ не ҳожат?!  
Фақат Аристотелларга илтифот,  
Ноилтифот бўлмоқ Овидийларга —  
Менинг назаримда, ноўрин, синьор,  
Мантиқ фанида ҳам бир оз машқ қилинг,  
Дўстлашинг устомон нотиқлар билан.  
Санъат, шеъриятга беринг ихтиёр,  
Математика ва метафизиканинг  
Миқдоридан сизга, ростини айтсам,  
Фақат бир ютуми бўлур кифоя.  
Ҳузур холи ерда фойда ҳам холи,  
Урганинг кўнглингиз тусаганини.

### Л ю ч е н ц и о

Раҳмат, Транио! Маслаҳатинг соз,  
Агар бўлганида қоқвош Бьонделло,  
Саранжом топардик аллақачоноқ.  
Уй ҳам топиларди шинам, падуялик  
Янги дўстлар билан улфатчиликка,  
Шошма! Бизга қараб келаётган ким?

### Т р а н и о

Балки чиқишгандир қарши олишга.

Баптиста, Катарина, Бьянка, Гремио ва  
Гортензио киришади.  
Люченцио билан Транио ўзларини четга олишади.

### Б а п т и с т а

Қийнаманг, синьорлар, мени, сўрайман,  
 Битта гапираман, биласиз буни.  
 Каттасига куёв топилмас экан,  
 Кичигига йўл йўқ, тамом, вассалом.  
 Бошқа гап бўларди, агар биттангиз  
 Сўраганингизда Қатаринани.  
 Унда ҳеч қанақа сўз бўлмасиди,  
 Сизни диққат қилиб ўтирмасидим,  
 Иш битган бўларди муроса билан.

### Г р е м и о

(четга)

Шайтон ҳам муроса қилолмас ҳатто!  
 Оласизми, тегса, сиз — Гортензио?

### Қ а т а р и н а

Нима учун мени кулгу қиласиз  
 Қаёқдаги бир жуфт аҳмоқ олдида.

### Г о р т е н з и о

Жуфт эмиш, жуфтингиз бўла олмаймиз,  
 Тушмагунигизча ҳовурдан озроқ.

### Қ а т а р и н а

Кўп қўрқмасангиз ҳам бўлади, синьор,  
 Кўнгил овланмайди бундай йўл билан.  
 Жўнаб қолмасангиз агар шу топда,  
 Манов курси билан, масхарабоздай  
 Оғзи-бурнингизни бўяб қўяман.

### Г о р т е н з и о

Тангри, ўзинг асра бундай балодан!

### Г р е м и о

Мени ҳам, ё раббий!

## Т р а н и о

Синьор, унга қаранг, мисоли офат,  
Худди ялмоғиз-а, тавба, касофат!

## Л ю ч е н ц и о

Аммо ановиси бунинг олдида  
Маъсум кўринади кўзимга жуда.  
Жим бўл, Транио.

## Т р а н и о

Хўп.  
Яхши синьор.  
Лекин ҳушёр бўлиб туринг ўзингиз!

## Б а п т и с т а

Қарорим ана шу, қани, Бьянка,  
Бора қол, қизгинам, энди бу ердан  
Уйга кир. Ва лекин сен хафа бўлма,  
Кенжамсан, эркаман ҳамиша ўзинг.

## К а т а р и н а

Эркатой, кенжатой, ҳа бўлмаса-чи!  
Эркатой кўзларим донм шалаббо.

## Б ь я н к а

Кулинг пешонамдан, опажон, майли,  
Отажон, розиман, сизнингча бўлсин,  
Майлига, дўстларим суҳбати энди  
Алмашсин китобу музика билан.

## Л ю ч е н ц и о

Эшитяпсизми? Минерва! гўё!

---

<sup>1</sup> Минерва — қадим юнонларнинг Паллада деган авлиёлари сингари бу ҳам қадим римликларнинг донишмандлик худоси аталган.

## Гортензио

Наҳот шундай жабр қиласиз, синьор?  
Эсиз, бечоранинг бошига шунча  
Ғам солди севгимиз...

## Гремио

Синьор Баптиста,  
Наҳот Бьянкажон қафасга тушса,  
Заҳар опасининг касофати деб?..

## Баптиста

Бўлди, бас, синьорлар, қарорим қатъий;  
Бора қол, Бьянка.

## Бьянка кетади.

У музикани,  
Шеърни бағоят яхши кўради,  
Муаллим оламан агар топилса.  
Таълим яхши нарса. Азиз синьорлар,  
Мабодо билсангиз шундай муаллимни,  
Илтимос қиламан, бунда юборинг,  
Бундай кишиларга эшигим очиқ,  
Пул ҳам аямайман улардан асло.  
Хайр, хўш, бунда қол сен Қатарина,  
Бьянкада менинг яна гапим бор.

(Кетади.)

## Катарина

Нима, кетиш менга ман этилганми?  
Буйруғи нимаси! Билмайманми ўзим  
Нима қилиш ёки қилмаслигимни?!

(Кетади.)

## Гремио

Бор, бор, ўша холангникига, бор! Сен шундай ҳури-  
лиқосанки, бу ерда ҳеч кимга керагинг ҳам йўқ. Фаҳ-



мимча, Гортензио, ота билан катта қизининг ораси яхшимасга ўхшаб қолди. Сиз билан биз бу олма қачон, қайси томонидан қизараркин деб сўлагимиз оқиб ўтирадиган кўринамиз. Хўш, энди. Лекин азиз ва муҳтарам Бьянкага бўлган муҳаббатим ҳаққи, агар муносиб муаллим тополсам, уни албатта, синьор Баптистага тавсия этаман, нимани хоҳласа, шуни ўқитсин.

Гортензио

Мен ҳам худди шундай қиламан, синьор Гремио. Лекин қулоғингизга бир гапим бор. Гарчанд орамиздаги можаролар бизнинг очиқроқ гаплашувимизга имкон бермаган бўлса-да, қулоқ солинг, ҳозирги айтадиган гапларимнинг ҳаммаси икковимизга алоқадор. Агар шу ишни удалай олсак, гўзал маликамиз ҳузурига яна йўл очилди ва Бьянка ошиқлари ўша ишқий можароларни келган жойидан тағин давом эттирадилар.

Гремио

Қандай ишни удалай олсак?

Гортензио

Гапнинг пўскалласи, сударь, опасига эр топиш керак.

Гремио

Эр? Эрмас, қора ер керак унга!

Гортензио

Эр керак унга!

Гремио

Йўқ, ер! Наҳотки, Гортензио, бу жаҳаннамий алвастига, отасининг бутун мулкани ўртага қўйганда ҳам, уйланганидан одам топилса?

Гортензио

Бас, Гремио! Унинг ҳангомаларига сиз билан биз тоқат қилолмасақ ҳам, ҳеч қанақа борди-келдисига

қарамасдан, мол-дунёси учун таваккал, дейдиган азаматлар топилади. Фақат шунақасини тополсак бас.

### Г р е м и о

Умидим йўқ. Мени лаънат дори остига боғлаб қўйиб, ҳар куни дўппослаганларида ҳам барибир, фақат сепинигина олишга рози бўлардим.

### Г о р т е н з и о

Э, ҳаммаси ҳам бир гўр буларнинг. Модомики, бу дардисар бизни вақтинча дўстлаштирган экан, Бапистанинг катта қизини эрга бериб, кичигини қутқармагунимизча, бу дўстликни бузмайлик. Рақобатни кейин давом эттираверамиз. Оҳ, Бьянкажон! Қайси пешонаси ярқираганники экансан? Қим эпчил бўлса шу илиб кетади сени. Нима дедингиз, синьор Гремио?

### Г р е м и о

Бўпти, розиман. Қимда ким унга уйланамаи деса, уйланса, бир ёстиққа бирга бош қўйса ва шу хонадонни ундан халос этса, Падуя отларининг энг яхшисини совга қилардим унга. Кетдик.

Г р е м и о ва Г о р т е н з и о кетадилар.

### Т р а н и о

Наҳотки муҳаббат, синьор, бошингизни Айлантириб қўйган бўлса дафъатаи?

### Л ю ч е н ц и о

Транио, шундай бўлмаганида,  
Мен ҳам ишонмаган бўлардим бунга.  
Лоқайд унга қараб турар эканман,  
Лоқайд бу ҳолатдан туғилди севги.  
Эътироф этаман сенга рўйирост,  
Сен меъга азизсан, азиз бўлганидай  
Анна Карфагеннинг маликасига.

Эътироф этаман сенга шунинг учун,  
 Агар бу ифбатли қизга етмасам,  
 Алам азобида бўламан ҳалок.  
 Дўстим, маслаҳат бер, қодирсан бунга,  
 Қодирсан, Транио, ёрдам бер менга.

### Т р а н и о

Қойир эдим, сударь, лекин вақтимас,  
 Кетмас койиганинг билан муҳаббат.  
 Ҳамонки муҳаббат... Энди битта чора,  
 Амаллаб осонроқ эришмоқ керак.

### Л ю ч е н ц и о

Раҳмат, азиз дўстим, давом эт, сен ҳақ,  
 Далда бер, қимматдир маслаҳатларинг.

### Т р а н и о

Қизга шундай қаттиқ тикилдингизки,  
 Нима ўтганин ҳам билмай қолдингиз.

### Л ю ч е н ц и о

Ҳа, тўғри, жамоли этди маҳлиё,  
 Юпитер тиз чўкиб Крит бўйида  
 Агенор қизининг қўлин ўпганда  
 Намоён бўлганди шундай латофат.

### Т р а н и о

Е тавба! Опаси кўтарган жанжал,  
 Шовқин-суронларни кўрмадингизми?  
 Ағдар-тўнтар қилиб юборди-ку у!

### Л ю ч е н ц и о

Латиф дудоқларнинг қимирлаганин  
 Кўрдим. Атир бўйин уфурардилар,  
 Гўзал, жозибадор эдилар булар.

## Т р а н и о

Хушига келтирмоқ керак болани!..  
 Эсингизни йиғинг, севибсиз, демак,  
 Қўлга олиш керак уни. Бунинг учун  
 Мияни ишлатмоқ лозим, азизим.  
 Опаси ўлгудай ўжар қиз экан.  
 Отаси эр топиб гумдон қилмагунча,  
 Бизнинг маликамиз қафасда, сударь.  
 Безор қилмасин деб ошиқлар уни,  
 Устидан қулфлаб қўймиш отаси.

## Л ю ч е н ц и о

Оҳ, дўстим, бағритош экан отаси:  
 Ҳали аҳамият бердингми, унинг  
 Муаллимлар керак деган сўзига?

## Т р а н и о

Бўлмасам-чи! Бир гап ўйлаб ҳам қўйдим.

## Л ю ч е н ц и о

Мен ҳам!

## Т р а н и о

Ўйлайманки, азизим сударь,  
 Гапимиз бир ердан чиқади, бешак.

## Л ю ч е н ц и о

Тез гапир аввал сен!..

## Т р а н и о

Унинг уйига  
 Муаллим мисоли кириб борсангиз  
 Ва турли фанлардан дарс берсангиз...  
 Мана хаёлингиз!

## Л ю ч е н ц и о

Тўғри. Бошлаймиз!

## Т р а н и о

Тўғримас. У ҳолда ким яшар, сударь,  
 Уғли бўлиб бунда Винченционинг?  
 Қим бунда ўқийди ва ким оқшомлар  
 Улфатчилик қилар дўстлари билан?

## Л ю ч е н ц и о

Бас, бўлди, мен қатъий фикрга келдим,  
 Бу ерда ҳеч қандай танишимиз йўқ,  
 Бизни ким билади башарамиздан,  
 Қайсимиз хизматкор, қайсимиз хўжа?  
 Шундайми? Ҳозирдан сен хўжа, тамом!  
 Уй ҳамда чўрилар ихтиёрингда,  
 Мен эса пизалик бирон камбағал,  
 Еки неаполлик бўлиб оламан.  
 Хўш, битди маслаҳат, ечин, Транио,  
 Мана кий, плаш ва шляпани ол.  
 Келиши биланоқ Бьонделлога —  
 Айтамиз, бўлади хизматингда шай.

## Т р а н и о

Бу иш ҳам чаккимас баъзи-баъзида.

## Қийим алмашишади.

Майли, маъқул бўлса агар шу сизга,  
 Истоат этмоқлик бурчимдир, синьор.  
 Отангиз отланиш олдида менга  
 «Яхшилаб хизмат қил», деганди, сизга.  
 Бу ишни тутмаган бўлса ҳам кўзда,  
 Люченцио бўламан мен бажонидил,  
 Севганим туфайли Люченциони!

## Л ю ч е н ц и о

Люченционинг ҳам севгани учун!  
 Қул бўлай, майлига, етишай аммо

Уйимни банд этган у маҳлиқога,  
Ана у доғули!

Бьонделло киради.

Қайга йўқолдинг?

Бьонделло

Қайга йўқолардим? Тавба, бунисига нима берасан?  
Узлари қайга йўқолдилар? Хўжайин, менинг дўстим  
Транио усти бошингизни ўғирладими? Ёки сиз уникини  
ўғирладингизми? Ё бўлмасам, биров-бировларингизни-  
кини ўғирладингизми? Худо ҳаққи, айтинглар, нима  
ҳодиса рўй берди ўзи?

Люченцио

Ишёқмас, бери кел, ҳазил вақтимас,  
Жиддий ҳол юз берди, ўзингни ушла.  
Қутқарай, деб мени шундай, Транио  
Уст-бошимни кийиб тусимга кирди,  
Уникини мен кийдим. Гап бундай, тингла:  
Муштлашиб анави дарё бўйида  
Бировни тўсатдан ўлдириб қўйдим,  
Тушмасам қўлга деб ваҳимадаман.  
Хизмат қил, мен эса қочишим керак.  
Тушундингми?

Бьонделло

Асло, рост, худо ҳаққи!

Люченцио

Сен энди унутгин Траниони,  
Транио йўқ энди, у Люченцио!

Бьонделло

Мазани у қипти, қани менга ҳам...

## Т р а н и о

Шошма эй, бефаҳм, ўзим учунмас,  
 Синьор Баптистанинг кенжа қизига  
 Эришмоғи учун Люченционинг  
 Уйлаган тадбири бу. Маслаҳатим шу:  
 Менга-ку, сатқансар, фақат синьор учун  
 Тилингга ҳазир бўл.  
 Ўз ичимизда —  
 Мен ўша оғайнинг Траниоман.  
 Бошқалар олдида — хўжанг Люченцио!

## Л ю ч е н ц и о

Қани, Транио, кетдик бўлмасам,  
 Энди қолди ёлғиз битта масала:  
 Ошиқлар сафига ўтиб олишинг,  
 Нега, деб сўрарсан, муҳим сабаб бор,  
 Сенга айтиб берай, яхши уқиб ол.

(Кетишади.)

## Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Милорд ухлаб қолди, кўрмай пьесани.

## С л а й

Иўқ, мўтабар Анна номига қасамёд бўлсинки,  
 кўряпман, худо ҳаққи алламбало нарса экан! Нима,  
 ҳали тағин борми?

## М а ҳ р а м

Эндигина бошланди, милорд.

## С л а й

Ажойиб воқеа экан, ҳоним рафиқам, тезроқ тугай  
 қолса яхши бўларди,

## 2-САҲНА

Падуа, Гортензио уйи олди. Петруччо билан  
Грумио киришади.

Петруччо

Веронадан чиқдим қисқа муддатга,  
Падуялик дўстларимни, хусусан,  
Қадрдоним Гортензиони кўрай деб.  
Шу эмасми энди унинг эшиги?  
Эй Грумио, қани, муштла-чи!

Грумио

Муштла? Кимни, синьор? Қим хафа қилди  
Сизними, марҳаматли синьор?

Петруччо

Мен сенга нима деяпман, аҳмоқ, бўл, қаттиқроқ  
муштла!

Грумио

Қаттиқроқ дейсизми, синьор? Э, қўйсангиз-чи, синьор,  
мен ким бўлманки, сизни урсам, синьор?

Петруччо

Эшикни муштлагин, эшикни, аблаҳ,  
Бўлмаса каллангга тушираман нақ.

Грумио

(четга)

Осилиб олди-ку!

(Қаттиқ.)

Олдин мен урсам,  
Бошимни балога қўярсиз, хўжа.



## Петруччо

Муштламайсанми, а, муғамбир, суллоҳ?  
 Ургатиб қўяман ҳозир буни мен,  
 Қандайин ўйноқлаб қоларкансан сен.

(Грумионинг қулоғини чўзади.)

## Грумио

Войдод, ёрдам беринглар! Хўжайинимни жин урди!

## Петруччо

Эшикни муштлагин дедим, муштла тез!

Гортензио киради.

## Гортензио

Нима гап? Ие! Грумио! Азиз дўстим, Петруччо! Омон  
 бормисизлар Веронада?

## Петруччо

Ажратмоқ учунми келдингиз, дўстим?  
 Рост, келиб қолдингиз худди вақтида.

## Гортензио

Хуш келибсиз менинг хонадонимга, ҳурматли, муҳта-  
 рам синьор Петруччо! Тур ўрнингдан, Грумио, ҳозир  
 ҳаммасини гаплашамиз.

## Грумио

Йўқ, синьор, гап билан битадиган иш эмас бу. Наҳот-  
 ки шундай қонуний сабаб ҳам хизматдан бош тортишим-  
 га важ бўлмаса. Ўзингиз ўйлаб кўринг-а, синьор: у мен-  
 га мени муштла, деб буюрди, тагин қаттиқроқ ҳам,  
 деди. Хўш, хизматкор деган ўз хўжасини шундай қила  
 оладими? Ахир ўттиз иккини уриб қўйган-ку у.

Агар урганимда уни, барибир,  
Менинг бошим огримасди-ку!

### Петруччо

Қип-қизил аҳмоқ у, азиз Гортензио,  
Эшикни муштлагин дедим меровга,  
Кўриб турибсанки, аҳвол мана шу.

### Грумио

Эшикни муштлагин! О, тангрим! Ахир сиз ўзингиз  
айтмадингизми мана бундай деб: «Эй, Грумио, ур, ур  
қаттиқроқ, калланга тушираман бўлмаса, ур». Энди  
бўлса «эшикни» дейсиз.

### Петруччо

Учир овозингни, ё йўқол, аблаҳ!

### Гортензио

Бўлди, Грумиога кафилман, дўстим,  
У кекса, сидқидил, яхши хизматкор.  
Уни қўй, қай бахтли шамол учирди  
Падуяга, дўстим, у Веронадан?

### Петруччо

Мени Веронадан учирган шамол —  
Ешларни уйдан йироққа қувган  
Қисмат шамолидир. Қисқаси, дўстим,  
Шундай тақдир бунда келтирди мени:  
Отам вафот этди. Энди бир яхши,  
Бадавлат жой топиб уйланай, дея  
Мана шу масканга қараб йўл олдим.  
Уй тўла молу мулк, кармон тўла пул,  
Қасд қилдим ер юзи саёҳатига.

### Гортензио

Азизим Петруччо, агар мен сени  
Шу ерда, ўлгудай қайсар бир қизга

Уйлантириб қўйсам не дейсан? Шошма,  
 Раҳмат-ку демайсан, биламан буни,  
 Аммо худо урсин, жуда бой ўзи!  
 Аммо қистамоқчи эмасман сени,  
 Дўстимсан, у ёғи ихтиёрингда.

### Петруччо

Азиз Гортензио, сен билан бизга  
 Ортиқ гап кетмайди, бордию бой қиз  
 Сенча менбоп экан, шунинг ўзи бас.  
 Менинг учун никоҳ бу — муллажиринг,  
 Майли, менга деса, Сивилладан  
 Бадбуруш бўлса ҳам, Флорентийнинг  
 Хотинидан баттар хунук бўлса ҳам,  
 Ҳаттоки, Суқротнинг Қсантиппасидан  
 Қайсар бўлса ҳамки, қайтмайман ундан.  
 Адриатиканинг довули каби  
 Даҳшатли бўлса ҳам мен Падуяда  
 Унга уйланаман, тамом, вассалом!

### Грумио

Мана кўрдингизми, синьор, у калласидаги бор гапини  
 тўппа-тўғри айтди-қўйди. Унга олтин бўлса бас, қўғир-  
 чоққа ҳам, таёққа ҳам, борингки, оғзида битта тиши  
 йўқ, ҳеч бало билан иши йўқ, минг хил касалга гирифтор  
 қирчанги шум кампирга ҳам уйланаверади. Унга, ҳали  
 айтганидай, муллажиринг бўлса бас!

### Гортензио

(Петруччога)

Мадомики дўстим, шундай экан гап,  
 Давом эттирамиз уни рўйирост.  
 Ростдан сенга уни таклиф этаман,  
 Жуда боп, тобида, жуда чиройли,  
 Кибор таълимни олган ўзи ҳам,

Битта нуқсони бор, биракай, лекин,  
 Ҳулғудай жанжалкаш, бас келиш маҳол,  
 Ҳтакетган ўжар, бениҳоя қўрс.  
 Мен эса олмасдим уни ҳеч қачон  
 Олтин-кумушларга ўраб берса ҳам.

### Петруччо

Сен олтин кучини билмас экансан!  
 Отаси ким ўзи, шуни айтсанг бас.  
 Қизни қўлга олиш ҳеч нарса эмас,  
 Момақалдироқдай гулдураса ҳам.

### Гортензио

Отасининг оти Баптиста Минола,  
 Мулойим, ғоятда ҳурматли синьор.  
 Қизи Катарина ҳаммага маълум  
 Аччиқ тил, бадфеъл ва беандиша.

### Петруччо

Қизини билмайман, аммо отасини  
 Эшитганман, биларди отам раҳматлик.  
 Энди уни кўрмай уйқу йўқ менга,  
 Шунинг учун дўстим, менга ижозат,  
 Узр, кўришибоқ, хайрлашамиз,  
 Олиб боролмасанг мени у ёққа.

### Грумио

Марҳаматли синьор, қўйинг, боргиси келиб турган  
 экан, бораверсин. Менинг сўзим эсингизда бўлсин, агар  
 у қиз бунни мен билгандай билса, гап таъсир қилмаслиги-  
 ни тушунган, минг марта муттаҳам деб ҳақорат қилгани-  
 да, бир марта ҳам пинагини бузмаслигини уққан бўлар  
 эди. Агар у бошлаб қолса жанжални, бор гапини тугат-  
 магунича тўхтатиш маҳол. Мен сизга шуни айтиб қўяй,  
 синьор, бу вағиллаётганда у бир марта бўлса ҳам сўзи-  
 ни бўлсин, ана ўшанда кўрасиз томошани, у Катаринан-

ғизнинг адабини шундай боплаб берадики, қочгани жой тополмай қолади. Сиз ҳали уни билмайсиз, синьор.

### Гортензио

Мен олиб бораман, шошма Петруччо,  
 Баптиста, кенжаси, гўзал Бьянкани  
 Зиндонда тутгандек тутади уйда,  
 У менга азиздир ҳаммасидан ҳам.  
 Мендан, турли-туман ошиқларидан  
 Уни, қари хўкиз яшириб қўйди.  
 Қаттасининг айби кичкинасининг  
 Бахтига халақит бермасин, дея  
 Қамаб қўйди уни, қоқвош Катарина  
 Эрга чиқмагунча, дея шафқатсиз.

### Грумио

«Қоқвош!» Кўп лақабни биламан, аммо,  
 Қиз болага бундан ёмони бўлмас.

### Гортензио

Петруччо, азизим, бир ҳожат чиқар,  
 Қийинай, муллим қиёфасида.  
 Баптистага танит, муаллим деб мени,  
 Музыка, қўшиқда тенги йўқ, деб айт.  
 Бу иш зора менга қулайлик берса,  
 Овласам овлоқда мен бежавотир,  
 Гўзал Бьянканинг мурғак кўнглини

### Грумио

Мана қаллоблик, мана тирриқлик! Буни қаранг, бечора кексаларни лақиллатмоқ учун ёшлар нималарни ўйлаб чиқаришмайди!

Гремио ва кийимини ўзгартирган Люченцио бир қучоқ китоб билан киришади.

## Гортезио

Шошма, Грумио! Ана рақибим,  
Петруччо, четроққа ўтайлик.

## Грумио

Қойил!

Худди қуйиб қўйган ошиқнинг ўзи.

Четга ўтишадн улар.

## Гремио

Ўқиб чиқдим китобларнинг номини,  
Муқовалар қилдирамиз яхшилаб.  
Фақат севги китоблари, вассалом,  
Ўқий кўрманг Бьянкамга ўзгасин.  
Ўқингизми? Тағин мендан ташқари  
Баптиста ҳам ҳақ тўлайди, шубҳасиз.  
Ҳали сизга олиб берган энг яхши  
Хушбўй, гоят асл атирларимни  
Дафтарларга пуркаб қўйинг яхшилаб,  
Хўш, айтинг-чи, нима ўқимоқчисиз?

## Люченцио

Нимаки ўқисам, муҳтарам синьор,  
Сизнинг фойдангизга бўлур ҳаммаси.  
Тасаввур этингки, унга мен эмас,  
Ўзингиз муҳаббат изҳор қиласиз,  
Ҳаттоки аълороқ алломалардан!

## Гремио

Алломалик! Қандай улуғ фазилат!

## Грумио

(четга)

Калтабин, мўлтони! О, улуғ эшшак!

Петруччо

Бетайин, жим бўл, эй!

Гортензио

Жим, Грумио!

(Олга чиқади.)

Салом, азиз дўстим, муҳтарам синьор!

Гремио

Синьор Гортензио, сизни кўрганим  
 Нақадар соз бўлди. Азизим, ҳозир  
 Баптиста олдига келаётирман.  
 Гўзал Бьянкага, эсингиздами,  
 Ваъда қилиб эдим муаллим.  
 Қарангки, навқирон, камсухан, камтар,  
 Ақлли, билагон шеъриятда ҳам.  
 Худди айтганимдай, ҳа, худо ҳаққи.

Гортензио

Жуда соз. Учратдим мен ҳам бир синьор,  
 У бизнинг бекамиз учун бир яхши  
 Созанда топишга сўз берди қатъий.  
 Демакки, севикли ёр хизматида  
 Орқада қолмабман мен ҳам, азизим.

Гремио

Йўқ, менинг севиклим! Исбот этаман!

Грумио

(четга)

Шубҳасиз, ҳамёни исбот этади.

Гортензио

Вақтимас муҳаббат баҳсининг ҳозир.  
 Синьорлар, гапим бор, бир оғиз холос,  
 Янги гап, энг муҳим, ҳаммага оид!

Манови зодагон биз учун ўша  
Қайсар ва жанжалкаш Катаринага

*(Келишиб албатта сепи ҳақида)*

Биз деб уйланмоқчи бўлди рўйирист.

Г р е м и о

Жуда соз, ишимиз пишибди демак!  
У қизнинг айбидан хабари борми?

П е т р у ч ч о

Хийла шаллақироқ, дейдилар уни,  
Шунинг ўзи бўлса, унчалик эмас.

Г р е м и о

Шундайми? Ўзингиз қайси ёқдансиз?

П е т р у ч ч о

Вероналик бўламан, отам Антонио.  
Отам ўлиб кетган мулкни ташлаб.  
Юз йил бахтли яшаш ниятим холос.

Г р е м и о

Бундай хотин билан қийинроқ бўлар!  
Сабрингиз чидаса, худо ёр бўлсин!  
Наҳотки қатъийдир қарорингиз, синьор,  
У ахир хотинмас, ёввойи мушук!

П е т р у ч ч о

Ҳа, яшаш ниятим бўлгандай қатъий!

Г р у м и о

Қайтариб бўлмайди уни бу йўлдан.

П е т р у ч ч о

Бўлмаса не эди келишдан ният?  
Янгимиз шовқину суронлар меңга?



Эшитмаганманми шер бўкиришин?  
 Эшитмаганманми, ҳаддидан ошган  
 Қобондай қутурган баттол денгизни?  
 Жангда тўп довулин кўрмаганманми,  
 Еки осмонда момақалдироқ?  
 Жанглар тўзонида эшитмаганманми  
 Жанговар суронлар, отлар кишнашин?  
 Хотин машмашаси нима бўлибди?!  
 Оловда қовурилган хандон пистадай,  
 Чала очилганча қолади оғзи,  
 Болаларни қўрқитинг!

Г р у м и о

У қўрқиб бўпти!

Г р е м и о

Дўстим Гортензио, менинг наздимда,  
 Бизнинг бахтимизга ҳам ўз бахтига  
 Вақтида келганга ўхшайди синьор.

Г о р т е н з и о

Сўз бердим унга мен никоҳга кетган  
 Харажатларига қарашамиз деб.

Г р у м и о

Албатта, албатта, фақат уйлансин!

Г р е м и о

(четга)

Шундай нақд бўлсайди қорин қарзи ҳам.

Яхши кийинган Т р а н и о билан Б ъ о н д е л л о киради.

• Т р а н и о

Тангри ёрлақасин сизни, синьорлар,  
 Жойиз бўлурмикан сўрасам сиздан  
 Ҳурматли Баптиста Минола уйин?

Бьонделло

Икки гүзал қизи бор Баптистани сұраяпсанми?

Тр а н и о

Топдингиз, азизим.

Г р е м и о

Қизи керакмиди ё ўзи, синьор?

Тр а н и о

Даҳли йўқ, биродар, бу менинг ишим.

П е т р у ч ч о

Банд этган бўлмасин сизни ўжари?

Тр а н и о

Ўжарга ҳушим йўқ, кетдик, Бьонделло.

Л ю ч е н ц и о

(четга)

Қойил, Транио.

Г о р т е н з и о

Синьор, бир нафас!

Уйланмоқчиларми ростдан, беҳазил?

Тр а н и о

Ким доғда қолади, бўлса беҳазил?

Г р е м и о

Ҳеч ким, жўнаб қолинг бу ердан ҳозир!

Тр а н и о

Кўча ҳамманики, синьор, сизга ҳам,

Менга ҳам очиқдир...

## Г р е м и о

Бугунмас фақат!

## Т р а н и о

Сабаби не экан, тушунтирсалар.

## Г р е м и о

Сабаби, мабодо билмоқ бўлсалар,  
Бьянка Гремниога аталган, басми?!

## Г о р т е н з и о

Синьор Гортензио харидор унга.

## Т р а н и о

Секироқ, жаноблар, зодагонларсиз,  
Қулоқ солинг менга марҳамат қилиб.  
Олижаноб синьор, ахир, Бапטיста,  
Менинг отамни ҳам билмайди эмас.  
Қизчаси бундан ҳам чиройли бўлиб,  
Бундай кўп бўлса ҳам харидорлари,  
Барибир, бўлардим уларнинг бири.  
Леди қизин сонсиз эди ошиғи,  
Битта ортиқроқдир, балки буники,  
Ана шу биттаси менман мутлақо,  
Парис бўлганда ҳам рақибим ҳатто.

## Г р е м и о

Наздимда бу бизни йўлда қўяди.

## Л ю ч е н ц и о

Қирчанғи от, холос. Ҳеч ташвиш торгманг.

## П е т р у ч ч о

Бунча кўп гап сотдинг эй, Гортензио?

## Г р е м и о

Майлими, синьор, мен бир савол берсам,  
Баптиста қизини ҳеч кўрганмисиз?

## Т р а н и о

Йўқ, лекин биламан, улар иккита,  
Бир — номи кетган қайсар, заҳардир,  
Бир — хуш феъли-ла ҳаммага манзур.

## П е т р у ч ч о

Шошманг, тега кўрманг биринчисига!

## Г р е м и о

Геркулесга қолсин бу қаҳрамонлик,  
Қийинроқ кўчади буниси, синьор.

## П е т р у ч ч о

Синьор, кўнглингизни тинчитиб қўяй:  
Сизни гангитган қиз, гўзал Бьянка  
Қафасда. Отаси агар биронта  
Куёв топмас экан катта қизига,  
Уни кўролмайсиз биронгангиз ҳам,  
Эрк олур кенжаси фақат ўшанда.

## Т р а н и о

Эй, ҳали сизмисиз, бизнинг, жумладан  
Каминнинг, марди мададкорлари?!  
Мабодо эрита олсангиз музни,  
Опасин олсангиз мардлик кўрсатиб,  
Очиб беролсангиз кенжасига йўл,  
Бьянка бахтига муяссар бўлган  
Қаллиқ сиздан қарздор бўлиб қолмагай.

## Гортензио

Жуда оқилона фикр айтдингиз,  
Лекин сиз ҳам биздай бўлганингиз учун  
Баробар тўлайсиз биз билан бирга  
Синьорнинг хизмати — харажатини.

## Траннио

Мутлақо! Сўзимнинг исботи учун  
Шу оқшом уйимга марҳамат қилинг,  
Қадаҳ кўтарамиз Бьянка учун.  
Келинг, йўл тутайлик адвокатлардек:  
Расмиятда — расмий, улфатда — улфат.

## Гремио ва Бьонделло

Мана бу зўр таклиф, соз! Қани кетдик.

## Гортензио

Бундай оқил фикр бўлмас дунёда,  
Марҳамат, хуш кўрдик, дўстим Петруччо!

(Кетишади.)

## II ПАРДА

### 1-САҲНА

Падуя. Баптиста уйининг бир хонаси. Катарина билан  
Бьянка киришади.

Бьянка

Мазах қилма мени энди, опажон,  
Қайтага ўзингни ерга урасан,  
Мени чўриларга ўхшатмоқ бўлиб.  
Бераман жамики жиҳозларимни,  
Фақат боғламагин менинг йўлимни,  
Ҳамма кийимимни, юбкамгача ол.  
Нима десанг, майли, кўнаман, опа,  
Қаттага бўйсунмоқ муқаддас бурчим.

Катарина

Ҳозироқ айт, айёрлик қилмасдан,  
Жазманлар ичида ким ёқар сенга?

Бьянка

Опажон, бу яқин ўртада ҳали  
Менга ёқадиган, кўзимга тушган  
Биронта эркакни билмайман, инон.

Катарина

Ёлғон бу, жонгинам! Гортензио-чи?

Бьянка

Сенга ёқадими? Бўлмасам ўзим  
Ҳаракат қиламан, у сенга бўлсин.

## К а т а р и н а

Ҳа, бундан чиқдики, сенга пули кўп  
Синьор Гремио афзалроқ экан.

## Б ь я н к а

Нима, Гремио?.. Бу нима, рашкми?  
Энди билдим сени, ўйнашяпсан,  
Доим мени шундай мазах қиласан.  
Жон опа, боғлама менинг йўлимни.

## К а т а р и н а

Ўйнашяпманми? Бу-чи бўлмасам?  
(Уради,)

Б а п т и с т а киради.

## Б а п т и с т а

Бу тагин нимаси? Нима аҳмоқлик!  
Бьянка, нари тур. Йиғлама, болам.  
Ёнига йўлама, тикишингни тик.

## (Катаринага)

Уялсанг бўларди? Бу нима қилиқ?  
Сенга у тегмаса, нима қиласан  
Хафа қилиб уни. Бирон нобоп гап  
Дедими сенга у, айт-чи, хўш, қани?

## К а т а р и н а

Уша демагани жинимга тегди!  
Мен бунга ҳеч қачон чидай олмайман!

(Бьянкага ёпишади тагин.)

## Б а п т и с т а

Менинг олдимда-я! Чиқиб тур, қизим.

Б ь я н к а чиқади.

## К а т а р и н а

Биламан, сиз мени ёмон кўрасиз,  
 Ҳаммаси ўшанга, эр ҳам ўшанга.  
 Хўш, нима, қолайми қари қиз бўлиб?  
 Ёстиқ бўлайинми ёнбошингизга?  
 Нега индамайсиз? Йиглайвераман  
 Ўч олмагунимча тамом, вассалом!

(Кетади.)

## Б а п т и с т а

Бормикин мендан ҳам бадбахт дунёда!  
 Ана, келишяпти...

Гремио, юпун кийинган Люченцио, Петруччо,  
 музикачи қиёфасида Гортензио, китоб ва музика асбоби  
 қўлтиқлаб олган Транио билан Бьонделло киришади.

## Г р е м и о

Азиз қўшнимизга саломлар бўлсин!

## Б а п т и с т а

Салом сизга ҳам, ҳурматли Гремио. Худо ёр бўлсин,  
 синьорлар.

## П е т р у ч ч о

Сизга ҳам. Айтинг-чи, отасимсиз  
 Гўзал ва хушфеъл Катаринанинг?

## Б а п т и с т а

Катарина деган қизим бор, тўғри.

## Г р е м и о

Қаттиқроқ кетдингиз, аста-секинроқ.

## П е т р у ч ч о

Аралашманг, синьор, халақит берманг.



*(Баптистага)*

Веронадан келдим, зодагон аслим,  
 Ақли, камтарлиги, хушфеъллиги,  
 Гоят гўзаллиги, одоби билан  
 Машхур Катарина отли қизингиз  
 Борлигин эшитиб келдим сўроқлаб,  
 Қанчалик ҳақиқат эканин, синьор,  
 Кўрайин дедим ўз кўзим билан.  
 Таништириб қўяй, рухсатингиз билан,  
 Менинг хизматкорим бўлади бу зот.

*(Гортензиони кўрсатади.)*

Ўзи математик, уста созанда.  
 Ўзиниңг бу нодир илмини, синьор,  
 Ургатиши мумкин қизларингизга.  
 Асли Мантуядан, номи Личио,  
 Қабул бўлишига имоним комил.

## Баптиста

Хурсандман, оламан уни албатта,  
 Аммо Катарина масаласида...  
 Афсуски, у сизга тўғри келмайди.

## Петруччо

Айрилиш осонмас севикли қиздан,  
 Еки ёқмадимми жанобингизга?

## Баптиста

Йўқ, йўқ. Сирасини сўйладим холос,  
 Ўзингиз қаердан ва ким бўласиз?

## Петруччо

Петруччо, отамнинг оти Антонио,  
 Йўқ уни билмаган Италияда.

## Бап тиста

Биламан. Хурсандман кўриб ўғлини.

## Гремю

Петруччо, бир нафас тўхтаи, биродар,  
Бир оғиз бўлса ҳам айтиб қолайлик.  
Азбаройи худо, қайга шошасиз?!

## Петруччо

Тезроқ тугатайин деяпман холос.

## Гремю

Бу билан никоҳга берасиз қасам!

Қўшни, имоним комилки, менинг тортигимдан гоят хурсанд бўласиз. Менинг сизга бўлган ихлосимни ўзингиз яхши биласиз, синьор, чунки сизга мен бошқалардан кўра кўпроқ яқинроқман. Шунинг учун мана бу олимни сизга олиб келдим. (*Люченциога ишора қилади.*) Узоқ вақт Реймсда таҳсил кўрган. Анави киши математика билан музикани билганидек, юнон, лотин ва бошқа тилларни яхши билади. Унинг номи Камбио. Илтмос қиламан, қабул қилинг уни.

## Бап тиста

Минг марта раҳмат сизга, синьор Гремю. Хуш келибсиз, азиз Камбио. (*Траниога.*) Айтгандай, марҳаматли синьор, сиз бу ерликка ўхшамайсиз. Бу томонларга қилган сафарингиз сабабини билсак бўладими?

## Транио

Менинг журъатимни кечиринг, синьор,  
Босибоқ шаҳрингиз остонасини,  
Гўзал, латофатли кенжа қизингиз —  
Бьянка қўлини сўрадим, узр.  
Биламан, даставвал қатта қизингиздан

Тинчимоққа қилган қарорингизни.  
 Лекин менинг битта илтимосим бор,  
 Келиб чиқишимни эшитиб, синьор,  
 Куёвлар қатори кўрсангиз мени.  
 Бошқа харидорлар сафида мен ҳам  
 Марҳаматингиздан баҳраманд бўлсам,  
 Билиб истейдодин қизларингизнинг,  
 Чолғу асбоблари ва лотин, юнон  
 Тилида китоблар келтирдим мен ҳам,  
 Сазовор бўлса гар диққатингизга,  
 Қимматим оширган бўлар эдингиз.

Б а п т и с т а

Қайдансиз, отингиз Люченциоми?

Т р а н и о

Пизалик. Уғлиман Винченционинг.

Б а п т и с т а

Эшитганман уни, эътиборли зот,  
 Хуш кўрдик, ҳасанот қадамларига.

(Гортензиога)

Удингизни олинг.

(Люченциога)

Китобларни олинг.  
 Боринг толибалар олдига энди.  
 Эй, ким бор?!

Х и з м а т к о р к и р а д и .

Ҳурматли синьорларни тез  
 Қизларим олдига олиб бориб қўй.  
 Ҳам айтки, яхшилаб кутиб олишсин,  
 Кейин боққа чиқиб овқатланамиз.

Синьорлар, хурсандман ташрифингиздан,  
Ишонаман, бунга шубҳа қилмасиз.

### Петруччо

Мен нима қилайин, синьор Баптиста?  
Ҳар кун келишга вақтим йўқ менинг.  
Мени-ку биласиз, отам орқали  
Еру сув, давлатин меросхўриман.  
Бойитсам бойитдим, совурганим йўқ.  
Ололсам қизингиз розилигини,  
Сепига нималар берасиз, синьор?

### Баптиста

Вафотимдан кейин ярим давлатим,  
Тўйга йигирма минг крон бераман.

### Петруччо

Мен бўлсам, мабодо, эҳтиёти шарт,  
Бевалик тушгудай бўлса бошига,  
Бутун ҳовли-жойим, ерларимгача  
Ўтказиб қўяман унинг номига.  
Битим — шартномага тайёрман, синьор.

### Баптиста

Шартнома бўлади. Ҳаммадан аввал  
Келишинг у билан — ҳамма гап шунда!

### Петруччо

Ҳеч гапмас! Мен сизга айтсам, отажон,  
У қайсар, аммо мен ундай қайсарман.  
Олов олов билан тўқнашар экан,  
Ёнади ҳаммани қилгунича кул.  
Гарчанд ўт чиқарур учқундан шамол,  
Уни ўчиришга қодирдир бўрон.  
Шундайман, шубҳасиз эгилади у,  
Йигитман, ахир мен бола эмасман.

## Баптиста

Худо ёрлақасин, ҳа, майли, синьор,  
Менданмас қарғишга тўйиб чиқсангиз.

## Петруччо

Қўрқмайман. Тоғлар ҳам турибди ахир,  
Шамол зуғумини қилмасдан писанд.

Боши ёрилиб Гортензио чиқади.

## Баптиста

Не бўлди, оқариб кетибсиз, дўстим?

## Гортензио

Эсим чиқиб кетди ростини айтсам.

## Баптиста

Хўш, ундан созанда чиқадимикан?

## Гортензио

Ҳа, солдат чиқади ундан ажойиб,  
Уд нима, бешотар беринг яхшиси.

## Баптиста

Синдирмадингизми удга нафратин?

## Гортензио

Аксинча, синдирди удни бошимда,  
Пардада кўрсатиб хатосин аста  
Ушлаб букарманми бармоқларини,  
Қичқириб юборди ва ғазаб билан:  
«Ма, ўзинг уддала, кўтар удингни!»—  
Деб чунон солдики у билан мени,  
Пақ этиб қопқоғи бўйнимда қолди.  
Сазойи одамдек, бўйнимда қопқоқ,  
Аҳмоқдек серрайиб қолдим қошида.

У бўлса аҳмоқдан аҳмоққа солар,  
Мени қарғаш учун атайлаб унга,  
Дунёда нимаки ҳақорат бўлса,  
Ҳаммасин ўргатиб қўйгандай биров,  
Қарғарди бир нафас тўхтамай мени.

### Петруччо

Ажойиб қиз экан, худо ҳаққи, у!  
Тагин ҳам ихлосим ошди у қизга.  
Эҳ, қилиб кўрсайдим даҳанаки жанг!

### Баптиста

#### (Гортензиога)

Қўйинг, хафа бўлманг, юринг мен билан,  
Яхшиси ўқитинг кенжа қизимни.  
Миннатдор бўлади, зеҳни ҳам яхши.  
Бирга юрасизми, синьор Петруччо,  
Е бунда юборай Катаринани?

### Петруччо

Юборинг яхшиси. Кутамаман шунда.

Баптиста, Гремио, Транио ва Гортензио  
кетишади.

Ишни хушомаддан бошлайман секин,  
Тўполон бошласа, кўтарса шовқин,  
Булбулигўё деб соламан қулоқ.  
Хўмрайса — юзингиз ўхшайди дейман  
Шабнамда ювилган қип-қизил гулга.  
Безрайиб ўтирса — войбў, шунақа  
Гапга чечанлар ҳам бўлар экан, деб,  
Ҳайратда атайин мақтаб қоламан.  
Ҳайдаса — меҳмон бўл дегандек бир оз,  
Еғдириб ташлайман раҳматларимни.  
Рад этса — ўзингиз тайинланг дейман

Никоҳ ва тўйимиз кунн-соатин...  
Ана у келмоқда, бошла Петруччо!

К а т а р и н а киради.

Салом, Кет! Исмингиз шундай эшитдим.

К а т а р и н а

Шундай эшитдингиз? Емон эшитибсиз.  
Ҳамма чақиради Катарина деб.

П е т р у ч ч о

Нимага?

Отингиз жуда ҳам ширин,  
Кет — икки маънода келади бизда:  
Лаззатли луқма-ю, чиройли Мушук.  
Мен учун номингиз фақат Кет холос;  
Гоҳида хоним Кет, гоҳи қайсар Кет,  
Кет фақат, вассалом, соҳибжамол Кет,  
Асал Кет, асалдан ширин-шакар Кет,  
Тилимнинг учида турган новвотим,  
Севгилим, шодлигим, овунчоққинам,  
Камоли ҳуснинг-у, латофатингнинг  
Достонин эшитдим турли тиллардан.  
Ҳамма таърифлардан ортиқсан аммо.  
Бу ёққа отландим, уйланмоқ — ният!

К а т а р и н а

Отландим... Қим сизни жўнатган бўлса,  
Жўнатсин қайтариб ўша томонга.  
Қўзғатиш қийинмас, кўриб турибман.

П е т р у ч ч о

Тушуна олмадим.

К а т а р и н а

Манов стулдай!

Петруччо

Кел, ўтир тиззамга.

Катарина

Минмайман эшак!  
Сендай эшакларга миндириш одат.

Петруччо

Бу хислат ёт эмас аёлларга ҳам.

Катарина

Сен бошқа қирчанғи бияни изла!

Петруччо

О, сенга тушмайди оғирлигим, Кет,  
Биламан, сен ёшсан, қушдай енгилсан.

Катарина

Мен шундай қушманки, тутиб бўлибсан!  
Қушдай енгил бўлсам керагичаман.

Петруччо

Арига ўхшайсан!

Катарина

Сен япалоқ қуш!

Петруччо

Каптар ем бўлади япалоқ қушга!

Катарина

Каптар чангалида жон беради у.

Петруччо

О, захринг кўп экан, бу шаҳдингдаи қайт!



К а т а р и н а

Заҳримни соламан, найзамдан ҳайиқ.

П е т р у ч ч о

Найзангни суғуриб ташлайман тамом.

К а т а р и н а

Қаерда, аввало уни топ, аҳмоқ.

П е т р у ч ч о

Аринниг найзаси қаерда, маълум:  
Думида!

К а т а р и н а

Тилида!

П е т р у ч ч о

Қимнинг тилида?

К а т а р и н а

Думида деганнинг тилида, хайр!

П е т р у ч ч о

Нимади?

Йўқ!

Тилим сенинг думингда?  
Ахир мен зодагон!

К а т а р и н а

Ҳозир кўрамиз.

*(Уни солиб қолади.)*

П е т р у ч ч о

Яна ур, жавоби бўлур албатта.

К а т а р и н а

Зодагон тожи-ла хайрлаш унда,  
Урдингми — зодагон эмассан, дейман,  
Зодагон тожи ҳам бўлмаган сенда.

П е т р у ч ч о

А, ҳали шундайми? Ёз, менинг тожим...

К а т а р и н а

Нима бу, дубулғангдаги, тожихўрозми?

П е т р у ч ч о

Майли, хўроз бўлсам, товуғим бўлгин.

К а т а р и н а

Хўрозмиш?! Қўрқадн қичқаришга ҳам.

П е т р у ч ч о

Бас қил, Кет. Энди кўп ҳаддингдан ошма!

К а т а р и н а

Ошаман, сен ахир хамиртурушсан.

П е т р у ч ч о

Ачима, бу ерда хамиртуруш йўқ.

К а т а р и н а

Йўқ, у бор, йўқ, у бор!

П е т р у ч ч о

Кўрсат бўлмаса.

К а т а р и н а

Ойнага қарагин!

Петруччо

Менми ҳали у?

Катарина

Еш бўлсанг ҳам анча ақлинг бор экан.

Петруччо

Ешлигим сен учун!

Катарина

Юзинг буришиқ!

Петруччо

Бу ғамдан!

Катарина

Ғаминг бўлса, менга нима?!

Петруччо

Шошма, Кет, барибир қутулолмайсан.

Катарина

Қўйворинг, таъбингиз хира бўлади.

Петруччо

Мутлақо. Сен менга моҳилиқосан.  
Сени менга қайсар деган эдилар,  
Ҳаммаси гап экан, кўриб турибман.  
Аксинча, беозор, ювош, ширин гап,  
Баҳор гулларидай хушвақт экансан.  
Қовоқ ҳам солмайсан тажанг қизлардай,  
Тишингдан лабларинг мўматалоқмас.  
Гап қайтаришни ҳам билмайсан гапга,  
Лутфи-эҳсон билан, эҳтиром билан  
Сийлайсан эшикда ошиқларингни.

Кимдир, оқсоқланиб юради, деди.  
 Бу тухмат! Самбитдай қоматинг сенинг,  
 Енғоқдай тўқ мағиз қорача танинг,  
 Мағизи ундан ҳам мазали, шаксиз,  
 Юр-чи, мен кўрайин, оқсамайсанми?

К а т а р и н а

Бор, буюр уйингда малайларингга!

П е т р у ч ч о

Ҳеч юра олурми эди Диана  
 Гўзал Кет этгандай шоҳона хиром?  
 Диана қоматсан, Диана бу — сен!  
 Йўқ, йўқ, Дианадан сипосан мутлоқ!

К а т а р и н а

Қайдан ўргандилар бундай гапларни?

П е т р у ч ч о

Табиатан шундай ҳозиржавобман.

К а т а р и н а

Табиат донишманд, ўғли миясиз.

П е т р у ч ч о

Миясиз?

К а т а р и н а

Кеч бўлди, яхшиси, ётинг.

П е т р у ч ч о

Етаман ва лекин сен билан фақат!  
 Кел энди қўяйлик бемаъни гапни,  
 Қисқаси, ола қол, деди отанг, Кет.  
 Сепни ҳам келишдик, хоҳ ҳа де, хоҳ йўқ,  
 Барибир эр-хотин бўламиз, хоним.

Менга жамолингни намоён этган  
 Еруғликка чиндан бўлсинки қасам,  
 Турмушга чиқмайсан мендан бошқага.  
 Мен сенинг пихингни қайирмоқ учун,  
 Ёввойи мушукдан ювош мушукка  
 Айлантирмоқ учун келдим дунёга.  
 Мана сенинг отанг. Рад эта кўрма!  
 Эринг бўлишим шарт ва бўламан ҳам!

Баптиста, Гремио ва Траниолар қайтиб киришади.

Баптиста

Хўш, синьор, битимга келдиларингми?  
 Ҳамма гап битдими?

Петруччо

Битганда қандоқ!  
 Бошқача бўлиши мумкин эмасди.

Баптиста

Хўш, қизим, нега сен хурсанд эмассан?

Катарина

Тагин қизим дейсиз, шумиди ҳали,  
 Сизнинг менга гамхўр оталигингиз?  
 Мени зўрлик билан хотин қилишга  
 Жазм этган ўғрига, дағал ва шилқим,  
 Бир тентак одамга қўшмоқчимисиз?

Петруччо

Гап бундай, отажон, унинг ҳақида  
 Чувалган гапларнинг ҳаммаси бекор.  
 Шунчаки қайсар у, аслда ғоят  
 Беозор, мулойим, ювош кабутар.  
 Аччиғи ҳам тезмас, сабрда ҳатто,  
 Орқада қолдирар Гризелдани,

Лукреция дейсиз беғуборликда.  
Қисқаси, у билан келишдик шундай,  
Якшанба кунига тўйимиз, синьор.

### К а т а р и н а

Унгача осилиб ўлишинг аён!

### Г р е м и о

Петруччо, осилар бўлдингиз, мана!

### Т р а н и о

Бу ҳолда, азизлар, ишимиз чатоқ!

### П е т р у ч ч о

Мен уни танладим, у мени севди,  
Нима ишларинг бор, синьорлар, тағин?  
Шундай келишдикки, бошқалар бўлса,  
Аввалги қилиғин қилаверади.  
Рост айтсам, кўзимга ишонолмайман,  
Қандай севиб қолди у мени жондан!  
У бирам бўйнимга осилиб олиб,  
Қайта-қайта ўпиб, қасамёд қилиб,  
Қўймади севгимни уйғотмагунча.  
Эҳ, каллаварамлар! Билмас экансиз,  
Ҳар қандай балойи азимини ҳам  
Овлоқда аврашин лапашангларнинг.  
Қўлингни бер, жоним, энди жўнайин  
Тўй либослари-чун Венецияга.  
Ҳозирлик кўрингиз тўйга, отажон,  
Кет бўлур ҳаммадан энг соҳибжамол!

### Б а п т и с т а

Нима ҳам дер эдим, беринг қўлингизни,  
Петруччо, хурсандман, қўшақаринглар!

## Гремио ва Транио

Омин, гувоҳликка ўтдик иккимиз.

## Петруччо

Отажон, хотиним, синьорлар, хайр!  
Кетаман, якшанба бозори яқин,  
Зеби зийнат, либос, узук оламан,  
Қани, ўп эрингни, қўрқма, азиз Кет,  
Қатта тўй қиламиз келар якшанба!

Петруччо ва Катарина икки томонга бурилиб  
кетишади.

## Гремио

Қандай тез ҳал бўлди буларнинг иши!

## Баптиста

Савдогардай бўлиб қолдим, дўстларим,  
Номаълум, молимни олиб кетди ким?

## Транио

Ўтиб қолди касот молингиз, синьор,  
Е ҳаён, ё зиён беради энди.

## Баптиста

Бахтлари очилса фойда ана шу.

## Гремио

О, бўлсин бу ҳақда хотирингиз жам,  
Энди сўзлашайлик кенжаси ҳақда.  
Қутилган вақт келди; ҳамсоянгимзан,  
Гўзал Бьянканинг илк харидори!

## Транио

Мен ғоят севаман: ифодасига  
Тил хазинасида топилмайди сўзи!

## Гремио

Нодонсан, сен мендек севолмайсан ҳеч!

## Транио

Яхлатиб қўясан бечора қизни.

## Гремио

Сен-чи, куйдирасан, шубҳасиз, уни!  
Бор, гўдак, чол билар хотин қадрини.

## Транио

Барибир ёшини дер хотин зоти.

## Баптиста

Синьорлар, жанжални мен қилайин ҳал,  
Кимда-ким қизимнинг ҳаққи-маҳрига  
Кўп қўйса, шу бўлур унинг куёви.  
Сиз нима қўясиз, синьор Гремио?

## Гремио

Жиҳозга лиқ тўла шаҳар ҳовлиму  
Нозик қўлларини ювишга унинг  
Тиллодан обдаста, жомлар муҳайё.  
Уйларга тўшалган ипак гиламлар,  
Лиқ тўла тангаси билан қутилар.  
Шамшод сандиқларда моли дунёси,  
Ҳарир кўйлақлару тахтиравонлар,  
Марварид қадалган турк болишлари,  
Зарбоф кийимлари Венециянинг,  
Мис асбоб ва неки лозим рўзғорга,  
Ҳаммаси-ҳаммаси уники. Тағин  
Юз сигир сут-мути, қаймоғи билан,  
Юз чоғли боқилган семиз буқалар  
Ва ҳар хил ортиқча мол-у жонивор.  
Очиғи, ёшим ҳам бир жойга борган,



Эртага кўз юсам бари уники,  
Хўш, менга тегишга унасин фақат.

### Т р а н и о

Мана шу «фақат»да ҳамма гап, синьор,  
Отамнинг ягона меросхўриман.  
Қизингиз унаса менга чиқишга,  
Бадавлат Пизада бир неча уйнинг  
Бекаси бўлади, бу уйлар ҳеч бир  
Қолишмас уйдан Гремионинг.  
Ҳар йили олади бунинг устига  
Ерлардан икки минг дукат, шубҳасиз,  
Мана қизчангизнинг бевалик маҳри.  
Қалай, тузладимми сизни, Гремио?

### Г р е м и о

Икки минг даромад ҳар йили?.. Уҳў...  
Бор еримни сотсам бунча келмайди,  
Ва лекин бир кема қўшоламан мен.  
У ҳозир Марселда, Гаванда тайёр,  
Хўш, эзиб қўйдимми бу кема билан!

### Т р а н и о

Ҳаммага маълумки, менинг отамнинг  
Қайиқлардан бўлак учта кемаси  
Ва ўнлаб қайиғи бор. Бари унга!  
Қўшсангиз, икки бор қўшаман тағин!

### Г р е м и о

Иўқ энди ҳеч менинг қўшадиганим!  
Боридан ортиғин бера олмайман!  
Ярасам олинглар бор-йўғим билан.

### Т р а н и о

Хўш, энди Бьянка менга қолдими?

(Баптистага)

Ваъдангиз бор эди, мен уни енгдим.

Баптиста

Очиги, маъқули сизники бўлди,  
Бордию отангиз кафил бўлолса,  
Бьянка сизники. Бўлмаса, узр,  
Сиз олдин ўлсангиз нима бўлади?

Транио

Қизиқ гап! Мен ёшман, у бўлса — кекса.

Гремнио

Қим айтди ёшларни ўлмас деб сизга?

Баптиста

Эшитинг, синьорлар, менинг сўзимни,  
Шу келар якшанба Катаринанинг —  
Тўйини қиламан, қарорим қатъий!

(Траниога)

Отангиз ризолик берсалар агар  
Сизнинг ҳам тўйингиз бўлади шу кун.  
Бўлмаса бераман Гремниога.  
Хўш энди, синьорлар, раҳмат сизларга.

Гремнио

Хайр-хўш.

Баптиста кетади.

Сендан-ку қўрқар жойим йўқ,  
Бунчалик аҳмоқмас отанг, биламан,  
Қариган чоғида барини бериб  
Қараб ўтирмайди қўлингга, нодон!  
Қари тулки билан ўйнашиш ёмон.

(Кетади.)

Транно

Ҳи, ҳали шошмай тур, довдираган чол!  
Тағин бир бошқача йўлим бор ҳали,  
Биламан хўжамга ёрдам беришни.  
Бу сохта ўғилни топган азамат  
Сохта отани ҳам топа олади.  
Одатда отадан туғилар ўғил,  
Муҳаббат йўлига тикиб жону тан,  
Бу сафар отамни ўзим туғаман!

Кетади.

### III ПАРДА

#### 1-САХНА

Падуа. Баптистанинг уйи.  
Люченцио, Гортензио ва Бьянка киради.

Люченцио

Эй, машшоқ, етади, шилқим бўлма кўп!  
Дарров унутдингми қанақа қарши —  
Олганин синьора Катаринанинг?

Гортензио

Қуруқ! Бунча энди оҳанг қилмасанг,  
Ўзи-ку бу ерда оҳанрабонинг.  
Энди тан берсанг ҳам бўларди, бебаҳс.  
Бир соат машқ қилай, кейин бир соат  
Қолади сенинг ҳам китобларингга.

Люченцио

Хомкалла! Қанақа оми одамсан?!  
Музика нимади, билмайсан ўзинг,  
Меҳнат, машғулотдан толган ақлга  
Ҳордиқ беради у, фақат шу холос.  
Ҳозирча ўқиш ва фалсафа дарси,  
Чолғунгни чаларсан толганимизда.

Гортензио

Тоқатим йўқ сенинг мазахларингга!

Бьянка

Беҳуда тортишувларингиз билан  
Мени ранжитасиз, синьорлар. Чунки,

Инон-ихтиёрим менинг ўзимда.  
 Гаврондан қўрқмайман, ёш боламасман,  
 Вақтимни, илтимос, ўзимга қўйинг,  
 Хоҳласам тинглайман, хоҳламасам йўқ.  
 Жанжални бас қилинг, ўтиринг бунда.

(Гортензиога)

Олинг удингизни, соз қилиб туринг,  
 Биз китоб ўқиймиз, вақт ўтмасин.

Гортензио

Ўқиш тўхтайдими мен созлаб бўлгач?

Люченцио

Ушанда кўрамиз, созингни созла!

Бьянка

Қаерда қолувдик аввалги сафар?

Люченцио

Мана бу бобида:

«*Hic ibat Simois; hit ezt Sigeia tellus;*

*Hic steterat Priami regia celsa senis!*»

Бьянка

Таржима қилинг.

Люченцио

*Hic ibat* — аввал айтганимдай; *Simois*<sup>1</sup> — мен Люченциоман; *hic est* — пизалик Винченционинг ўғли бўламан; *tsigeia ellus* — сизнинг муҳаббатингизни қозонай деб бошқача кийиниб олдим; *hicsteterat* — сизга

<sup>1</sup> Бу ердан Симоис дарёси ўтарди; мана бу ер сигейлар ери, мана бу ерда эса Приам оқсоқолнинг баланд саройи буларди.

уйланмоқчи бўлган Люченцио эса, Priami — менинг хизматкорим Транно; regia—қари Панталоненинг кўзини шамралат қилиш учун; celsians—а менинг усти бошимни кийиб олган.

Гортензио

Синьора, созладим, марҳамат қилинг.

Бьянка

Чалинг-чи... Вой, бузуқ устки пардаси.

Люченцио

Яхшилаб тупуклаб созланг қайтадан.

Бьянка

Энди мен қилай-чи, таржимасини: Нис ibat Simois — мен сизни билмайман; his est Sigeia tellus — мен сизга ишонмайман; hic steterat Priami — ҳазир бўлинг, анави гапимизни эшитиб қолмасин; regia — ортиқча умид қилманг; celsa sinis — ноумид ҳам бўлманг.

Гортензио

Синьора, созладим.

Люченцио

Пасти бузуқроқ.

Гортензио

Пасти соз. Одамнинг пасткаши бузуқ!

(Четга.)

Бу муллавачча кўп дағал ва шилқим,  
Худо ҳаққи, унинг нияти бузуқ.  
Pedasciele!<sup>1</sup> Шошма, сени фош қилай!

<sup>1</sup> Муаллимча!

## Бьянка

Балки, вақти келиб ишонарман ҳам,  
Қўрқаман ҳозирча.

## Люченцио

Қўрқманг, Эакид —  
Аякга унашилган туғилмасданок.

## Бьянка

Инонишим керак муаллимимга,  
Бўлмасам кишини оздирар шубҳа.  
Илтимос, қўяйлик бунй, Личио.  
Кечиринг, ҳурматли муаллимларим,  
Сизга бир оз ҳазил қилганим учун.

## Гортензио

(Люченциога)

Бизни холи қўйинг, боринг, дам олинг,  
Қўшиқ уч овозда айтилмоқчимас.

## Люченцио

Зўрликни қаранг-а! Ҳориганим йўқ!

(Четга.)

Кузатай. Бу бизнинг машшоқ, худо ҳаққи,  
Уни севиб қолган ўхшайди ёмон.

## Гортензио

Синьора, чолғуни тутмасдан аввал,  
Бармоқларингизни қўймасдан унга,  
Утамиз санъатнинг алифбесини.  
Бошқа машшоқлардан кўра яхшироқ,  
Аниқроқ гапириб бераман сизга,

Аввало гаммалар тузилишини.  
 Менда у ёзуғлик, мана гаммалар.

Бьянка

Гаммани биламан ҳаммадан яхши.

Гортензио

Лоақал бир кўринг менинг гаммамни.

Бьянка

(Уқийди)

«Мен гамма, аккордлар асосидирман,  
 А, ге — мен Гортензио, мафтунинг сенинг,  
 В, ми — рад этмагин муҳаббатимни,  
 С, фа — бўл ифбатли хотиним менинг.  
 во, соl, ге — сарпарда, икки нота — хат,  
 Е, Ia, ми — ё ўлим, ёки марҳамат.»  
 Гаммангиз шумиди? Йўқ, синьор, менга  
 Эскиси маъқулроқ. Уни бундақа  
 Уйдирма гапларга алишолмайман.

Хизматкор киради.

Хизматкор

Синьора, отангиз, ўқишни қўйиб,  
 Қарашсин, дедилар Қатаринага.  
 Эртага никоҳи эмиш уларнинг.

Бьянка

Хайр энди, азиз мураббийларим!

Бьянка билан хизматкор кетади.

Люченцио

Унда мен ҳам энди кетсам бўлади.

(Кетади.)



## Гортензио

Мен қолсам бўлади, пойлайман бир оз,  
 Қандайдир ошиққа ўхшаяпти у.  
 Ва лекин, Бьянка, ким кўринганга  
 Кўз сузсанг, шунчалар паст бўлса дидинг,  
 Бора қол ўшанга. Бироқ Гортензио  
 Билсаки, ростданам бўлсанг мунофиқ,  
 Сен билан орани қилади очиқ!

(Кетади.)

## 2-САҲНА

Падуя. Баптистанинг уйи олдида.  
 Баптиста, Греммо, Транио, Катарина,  
 Бьянка, Люченцио ва хизматкорлар  
 киришади.

Баптиста

(Траниога)

Синьор Люченцио, бугун Петруччонинг  
 Катарина билан никоҳи кунни,  
 Аммо дараги йўқ ҳамон куёвнинг.  
 Кулгига қоламиз. Нима дейди халқ?!  
 Куёви йўқолди, черков мунтазир,  
 Ҳамма нарса тайёр қачондан бери.  
 Не дейсиз бу бизнинг шармандаликка?

Катарина

Ёлғиз мен шарманда! Уйланишгамас,  
 Унашишга шошган бетайин, дағал,  
 Такаббур, шилқим бир масхарабозга  
 Тегасан, деб кўнгил майлига қарши,  
 Бақрайтириб туриб мажбур қилдингиз.  
 Айтмадимми уни аҳмоқ деб сизга,  
 Сурлиги-да унинг ёмонлиги деб!

Ҳазилкаш, қувноқ деб ном чиқаришга,  
 Хаёлга ҳам олмай уйланишни у,  
 Минг қизга унашиб, ваъда қилиб тўй,  
 Одамлар чақириб, қулишга тайёр!  
 Ҳамма бигиз қилар энди қўлини:  
 Петруччо олмаган қари қиз—шу, деб.

### Т р а н и о

Қўйинг, Катарина, синьор Баптиста,  
 Петруччо сизларни алдамайди ҳеч,  
 Уни кечиктирган бирон ҳодиса.  
 Қўполроқ бўлса ҳам, аммо ақлли,  
 Ҳазилкаш ва лекин виждонли одам.

### К а т а р и н а

Кошкийди, уни ҳеч кўрмаган бўлсам!

Йиғлаб чиқиб кетади, орқасидан Бьянка ва бошқалар  
 ҳам чиқади.

### Б а п т и с т а

Бор, болам, йиғласанг нима ҳам дейман.  
 Қайсарлигинг билан сенгина эмас,  
 Уни фаришта ҳам кечиролмайди.

Бьонделло киради

### Б ь о н д е л л о

Хўжам, айланай хўжам! Янгилик, эски янгилик,  
 шундай қизик янгиликки, бунақасини тушингизда ҳам  
 кўрмагансиз!

### Б а п т и с т а

Эски янгилигинг нимаси? Тагин қанақаси у?

Бьонделло

Ахир янгилик эмасми, Петруччо келиши?!

Баптиста

У келдими?

Бьонделло

Иўқ, синьор.

Баптиста

Иўқса, нима гап?

Бьонделло

Келиб қолади у.

Баптиста

Қачон келади?

Бьонделло

Менинг турган еримда туриб, сизга тикилганида.

Транно

Э, эски янгилигингни гапирсанг-чи, бизга!

Бьонделло

Гапираман албатта! Петруччо янги шляпада, эски жулдур камзул, қирқ ямоқ эски иштонда келяпти. Оёғида алмисоқдан қолган чурук этик, бир пойини қоринбоғ билан, иккинчисини арқон билан тортиб боғлаб олган, белида шаҳар тўпхонасида занглаб ётган эски, банди синиқ, дами қайрилган қиясиз қилич. Тагида куя еб ташлаган эгар, узангилари пойма-пой. Бунинг устига, тагидаги оти манқа, мишиғи оқиб ётибди, яғир, унда-бунда қолган тишлари оғзини очса тушиб кетади-

ган, қораталоғи шўлоқлайди, ҳамма ёғи қўтир, бўгин-бўгинлари шишиб кетган, билишимча, бош оғриғи билан сариқ касалга мубтало бўлган бўлса керак. Гиж-жаси бор, кураклари чиқиб сағридан ой кўриниб ётибди. Олдинги оёғи оқсоқ, сувлиғи узуқ, нуқтаси бўлса қўй терисидан, от бечорани мункимасин дебми, ҳадеб тортаверганидан у савил нўхта қирқулоқ бўлиб кетибди. Айили ҳам олти бўлак чармдан уланган, қуюшқони духобадан, хотинлар эгариники. Қуюшқонда иккита бош ҳарф ёзуғлиқ, уларнинг атрофига чиннигул тиқилиб, чилвир билан боғлаб қўйилган.

### Баптиста

Қим келяпти у билан бирга?

### Бьонделло

Эҳ, синьор, отидан ҳам баттар—таъвия хизматкори. Унинг бир оёғида ип пайпоқ, иккинчисида эса, жун гетр. Уларни қизил ва кўк боғичлар билан боғлаб олган. Бошида бўлса пат ўрнига ола-була қирқта уқа тақилган шляпа. Усти бошлари ана шундай расвойи раддибало, на христиан малайлариникига ўхшайди ва на одамсифат католикларникига.

### Транно

Бу хилда келиши бежизмас унинг,  
Одатда бунақа кийинмас эди.

### Баптиста

Қай хилда бўлса ҳам келганига шукур.

### Бьонделло

Йўқ, синьор, у келгани йўқ.

### Баптиста

Ахир ўзинг айтмадингми, келди, деб?

Бьонделло

Ким? Петруччо келди деб?

Баптиста

Ҳа, Петруччо келди, дединг-ку.

Бьонделло

Йўқ, синьор, мен унинг оти келди дедим сизга.  
Петруччо от устида ўтирибди, холос.

Баптиста

Ахир, бунинг қанақа фарқи бор?

Бьонделло

Қайда бунақа бозор?  
Бунда бошқача сир бор!  
Тўғри, от ва хўжайин  
Тоқмас, жуфтлиги тайин,  
Лекин иккита эмас.

Петруччо билан Грумио киришади.

Петруччо

Қаёққа кетишибди? Эй, ким бор уйда?

Баптиста

Бошингиз омонми?

Петруччо

Бўлганда қандай?

Баптиста

Соғми, оёғингиз?

Транио

Усти бошингиз  
Бир оз галатироқ кўринар, рости.

## Петруччо

Яхши кийинсам ҳам шундай шошардим.  
 Қани Кет? Қани, у нозик ниҳолим?  
 Нимага ҳайронсиз, қалай отахон?  
 Нега қор ёғмоқда қовоқларингдан?  
 Нима, ҳайкалманми ҳеч ким кўрмаган,  
 Думли юлдузманми, ё бирон махлуқ?

## Баптиста

Синьор, ахир бугун тўйингиз сизнинг,  
 Узоқ кутдик сизни, қайғурдик шундан,  
 Қаттиқроқ қайғурдик бу ҳолда кўриб.  
 Ахир либосингиз куёвникимас,  
 Куёвнинг шаънига ярашмас зинҳор.

## Транио

Келин билан сизни ажратган, қандай  
 Муҳим юмуш экан, айтиб берсангиз?  
 Ва бу турқларининг боиси нечук?

## Петруччо

Боисин сўйласам, тарихи узоқ.  
 Кечикиб бўлса ҳам келдим. Сўзимнинг  
 Устидан чиқдимми, шунинг ўзи бас!  
 Ўз вақти келганда айтиб бераман,  
 Ишонинг, ҳаммангиз хурсанд бўласиз,  
 Қани Кет? Анча вақт кўришолмадик,  
 Черковга кечикиб қолмайлик ахир?!

## Транио

Қандайин кирасиз латта-путтада,  
 Усти бош берайин, бу ёққа юринг.

## Петруччо

Йўқ, унинг олдига шундай кираман!

## Баптиста

Никоҳга бу хилда бормайсиз лекин?!

## Петруччо

Иўқ, фақат шу хилда бормоқчиман! Бас,  
У менга тегади, кийимимгамас!  
Унга ем бўлувчи вужудимни ҳам  
Ана шу жулдурдай ўзгарта билсам  
Унга ҳам, менга ҳам яхши бўларди.  
Тавба, нима қилиб вайсаб турибман,  
Келиннинг олдига шошилиш керак,  
Қутлов, ҳам бир бўса билан хонимнинг  
Тасдиқламоғи керак меникилигин.

## Транио

Албатта бир гап бор бу қилиғида.  
Уриниб кўрайлик, шундай бўлса ҳам,  
Дурустроқ кийимда борсин никоҳга.

## Баптиста

Ортидан борайчи, нима бўлади?

Баптиста, Греммо ва хизматкор кетади.

## Транио

## (Люченциога)

Ҳали, синьор, сизнинг муҳаббатингизга  
Розилиги керак отангизнинг ҳам.  
Ҳали айтганимдай, бунга албатта  
Топилиши керак битта боп одам.  
Барибир кимлиги, тушунтирамиз  
Пизалик Венченцио бўлади оти.  
Сизга кафил бўлсин, майли, ваъда қилсин  
Оғзига сиққанча молу пул, дунё.  
Орзу амалини кўрасиз шунда,  
Баптиста қизини беради шаксиз.

## Л ю ч е н ц и о

Манов музикачи гўзал Бьянканинг  
 Кузатмагандайди ҳар қадамини,  
 Никоҳлаб олардим яширинчаёқ.  
 Кейин бутун дунё қарши турса ҳам  
 Қўлидан келмасди бузишга буни.

## Т р а н и о

Буни аста-секин қиламиз, синьор,  
 Ишни фойдамизга буриб оламиз.  
 Сизга керак экан шу иш, хўжайин,  
 Мияси ачиган Гремиони,  
 Муғамбир бобомиз Минолани ҳам,  
 Шилқим Личиони ҳам роса боппаймиз!

Г р е м и о қайтиб киради.

## Г р е м и о

Мактабдан қочардим аввали шундай.

## Т р а н и о

Келишяптими келин-куёв ҳам?

## Г р е м и о

Қўрмаганман асти бунақасни,  
 Тўнгликда ўтади Катаринадан.

## Т р а н и о

Ундан ҳам ёмонми? Ҳеч бўлмаган гап!

## Г р е м и о

Йўқ, ростдан, иблис у, иблисдан баттар!

## Т р а н и о

У ҳам ундан баттар, шайтоннинг ўзи!



## Г р е м и о

Э, қиз бир қўзичоқ унинг олдида,  
 Поп унга оҳиста, Катаринани  
 Хотинликка қабул қилдингми, деса,  
 «Ҳа, дедим бўлди-да!» дея бақириб,  
 Шундай чўқиндики, қотиб қолди ҳамма,  
 Тушириб юборди китобини поп.  
 Уни олиш учун эгилганида,  
 Шундай дўнг бердики куёв тўрамиз,  
 Юмаланиб тушди китоби билан.  
 «Қани!— деб бақирди,— борми талабгор  
 Бу муҳтарам зотни йиғиб олгани?!»

## Т р а н и о

Келин нима деди, индамадимми?

## Г р е м и о

Келин титрар эди. У бўлса сўкар,  
 Уни алдамоқчи бўлган гўё поп.  
 Кейин расм-русм тугаши билан  
 Шароб беринг, деди, қадаҳ кўтарди,  
 Овози борича бўқирди, худди  
 Кемада довулдан сўнгги базмдай.  
 Хўкиздай симирди, қолганини эса,  
 Хайр бер, дегандай тиржайиб турган  
 Бир кўса руҳоний башарасига  
 Кўчага сепгандай сепиб юборди.  
 Ва кейин келиннинг бўйнидан олиб,  
 Чунон шاپиллатиб ўпдики уни,  
 Қочиб чиқиб кетдим уялганимдан.  
 Бошқалар ҳам қочиб чиқиб кетишди,  
 Бўлганмас дунёда бундай расво тўй!  
 Эшитяпсизми?

## Музыка

Тағин музыка.

Петруччо, Катарина, Бьянка, Баптиста,  
Гортензио, Греммо ва меҳмонлар киришади.

### Петруччо

Ташаккур, дўстларим, хизматингизга,  
Бошламоқчидирсиз энди тантана.  
Кўрнинг турибди, зиёфат қуюқ,  
Аммо, минг афсуски, вақтим кўп тигиз,  
Ҳозирнинг ўзида жўнашим керак.

### Баптиста

Қанақа бўлди бу? Бевақт, кечаси?

### Петруччо

Қоронги тушгунча етиб оламан.  
Қандай зарурлигин билсангиз эди,  
Рози бўлардингиз, қилмай таажжуб.  
Азиз жўраларим, ғоят ташаккур!  
Кўрдингиз, менинг хўп нозик, саховатли  
Хотинимга бўлган муҳаббатимни.  
Отам билан тўйни давом эттиринг,  
Менинг соғлигимга кўтаринг, қадаҳ,  
Хўш энди, азизлар, жўнашим керак!

### Транио

Илтимос, биз билан бир оз ўтиринг.

### Петруччо

Вақтим йўқ.

### Греммо

Илтимос қиламан, синьор.

### Петруччо

Иложим йўқ асти.

К а т а р и н а

Мен сўраяпман.

П е т р у ч ч о

Хурсандман.

К а т а р и н а

Биз билан қолишга...

П е т р у ч ч о

Йўқ, йўқ!

Сўраганингизга хурсандман. Аммо,  
Асти, қололмайман, сўраманг энди.

К а т а р и н а

Севги ҳаққи қолинг...

П е т р у ч ч о

Отлар тайёрми?

Г р у м и о

Тайёр, тамом бўлди ем-хашаги ҳам.

К а т а р и н а

Агар шундай бўлса, билганингни қил,  
Урнимдан бир қарич силжитолмайсан.  
Йўқ, йўқ, ўзим истаб кетмагунимча,  
Бугун ҳам, эрта ҳам шундай бўлади.  
Дарвозалар очиқ, тўрт томон қибла,  
Бошинг оққан ёққа кета бер, майли,  
Мен бўлсам, шу ерда қоламан, тамом.  
Мана, керак бўлса эс-хушли куёв,  
Яхши кўрсатдилар кимликларини.

## Петруччо

Сабр қил, қўзичам, жаҳлинг чиқмасин.

## Катарина

Чиқади. Хўш, шунга чидайдиларми?  
Ота, у қолади, ишонаверинг!  
Ҳеч қайга кетмайди мендан беизн.

## Гремио

Мана, иш бўтқага айланиб кетди!..

## Катарина

Столга марҳамат, қани, синьорлар,  
Зарба беролмаган қўрқоқ хотинни  
Аҳмоқ қилишдан ҳам осон нарса йўқ.

## Петруччо

Айтганингдай, улар ўтиришади,  
Илтимос, қайтарманг, келин сўзини.  
Ўтиринг, айш қилинг ва ўйнаб-кулинг,  
Сиққанича ичинг унинг ҳаққига,  
Истаганча шўхлик, маишат қилинг,  
Агар қилмасангиз, яна таъбингиз!  
Ва лекин хотиним кетади бирга,  
Депсинма, олайтма кўзингни, жоним.  
Ўзим хўжайинман молу мулкимга,  
Ҳаммаси, жонгинам, бир ўзимники:  
Уй-анжом, омбору, рўзғору бари,  
От-улов, қўш хўкиз, ҳамма-ҳаммаси —  
Мана у бекаси. Ҳеч тега кўрманг,  
Қимки, Падуяда тега кўрсами,  
Кунини кўради мендан. Грумио,  
Бизни шилмоқчилар, қуролингни ол!  
Эр бўлсанг чинакам, бекангни сақла!

Қўрқма, Кет, ҳеч кимса тегмайди сенга,  
Бас келаман ўзим қанча бўлса ҳам.

Петруччо, Катарина, Грумио чиқиб кетишади

Баптиста

Баттар бўлсин, майли, кетиша қолсин.

Гремио

Ичагим узилиб кетаёзди-я.

Транио

Бундай аҳмоқона никоҳ бўлганмас.

Люченцио

Не дейсиз, синьора, бу ҳақда энди?

Бьянка

Нима бўлар эди тентакнинг тўйи.

Гремио

У уни жиловлаб, эгарлаб олди.

Баптиста

Дўстлар, гарчи энди келин ва куёв  
Орамизда эмас, ўринлари бўш,  
Ва лекин бўш эмас катта дастурхон,  
Люченио олсин куёв ўринини,  
Бьянка, Катарина ўрнига ўтир.

Транио

Келин-куёвликка ўрганишгами?

Баптиста

Ҳа-ҳа, Люченцио. Қани марҳамат!

(Кетишади.)

## IV ПАРДА

## I-САҲНА

Петруччонинг шаҳар четидаги уйи.

Г р у м и о киради.

## Г р у м и о

Тфу, тўнғиз қопсин, ҳаммаси: ўлимтик қирчанғилари ҳам, бетайин хўжайинлари ҳам, бир-биридан баттар расво йўллари ҳам, ҳамма-ҳаммаси! Одам боласи ҳеч вақт шунақа расво бўлганми? Одам боласи ҳеч вақт шунақа шалаббо бўлганми? Одам боласи ҳеч вақт шунақа азоб чекканми? Олдинроқ бориб, олов ёқиб тур, эмиш. Ўзлари бўлса тайёрга айёр бўлиб иссиққина кириб келишади. Ёш, серғайрат бўлмаганимдами, совуқдан лабим тишимга, тилим танглайимга, юрагим ошқозонимга ёпишиб, яхлаб, қапишиб қолардим. Аммо лекин, олов ёқиб ўзим ҳам исинаман, албатта. Ахир, бунақа ҳавода мендан зўри ҳам шамоллаб қолади. Эй, Кертис!

К е р т и с киради.

## К е р т и с

Қим у мени чақираётган хирилдоқ.

## Г р е м и о

Яхлаб қолдим. Ишонмасанг, елкамга чиқиб яхлак отиб кўр, тўғри шиғиллаб сирпаниб кетаверасан. Олов, азизим Кертис, олов!

## К е р т и с

Хўжамиз хотини билан келяптими, Грумио?

## Г р у м и о

Келяпти, Кертис, келяпти, олов ёқ, тезроқ, олов, алжирасдан.

## К е р т и с

Келиннинг ҳақиқатан ҳам қизиққон, қайсарлиги ростми, Грумио?

## Г р у м и о

Рост эди, азизим Кертис, рост эди. Шу совуққача. Ахир сен биласан-ку, қаҳратон совуқ нималар қилмайди эркагини ҳам, хотинини ҳам. Хўкизини ҳам мулоғим қилиб қўяди. Ана шунақа, бу эски хўжайинимизни ҳам, янги бекамизни ҳам тавбасига таянтириб қўйди. У ёғини сўрасанг, менинг ўзимни ҳам, дўстим Кертис.

## К е р т и с

Жўна-жўна, аҳмоқ, пакана, бўйи бир қарич! Мен малаймасман.

## Г р у м и о

Йўғ-е, наҳотки бир қарич бўлсам? Лекин сенинг шохинг ўзи ўн қарич келади. Ҳар ҳолда мен ундан кам эмасман. Хўш, ўт ёқиш хаёлинг борми ёки бекамнинг муборак овозларини эшитмоқчимисан? Агар шундай деб ўйласанг, майли, у яқинлашиб қолди, ёришиб турган дилингни хуфтон қилиб қўйиш унга ҳеч гапмас.

## К е р т и с

Илтимос қиламан, муҳтарам Грумио, оламда нима гаплар бор, шулардан гапир.

## Г р у м и о

Оламдами? Совуқ, Кертис, сенинг ишингдан бошқа иссиқ иш қолганмас дунёда. Қани, яхшиси, оловингни

ёқ, вазифангни бажар, бўлмаса балога қоласан, хўжайининг билан беканг шамдай қотиб келяпти.

К е р т и с

Мана олов ҳам бўлди. Қани, чиқар янги гапларни дўстим Грумио.

Г р у м и о

(*финғиллаб*)

«Эҳ, Жек аҳ, Жек!» Ҳаммаёқ янгилик.

К е р т и с

Ёмон доғулисан-да, бадбахт!

Г р у м и о

Оловни бозиллат! Совуқ ўтиб кетди ҳаммаёғимдан. Ошпаз қани? Овқат тайёрни, уйлар йиғиштирилганми, поллар тозами, ўргимчак уялари супурилдими? Хизматкорлар янги кўйлақларини, оқ пайпоқларини кийиб, тўй безакларини илишдими? Стаканларнинг ичи, чашкаларнинг орқалари ювилганми? Гидамлар тўшалдими, умуман, ҳамма нарса тайёрни?

К е р т и с

Ҳаммаси тайёр! Шунинг учун баҳузур гапиравер деяпман-да, янгиликлардан.

Г р у м и о

Хўп майли, биринчидан, менинг отим чарчаб қолди, хўжам бўлса, хотини билан ағдарилиб тушди.

К е р т и с

Қандай?



Г р у м и о

Эгардан тўппа-тўғри балчиққа, албатта,  
Ҳамма гапнинг боши мана шу ерда.

К е р т и с

Бошла, қани, азизим Грумио.

Г р у м и о

Қулоғингни олиб ке.

К е р т и с

Мана қулоғим.

Г р у м и о

(уради)

Мана сенга.

К е р т и с

Ҳа, бу гап — дейдиганмас, ейдиганмиди?

Г р у м и о

Топдинг. Шунинг учун ҳам халқда таъсирли воқеа деган сўз юради-да. Қулоғинг тагига шақиллатиб туширганим бу — диққат қилишингни сўраганим. Мана эшит: биринчидан, биз жуда сирғанчиқ тепаликдан тушаётган эдик, ундан ташқари, хўжайинимиз бекамизнинг орқаларида эдилар...

К е р т и с

Мингашиб олишганмиди?

Г р у м и о

Сенга нима?

## К е р т и с

Менгамас, отга...

## Г р у м и о

Бор, бўлмасам, ўзинг гапириб ол у ёғини. Халақит бермаганингда, ҳаммасини эшитардинг, отнинг мункиб кетганини ҳам, беканинг от остида қолганини ҳам, бекамизнинг қандай балчиққа булғангани борми, уни от тагида қолдириб, хўжайиннинг, нега от йқилади, деб мени ура кетгани борми, бечора келиннинг бизни ажратиш учун балчиқда шалоплаганлари, хўжамизнинг эса, болохонадор сўкишлари, умрида ялинишмас, ҳатто илтимос қилишни ҳам билмаган бекамизнинг унга осилиб ёлваришлари борми, менинг бақирришларим, отларнинг тўрт томонга кишнаб қочгани, юганларининг узилгани, айлларини йўқотганлари ва тағин қанчадан-қанча жуда қизиқ гаплар боридики, ҳаммасини эшитолмай дунёдан ўтадиган бўлдинг.

## К е р т и с

Бу ҳисобингдан маълум бўладики, қайсарликда бизники ундан ҳам ўтар экан-да.

## Г р у м и о

Топдинг, сен ҳам, бошқаларинг ҳам у етиб келиши биланоқ, сезасанлар буни. Э, нима қилиб валдираб ўтирибман. Натаниэлни, Жозефни, Никласни, Филиппни, Уолтерни, Какомкани, ҳаммасини чақир бу ёққа. Сув пуркаб сочларини тарашсин, кўк камзулларини яхшилаб тозалаб кийинишсин, пайпоқ боғичларини яхшилаб боғлаб олишсин, келишлари билан чап тиззаларини букиб, хўжамиз ва бекамизнинг қўлларини олиб ўпмагунча, ҳатто отларнинг думларига ҳам тегмасинлар. Хўш, тайёр бўлишдимиз?

Кертис

Тайёр!

Грумио

Чақир, ҳаммаларини.

Кертис

Эй, қаёқдасизлар? Хўжамизни яхшилаб кутиб олинглар, бекамиз олдида юзини ерга қаратиб кўйманглар, тағин.

Грумио

Беканинг ўзи ердан зўрға турди-ю!

Кертис

Қим билмасакан буни?

Грумио

Сен-да! Унинг олдида хўжайиннинг юзини ерга қаратмаслик учун хизматкорларни йиғяпсан-ку, ахир.

Кертис

Мен уларни бекамизга илтифот кўрсатсинлар, деб чақиряпман.

Грумио

У сенинг илтифотларингга зормас.

Бир неча хизматкорлар киришади.

Натаниэль

Хуш келибсан, Грумио!

Филипп

Ишлар нечук, Грумио?

Жозеф

Ҳа, Грумио!

Никлас

Дўстим Грумио!

Натаниэль

Аҳволинг қалай, оғайни?

Грумио

Яхшимисан... Ишлар нечук... Ҳа... Бормисан дўстим?.. Бўлди, шунинг ўзи етади бир учрашувга. Энди, хўш, олифта оғайнилар, ҳамма нарса тайёрми, ҳаммаси жойидами?

Натаниэль

Тайёр! Нима, хўжамиз яқинлашиб қолдиларми?

Грумио

Оз қолди. Балки, келиб қолишгандир ҳам. Шунинг учун... Нима, жим! Худо урди! Овози келяпти-ку!

Петруччо билан Катарина киради.

Петруччо

Қани у, шалтоқлар, кутадиганлар?  
Отни ким ушлайди, ким туширади?  
Қани Грегори, Филипп, Натаниэль?

Хизматкорлар

Мана биз, мана биз, мана биз, синьор!

Петруччо

«Мана биз, мана биз, мана биз, синьор!»  
Ишёқмас, бетайин, сафсатабозлар!  
Қани у, мен олдин юборган ҳайвон?

## Г р у м и о

Мана мен, синьорим, эски бетайин.

## П е т р у ч ч о

Ҳа, аблаҳ, лапашанг, ялқов, итвачча!  
 Боғда кутиб олгин бизни, манови  
 Ишёқмаслар билан, демаганмидим?!

## Г р у м и о

Камзули битмабди Натаниэлнинг,  
 Габриэл бошмоғи тўзиб кетибди.  
 Питер улгурмади шляпа бўяб,  
 Уолтер ханжари устада экан.  
 Адам, Грегори, Ралфгина тайёр,  
 Қолганлари юпун ва яланг оёқ.  
 Ҳаммалари чиқди шундай бўлса ҳам.

## П е т р у ч ч о

Бўпти, эси пастлар! Дастурхон ёзинг!

Хизматкорлар кетади.

*(Куйлайди)*

«Қанисиз эй, ўтган кунларим менинг,  
 Қани?...»

Кет, марҳамат, кел, ўтир, қани.

«Эҳ, ҳа-ҳа!»

Хизматкорлар овқат олиб чиқишади.

Қўзичам, қўй энди, чиройингни оч.

Эҳ, аблаҳ, қанисан, этигимни торт!

*(Куйлайди)*

«Бир монах бор экан — художўй банда —  
 Кунлардан бир куни сафар чиқибди.»

Қоч, аблаҳ! Оёқни узволаёздинг,  
Ма, сенга!

(Уни уради.)

Буни ҳам узвола қолгин!  
Сув қани? Жоғинам, қовоғингни оч.  
Қани менинг итим— Троил?.. Қани  
Фердинанд, азизим— амаквиваччам?  
Чақир тез. У билан ўпишасан, Кет.  
Туфлийим қани, эй, келадими сув?

Хизматкорлар тос билан сув олиб киради.

Ювина қол, кўзим, марҳамат қилиб.

Хизматкор кўзани тушириб юборади.

Э, ялқов, итвачча, нима қилганинг?!

К а т а р и н а

Тинчланинг, атайлаб қилмади, ахир.

П е т р у ч ч о

Итвачча, кўрнамак, бепарқ, бетайин!  
Утир, Кет, қорнинг ҳам очиқиб кетди.  
Ибодат қила қол, ё мен қилайми?  
Қўй гўштми?

Хизматкор

Ҳа, ҳа.

П е т р у ч ч о

Ким келтирди?

Хизматкор

Мен...

## Петруччо

Куйиб кетипти-ку. Ҳаммаси куйган.  
 Бу нима, қани у муттаҳам ошпаз?  
 Хўш, менинг олдимга қайси муттаҳам  
 Шундай ифлос овқат тайёрлаб келди?!  
 Иўқотинг қошиғу пичоғигача!

*(Овқатни товоқ-қошиғи билан итқитади.)*

Дангаса, танбаллар, бетайин қуллар!  
 Тагин олишади. Ҳали шошмай туринг!

## Катарина

Эргинам, тинчланинг, сўрайман сиздан,  
 Шундай кўрингандир, гўшти ёмонмас.

## Петруччо

Кет, жоним, жуда ҳам куйиб кетибди,  
 Уни еб бўлмайди. Бундай таомдан  
 Ут, сафро йиғиб зарданг қайнайди.  
 Куйиб кетган овқат егандан кўра  
 Бугунча, жонгинам, оч ётган яхши.  
 Зардамиз етарли иккимизнинг ҳам.  
 Сабр қил, эрталаб бари бўлади,  
 Оч ётиб турамиз улфатчиликка.  
 Қани, тур, ётоққа кузатиб қўяй.

Петруччо билан Катарина кетишади.  
 Бир неча хизматкорлар қайтиб киришади.

## Натаниэль

Хўш Питер, ҳеч бунақасини кўрганмидинг?

## Питер

Уз қуроли билан ўзини соляпти-ю, хўжайин.

Кервонс киради.

## Г р у м и о

У қани?

## К е р т и с

Етоғида. Сабр ҳақида раҳмон ўқияпти хотинига.  
Жанжал қияпти, у бўлса шўрлик, нима қиларини  
билмайин ҳайрон.

Гаранг ўтирибди суратдай қотиб,  
Тезроқ йўқолайлик, келаяпти у.

Кетишади. П е т р у ч ч о киради.

## П е т р у ч ч о

Ҳукмимни, наздимда, яхши бошладим,  
Ва шундай бўлади натижаси ҳам.  
Лочиним қаттиқ оч, аччиги ёмон,  
Енгилмагунча овқат бермайман,  
Ўлжага қарамай қўяди йўқса.  
Гаҳ десам, қўлимга қўнади ҳали,  
Бунинг ҳам йўли бор: Уйқу бермайман,  
Уйқу бермагандек қўлга қўнмаган—  
Ёввойи, баджаҳл, ўжар қирғийга!  
Бугун оч, ҳеч нарса емайди бу кеч,  
Кеча ухламади, бу кеча ҳам шу,  
Гўшт бермаганимдай, бу кеча унга  
Уйқу ҳам бермайман тўполон қилиб,  
Кўрпа-ёстиқларни бошга кўтариб,  
Естиқ парларини сочиб ташлайман.  
Буларнинг боисин, «бу сенинг фақат  
Ҳурматинг учун», деб тушунтираман  
Тун бўйи, албатта, ухлаёлмайди,  
Тўполон бошлайман мудраши билан.  
Мана шу — қайсарни қайтариш йўли.  
Бундан ҳам яхшиси бўлса мабодо,  
Қани сиз кўрсатинг уни, марҳабо!

(Кетади.)



## 2-САҲНА

Падуя. Баптиста уйи олди.  
Транио билан Гортензио киришади.

Транио

Хўш, дўстим, Личио, наҳот Бьянка  
Люченциодан ҳам ўзгани севса?  
Ёлғиз мени деган эди у фақат!

Гортензио

Ўзингиз кузатинг, ишонмасангиз,  
Унинг дарсининг нималигини.

Бьянка билан Люченцио киради.

Люченцио

Дарсдан қалайсиз, биялпсизми?

Бьянка

Синьор, дарслари нимадан ўзи?

Люченцио

Муҳаббат илмини ўргатиш холос.

Бьянка

Яхши биласизми бу илмни сиз?

Люченцио

Сиз мафтун этгандай мени, жонгинам.

Саҳна ичкарисига ўтиб кетишади.

Гортензио

Ром қилиш бунақа бўлади, дўстим,  
Энди ҳам, Бьянка содиқми, дейсиз,  
Фақат ёлғиз синьор Люченциога?

## Т р а н и о

Нақадар хиёнат, о, хотин макри!  
Бошим ғовлаб кетди, синьор Личио.

## Г о р т е н з и о

Синьор, мен, тўғриси, Личиомасман,  
Машшоқ ҳам эмасман сиз ўйлагандай,  
Ортиқча матоҳдир энди ниқоб ҳам.  
Афзал деб биламан, ҳаммадан бурун,  
Зодагонлигимни. Севгимни бўлса,  
Садақа қиламан ўша саёққа  
Номим ҳам бошқача — синьор Гортензио.

## Т р а н и о

Синьор Гортензио, сизнинг Бьянкага  
Қизгин севгингизни эшитган эдим.  
Бироқ, бугун кўриб ўз кўзим билан  
Беқарорлигини, таклиф қиламан:  
Бу дарддан кечайлик иккаламиз ҳам.

## Г о р т е н з и о

Қаранг, Люченцио ўпишяпти,  
Қўлингизни беринг, онт ичаманки,  
Бьянка мен айтган қизгин севгига,  
Лутфу эсҳонларга арзимаёди ҳеч!

## Т р а н и о

Мен ҳам онт ичаман, агар ялинса ҳам  
Унга уйланмайман. Қаранг беорни,  
Қириб кетяпти бағрига худди.

## Г о р т е н з и о

Бўлди, воз кечамиз, ўшанга бўлсин!  
Менга ишқи тушган бир тул хотин бор,  
Менинг бу севгимдан уники зўрроқ,

Улгудай бой ўзи. Э, менга нима,  
 Уч кунда уйланиб оламан унга.  
 Синьор Люченцио, хайр энди, сизга!  
 Хотинлар фарқини энди билиб олдим,  
 Вафодори керак, чиройлисимас.  
 Хайр-хўш, сўзим бир, қасамим қатъий.

(Кетади.)

Т р а н и о

(Бьянкага яқинлашиб)

Хўп энди, бахтингиз ёр бўлсин сизга,  
 Етдингиз муроди мақсадингизга,  
 Ҳийлангизга тушиб кўзим ногаҳон,  
 Гортензио билан биз кечдик сиздан.

Б ь я н к а

Иккаловингиз ҳам? Ростми, Транио?

Т р а н и о

Рост.

Л ю ч е н ц и о

Демак, Личио хавфи йўқолди.

Т р а н и о

Бир бева хотин бор, қувноқ, ўшанга  
 Бугуноқ уйланиб оламан, деди.

Б ь я н к а

Тангри ёрлақасин!

Т р а н и о

Тийиб олади,

Бьянка

Эҳтимол.

Транио

Ахир, бу мактабни ўтди.

Бьянка

Транио, билмадим, қанақа мактаб?

Транио

Петруччо мактаби! Ахир, у қайсар  
Хотинларни қандай тийиб олишнинг  
Етмиш хил йўлини билади ўзи

Бьонделло киради.

Бьонделло

Синьорим, синьорим, итдай чарчадим  
Уни пойлайвериб. Охири топдим,  
Қирдан тушиб келди нуроний бир чол,  
У тўғри келади.

Транио

Ким экан ўзи?

Бьонделло

Муаллимми ёки савдогармикин,  
Ўзим ҳам билмайман. Лекин ҳар нечук  
Ўхшатса бўлади падарингизга.

Люченцио

Сенинг фикринг қалай, хўш, Транио?

Транио

Ўйлаган гапимга ишонса бўлди,  
Жон деб Винченцио бўлади, синьор,  
Асл отангиздек бўлиб, албатта,

Қафолат беради Баптистага ҳам.  
Энди боринг, синьор, ёрингиз билан.

Люченцио билан Бьянка кетади, сайёҳ  
муаллим киради.

Муаллим

Тангри ёрлақасин, синьор!

Транио

Сизни ҳам!

Анча бўласизми бу ерда, синьор?

Муаллим

Бир ҳафта, кўп турсам, икки ҳафтача,  
Кейин яна сафар. Худо хоҳласа,  
Римга, ундан кейин Триполига.

Транио

Қаердан, дедингиз?

Муаллим

Мантуяданман.

Транио

Мантуядан, синьор? Худо сақласин!  
Қасдингиз бормиди ўз жонингизда?

Муаллим

Нима дедингиз? Тушунолмадим.

Транио

Мантуялик бунда ўлимга маҳкум,  
Кемангиз тutilган Венецияда.  
Ўзаро урушган герцогларимиз,

Бу эълон қилинди ҳаммага бутун.  
Агар бир оз олдин келганингизда,  
Узингиз эшитган бўлар эдингиз.

Муаллим

Наҳотки, ажалим шу ерда бўлса!  
Флоренциядан векселларимни  
Ола келган эдим, керак бўлар деб.

Транио

Қандай ёрдам берсам бўларкин сизга...  
Хўш, бундай қиламиз: айтинг-чи менга,  
Мабодо Пизада ҳеч бўлганмисиз?

Муаллим

Бўлганман, у ернинг одамларидан  
Кўпини танийман, не эди, синьор?

Транио

Унда, биласизми Винченциони?

Муаллим

Билмайман ва лекин эшитганим бор,  
Ундан ўтар бойи йўқ, дейишарди.

Транио

Ҳа, синьор, у менинг отам бўлади,  
Сиз унга жуда ҳам ўхшаб кетасиз.

Бьонделло

(Чегга)

Ҳа, ҳа, мис қозонга худди лой туюқ!

## Т р а н и о

Сизни фалокатдан қутқариш учун  
 Майли, ёрдам берай падарим ҳаққи.  
 Сизнинг унга жуда ўхшашлигингиз  
 Ишимизни анча енгиллатади.  
 Олинг унинг номи ва маблағини,  
 Отам бўлиб киринг менинг уйимга.  
 Яхши ўйнанг ролни, эҳтиёт бўлинг,  
 Ишингиз битгунча менинг уйимда  
 Мен билан турасиз, тушунарлими?  
 Маъқулми сизга бу — менинг тадбирим?

## М у а л л и м

Албатта, азизим, бир умр сизга  
 Қарздорман, эрким ва ҳаётим учун.

## Т р а н и о

Эпга келтирамиз барини, юринг,  
 Айтгандай, мен сизга билдириб қўяй,  
 Мен бунда бир қизга уйланапман.  
 Аниқламоқ учун келин маҳрини  
 Отамнинг келиши эҳтимоли бор.  
 Гаплашиб олайлик нима қилишни,  
 Юринг, ҳали сизга кийиниш керак.

(Кетишади.)

## 3-САҲНА

Петруччо уйда бир хона.  
 К а т а р и н а билан Г р у м и о киради.

## Г р у м и о

Йўқ, йўқ, онт нчаман, асти бўлмайди.

## К а т а р и н а

Тинкам қурияпти қутурган сари,  
 Очдан ўлдиришга уйландими у?

Ҳақ деб келганида гадо ҳам ҳатто  
 Биэда олар эди садақасини.  
 Тушганим йўқ-ку мен бу кўргиликка,  
 Нима кераги бор! Ахир мен очман,  
 Уйқу босяпти бунинг устига.  
 На овқат беради, на уйқу менга.  
 Ухласам, ё таом есам мабодо  
 Касалга чалиниб ўлар эмишман.  
 Ишонтирар ишқин солиб ўртага,  
 Алам қиладиган жойи мана шу!  
 Грумио, бўл энди, бирон нарса топ,  
 Ейдиган бўлса бас, нима бўлса ҳам.

Г р у м и о

Бузоқнинг оёғи бўлса, майлими?

К а т а р и н а

Жуда соз, олиб кел уни тез, югур!

Г р у м и о

Лекин, у жигарга таъсир қилармиш,  
 Еғлиқ ичак-чавоқ яхши эмасми?

К а т а р и н а

Олиб кел, уни мен яхши кўраман.

Г р у м и о

Айтгандай, синьора, бу ҳам зарарли,  
 Мол гўшти бўлса-чи, аччиқ, сермурч?

К а т а р и н а

О, менинг у жуда тансиқ овқатим.

Г р у м и о

Зўрайтирмасмиқин аччиғингизни?..



## К а т а р и н а

Майли, бемурч ҳам бўлаверади.

## Г р у м и о

Йўқ, энди кетмайди бунақа гаплар,  
Мол гўшти бўлмайди мурч бўлмаса.

## К а т а р и н а

Майли, бирга келтир, ёки, ўзини.

## Г р у м и о

Ҳа, майли, мурчнинг ўзини фақат!

## К а т а р и н а

Тур, жўна, ғаламис, муттаҳам малай!  
Мени рўйхат билан боқмоқчимисан?  
Нима, мен сенларга мазах бўлдимми?  
Қабиҳ тўданг билан қора ерга кир.  
Жўна, жўна энди, кўзимдан йўқол!

Петруччо лаган кўтариб киради. Орқасидан  
Гортензио киради.

## П е т р у ч ч о

Хўш, қани жонгинам, нега ғамгинсан?

## Г о р т е н з и о

Қайфингиз?..

## К а т а р и н а

Сўраманг, бўлганча бўлдим.

## П е т р у ч ч о

Тетик бўл, жонгинам, кўнглингни чор қил,  
Қарагин, фариштам, қандай ғамхўрман:  
Сен учун бир овқат пиширдим ўзим,  
Еқади сенга у, имоним комил.

(*Столга қўяди таомни.*)

Нега индамайсан? Еқмадими у?  
Шунча меҳнатларим зое бўлдим?  
Эй, олиб кетинглар!

К а т а р и н а

Йўқ, йўқ, тегмасян.

П е т р у ч ч о

Қани миннатдорлик шунча меҳнатга?  
Лоақал раҳмат де, ейиш олдидан.

К а т а р и н а

Раҳмат сизга, синьор.

Г о р т е н з и о

Синьор Петруччо!  
Қандай бераҳмсан, уят эмасми?  
Қани ўтирайлик, келинг, синьора.

П е т р у ч ч о

(*Гортензионинг қулоғига.*)

Қалин дўстим бўлсанг, унга қолдирма.

(*Қаттиқ*)

Ол, энди, очикдинг, ош бўлсин, жоним,  
Бўла қол, қайтамыз отангникига,  
У ерда ўйнаймиз тўйгунигимизча.  
Бисотингни, жоним, кўриб қўйишин,  
Маржон, биллагузук, либосларингни,  
Тўру ленталаринг, зебу зийнатинг,  
Елпигичингни ҳам, шляпангни ҳам  
Бир кўриб қўйишин улар, жонгинам,  
Ҳаммасини, майда-чуйдасига.

Бўлдингми? Кутмоқда машиначилар,  
Сенга хуш либослар тикмоқчи улар.

Машиначи киради.

Қани, машиначи, кўрсат молингни,  
Олиб кел.

Аттор киради.

Қанақа янгиликлар бор?

Аттор

Қалпоқча буюрган эдингиз, сударь.

Петруччо

Нима бу, тувакда дазмолладингми?  
Қандай расво нарса! Духоба товоқ!  
Фи, фи, фи! Бу ахир келишмаган гап!  
Чиғаноқ, ёинки ёнғоқ пўчоғи,  
Болалар қалпоғи ёки ўйинчоқ,  
Кўтар! Бор! Каттароқ қилиб тикиб кел!

Катарина

Каттаси керакмас. Ҳозир шу мода.  
Яхши хонимларнинг ҳаммасида шу.

Петруччо

Аввал яхши бўлгин, кейин оласан.

Гортензио

(четга)

Олиб бўпти ундан яқин ўртада.

Катарина

Менинг ҳам ҳаққим бор сўзлашга, синьор,  
Барини айтаман: Мен боламасман,

Яхшироқ одамлар тинглаган мени.  
 Еқмаса, беркитинг қулоғингизни.  
 Юракни сиққандан кўра, бир йўла  
 Тилга келганини гапирган яхши.

### Петруччо

Гапинг жуда тўғри, ярамас қалпоқ!  
 Ипакдан ясалган товоқнинг ўзи.  
 Еқмаганлигидан сенга ҳам бунинг,  
 Меҳрим сенга тағин товланиб кетди.

### Катарина

Хоҳи сев, хоҳ севма, кияман уни,  
 Менга ярашади, шунинг ўзи бас.

А т т о р к е т а д и .

### Петруччо

Қани, машиначи, кўрсат кўйлакни,  
 Е тангрим! Нима бу, маскаррадгами?  
 Бу нима? Енгими? Тўпнинг оғзи-ку!  
 Ҳамма ёғи қийиқ, кемтик, буришган!  
 Сартарошхонанинг кулдони бу!  
 Е тавба! Бу ўзи қанақа нарса?

### Гортензио

(Четга)

Кўйлак ҳам, қалпоқ ҳам кийиб бўпти у!

### Машиначи

Чиройли тикинг ва сўнгги модага  
 Мувофиқ бўлсин, деб айтган эдингиз.

### Петруччо

Ҳа, тўғри. Лекин мен айтмаган эдим  
 Кейинги модада бузиб тикинг, деб.

Бор, жұна, ўзинг кий кўйлагингни ҳам,  
 Қўрарман менингсиз кун кўрганингни.  
 Қўтар кўйлагингни! Билганингни қил.

#### Қ а т а р и н а

Бундан ҳам чиройли бўларми кўйлак,  
 Мақтовга муносиб, нозик тикилган.  
 Хўш, мени қўриқчи қилмоқчимисиз?

#### П е т р у ч ч о

Ҳа, шундай қилмоқчи у бадбахт сени.

#### М а ш и н а ч и

Синьора менгамас, сизга деяпти.

#### П е т р у ч ч о

Аҳ, безбет! Елғончи, писмиқ, пакана!  
 Ангишвонача ҳам келмайди бўйинги!  
 Бургасан, қандала, мана кимсан сан!  
 Менга кўтардингни қўлингни, ғалтак,  
 Эҳ, лахтак, увада! Ямоқ! Кет, йўқол!  
 Бўлмаса, шундайин дазмоллайманки,  
 Умрбод ёдингдан чиқиб кетар баҳс!  
 Мен деяпман уни бузиб қўйгансан!

#### М а ш и н а ч и

Йўқ, сударь, янглишманг, кўйлак тикилган  
 Бекамизга лойиқ, айтганингиздай,  
 Грумио айтди шундай тикинг, деб.

#### Г р у м и о

Мол бердим, буйруқмас сизга, оғайни.

#### М а ш и н а ч и

Қандай тик дедингиз, ўзингиз айтинг?

Г р у м и о

Е тавба! Игна, ип билан, албатта!

М а ш и н а ч и

Ахир, бичимини айтмадингизми?

Г р у м и о

Кўйлакка зар, уқа таққанмисан ҳеч?

М а ш и н а ч и

Бўлмасам-чи.

Г р у м и о

Менга эса аҳмоқликни тақолмайсан. Қанча костюм чиққан кўлингдан? Менинг кўлимдан эса, чиқиб кетолмайсан. Ана шунақа, оғайни, аҳмоқ ҳам қилолмайсан, чиқиб ҳам кетолмайсан. Мана гап қанақа бўлган: хўжайинингга мен, кўйлак бичсин, деганман, бурдалаб берсин, деган эмасман. Кўзимга қараб туриб ёлғон гапиряпсан-а!

М а ш и н а ч и

Мана фасони тўғрисида хат, унда ҳаммаси ёзилган.

П е т р у ч ч о

Уқи!

Г р у м и о

Агар унда мени шунақа деди дейилган бўлса, хат бекор айтибди.

М а ш и н а ч и

(Ўқийди)

«Биринчидан, кенгроқ бўлсин».

Г р у м и о

Хўжам, агар мен қачон «кенгроқ бўлсин» деган бўлсам, майли, мени ўша кўйлакнинг этагига боғлаб пишиқ ип билан ўлгунча уринг.

П е т р у ч ч о

Давом эт!

М а ш и н а ч и

(ўқийди)

«Еқаси жимжима бурмалик бўлсин».

Г р у м и о

Еқасини бўйнимга оламан.

М а ш и н а ч и

(ўқийди)

«Кўпчик енг».

Г р у м и о

Тўғри, ҳатто иккала енги ҳам...

М а ш и н а ч и

(ўқийди)

«Чиройли қийилган».

П е т р у ч ч о

Мана буниси расво.

Г р у м и о

Буниси хато ёзилган, синьор, хато ёзилиб қолган. Мен ўзим тайинлаб айтганман, аввал қийгин, кейин қайталаб тикарсан, деганман. Мен ҳали сенга кўрсатиб қўяман, қўллариңга ангишвона қоплаб олган бўлсанг ҳам.

## Машиначи

Нимаки деган бўлсам, сударь, ҳаммаси тўғри. Бош қа бирон ерда учрашганингда, кунингни кўрсатиб қўярдим.

## Грумио

Мен ҳозир ҳам тайёрман. Хатинг ўзингга-ю, менга ўша газингни бер, кейин, майли, аяма мени.

## Гортензио

Худо ҳаққи, Грумио! Кучлар унда тенг бўлмайди-ку?

## Петруччо

Қисқаси, бу менга тўғри келмайди.

## Грумио

Тўғри гап, хонимга тўғри келади.

## Петруччо

Хўжайининг кийсин буни, кўтар, бор!

## Грумио

Аблаҳ, агар жонингдан умидинг бўлса, бекамнини кўйлагини кўтариб бориб ўтирма хўжайинингга.

## Петруччо

Бу гапнинг маъниси не бўлса экан?

## Грумио

Аҳ, синьор, гапнинг маъниси сиз ўйлагандан кўра қалтисроқ. Хўжайинни олдида бекамнинг кўйлақларини кўтариб юриш... Фи, уят, номус, шармандалик!

## Петруччо

(Гортензиога секин)



Айт унга, тўлайман ҳамма ҳақини.

(Машиначига)

Ингиштир, деяпман! Қани, жўнаб қол!

Гортензио

(Машиначига секин)

Эртага ҳаммасин ўзим тўлайман,  
Боравер, қарама койишларига,  
Салом айт ҳурматли хўжайинингга.

Машиначи чиқиб кетади.

Петруччо

Не ҳам қилардик, Кет, отамизни кига  
Оддий шу кўйлақда жўнаймиз энди.  
Либос бўлмаса ҳам ҳамёнлар тўлиқ,  
Инсоннинг чиройи кўйлақда эмас.  
Баланд бўлганидай булутдан қуёш  
Бундай либосда ҳам баланддир қадр.  
Тўрғай беданадан қанотигина  
Гўзал бўлганидан яхши эканми?  
Е афзал деймизми чипорлигига  
Заҳарли илондан сув илонини?  
Ишон, Кет, хонаки оддий кўйлақда  
Хунук кўринмайсан ҳеч қачон сен ҳам.  
Уялсанг ҳаммасин тўнкайвер менга.  
Очилсанг-чи, ахир, жўнаймиз ҳозир  
Отангнинг хурсандлик зиёфатига.  
Чақир хизматкорни, шошилиш керак,  
Қатта хиёбонда отлар тахт бўлсин,  
Жўнаймиз сен билан ўша томондан.  
Еттига яқинлаб қолгандир соат,  
Нақ овқат вақтига етиб борамиз.

## К а т а р и н а

Еттиси нимаси, иккиннинг ўзи,  
Кечки овқатга ҳам ега олмаймиз.

## П е т р у ч ч о

Еттининг ўзида бораман, тамом,  
Ҳамма вақт мен билан баҳслашасан,  
Не қилсам, нима деб, нима гапирсам.  
Отларни бўшатиңг! Бугун бормаймиз!  
Агар бормоқ бўлиб қолсанг мабодо,  
Соат кўрсатади айтган вақтимни.

## Г о р т е н з и о

Йўлга солмоқ бўлар қуёшни ҳали.

(Кетади.)

## 4-САҲНА

Падуя. Баптистанинг эшиги. Т р а н и о билан муаллим  
киради. Муаллим Винченцо бўлиб кийинган.

## Т р а н и о

Мана шу. Хўш, нима, қоқаверайми?

## М у а л л и м

Албатта. Эҳтимол синьор Баптиста  
Эсларлар: агарда хато қилмасам,  
Йигирма йил бурун Генуянинг «Пегас»  
Меҳмонхонасида кўришган эдик.

## Т р а н и о

Жуда соз. Лекин, сиз отамга ўхшаб  
Узингизни тутинг бообрў, сипо.  
Ҳеч қўрқманг.

Бьонделло киради.

## Муаллим

Ҳа, мана хизматкорингиз,  
Таъкидлаб қўйсангиз яхши бўларди,

## Транио

Қўнглингиз тинч бўлсин. Хўш, Бьонделло,  
Эҳтиёт бўласан, маслаҳатим шу:  
Унутма, қаршингда синьор Винченцио.

## Бьонделло

Биламан, хотиржам бўлингиз бундан.

## Транио

Синьорга айтдингми менинг сўзимни?

## Бьонделло

Айтдим Бапטיстага, Венециядан  
Бугун отангизнинг келаётганин.

## Транио

Офарин! Мана, ол, соғлиғимга ич!  
Бапטיста келяпти! Дадилроқ, синьор!  
Бапטיста билан Люченцио киради.

Ҳа, синьор Бапטיста, гоят хурсандман.  
Сизга айтган эдим, мана у синьор.  
Илтимос қиламан қайнатам бўлинг,  
Қизингизни беринг, йўқ, деманг энди.

## Муаллим

Уғлим, сабр қилинг.  
Мен, синьор Бапטיста, Падуюдаги  
Қарзларни ундирмоқ учун келувдим.  
Уғлим Люченцио гапириб қолди,  
Севишиб қолганин қизингиз билан.

Сизни билганимдан орқаворотдан,  
 Бир-бирини яхши кўргани учун,  
 Болажон бир ота бўлганим учун,  
 Қийнаб ўтирмайини ўғлимни, синьор,  
 Улар никоҳига розилик бердим.  
 Бордию розилик берсангиз сиз ҳам,  
 Хоҳлаганингизча бўлур қиз маҳри.  
 Бунга мен тайёрман, мана кўрасиз,  
 Сиз, синьор, ҳурматга лойиқ одамсиз,  
 Ортиқча гапларнинг кераклиги йўқ.

### Б а п т и с т а

Синьор, гапларимни кечирадилар,  
 Менга маъқул тушди очиқ гаплари.  
 Тўғри гап, бир-бирин севади қаттиқ  
 Менинг қизим билан сизнинг ўғлингиз.  
 Анчайин бўлмаса бу гап, албатта.  
 Агар, оталарга муносиб, сўзсиз  
 Бош қўшар экансиз бу ишга дадил,  
 Мабодо Бьянка аниқ билсаки,  
 Етарли берсангиз келин маҳрини,  
 Иш битди, марҳамат, тўйга ижозат,  
 Келинликка бердим қизимни сизга.

### Т р а н н о

Ташаккур, яхшилар, қаер қулайроқ  
 Мажбуриятларни гаплашиб олиб,  
 Узаро битимга келишмоқ учун?

### Б а п т и с т а

Меники қулаймас. Биласиз ўғлим,  
 Деворнинг қулоғи бўлади, бу рост.  
 Қарол кўп, Греммо қулоғи сизда.  
 Ҳамма вақт халақит бериши мумкин.

## Т р а н и о

Унда меникига марҳамат қилинг,  
 Отам ҳам шу ерда, ҳамма ишимиз  
 Бугуноқ битади тинч, осойишта.  
 Тезроқ Камбиони юборинг қизга,  
 Мен олиб келаман нотариусни,  
 Афсуски, яхшироқ зиёфат учун  
 Вақтимиз жуда кам, синьор Баптиста.

## Б а п т и с т а

Офарин!.. Камбио, югур уйга, тез!  
 Тайёр бўлиб турсин қизим, бориб айт.  
 Бундаги гапларни айтиб бер, майли,  
 Келди, де, Люченцио отаси бугун.  
 Ҳал бўлди, деб айтгин никоҳларингиз.

## Б ь о н д е л л о

Эй худо, айтгани келсин илойим.

## Т р а н и о

Югур тез, эси паст, худойингни қўй!

## Б ь о н д е л л о кетади.

Борайлик бўлмаса, синьор Баптиста,  
 Афсуски, биргина таом бор холос.  
 Пизада чиқади булар ҳиссаси.

## Б а п т и с т а

Борайлик бўлмасам.

Транио, муаллим ва Баптиста  
 кетишади.

Бьонделло қайтиб келади.

Бьонделло

Хўш, Камбио?

Люченцио

Не дейсан, нима Бьонделло?

Бьонделло

Транио имосин англадингизми?

Люченцио

Хўш, нима демоқчи бўлди Транио?

Бьонделло

Ҳеч нарса. Лекин у мени ўзининг имо-ишоралари мағзини сизга чақиб бериш учун қолдириб кетди.

Люченцио

Хўш, қани, чақиб бер.

Бьонделло

Масала бундай. Баптистанинг хавфи йўқ, у ҳозир ёлғон ўғлининг ёлғон отаси билан гапиришяпти.

Люченцио

Хўш, нима бўпти?

Бьонделло

Сиз унинг қизини кечки овқатга олиб келишингиз керак.

Люченцио

Қейин-чи?

Бьонделло

Авлиё Лук черковίδαги кекса поп сизнинг хизматингизга ҳамиша тайёр.

Люченцио

Бундан нима чиқади?

Бьонделло

Билмадим. Лекин, улар у ерда сохта қоғозлар билан шуғулланиб бўлгунча, сиз ҳақиқий иш билан шуғулланинг, қонуний қоғозга ўтказиб олинг уни. Черковга югуринг, бирон поп билан бир неча тўғри, ҳалол гувоҳ топинг.

Шундай қилмасангиз чаққон ва илдам,  
Ишонинг, Бьянка кетади қўлдан.

Люченцио

Шошма, Бьонделло...

Бьонделло

Вақтим йўқ. Мен бир қизни биламан, азизим, у қуёнларига кашнич олиб келаман, деб қоқ тушда полизга чиққан-да, ҳаш-паш дегунча никоҳдан ўтиб олган. Сизлар ҳам шундай қилиб олсаларинг бўлади. Хўп, хайр, синьор, хўжам авлиё Лук черковига югур, сизнинг жуфти ҳалолингиз билан бирга боришларингизга, поп тайёр бўлиб турсин, деб буюрди.

(Кетади.)

Люченцио

Истайман ва лекин розимикин у?  
Йўқ, йўқ, у розидир, чекил эй, гумон.  
Нима бўлса бўлди, бораман, гап шу,  
Минг лаънат, қайтмасам агар ёнма-ён.

(Кетади.)

## 5-САҲНА

Серқатнов йўл

Петруччо, Катарина, Гортензио  
ва хизматкорлар келишади.

Петруччо

Илдамроқ, отамиз кутиб қолдилар,  
Е раббий, ой бугун бунча ҳам ёруғ!

Катарина

Нима, ой? Офтоб-ку, тунга ҳали бор.

Петруччо

Йўқ, у ой — ёп-ёруғ нур сочаётган.

Катарина

Йўқ, қуёш — ёп-ёруғ нур сочаётган.

Петруччо

Қасамёд қиламан, онамнинг ўғли,  
Яъни, хўш, ўзимнинг ҳаққимга шуки,  
Менга нур сочади истаган нарсам.  
Ой, юлдуз, бўлмасам бормайман, гап шу!  
Эй, отни қайтаринг! Унга нуқул баҳс,  
Нуқул баҳс, нуқул баҳс, баҳс бўлса бас!

Гортензио

*(Катаринага)*

Олишманг, бўлмаса йўлда қоламиз.

Катарина

Илтимос қиламан, қайтарманг, майли,  
Айтганингиз бўлсин, хўп — қуёш, хўп — ой.  
Менга деса уни шағам деб атанг,  
Мен ҳам шундай дейман сизга қўшилиб.



Петруччо

Ой, дедим, ой.

Катарина

Ҳа, ҳа, ҳа, албатта ой!

Петруччо

Тағин алдаятсан, қуёш-ку ахир.

Катарина

Ҳа-я, у қуёш-ку, қандай роҳатбахш!  
Қуёшмас десангиз қуёшмас, тамом.  
Ойдан фарқингиз йўқ ўзгаришда ҳам.  
Нима деб айтсангиз ўша бўлади,  
Ва шундай ҳамиша Қатаринага.

Гортензио

Муборак, Петруччо, галаба қилдинг!

• Петруччо

Илдамроқ, илдамроқ! Шар ўзи зотан,  
Ўргамас, пастликка юмалаши шарт!  
Шошманг-чи! Келмоқда биз томон биров.

Винченцио киради.

Петруччо

Ассалом, синьора, йўл бўлсин сизга!  
Қара, Кет, бу қизни, жуда ҳам гўзал,  
Соҳибжамол экан, шундай эмасми?  
Юзини оқи оқ, қизили қизил!  
Мана шу кўзлардай юлдузлар, жоним,  
Осмонни ёритиб туради доим.  
Нақадар чиройли, ниҳол қиёфа!

Синьора, ҳасанот қадамларига!  
Кет, қани бориб ўп гўзал санамни.

### Гортензио

Ути ёрилади чолнинг ҳазилдан.

### Катарина

Еш, гўзал санамга саломлар бўлсин!  
Йўл бўлсин, қаерда кулбан хонанг?  
Қандай бахтли экан шундай санамнинг  
Ота-оналари! Қайси бахтиёр,  
Қайси мурувватли юлдуз амри билан  
Сени атар экан хотиним дея?!

### Петруччо

Ҳушинг ўзингдами, нима деяпсан?  
Ахир бу эркак-ку, чуриган чол-ку,  
Ақлингни йиғ ахир, қизинг нимаси!

### Катарина

Ҳурматли отахон, кечир хатрим:  
Кўзларим қуёшда қамашганидан  
Зўрға кўряпман ҳамма нарсани.  
Нуроний, мўйсафид экансан, кечир —  
Мендан ўтганини, энди пайқадим.

### Петруччо

Узрин қабул қил, йўл бўлсин, синьор?  
Эҳтимол, йўлимиз биргадир балки,  
Агар шундай эса, ҳамроҳимиз бўл.

### Винченцио

Синьор, шўх экансиз, сиз ҳам синьора,  
Лутфи эҳсон билан қилдингиз ҳайрон.  
Отим Винченцио. Пиза шаҳридан,

Уғлимни кўргани келаётирман,  
Анча бўлди уни кўрмаганимга.

Петруччо

Оти нима, синьор?

Винченцио

Люченцио, синьор.

Петруччо

Тасодифни қаранг, худди вақтида!  
Энди ота, десак, бўлади сизни.  
Ҳаддимиз бор бунга: ҳозир ўғлингизнинг,  
Менинг хотинимнинг эгачисига  
Никоҳи ўқилган бўлса эҳтимол.  
Асти ҳайрон бўлманг, хафа ҳам бўлманг,  
Келинингиз ғоят баодоб, камгап,  
Баобрў, бадавлат оила қизи.  
Барча эътиборли синьорларнинг  
Хотинлари каби илмли, доно.  
Қани бир қучоқлай, синьор Винченцио,  
Ўғлингиз олдига жўнаймиз бирга,  
Сизни кўриб боши кўкка етади.

Винченцио

Ростданми ва ёки ҳазилми бу ҳам?  
Одатда йўловчи тўқнаш келганда,  
Тегишмай ўтмайди бири бирига.

Гортензио

Йўқ, йўқ, йўқ, отахон, ҳаммаси тўғри.

Петруччо

Ҳа, кетдик, ўзингиз бориб кўрасиз,  
Ишонмай турибсиз ҳазилдан кейин.

Гортензидан ўзга ҳамма кетади.

Гортензио

Петруччо, оғайни, кўзимни очдинг,  
Кеккайиб кетмоқда бизнинг бева ҳам,  
Энди мен оламан қолган жойидан.

Кетади.

## V ПАРДА

## I-САҲНА

Падуя. Люченционинг уйи олди. Аввал Гремио кириб саҳна ичкарисига ўтади, кейин Бьонделло, Люченцио ва Бьянка киришади.

Бьонделло

Аста, лекин тезроқ бўлинг, синьор, поя кутиб қолди.

Люченцио

Учганим бўлсин, Бьонделло! Сен, ахир, уйда уларга керак бўлиб қолишинг мумкин, сен боравер.

Бьонделло

Йўқ, синьор, мен аввал сизларни черковгача қузатиб қўяман-да, ана ундан кейин оёғимни қўлимга олиб югураман келинникига.

Люченцио, Бьянка ва Бьонделло чиқишади.

Гремио

Қизиқ! Бу Камбио ҳалигача йўқ.

Петруччо, Катарина, Винченцио, Гремио ва хизматкорлар киришади.

Петруччо

Мана уйи, мана эшиги Люченционинг,  
Қайнатамники бозор олдида,  
Кечиринг, мен энди боршим керак.

## В и н ч е н ц и о

Йўқ, йўқ, сабр қилинг, уйга кирамиз,  
Озгина майхўрлик қиламиз, ҳали.  
Зиёфатга у-бу топилса керак.

(Эшикни қоқади.)

## Г р е м и о

Улар маишатда, қаттиқроқ уринг.  
М у а л л и м деразадан бошини чиқаради.

## М у а л л и м

Қим у, эшикни бузгудай ураётган?

## В и н ч е н ц и о

Синьор Люченцио уйдами, синьор?

## М у а л л и м

У уйда, синьор. Лекин ҳозир унинг сиз билан гапла-  
шишга вақти йўқ.

## В и н ч е н ц и о

Агар, борди-ю, мен унинг маишатига ҳамён тўла  
пул билан келган бўлсам-чи?

## М у а л л и м

Ҳамёнлари ўзларига буюрсин, ҳали менинг кўзим  
тирик экан, у ҳеч қачон ҳеч нарсага муҳтож бўлмайди.

## П е т р у ч ч о

Мана айтмадимми сизга, Падуяда ўғлингизнинг ҳур-  
мати баланд деб. Менга қаранг, синьор, ҳазилни қўйинг.  
Барака топкур, синьор Люченциога айтинг, бу киши Лю-  
ченционинг отаси, ҳозиргина Пизадан келди, сенга қа-  
раб турибди эшигингда, денг.

## Муаллим

Қўп валдирама. Унинг отаси Пизадан аллақачон келган, у сизга деразадан бақрайиб турибди.

## Винченцио

Ҳали сен отасимсан?

## Муаллим

Ҳа, синьор. Онаси ҳам буни тасдиқлайди, агар унга ишонсалар.

## Петруччо

(Винченциога)

Бу ёғи неча пулдан тушди, синьор? Лекин дунёда бировларнинг номини ўғирлаб юришдан ёмон фирибгарлик йўқ.

## Муаллим

Ушланг у аблаҳни. У, балки, мен бўлиб бировни чув туширмоқчи бўлиб юргандир.

Бьонделло қайтиб келади.

## Бьонделло

Уларни черковга қўйиб келдим. Қўшақаришсин. Бу тағин ким бўлди? Менинг кекса хўжайиним Винченцио-ку? Энди шўримиз қуриди, тамом бўлдик.

## Винченцио

(Бьонделлони таниб)

Қани-қани, берироқ кел, қароқчи!

## Бьонделло

Оғизларига қараб гапирсинлар, синьор.

Винченцио

Бу ёққа кел деяпман, аблаҳ! Нима, мени эсингдан чиқардингми?

Бьонделло

Эсимдан? Йўқ, синьор. Мен сизни ахир қандай эсимдан чиқарайки, умримда бир марта ҳам кўрмаган бўлсам.

Винченцио

Бу тағин қанақаси бўлди, ярамас ,аблаҳ! Винченциони умрингда ҳеч кўрмаганмисан? Уз хўжангнинг отасини-я!

Бьонделло

Менинг ҳурматли, кекса хўжамними? Бўлмасам-чи, синьор, албатта кўрганман. Мана у киши ахир, деразадан қараб турибдилар.

Винченцио

Ҳали шунақами?

*(Уни уради.)*

Бьонделло

Ёрдам беринг, ёрдам беринг, ёрдам беринг! Дод, бир жинни мени ўлдирмоқчи. *(Қочади.)*

Муаллим

Бу ёққа чиқ, ўғлим ёрдам қилинг, синьор Баптиста!

*(Деразадан узоқлашади.)*

Петруччо

Четроққа чиқайлик, Кет. Нима билан тамом бўлар экан бу ғавғо? *(Четга олишади ўзларини.)*



Муаллим, Транио, Баптиста ва хизматкорлар  
чиқадилар кўчага.

Т р а н и о

Сиз ким бўласиз, синьор, нима учун менинг хизмат-  
коримга қўл кўтардингиз?

В и н ч е н ц и о

Мен ким бўламан? Йўқ, сиз ким бўласиз, синьор? О,  
умри боқий тангрилар! Доғули! Ипак либослар! Духоба  
иштон! Қизил плашч! Тик қалпоқ! О, мени худо урибди!  
Хонавайрон бўлибман! Мен у ёқда хўжалигимиз ҳақида  
жон куйдирсаму, ўғлим билан хизматкорларим ўқиш деб  
бу ёқларда ҳаммасини созуриб юрса.

Т р а н и о

Нима-нима? Нима дейди?

Б а п т и с т а

Ақлдан озганми, шўрлик?

Т р а н и о

Синьор, кўринишдан анчагина эътиборли мўсафид-  
га ўхшайсизу, аммо гапингиз ақлдан озганларникига  
ўхшайди. Бўлмасам, менинг олтин, кумуш, марварид-  
ларга ўралиб юришим билан нима ишингиз бор? Дадам-  
нинг даргоҳи кенг экан, нима қилсам, шуни қиламан.

В и н ч е н ц и о

Дадамнинг даргоҳи?! Вой, муттаҳам-е! Сенинг отанг  
Бергамо шаҳрида елкан ясаб юрибди.

### Б а п т и с т а

Сиз адашяпсиз, синьор, адашяпсиз. Хўш, бўлмаса, номи нимади, унинг сизнингча?

### В и н ч е н ц и о

Унинг номи! Унинг номини билмаслигим ҳам борми-ди ҳали. Уч ёшидан бери менинг уйимда у. Унинг номи — Транио.

### М у а л л и м

Йўқол, йўқол бу ердан, эшшак мия! Унинг номи Люченцио. У менинг яккаю ягона ўғлим, менинг, яъни синьор Винченционинг бутун ери сувига ёлғиз мерос-хўр!

### В и н ч е н ц и о

Люченцио! Демак, у ўз хўжайинини ўлдирибди! Ушланг уни! Герцог номи билан буюраман, ушланг уни! Оҳ, фарзандгинам, яккаю ягона фарзандим! Менинг Люченциоюм қани, жавоб бер, аблаҳ!

### Т р а н и о

Соқчиларни чақиринг бу ёққа!

Соқчилар киришади.

Манави тентакни авахтага жўнатинг. Падари бузрукворим Баптиста, илтимос қиламан сиздан, буйруғимнинг адо этилишидан бохабар бўлинг.

### В и н ч е н ц и о

Мени авахтага?

Гремио

Тўхтанг, соқчилар! У авахтага бормайди!

Баптиста

Узларини босиб олсинлар, синьор Гремио. У авахтага боради. Буни мен айтяпман.

Гремио

Синьор Баптиста, ўзингизга эҳтиёт бўлинг, бу шубҳали ишга аралашманг. Қасамёд қилишга ҳам тайёрманки, ҳақиқий синьор Винченцио мана шу киши.

Муаллим

Қасам ичиб кўр, юрагинг дов берса.

Гремио

Йўқ, қасам ичолмайман.

Транио

Сиз мени ҳали Люченциомас ҳам дерсиз.

Гремио

Йўғ-е, сизни биламан, Люченциосиз.

Баптиста

Олиб чиқинг бу фирибгарни, авахтага олиб боринг!

Винченцио

Ҳа, муҳожирларни ҳали шунақа кутиб оласизларми?! Нақадар қабихлик бу!

Бьонделло, Люченцио ва Бьянка киришади.

Бьонделло

Шўримиз қуриди! Ана, ана у. Қайтинг ундан, сиз ҳам рад қилинг. Бўлмасам, ҳаммамиз ҳам онамизни кўрамиз.

Люченцио

Кечиринг, ота.

Винченцио

Тирикмисан, болагинам, бормисан?

Бьонделло, Транио ва муаллим қочиб қолишади.

Бьянка

Кечиринг, отажон.

Баптиста

Сенинг айбинг не?

Қани Люченцио?

Люченцио

Мана, бундаман,  
Ҳақиқий отанинг ҳақиқий ўғли!  
Тугагунча сохта ота жанжали,  
Қўнди бошимизга никоҳ чамбар!

Греммо

Бу — фитна. Бизларни алдаб кетмоқчи.

Винченцио

Қани Транио, аблаҳ масхарабоз,  
Алдоқчи кўрнамак, беномус шайтон?

## Бап тиста

Шошманг, Қамбио-ку, ахир, бу жаноб.

## Бьянка

Қамбио айланди Люченциога.

## Люченцио

Муҳаббат мўъжиза яратди, дўстлар,  
 Мен ўрин алмашдим Бьянкани деб —  
 Транио билан. Мен бўлиб юрди.  
 Мен бўлсам бу маҳал, кўпдан кутилган  
 Ҳузур соҳилига етиб келолдим.  
 Сўрайман, отажон, кечиринг уни,  
 Менинг хоҳишимни бажарди, холос.

## Винченцио

Мени авахта қилмоқчи бўлган у найрангбознинг  
 тумшугини ерга ишқалаб қўяман ҳали.

## Бап тиста

(Люченциога)

Менга қаранг, синьор, қандай қилиб сиз менинг  
 измимсиз менинг қизимга уйландингиз?!

## Винченцио

Ташвишланманг, Бап тиста, ҳаммаси тўғри бўлади.  
 Лекин мен у аблаҳнинг жазосини беришим керак аввал.

Кетади.

Баптиста

Мен ҳам бу товламачилик, фирибгарликларнинг та-  
гига етишим керак.

Кетади.

Люченцио

(Бьянкага)

Қўрқма, отангнинг арази узоққа бормади.

Гремио

Ниятга етмадим. Шундай бўлса ҳам, лоқал тўйи-  
да бўлайин бир дам.

Кетади.

Петруччо билан Катарина олдинга чиқишади.

Катарина

Эргинам, орқаларидан борайлик, қандай тугар экан  
бунинг охири.

Петруччо

Аввал бир ўп мени, кейин борамиз.

Катарина

Нимади, кучанинг ўртасида-я?

Петруччо

Нимайди, эрингдан уяласанми?

Катарина

Уятим сенданмас, ўпичдан холос.

Петруччо

Шундайми? Бўлмаса, қайтдик уйга, юр!

Катарина

Иўқ, шошма! Упаман, жонгинам, ҳозир.

Петруччо

Мана бу бошқа гап, ўргилай сендан,  
Кеч бўлгани яхши ҳеч бўлмагандан.

Кетишади.

## 2-САҲНА

Падуя. Люченционнинг меҳмонхонаси. Баптиста,  
Винченцио, Гремио, муаллим, Люченцио,  
Бьянка, Петруччо, Катарина, Гортензио  
ва тул хотин, Транцо, Бьонделлова  
Грумиолар киришади. Грумио хизматкорлар  
билан ноз-неъматлар олиб киради.

Люченцио

Ниҳоят тугади ҳамма баҳслар,  
Орзулар ушалди; худога шукур.

Уруш тамом бўлди, ўтган дағдағалар  
 Устидан кулишнинг соати етди,  
 Тахлиф эт, Бьянка, менинг отамни,  
 Кўрдинг-ку отангга эҳтиромимни.  
 Хоним Қатарина, азиз Петруччо,  
 Гортензио, гўзал хоними билан,  
 Марҳамат, дастурхон интизор сизга.  
 Ширинлик ва шароб келади ҳозир.  
 Сўрайман, ўтиринг. Хуш бўлсин, дўстлар,  
 Самимий суҳбату зиёфатимиз.

(Ўтиришади.)

Петруччо

Ҳамиша мана шу ўтиру, егин!

Баптиста

Падуя кутади ҳамиша шундай.

Петруччо

Марҳамат ва ҳиммат кўрдик бу ерда.

Гортензио

Бизга ҳам шунисин этсайди ато.

Петруччо

Кўнгли ғаш бевадан Гортензионинг.

Бева

Қўрқита олмайсиз мени бу билан.



Петруччо

Зийраксиз, лек гапни англамадингиз,  
У сиздан қўрқади демоқчи эдим.

Бева

Ҳар ким қилар экан ўзидан қиёс.

Петруччо

Қизиқ гап.

Катарина

*(Бева хотинга)*

Нима деб тушуниш керак?

Бева

Мен тутдим!

Петруччо

Меними? Хўш, Гортензио?

Гортензио

Фикринг маъносини тутдим, демоқчи.

Петруччо

Тузатиш зўр бўлди.

*(Бевага)*

Бир ўпинг уни.

Катарина

«Ҳар ким қилар экан ўзидан қиёс».  
Бу сўзни нима деб тушунмоқ керак?

Б е в а

Қийиқ хотин уни қйнаб қўйибди,  
Эримга ҳам раво кўрмоқчи буни,  
Хўш, энди маънисин тушундиларми?

К а т а р и н а

Бемаъни бир маъни!

Б е в а

Сизни ўйловдим.

К а т а р и н а

Сиз билан бўлардим ярамас хотин.

П е т р у ч ч о

Ҳа, бопла уни, Кет!

Г о р т е н з и о

Бўш келма, бевам!

П е т р у ч ч о

Кет уни боплайди, гаров ўйнайман.

Г о р т е н з и о

Ўйнайман, мен таклиф қилмоқчи эдим.

П е т р у ч ч о

Қойилман! Қани ол, соғлигинг учун!  
(Гортензио билан қадаҳ уриштиради.)

Б а п т и с т а

(Гремиога)

Қалай сизга, синьор, аскиябозлар?

## Гремио

Сузишлари, синьор, гојтда аъло.

## Бьянка

Манглайингиз қичиб турибди чоғи,  
Зора бошингиздан шох чиқиб қолса.

## Винченцио

О, мана, қизча ҳам уйғониб қолди.

## Бьянка

Хавотир олмангиз, ухлайман яна.

## Петруччо

Иўқ энди, тегибсиз бизга ошкор,  
Сизга ҳам бир жуфт ўқ отишимиз бор.

## Бьянка

Қушманми? Бўлмаса учиб кетаман!  
Хўш, қани, мўлжалга олиб кўринг-чи?  
Синьорлар, биз кетдик, хушвақт қолингиз.

Бьянка, Катарина ва Бева кетади.

## Петруччо

Эҳ, учиб кетди-я. Бу қуш, Транио,  
Сизни ҳам қолдирган эдими доғда?  
Доғда қолганларнинг соғлиғи учун!

## Транио

Мен овга тозидай кирувдим, синьор,  
Хўжамга келтирдим не тутган бўлсам.

## Петруччо

Емонмас, қиёси итга бўлса ҳам.

## Т р а н и о

Сиз енгмоқ бұлдингиз оҳуни, лекин,  
У ҳатто ёнига йўлатмасимиш.

## Б а п т и с т а

Петруччо! Нишонга тегди-ку бу ўқ!

## Л ю ч е н ц и о

Бопладинг Транио, офарин сенга!

## Г о р т е н з и о

Тан беринг, у ахир, боплади сизни.

## П е т р у ч ч о

Бўйнимга оламан, сал ялаб ўтди,  
Ва лекин бу кулги сачраб қайтдию  
Сизни тешиб ўтди, гаров ўйнайман.

## Б а п т и с т а

Сенга ачинаман ўғлим, қайсарликда  
Ҳаммадан ўтади сенинг хотининг.

## П е т р у ч ч о

Йўқ, буни ҳозироқ исбот қиламан!  
Ҳаммангиз чақиринг хотинингизни,  
Итоаткор бўлса кимнинг хотини,  
Келади биринчи чақиринидаёқ,  
Уники бўлади гаров ҳам шаксиз.

## Г о р т е н з и о

Розиман, қанчадан?

## Л ю ч е н ц и о

Йигирма крон.

Петруччо

Йигирма? Отмиди, итмиди хотин?  
Хотинга йигирма баробар керак!

Люченцио

Бўлмаса, юз крон!

Гортензио

Розиман!

Петруччо

Бўпти!

Гортензио

Қим олдин бошлайди?

Люченцио

Мен. Бьонделло!  
Бориб айт бекангга, тез етиб келсин.

Бьонделло

Хўп, синьор.

(Кетади.)

Баптиста

Мен бир тан Бьянка учун.

Люченцио

Иўқ, нега? Бир ўзим тикаман, ота.  
Бьонделло қайтиб киради.

Бьонделло

Бекамиз банд эмиш, синьор,  
Вақтлари йўқ эмиш келишга зинҳор.

Петруччо

Бандмилар? Келишга вақтлари йўқми?  
Қойилман!

Греммо

Бу ҳолва. Ҳали ўзларини  
Бундан баттаридан сақласин худо.

Петруччо

Сақлайди, Греммо!

Гортензио

Бор, Бьонделло,  
Хонимга, эрингиз келишингизни  
Илтимос қилди, де.

Бьонделло чиқади.

Петруччо

Илтимос?.. Унда  
Шубҳасиз келади.

Гортензио

Лекин қўрқаман,  
Сизники кўнмас-ов илтижога ҳам.

Бьонделло қайтиб келади.

Хўш, қани оғайни, менинг хотиним?

Бьонделло

Қўйинг ҳазилини, бормаيمان, агар  
Керак бўясам ўзи келсин, дедилар.

Петруччо

Бу — ёмон! Қелмасмиш! Эшитдингизми?  
Қандай беодоблик, нақадар даҳшат!  
Грумио, бекангга бориб айт, хўжам  
Буюрдилар, дегин, тез етиб келсин.

Грумио чиқади.

Гортензио

Иўқ, дейди, вассалом.

Петруччо

Шундайми?

Гортензио

Ҳа-да!

Петруччо

Зарари бизники, фойдаси сизга.

Баптиста

Ё раббий! Қаранглар! У келяпти!

Катарина киради.

Катарина

Не керак, синьорим, чақирдингизми?

Петруччо

Қани Гортензионинг хотини, синглинг?

Катарина

Эзмалик қилишиб ўтиришибди.

## Петруччо

Бу ёққа олиб кел. Келмаса агар,  
Тепиб сол уларни, аяб ўтирма!  
Бор тезроқ олиб кел, мен айтяпман!

Катарина чиқади.

## Люченцио

Мўъжиза бор бўлса агар — мана шу!

## Гортензио

Мўъжиза-ку, аммо нимаси яхши?

## Петруччо

Севгиси, ороми, шодлиги, синьор,  
Қаттиққўл олдида доно итоат!  
Қисқаси, дўстларим, бахт дегани шу!

## Баптиста

Азизим Петруччо, бахтинг ёр бўлсин,  
Сен ютдинг. Уларнинг ютқизигига  
Йигирма минг крон қўшаман мен ҳам.  
Бошқача қизимнинг бошқача сепи!  
Тамоман ўзгариб кетибди қизим.

## Петруччо

Бу ютуқ, синьорлар, мутлақо ҳалол,  
Нақадар мулойим, хушфеъл, хушвақт,  
Итоаткорлигин яна кўрасиз,  
Мана у, беодоб хотинларингизни  
Ҳайдаб келаяпти олдига солиб.

Катарина Бьянка билан Беванца олиб киради.



## Петруччо

Кет, сенга шапкачанг ярашмабди ҳеч,  
Ол, жоним, бошингдан улоқтир уни!

Катарина шапкасини олиб улоқтиради.

## Бева

Худо кўрсатмасин бундай хўрликни,  
Шунақа аҳмоқдай ўтмай ҳасратда!

## Бьянка

Бу энди одобмас, тентаклик холос.

## Люченцио

Яхшийди шунақа тентак бўлсангиз,  
Сизнинг кўп доно хулқ-атворингиздан  
Юз крон йўқотдик, билсангиз, жоним.

## Бьянка

Яна ҳам тентаклик қилибсан, агар  
Баҳс ўйнаб ютқизган бўлсанг мен учун.

## Петруччо

Бу тантиқ хонимлар англаб олишсин,  
Эрига итоат қилишни ўргат.

## Бева

Нимади? Насиҳат нимаси тагин?

## Петруччо

Дадил бўл, ўшанинг ўзидан бошла!

## Бева

Бўлмайди!

## Петруччо

Бўлади! Сиздан бошлайди.

## Катарина

Уятсиз! Қошингни чимирма ортиқ,  
 Ва қўпол, ғазабли қарашинг билан  
 Кишилар дилини қилмагни сиёқ.  
 Ғазаб хазон қилар ҳуснингни, совуқ  
 Хазон қилганидай кўм-кўк чаманни,  
 Олиб кетганидай куртакни шамол,  
 Номинг ҳам ўчади. Ҳеч ерда, ҳеч вақт,  
 Ҳеч кимга керакмас қовоғинг сенинг.  
 Дейдилар, аччиғи хотин кишининг  
 Лойқаган, синиққан, чиройи ўчган  
 Бўтана чашманинг сувига тенгмиш.  
 Бир хўплам ичмайди ҳеч кимса ундан,  
 Ҳар қандай чўллаган бўлса ҳам шаксиз.  
 Эр — сенинг соҳибинг, тириклигинг ва  
 Энг катта давлатинг. Сен уйда экан,  
 Иссиқ ва роҳатда яшаб бемалол,  
 Билмайсан хатару ҳалокат нима.  
 Бу вақт сени деб эринг тинчимас,  
 Сувдами, қуруқда кечаю кундуз  
 Олишар довулу қаҳратон билан.  
 Ва ёлғиз муҳаббат истаги сендан,  
 Бир лутфу караму, ёлғиз итоат,  
 Арзимас мукофот минг азобига!  
 Миннатдор бўлгандай шоҳга фуқаро,  
 Хотин ҳам ўзининг эрига шундай.  
 Агар у заҳардир, ўжардир ёмон,  
 Итоат қилмаса эрига ҳалол,  
 Ўз ҳукмдорига хиёнат қилган  
 Исёнкор малъундан нима фарқи бор?  
 Уягга қўйдингиз мени, хотинлар!  
 Тиз чўкиб, сулҳ сўраш ўрнига, бунда

Жанг қилиб юрибсиз. Итоат билан  
 Мулозамат қилмоқ жойида эса,  
 Уялмай ҳокимлик қиласиз талаб.  
 Заифлигимиз, нозиклигимиз,  
 Нотавонлигимиз машаққатларга,  
 Тану фикр билан ва идрок билан  
 Итоаткорликнинг гувоҳимасми?  
 Эҳ, аянч, бесабр, ожиз бандалар!  
 Мен ҳам сизга ўхшаб такаббур эдим,  
 Улгудай гердайган, димоғдор, қайсар,  
 Дардга дард оларди, ўлга ўл, мендан.  
 Энди мен англадим, отганларимиз  
 Уқ эмас, пахтавон ўқ экан холос,  
 Заифликда экан кучимиз фақат.  
 Узгалар ролини қўяйлик энди.  
 Бас энди, не фойда кибру ҳаводан?  
 Бош эгинг эрларинг оёқларига.  
 Эрим нима деса тайёрман шу зум,  
 Адо этмоқ учун хотинлик бурчим.

### Петруччо

Бошларинг, ўп энди, мана бу — хотин!

### Люченцио

Қойилман, огайни, бахтли экансан.

### Винченцио

Улар қобиллиги — бахтимиз бизнинг.

### Люченцио

Хотиннинг қайсари эса — жаҳаннам.

### Петруччо

Кет, жоним, ётишга бўлмадими вақт?  
 Хайр энди, икковинг чув тушдиларинг.

Ҳеч ким ишонмаган бўлса ҳам менга,  
Мен ютдим. Азизлар, хўп, хайрли кеч!

Петруччо ва Катарина чиқиб кетадилар

Гортензио

Қийиқ қиз қуюлди, муборак бўлсин!

Люченцио

Қандай қуюлди у, тушунолмадим.

Кетади.

Парда

---

МУНДАРИЖА

5

ҚИРОЛ ЛИР.

*Ғафур Ғулом таржимаси*

203

ЮЛИЙ ЦЕЗАРЬ.

*Уйғун таржимаси*

339

ҚИЙИҚ ҚИЗНИНГ ҚУЙИЛИШИ

*Тўроб Тўла таржимаси*

*На узбекском языке*  
**ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР**  
Избранные произведения в 5-ти томах  
том II  
ТРАГЕДИИ  
КОМЕДИЯ

Редактор *Р. Абдурашидов*  
Расмлар редактори *А. Бобров.*  
Техн. редактор *Т. Смирнова*  
Корректор *З. Турсунбоева*

ИБ № 1666.

Босмахонага берилди 24.04.81 Босишга ружсат этилди  
16.11. 81. Формати 70x90 <sup>1</sup>/<sub>32</sub> Босмахона қоғози № 1  
Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л.  
17,84. Нашр л. 20,53. Тиражи 10000. Заказ № 1398.  
Баҳоси 2 с. 30 т., мелований қоғозида 4 с. 10 т.

Ғафур Ғулом номидиги Адабиёт ва санъат нашриёти.  
Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб  
савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент  
«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси.  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Шекспир, Вильям.

Танланган асарлар: 5 жилдлик (Таҳрир ҳайъати С. Азимов ва бошқ.).—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.

2-жилд. Қирол Лир. Юлий Цезарь.  
Қийиқ қизнинг қуйилиши. 1981. 488 б.

В. Шекспир «Танланган асарлар»нинг иккинчи жилдида сиз икки фожа ва бир комедия билан танишасиз.

«Қирол Лир»—инсон фожасининг энг юксак чуққиси бўлса, «Юлий Цезарь» халқ ва шахс тақдири фожасининг беқиёс кўзгусидир.

«Қийиқ қизнинг қуйилиши» гаройиб можароларга тўла комедиядир.

Бир-биридан ғоявий-бадий йўналиши жиҳатидан кескин фарқланувчи бу асарларда Шекспир маҳорати ўзига хос камол билан баралла ярқираб туради.

Шекспир, Вильям. Избранные произведения. В 5-ти т. Т. 2. Трагедии. Комедия.

И (Англ)